

И. А. ЁҚУВОВ

**ЎЗБЕК РОМАНИ
ТАДРИЖИ**

ТОШКЕНТ-2006

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY VA ЎRTA MAHSUS TA'LLIM
VAZIRLIGI

MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI ЎZBЕKISTON MIЛLIY

UNIVERSITETI

ISLOMJON ЁҚУБОВ

ЎЗБЕК РОМАНИ ТАДРИЖИ

1999



*

“Fan va texnologiya”



Ёқубов Исломжон Аҳмаджонович. Ўзбек романи тадрижи (Масъул мух. Қ. Йўлдошев). Т.; “Fan va texnologiya,” 2006 -164 б.

Ушбу монографияда миллий истиклол даври ўзбек романчилиги тараққиёт хусусиятларини назарий асосда умумлаштиришга, энг муҳим ўзгаришларнинг етакчи тамойиллари ва асосларини белгилашга ҳаракат қилинган. Ҳамза, Қодирий, Чўлпон, Ойбек романларида ғоявий-маърифий дидактикадан романтик таққин ва реалистик тасвирга томон тадрижий силжиш мавжудлигига асосланган муаллиф адабий ҳодисалар моҳиятини унинг ички табиатидан келтириб чиқаради. Бутун олам ривожланишининг тадрижи билан роман жанри тараққиётини зарурий боғланиш ва алоқадорликда олиб қарайди. Ўзбек романчилигини бир бугунликда, яхлит тарзда англашга интилади. Китобда ҳозирги ўзбек романларидаги нореалистик изланишлар жанрнинг ички динамикаси, миллий-эстетик тафаккур ривожини билан узвий боғлиқликда О.Мухтор, Э.Самандар, Ҳ.Шайхов, Т.Мурод, Ш.Бўтаев, С.Вафо, У.Ҳамдам сингари турли авлодга мансуб носирлар ижоди мисолида кузатилади.

Монография адабиётшунослар, Олий ўқув юртларининг бакалаврият ва магистратура босқичи талабалари, аспирант ва тадқиқотчилар, шунингдек, адабиёт ихлосмандларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Педагогика фанлари доктори,
профессор **Қ. ЙЎЛДОШЕВ**

Тақризчилар:

Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби,
филология фанлари доктори, профессор
С.МИРВАЛИЕВ

Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби,
филология фанлари доктори, профессор,
Ҳамза номидаги Республика Давлат
мукофот совриндори **У. НОРМАТОВ**

Монография ЎзМУ “Ўзбек филологияси” факультети Илмий Кенгашининг 28 апрель 2006 йилдаги мажлиси қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилди. (8-сонли баённома.)

© ,“Fan va texnologiya”, 2006.

Ушбу китоб падари бузрукворимиз
Аҳмаджон Мухаммадқуб ўглининг
порлоқ хотирасига бағишланади.

БИРИНЧИ БЎЛИМ:

1.1. ТУТАШ ТОМИРЛАР: ПОЭТИК ИЖОД ИМКОНИАТЛАРИ

Миллий ўзлиқни англаш ва англатиш, миллат тақдирига, унинг ўтмиши ва бугунига куйиниш масъулияти ҳамisha чинакам истеъдодлар зиммасига тушган. Шу маънода, Республикамиз Приезиденти И.А.Каримовнинг: “*Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзлиқни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат ушбу табиий жараён деб ҳисоблаймиз*”¹ - деган сўзлари ғоятда ибратлидир. XX асрнинг ўнинчи йилларидан эътиборан яратилаётган ўзбек романлари халқимизнинг эстетик эҳтиёжини қондиришга бўлган интилишлар самараси ўлароқ, ижодий тафаккур ва жанр поэтикасининг тадрижий тараққиётини таъминлади. Юксак умуминсоний ғояларни, янгилашни жараёни табиатини, бадий тафаккур ва ижодий тажриба такомили борасидаги ўзгаришларни бетакрор бадий шаклларда акс эттирган ўзбек романчилиги тадрижини яқин ҳонда кузатиш маънавий-эстетик тафаккур сарчашмаларини таъминлаган ҳамоҳанг тарзда англаш имконини беради. Юртбошимиз ҳақли таъминлаганиқридай, “*Сиёсатимизнинг асосий мақсади ...Ўзбекистонни, унинг бой ўтмишини, маданиятини ҳозирги кунини ва бу ерда амалга оширишга ташаббусли ўзгаришлар жараёнини дунёга танитишдир*”² Шундай экан, маданий-адабий тараққиётни таъминлаган ички ва ташқи омилларни ўрганишга бўлган эҳтиёж бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этади.

Ҳозирги ўзбек адабиётида мавжуд бадий шаклларнинг кўпчилиги, услуби постгалари, нозик латофат, юксак бадий маҳорат халқимизнинг неча асрлик адабий-бадий кашфиётларига туташдир. Зеро, дунё халқлари сўз санъати ҳамisha маданий - адабий ҳамкорлик заминида ривожланади. Узок ўтмишнинг умуминсоний ғоялари, бадий образлари, шаклий-услубий постгалари улуг қалам соҳиблари учун ҳамisha илҳом булоғи бўлиб келган.

Бирча халқларнинг адабиётлари қадимий гўзал тафаккур махсуллари таъминла мийдонга келиб, шаклланган. Ташқи оламнинг фантастик инъикоси инсон тафаккурининг ривожи, эътиқодига боғлиқ тарзда мазмунан бойиб борган. Мифология реал ҳаётга яқинлашган сари унинг образлари ҳаётийлик касб эти борган.

¹ Каримов И.А. XX1 аср Ўзбегасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт соҳабалари. -Т.: Ўзбекистон, 1977, 137 б.

² Каримов И.А. Миллий юксалиш йўлида. -Т.: Ўзбекистон. 1998, 122 б.

Маълумки, юнон мифологияси шу халкнинг дostonнависи, драматургу шоири, рассомю хайкалтароши учун зилол булок сифатида хизмат қилган. Улуғ Гомернинг “Илиада”, “Одиссея” дostonлари мавзуси юнонлар билан трояликлар ўртасида бўлиб ўтган уруш ҳақидаги афсона ва ривоятлардан олинган ³.

Тасвирнинг равшан ва таъсирли бўлишини таъминлашга уринган Гомер табиатдаги ва кундалик ҳаётдаги ходисалар, воқеа-манзаралар, қахрамон хатти-харакатию кифоаси тасвирини ўқтин-ўқтин муқояса қилиб борган. Шу асосда алоҳида-алоҳида кўринган манзара ва тушунчаларни йиғиб, яхлит тасвири хосил қила олган. Бугунги ўзбек романчилигида ҳам реаллик билан ҳаёлот, афсона, ривоят, ҳикмат билан реал қисмат кўшилиши каби ҳолатлар кўзга ташланади. Бу ҳол модернизм билангина эмас, балки тарихий анъанадан буткул узилмаган тарзда изоҳланиши мақсадга мувофиқдир.

Гомер асарларига мазмунан яқинлик, қахрамонлар тасвири ва бадий воситаларидаги ўхшашлик Шарқ ва Ғарб халқлари адабиётида яққол кўзга ташланади. Бундай умумий муштараклик ҳаётий шароит, жанр тараққиёти, услуб, анъана сингари масалаларга бориб тақалади. Эпик анъана доирасида олиб қарасак, жаҳон халқлари фольклорига хос кўплаб услубий ўхшашликлар кўринади. “Манас”даги Манас, “Нибелунгнома”даги Зингфрид, “Алпсмиш”даги Алпсмиш; “Амирина”, “Сосунлик Довуд”, “Жангар”, “Гесер”, “Гурўгли”, “Маспошио” дostonлари қахрамонларида ҳам тарихий давр идеаллари мужассамлашган. Улар ўртасида жуда кўп шаклий-услубий муштаракликлар мавжуд.

Улуғ Фирдавсий “Шохнома”⁴ асарида тарихий-адабий анъанага эргашиб, Шарқ киссаларидан унумли фойдаланган. У Хисрав, Ширин каби образларга мурожаат қилган. Реал воқеаларга соянома ва саргузаштларни кўшиб тасвирлаган. Ўз даври зиддиятларини ишқий саргузаштлардан фойдаланиб, ифодалашни кўзлаган Низомий ижодий концепциясига кўра ҳар қандай шахсий номағруб майллар, хусусан, худбинлик иллатини қаттиқ коралар экан, илм-маърифат, севги-садоқат, ободончилик-осойишталикни улуглаган, анъанага ижодий ёндошган. Хисрав Дехлавий ҳам асарларининг сюжет қурилиши, образлар талқинида шу йўлдан борган. Навоийнинг ноёб эпик қобилияти намунаси бўлган “Ҳамса” дostonларида ҳам анъана билан боглик адабий факторлар роли бекиёсдир.

Барча замонларда илғор фикрли кишиларнинг тафаккури ва руҳиятини даврнинг муҳим ижтимоий-ахлоқий муаммоларидан келиб чиқувчи масалалар забт этган. Улар ўз даври тафаккури доирасида муҳим саналган масалаларга муайян муносабат билдирганлар.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, ҳар бир муаллифгина эмас, бир муаллифнинг турли асарларида ўзига хос бетакрор ғоявий-бадий услубдан фойдаланилган. Шу тариқа адабиётимиз гўзал фикрлар ҳисобига ҳам, нозик

³ Бу ҳақда қаранг: Гомер. Илиада. Т.: Адабиёт ва санъат, 1988

⁴ Қаранг: Фирдавсий. Шохнома. Т.: Адабиёт ва санъат, 1994

ва ёркин маъноларга ҳам бойиб, шаклан ранг-баранглик касб эта борган. Бироқ мифологик шакллардаги адабий меросларга фаол мурожаат қилиш барча даврлар адабиётига хос хусусиятдир. Муҳими, мавжуд анъанани гоъвий-бадий, шаклий-услубий жиҳатдан давр ҳаёти ҳамда замонанинг долзарб масалаларига узвий туташтириш, поэтик ижод имкониятларини янада кенгайтиришда маҳорат кўрсата билишдадир.

Синкретик характерга эга бўлган Навоий ижодида салафлари Фирдавсий, Аттор, Румий, Низомий, Хусрав Дехлавий, Умар Хайём, Шайх Саъдий ва ўз замонида яшаган устозлари Лутфий, Жомийларнинг илғор гоъвий-бадий анъаналарини ҳам, ўз ижодий тажрибаларини ҳам кузатамиз. Аксарият улкан сўз санъаткорлари каби Навоий ҳам тўлақонли истеъдоди ва маслагини намоён этишда ранг-баранг бадий-услублардан ижодий фойдаланган. Унинг ягона эстетик идеали ҳар бир алоҳида дostonида хилма-хил бадий кўринишларда ифодаланган экан, бу Навоийнинг бадий-эстетик фантазияси бойлиги, истеъдод йўналиши серқирралиги билан изоҳланади.

Шоирнинг тасвир маҳоратидаги сержиллолик ва бўёқдорлик ўзига хос тарзда уйғунлашиб кетади. Унинг илғор санъаткорлиги анъана доирасида чеklangаниб қолмасдан, оригиналликни таъминлай олишида яққол намоён бўлади. Биз Навоий мероси мисолида поэтик ижод имкониятлари барча замонларда ҳам бекиёс эканлигини, фақат уни юзага чиқаришда истеъдод ва маҳорат зарурлигини англаймиз.

Навоийни “*фикр санъаткори*” сифатида намоён этган “*Ҳайрат ул-аброр*” дostonи “*Махзан ул-асрор*” (Низомий), “*Матла ул-анвор*” (Дехлавий) кутубхоналаридан баҳра олиш, ривожлантириш асосида юзага келган. Фалсафий-дидактик дostonчилик анъаналарини ривожлантирган Навоий ўзининг адабий-фалсафий, этик-эстетик, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий қарашларини ифода эта олди. У дидактик тасвир етакчилигига путур етказмаган ҳолда анъанавий тасвирий воситалар, бадий сифатлаш ва таққослашлар, ҳикоя, масал ва ривоятлардан унумли фойдаланди. Буларсиз дostonнинг эстетик таъсирчанлиги таъминланмаган бўлар эди. Навоий аллегорик, реалистик ва дидактик ҳикояларни дostonга киритиб, мазкур жанрларда ҳам маҳоратини ўзига хос тарзда намоён этди⁵.

Дарҳақиқат, Навоий “*манзум дурлар*” ҳақида “*онча сўз*” деган мутафаккир. У ишқий-романтик дoston саналмиш “*Фарҳод ва Ширин*”⁶ да анъанавий асарларда эпизодик ўрин тутган Фарҳод образи билан боғлиқ ҳикояни асос қилиб, мавзу эътибори, гоъвий асослари, образлар олами билан ўзига хос дostonни ярата олган. Икки ёшнинг мухаббатини кенг планли саргузашт сифатида тасвирлар экан, асар тўқимасини янги-янги лавҳалар билан бойитиб борган. Навоий солномалар, архаик-эпик манбалардан сараланган ишқий-романтик дoston имкониятларини анча кенгайтди. Ўз эътиқоди, эстетик идеалини, ошиқона ва орифона қарашларини ифодалади. Гоъвий мазмун ва сюжетда қўпқатламлиликини, характерлар тасвирида

⁵ Қараг: Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Адабиёт ва санъат, Т.: 1989

⁶ Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. Т.: Адабиёт ва санъат, 1989

мураккабликни, тил ва услубда уйғунликни таъминлай олди. Навоийнинг юксак гуманизми, дostonларининг шакл бирлиги эътибор қозонди.

Навоий дostonларида афсоналардан мувофиқ шакл “*либоси мавзун*” таълаб, тафаккуридаги ўй-фикр, кўнглидаги туйғулар, хайёллари олам (тахайюл) идаги орзу-интилишларини “*руҳ майли*”га мувофиқ ифодалади. У “*Лайли ва Мажнун*”⁷ ни ёзар экан, “*маъниси дақиқу*” (теран), “*лафзи ширин*” (ифода ва услуби) янги дoston яратишни ният қилган. Тинимсиз изланишларидан кейингина бу ишга қўл урган.

Бугунги насримизда ҳам маънавий-рухий, шаклий-услубий изланишлар кўпроқ кузатилаётган экан, диний-исломий ақидалар, тасаввуф фалсафаси ва эстетикаси, ижтимоий-ахлоқий ёндошув, шарқона миллий рухнинг янгича ифода шакллари билан қўшиливи поэтик ижод имкониятларини янада кенгайтириши шубҳасиздир. Бугунги романларда бадиийлик ва тарихий хроника, илмийлик қоришиқлиги ҳам кузатиладики, бу унинг маълум даражада ўрта аср насри аъёнларидан унча узоклашмаганлигини ҳам кўрсағади. Зеро, санъат ҳар бир тарихий туб ўзгаришлар даврида буткул қайтадан қурилмайди. У ҳамisha адабий таърибаларга кучли эҳтиёж сезадики, бу эстетик қонуниятлар билан узвий алоқадор тарзда кечади.

Аъёнларнинг ижодий давом этиши жаҳон адабиёти илғор реалистик таърибаларини дадил ўзлаштиришни, эстетик тамойилларнинг ўзгараётган тафаккур таъсирида янги мезонлар сари интилишини, адабий ва ижодий таъсирни инкор этмайди. В.Г.Белинский тўғри таъкидлаганидай: “*Адабиётнинг ҳамма томонида жонли тарихий алоқа мавжуд. Унда ҳеч бир ҳодиса тасодифан юз бермайди, янгиси эскисидан ўсиб чиқади, кейингиси аввалгиси билан изоҳланади*”⁸. Шу боис ҳам ўзбек адабиётдаги у ёки бу ҳодисани алоҳида ажратиб қараш ва таҳлил этиш жаҳон адабиёти контекстидаги муайян муштарақликни кўрмаслик, туташ томирларга диққат қилмаслик бўлар эди. Адабиёт қанчалик мураккаб жараёнларни бошидан кечириб, умуминсоний пафосини кенгайтирмасин, сўз санъатининг туб моҳияти ўзгармайди. Адабий жараён диалектикаси тақозосига кўра эса умуминсоний мазмун миллий заминдан озикланади. Шу маънода ўзбек адабиётининг бугунги кунда миллий аъёнларга тобора яқинроқ бориш орқали самарадор жиҳатларини ўзлаштириши унга ўз бетакрор қиёфасини намоён этиш имконини беради.

1.2. «ТУРКИСТОН ШЕВАСИНДА НАШР ҚИЛИНГАН ИЛК ТАЪСИРЛИ РЎМОН»

«Ал ислоҳ» журнали 1915 йил 15 июль сонида Хамзанинг «*Янги саодат*» романи ҳақида тўхталар экан, шундай ахборот беради: «*Янги саодат исмли 46 саҳифали туркий ва Туркистон шевасинда бир миллий рўмоннинг янгидан таъб бўлув, нашр қилинуви бизни кўп масрур этди. Халқни ўқув ва ёзув тарафига тарғиб қилмоқ учун ҳозиргача Туркистон шевасинда*

⁷ Алишер Навоий *Лайли ва Мажнун*. Т.: Адабиёт ва санъат, 1990

⁸ Белинский В.Г. *Избранное филофоские сочинения*. Т. 2. с. 284

бунигдек таъсирли рўмон нашр ўлинмаши, десак муболага бўлмаса керак. Бу рўмоннинг муҳаррири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий жаноблари ва ношири Хўқандда «Мадоро» кутубхонасидир».

«Янги саодат» асарининг жанри муаллиф томонидан «миллий рўмон» деб белгиланган бўлиб, ушбу асарни ўзбек адабиётида роман жанрини яратишга бўлган дастлабки уриниш деб караш тўғри бўлади. Ҳақиқатан ҳам бу роман яратилган даврларда илк «таъсирли рўмон» сифатида эътироф этилган. Унинг нашридан илмий-адабий жамоатчилик «кўп масрур» бўлганлигида зинҳор муболага йўқ.

Адабиётшунос олим Ю.Султонов ёзувчининг автобиографиясига таянган ҳолда Ҳамза 1908 йилдаёқ «Ҳақиқат кимда?» номли «рўмон» яратган деган фикрни илгари суради⁹. Шоирнинг «Яшил гул», «Сариқ гул» (1916) тўпламлари охирида келтирилган «Ҳ.Ҳакимзода тарафидан таъъинуб сотилмақда ўлан рисоалар» рўйхатида «Янги саодат» дан ташкари «Турмуш аччиқлари» (Миллий рўмон.) номли асар ҳам қайд қилинади¹⁰. Бундай фактни «Сариқ гул» (1916) тўпламининг охиридаги рўйхатда ҳам учратамиз. Бироқ бу ўринда «Янги саодат» романи «Турмуш аччиғи» (Миллий рўмон) номи билан тилга олинади. Мазкур асарларнинг қўлёзмаси мавжуд эмас.

Ҳамзанинг «Учрашув» (1916) номли роман ёзганлиги маълум. Айрим манбааларда бу асар «Тўрт ишқ» номи билан тилга олинади. Асар қўлёзмасининг тўла нусхаси ҳозиргача топилмаган бўлса-да, бизгача етиб келган биринчи қисми нашр қилинган (1988) Келтирилган манбааларга таянган ҳолда Ҳамза романлари қуйидагилардан иборат деган хулосага келиш мумкин:

1). «Янги саодат ёхуд миллий роман». 1908-1910 йилларда қўлёзмаси тийёрланиб, муаллиф томонидан 1914 йилда қайта тахрир қилинган, 1915 йил 5 мартда «Мадоро» кутубхонаси ноширлигида босилиб чиққан. Кейинчалик Ҳамза беш томлик «Тўла асарлар тўплами»нинг. Иккинчи том (1988) га киритилган.

2). «Ҳақиқат кимда?». Бу асарнинг 1908 йилда ёзилганлиги факти маълум.

3) «Турмуш аччиғи» (Миллий роман) 1916 йилда нашр қилинганлиги ҳақида маълумот бор.

4). «Учрашув» («Тўрт ишқ») 1916 йилда ёзилган ва бизгача биринчи қисми етиб келган.

Адабиётшунос Л.П.Қаюмов Ҳамза романлари ҳақида тўхталар экан, қуйидагиларни таъкидлайди: «Ўзбек адабиёти тарихида романинг биринчи намунасини, шу термин, шу жанр, шу тушунчани биринчи марта олиб кирган»¹¹.

⁹ Қаранг: Султонов Ю. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳақида муҳим ҳужжат. Ўзбек тили ва адабиёти. 1963, № 1, 13 б.

¹⁰ Ҳамза Ҳакимзода Нисзий. Тўла асарлар тўплами. 5 томлик 2-том. Т.: Фан, 1988, 476-479 б.

¹¹ Қаюмов Л. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва поэтик ижоди. Фил. Фанлари доктори... дисс. Т.: 1963

Ўзбек романларининг таракқиёт йўлини илк бор монографик йўсинда ўрганган олим С.Мирвалив Ҳамзанинг романчилик фаолиятини жуда юксак баҳолайди. Адибни «*биринчи романист*», «*проза асарларининг тур ва жанрларга бўлинишига асос солди*», «*бадший нутқ формасининг кўп овозлилик титини яратди*»¹² деб билади.

Ушбу ўринда Ҳамзанинг «*Янги саодат*» ва «*Учрашув*» романлари ҳақидаги қарашларимизни ифодалашдан кўзланган мақсад уларга бўлган муносабатлар нафақат бугунги романчилик ютуқлари доирасида, балки мазкур асарлар яратилган даврдан ҳам, ХХ асрнинг 70-йилларидан ҳам сусайганлигидир. Бунинг боиси мазкур мавзуга тажрибали адабиётшуносларнинг қўл уришмаганлигида эмас, балки кечагина шўро даври адабиётининг «*ягона асосчиси*» сифатида тақдим қилиб келинган, ўша давр ҳукмрон мафқураси томонидан астойдил ҳимоя этилган Ҳамзанинг ниҳоятда мураккаб тақдири ва серқирра ижодини тамомила янгича асосларда ўрганиш анча қийин кечганлигидадир.

Фикримиз тасдиғи учун олий таълим дарслик ва қўлланмаларидаги Ҳамза романлари таҳлилини исузатиш мақсадга мувофиқдир. 1990 йилда «*Ўқитувчи*» нашриётида чоп этилган университетлар ва педагогика институтларининг филология факультетлари учун дарслик ҳисобланган «*Ўзбек совет адабиёти тарихи*»да Ҳамзанинг «*Янги саодат*» романи «*йирик ҳикоя*» деб баҳоланади. Адибнинг маърифатпарварлик қарашлари эса ижтимоийликдан йироқ бўлган бир қадар чекланган дунёқараш сифатида танқид қилинади¹³. Асарнинг замонавий ҳаётдан олинганлиги ва реализм йўлида ёзилганлиги шунчаки қайд қилинади. Унда на маърифатпарварлик адабиёти, на реализмнинг унсурлари таҳлиллар орқали кузатишмайди.

С.Мирзаев ва С.Шермухамедовлар каламига мансуб «*Ҳозирги замон ўзбек адабиёти тарихи*»¹⁴ укув қўлланмасида «*Янги саодат*» нинг ҳажми, таркибий тузилиши ҳақида қисқача маълумот берилгач, асарга синфийлик қолиплари нуқтан назаридан ёндошилади. Натижада Ҳамза «*меҳнаткашлар*»ни (?) илмли-билимли бўлишга, хунар ўрганишга даъват этган адиб бўлиб чиқади. Романда тасвирланган оиланинг бахтсизлиги Абдуқаҳҳор «*бойвачча*» (?)нинг илмсизлиги, хунарсизлиги ва меҳнатдан бўйин товлаши оқибати тарзида баҳоланади. «*Ўрта ҳол деҳқон қизи*» (?) Марямнинг бош қахрамон (?) қилиб олинishi ва самимий муҳаббат билан тасвирланиши олқишланади.

«*XX аср ўзбек адабиёти тарихи*»¹⁵ дарслигида Ҳамзанинг янги давр адабиётини яратувчиларидан бири эканлиги эътироф этилади. Унинг ижтимоий тафаккуримиз тарихидаги ўрни бир қадар тўғри белгиланади. «*Янги саодат*» ҳақида сўз кетганда, роман хотимасида адиб лирик чекинши қилиб, айрим ҳадислардан далиллар келтириш орқали кўзланган мақсадга эришиш усулидан фойдаланганлиги таъкидланади.

¹² Мирвалиев С. Ўзбек романи. Т.: Фан, 1969, 55-62 б.

¹³ Каттабеков А., Мамажонов С. ва бошқалар. Ўзбек совет адабиёти тарихи. Т.: Ўқитувчи, 1990, 134 б.

¹⁴ Мирзаев С. Шермухамедов С. Ҳозирги замон ўзбек адабиёти тарихи. Т.: Ўзбекистон, 1993

¹⁵ Каримов Н., Мамажонов С. ва б. ХХ аср ўзбек адабиёти тарихи. Т.: Ўқитувчи, 1999, 100 б.

Сайдулла Мирзаевнинг яқиндагина нашрдан чиққан «XX аср ўзбек адабиёти»¹⁶ китобида айтилишича, гўё Ҳамза романнинг «*Қирин сўз*» ида асарини «*қора меҳнатчилар*»га бағишлаганлигини кайд этган эмиш. (109-бет) Ваҳоланки, Ҳамза романнинг «*Ихтор*» қисмида «*қора халқимиз*» иборасини қўллайдик, яхлит бир халқни ҳеч қандай табақага ажратишни кўзламаганидек, ҳунар ўрганишга ҳам давват этмайди. Ҳамза айтганидай, мазкур «*қирот рисоласи*»да кўпроқ ахлоқий-маърифий тарбия хусусида сўз боради.

С.Мирзаев роман қаҳрамони Абдуқаҳхорни «*бойсачча*», «*ўқимаган*», «*дангаса ва қиморбоз*», «*ҳеч қандай ҳунари йўқ*» (?)лиги туфайли шармандаю шармисор бўлиб, оиласини ташлаб қочиб кетган, Тошкентда хору зор бўлиб, дайдиб юрган бир киши сифатида тақдим этади. Марямнинг ундан устунлиги «*меҳнатқаш*»лиги эканлиги таъкидланади. Муаллиф Олимжоннинг бахтга эришувини-да «*қалол меҳнат қилиб пул тоғиш*» да кўрганлиги кишига жуда эриш туюлади. Чунки бу Ҳамзанинг романдан кўзлаган мақсадига мутлақо зиддир.

Кўринадики, китоб муаллифининг Ҳамза романларига бўлган муносабати 1993 йилдаги ўқув қўлланмасида баён қилган фикрларидан деярлик фарқланмайди. У ҳамон синфийлик ақидаларида собит туриб «*Янги саодат*» ни талқин қилишга уринади.

Демак, Ҳамза романлари, хусусан «*Янги саодат*» га муносабатда ҳануз эскича қарашлар эпкини сезилиб туради. Танишганимиздай, Ҳамза романи мавжуд дарслик ва қўлланмаларда ҳамиша ҳам ҳолис таҳлил этилмаган. Уларнинг айримларида адиб насрига хос хусусиятлар ўтмиш мафқураси таъсирида мутлақо нотўғри талқин қилинган. Натижада бугунги талаба ёзувчининг насрий мероси ҳақида етарлича маълумот ололмайдигина эмас, баъзан тўғри йўлдан чалғитилади ҳам.

Қизик шундаки, мазкур дарслик ва қўлланмаларнинг барчаси Ҳамза беш томлик тўла асарлар тўплами чоп этилганидан кейин дунё юзини кўрган. Адиб насрий асарлари матни тўла изоҳлар билан нашр қилинган¹⁷ лиги, улардан фойдаланиш имкони мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди. Ҳамзага тегишли бобларни ёзган И.О.Султонов, С.Мирзаев, С.Шермухамедов, С.Мамажонов сингари таниқли устозларимиз негадир бундай йўлдан боришмаган.

Шубҳасиз, биз бу олимлар меҳнатини тўла қадрлаймиз. Уларнинг шахсияти ва салоҳияти, илмий-адабий жамоатчилик олдидаги хизматларини эъозлаймиз. Бироқ муайян ижодкор бадий олами бевосита матндан келиб чиқиб ёритилмас экан, чинакам ҳолислик юзаги чиқмаслиги барчамизга аён эканлигини ҳам таъкидлашга журат этамиз. Эндиликда, бадий матн тадқиқи тақомилга юз тутиши табиий бир ҳол эканлиги далласида, устоз Абдулла Қодирий айтганларидай, ҳавасимизда жасорат этар эканмиз, мана шунинг

¹⁶ Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти. Т.: «Шарқ» НМАК Бош тахририяти. 2006, 109-110 б.

¹⁷ Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. 5 томлик. 2-том. Т.: Фаъ, 1988 (Изоҳ: Романдан келтирилган иктибослар шу нашрдан олинди, кавс ичида саҳифа кўрсатиб борилди)

далдасида, бизнинг тахлилларимиз ҳам хаваскорлик оркасида кечадиган кусур ва хатолардан холи бўлмаслигидан чўчиб ўтирмадик.

Роман воқеаларига асос бўлган сулоланинг бошида турган Ғози номли савдогар мол-дунё йикқан ва шу йўлда машаққат чеккан. Бироқ роҳатини кўра олмаган. Унга икки газгина қора тупроқ насиб этган холос. Ҳамза уни: «*бир ёдгорсиз, дунёдан беному нишон кетди*» - деб тавсифлайди. (401-бет) Бизнингча, романнинг аксарият қаҳрамонлари сингари Ғози савдогар тақдирини англамоқ учун асарнинг эпиграфида келтирилган ушбу байтга диққат қаратмоқ лозим:

*Ўқуб таҳсил шим айла, маориф шарбатин ютгил,
Тилингни жаҳлдан қутқор, гами миллат била ўтгил.*

Демак, Ғозибойнинг жоҳиллиги унинг дунё молига меҳр қўйгани холда, фарзандини маърифатдан маҳрум қолдирганлигида кўринади. Акс холда адиб оркасида мунис аёли Рузвон, йигирма беш ёшга тўлган ўгли Абдуқаҳҳор, оқила Марямдай келин, шириндан-ширин икки нафар невараси бор кишини юкоридаги каби «*бир ёдгорсиз, дунёдан беному нишон кетди*», деб таърифламаган бўлар эди. Англашиладики, адибнинг назарида жоҳиллик нотўғри тарбия туфайли келгуси насларга ўтувчи ва миллат истикболи учун фалокатли иллат.

Ғозибойдаги очкўзлик ,моддий дунёга ортиқча меҳр боғлашдек хайвоний сифат тарбияда ғолиб келиб, Абдуқаҳҳорда мулкни зоеъ қилишдек ёввойиликни келтириб чиқаради. Ёшлиқда, балоғат ёшида ҳали ақлан тўлишмаган, отаси давлати соясидагина юрган Абдуқаҳҳор ҳаётнинг ногаҳоний зарбасига тайёр эмас. Шу боис ҳам ўзининг ярамас одатларини тарк эголмайди. Маърифатдан маҳрум –жоҳил бўлиб вояга етгани учун-да ғофиллигидан беҳабар. Аммо унинг тарбиясида вақт қўлдан бой берилган. Бу эса хунук оқибатларга олиб келади. Адиб буни романда Абдуқаҳҳор тақдири мисолида кўрсатади. Ақл-фаросатдан маҳрум, нодонлик ва қабиҳлик йўлига кирган роман қаҳрамонига ланд-насихатлар таъсир қилмайди. Натижада ичкилик ва киморбозлик каби зарарли амалларга муккасидан кетади. Сал фурсатда отасидан қолган мол-мулкни барбод қилиб, қарзга ботади. Гўлаҳда тунаб киморбозликдан келадиган чўтал ҳисобига қорнини тўйғазувчи, оила ришга тарини мустаҳкам тута олмайдиган, масъум гўдакларига шафқат ва мурувват назари ила боқмайдиган кимсага айланади.

Абдуқаҳҳор образи қайсидир жиҳатлари билан Бехбудийнинг «*Падаркуш*»¹⁸ драмасидаги Тошмурод, Қодирийнинг «*Жувонбоз*»¹⁹ асаридаги Саъдулла сингари қаҳрамонларга менгзайди. Бироқ кўпроқ Чулпон яратган «*Доктор Муҳаммадиёр*»²⁰ ҳикояси қаҳрамонига яқин туради. Агар Бехбудий ва Қодирий қаҳрамонлари тақдири фожей нуктада тугаган бўлса, Чулпон ҳикоясида маънавий бойиган кишининг моддий жиҳатдан-да тўқис ҳаётга

¹⁸ Қаранг Бехбудий. Падаркуш // Шарк юлдузи. 1989, № 7

¹⁹ Қодирий. Жувонбоз // Тула асарлар тўплами. 6 жилдлик. 1-жилд. Т.: Фан, 1995, 19 - 26 б.

²⁰ Чулпон. Доктор Муҳаммадиёр // Асарлар. 3 жилдлик. 2 – жилд. Т.: Алабиёт ва санъат, 1994, 270 – 282 б.

эриниши гоёси илгари сурилади. Ҳамза ва Ҷулпон илмга интиланларга толе ёр бўлади деган ақидани тасдиқлаш йўлидан борадилар. Шу бис ҳам Абдуқаҳҳор Тошмурад ва Саъдулладан фарқли ўлароқ ўғирлик ёхуд қотиллик йўлидан бормаиди, ўнғланади.

Умуман, ўзбек маърифатчилик адабиёти, хусусан, насрида маърифатли бўлмай туриб бахтиёр кунларга эришиб бўлмайди, деган фикр ташвиқий равишда илгари сурилади. Бизнингча, бу ҳол даврнинг реал талаби, шунингдек, тасвир маҳоратини эгаллаш йўлидаги изланишлар билан боғлаб изоҳланмоғи керак. Бундай типдаги асарларда воқеа устунлиги ва образларнинг бир қадар хиралашуви кузатилганлиги шундай ҳукм чиқаришга туртки беради. Кўпчилик маърифатпарварлар қатори Ҳамзанинг ҳам маҳаллий миллат вакиллари бўлган бойлардаги бефарқлик оқибатида келиб чиқувчи маърифатсизликни кўрсатиши мутлақо тасодиф меваси эмас.

XX аср бошлари ўзбек насрида дидактизм унсурлари сероб бўлиши, реализм ўзини тўла намойиш эта олмаслиги ҳам табиий ҳолдир. Чунки янги адабиётимиз эндигина шаклланиш даврини бошидан кечираётган эди. Адабиёт ижтимоий ҳаёт таъсиридан узоқлашмаган эди. Янги ўзбек адабиёти Шарқ Фарб илгор анъаналарини ўзлаштиришнинг илк босқичида эди. Насримизнинг етакчи мақсади қаҳрамонларни оддий одамлардан танлаб, улардаги олийжаноблик, маънавий поклик, хайру саховатни улуғлашда қўринди.

Китобхоннинг янги усулдаги асарларни тушуниб ўқий олиши кийин кочаётганини ўз вақтида англаган Ҳамза «Янги саодат» ни тартиб беришда мазкур жиҳатни инобагга олганлигини таъкидлаб ёзади: «Бу рисола эски мактабга махсус ўлмади, балки қора халқимизни эру хотунлари орасида ўқулуб турган «Жамшид», «Зарқум», «Алдарқўса», «Баёз», «Далли Мухтор», «Гуландом», «Афанди» каби... китоблар ўрнига истифодалик бир қироят рисоласи бўлурмикин, деган хаёл била ёзилган учун аларни ўқуб тушуноқларига шояд осон бўлур эди, деб бутун эски имло ва эски усулда тартиб берилди ҳамда соддароқ ёзилди». Муаллиф олдида янги давр ҳаёти қўйган талаблардан ижодий ният ўсиб чиққанлиги аён бўлади. Адиб ўз имкониятлари доирасида қалам тебратганида тамомила янгича усулда ва бир қилар мураккаброк роман ёзиши ҳам мумкин эканлиги ойдинлашади.

Кейинчалик Қодирий ҳам Ҳамза бошлаб берган шу анъанани давом қилдилар экан, янги даврга монанд асарлар яратишга мажбурият сезганлигини ифода этиб ёзган эди: «Модомики биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эрганишимиз ва шунга ўхшаш дostonчилик, романчилик ва ҳикоячиликларда ҳам янги асарлар яратишга, халқимизни шу замоннинг «Тоҳир ва Зухра»лари, «Чор дарвиш»лари, «Фарҳод ва Ширин» ва «Бахромеур»лари билан таништиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз». Англишиладики, ҳар иккала адиб ҳам янги замон романчилиги билан китобхонни таништириш истак-ҳавасида қўлига қалам олишган.

Бинобарин, мазкур романлар бир қадар «ибтидоий» бўлиши бир жиҳатдан, бу йўсиндаги тажрибаларнинг энди бошланаётганига, иккинчи

жиҳатдан, романчилик соҳасда қалам тебратиш иктидорига эга мутахассисларнинг камлигига, *учинчидан* эса китобхон эҳтиёжини инобатга олиб аксарият ўринларда атайлаб эскича услуб ва соддарок тилда тартиб берилганлиги сингари факторларга бориб тақалади.

Агар диққат қилинса, Ҳамза Шарқ фольклорининг латифа, дoston сингари анъанавий жанрларидаги асарлари билан янги давр ижтимоий-эстетик талабларига жавоб бериш мушкуллигини ўзбек романапислари ичида биринчи бўлиб англаганлиги аён бўлади. У роман жанрига қўл ураётган, реал ҳаётда амалий нафи тегадиган рисола яратиш иштиёқида бўлган. Ҳатто у «рисола» ни иккинчи марта тартибга келтириш ниятида ҳам бўлган. Бу борада ўзига фикрдош, миллатдош қалам аҳлининг фикр-мулоҳазалари ниҳоятда асқотишини ҳам яхши билган. Адиб танқиддан мурод даставвал қалам аҳлига ижодий кўмаклашиш бўлиши кераклигини ёқлайди. Китоб ҳақидаги фикр-мулоҳазаларнинг хусусий бир мактуб ила муаллифга билдирилишини ўтиниб сўрайди: «...янги матбуот ошнолари бўлгон фикрдош, миллатдош соҳиб ал-таҳрир ва ал-қалам қоринларимиздан бу рисоламни имло ва таҳриридаги келишмаган бир хил жойларин айбга санамай, тараҳхум узасидан афу қилмоқ баробарида лутф-шафқат узасидан хусусий мактуб ила огоҳ қилмоқларин ўттинаман. Чунки бу рисола ни иккинчи таъбирида ёхуд қўлимда ёзилуб турган ва ёзилган рисолаларимни нуқссиз ўлмоғига шояд сабаб ўлур эдилар. (Ал инсон муштақан мин ал нисён яъни Инсон тили билан ўзига йўл очади - Изоҳ бизники. И.Ё.)

Биз эътибор қаратмоқчи бўлган жиҳат Ҳамзанинг нафақат романда ахлоқий маърифатни улуглаши балки, қалам аҳли ўртасида ҳам маърифий муносабатларнинг ўрнатилиши, миллат зиёлилари ижод аҳлига ғамхўр, кечиримли лутф-шафқатли бўлишларини тилаётганлиги, ҳатто ўтиниб сўраётганлиги масаласидир. Чамаси Ҳамза сал фурсат ўтмай ХХ асрнинг йигирманчи йилларида матбуотда бошланажак миллий зиёлиларнинг бир-бирларига тош отишларини, ўттизинчи йилларнинг ур-йикитларини олдиндан сезган адабий иқлимда кутилаётган муқаррар тенденциозликнинг ҳам олдини олишга уринган кўринади.

Адиб романининг айрим ўринларида китобхоннинг тафаккури ва тасаввур дунёсига ишониб атайлаб тафсилотлари батафсил баён қилишдан тийилади. Ҳозир савдогар ҳаётлиги даврида оиланинг роҳат ва фароғатда яшаганликлари роман аввалида кенг тарзда тасвирланмаганлигини изоҳлар экан, муаллиф қуйидагиларни қайд этади: «...рисоламиз аввалида ёзилмаган бўлса ҳам воқеий (қўрилуб турган) бир иш учун фикр ва тасаввурингизга иктифо қилуб, (яъни қаноатланиб И.Ё.) сўзни узайтирмаган эдук» (431-бет)

Ёзувчининг бу каби изоҳларига таяниб, «Янги саодат» финалидаги воқеаларнинг тезкорлик билан ривожланиши масаласига ҳам Ҳамза оидин кўриниб турган масала яъни «воқеий бир иш» сифатида қараганлигини тахмин қилиш мумкин бўлади. Роман хотимасида адиб ғоятда камтарона тарзда китобхонга тўғридан-тўғри мурожаат қилади: «Эй зоти муҳтарам, дину миллатдош, фикру маслакдош қоринларим! Шояд бу рисола

ножизими камоли диққат ила ўқуб, бир қатор ақл ойнасина солуб, аксин тамом кўргансиз» (431-бет)

Кўринадики, Ҳамза учун «китобхон» шу пайтгача биз тушунган маънодан анча кенг мазмун касб этади. У биринчидан, «зоти мухтарам» яъни маърифатли инсонларни, иккинчидан, диндош ва миллатдош биродарларини, учинчидан, ўзига фикрдош ва маслакдош кишиларни китобхон сифатида тушунади. Зеро «қоршин» сўзи аслида «қори» нинг кўплиги бўлиб, шунчаки ўқувчи эмас, балки «Куръон»ни ёд олган киши маъносини англатади. Бинобарин, Ҳамза комил ишонч билан: «*ақл ойнасина солуб, аксин тамом кўргансиз»* дейишга «қоршин»ларнинг зехн ва тафаккурига таянишга тўла ҳақли эди.

Илло, роман ёзилган пайтдаги унинг қарашлари большевойча умумийликка, оммавийликка тамомила зид бўлиб, Ҳамза жамиятдаги за инсон тийнатидаги жохиллик ва омелик касофатига қарши курашда хос кишиларгагина таянган, уларни хушёрликка чорлаган. Миллат тафаккурининг уйғоклиги деганда ҳам зиёлининг маърифий-ахлоқий салоҳияти баланд бўлишини тушунган адибдир. Мавжуд ҳаётий ҳолатнинг ўнгланишини том маънодаги маърифатли кишиларнинг ақл-идрок ва заковати, иродасига боғлаб тушунгани учун ҳам воқеа-ҳодисалар моҳиятини аниқлатмокни кўзлаган эди.

Роман қахрамони Абдуқаҳҳорда отасидаги хайвонийлик ва ўзидаги ёввойилик сифатлари ҳали бирлашиб улгурмаган. Бинобарин, унинг фитрати пайтоний ва рубибий сифатлардан холидир. Шу боис ҳам унинг ҳали жаҳолат пардасини йиртиб, маърифатни восита қилмоқ имкони мавжуд. Романни фикри ожизимиз етгани қадар кузатар эканмиз, Ҳамза Шарк фалсафасида кенг ўрин олган инсоннинг ўз камчилиги ва нуқсонларидан фориғ бўлиб, руҳий покланиши – катарсис таълимотини исломий маърифат билан боғлаб диний-ахлоқий маънода тушунгани аён бўлади. Адиб инсон туйғуларининг тубанлашувидан олийжанобликкача бўлган бир неча даражаларини фарқлайди. Афтидан, қахрамонлар тушган ахлоқий вазият-ҳолатлар тасвири орқали китобхонга кечинмаларнинг айни бир персонажда физиологик синтезлашган ҳолда учрашини уқтирмакчи, бунинг бадий ифодаси орқали эса эстетик таъсир этмокчи бўлади. Шу боис ҳам китобхон қалбига ахлоқий-маърифий мусаффолик бахш этишга уриниш адиб эстетикасининг асосини ташкил этади.

Абдуқаҳҳор типидagi қахрамоннинг ўнганмоғи учун албатта боши тошга тегиши яъни макон ва замонда мувозанат ҳолатидан узоқлашиб, танглик нуқтасига яқинлашиши синергетика таълимоти тили билан айтганда, бифуркация ҳолатида бўлиши керак. Муқаррар таназзулга юз тутиши мумкиндай туюлган Абдуқаҳҳор романда хайрон қоларли тарзда ўзини тартибга тушириб, янги бир мувозанат ҳолатига кириши ва барқарорлашуви тасвирланади. Ҳамза унинг қалқиб турган нотургун ҳолатларини ички маънавий- руҳий жараёнлари билан тасвирлашга уринади. Романда оддий сабаб оқибат асосига қурилганлик кузатилса-да, Абдуқаҳҳор руҳиятида

мураккаб жараёнлар кечганлигини ҳам англаш мумкин. Муҳими шундаки, у ўзининг илгариги ҳолатини инкор этиш орқали ўнгланади.

Инсон табиатан ижтимоий ва биологик мавжудот. У бошқа мавжудотлардан ўзининг хотираси, тафаккури, тили, ахлокий нормаларга амал қилиши, ўз фаолиятини тартибга сола билиши, турмуши учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш малакасига эгаллиги, ўзи яшаётган табиий муҳитни ўзгартириши ва айниқса ўз-ўзини ўзгартириши, ижтимоий муносабатга жалб этилганлиги каби ўнлаб хусусиятлари билан фарқланади. Инсоннинг ахлокий мавжудот сифатида шаклланишида антропосоциогенез яъни хайвоний қилиқлардан энг оддий инсоний сифатларга, кейинчалик умуминсоний қадриятларга, ижтимоий мавжудотга айланиш жараёни содир бўлган. Тўғри, кўпинча биологик ҳолат устидан ижтимоий ҳолатнинг ғалаба қилганлигига алоҳида эътибор қаратилади. Аслида инсоннинг бундай сифат касб этиши улкан неолитик инқилобдир. Чунки одам боласининг ижтимоий-тарихий мавжудотга дўнмоғи унинг тараккиётда, шаклланишда эканлигини кўрсатувчи фактордир. Инсон зоти учта буюк кудрат – тана, руҳият ва маънавиятнинг йиғиндиси.

Демак, шу пайтгача биз аҳамият қаратганимиздек, инсон маънавиятининг шаклланиши жамиятнинг объектив шарт шароити билангина изоҳланмоғи дуруст эмас. Чунки, маънавият шаклланишида субъектив омиллар ҳам муҳим роль ўйнайди. Қолаверса, инсон зоти шундай мураккаб биосоциал жонзотки, уни англашда биологик, генетик, руҳий ҳолатларга ҳам алоҳида аҳамият қаратиш талаб этилади. Инсон тафаккурида содир бўлаётган ўзгаришларсиз, унинг ёши билан боғлиқ факторларсиз, ҳис-туйғу ва кечинмаларига ҳос аломатларсиз, ирода қувватининг даражаси ва муайян ҳолатдаги кайфиятсиз, қобилият ҳамда малакасига ҳос ҳислатларсиз ҳеч қачон мукамал тарзда англашмайди.

Маълум бўладики, инсон табиат ва жамият билангина боғлиқ эмас. Балки ўзининг ички маънавий-руҳий ва психик ҳолатлари билан ҳам изоҳланади. Бу жараён эса оддийгина сабаб оқибат қолипларига сиғмайди. Инсон зоти фикр-қарашларининг мустаҳкамланмоғида руҳий қувват аслида онг ва психикадан олинади. Хаоснинг тартибга ўтмоғи яъни инсоннинг муайян ҳолатдан чиқиши шубҳасиз, у тушиб қолган муҳитнинг хусусиятига боғлиқ. Шуниси ҳам борки, инсон ҳис қилувчи ва англовчи мавжудот. У яралмиш вужуд сифатида нималарнидир гуяди, нималардандир таъсирланади. Бинобарин, унинг ҳамиша ҳам барқарор ва турғун ҳолатда бўлиши мумкин эмас. Зеро, у ўзи учун номатлуб туюлган муҳит хусусиятларини таҳлил этади, изтироб чекади, қийналади. У ҳамиша маънавий-руҳий сокинликка интилиб яшайди. Демак, ўзи тушиб қолган танг ҳолатдан чиқишга, уни қийнаётган масалаларнинг мақбул ечимини топишга доимий равишда ҳаракат қилади. Бу жараёнда ҳар бир шахс ўз йўли ва ўз эркинлиги асосида иш тутлади.

Англашиладики, инсон борлиғи тадрижий ривожланишда. Бу шунчаки ривожланиш эмас. Чунки инсонни сифат жиҳатидан янги хусусиятларга эга

бўлган боскичга кўтарувчи, эски тизим структурасини тамомила ўзгартирувчи, янги ва сифат жихатидан ўзгарган тизимчи пайдо қилувчи, ғоятда табиий жараён содир бўлади. Бундай ўзгаришнинг содир бўлиши илгари қутилмаган бўлса-да, хаоснинг тартибга ўтиши янги бир мувозанат ҳолатни юзага келтиради. Синергетикада бундай барқарорлашиш флуктуация ҳолати деб аталади. Инсон тушиб қолган муайян ҳолатдан чиқишнинг ҳамиша бир-биридан фарқ қилувчи бир неча ечим ва имкониятлари мавжуд деб қаралади.

Демак, бугунги ғарихий шароитда инсон муаммоси тамомила янгича талқин қилинади. Инсонга хос бўлган туб хусусиятлар унинг иродасидан, руҳий ва онг ости жараёнлари табиатидан изланади. Унинг борлиги эса бифуркация нуктасидан кидирилади.

Хўш, бундай даромади гаплардан муддао нима? Гап шундаки, биз Ҳамза яратган қаҳрамонлардан бири Абдуқаҳҳор табиатини шу пайтгача ижтимоий маънодагина изоҳлаб келганлигимиз туфайли ҳам унинг моҳиятни англай олмаганимиз етмаганидек, адиб кўзлаган мақсадга ҳам етиб бора олмаганмиз. Бу гап фақат Ҳамза яратган алоҳида бир қаҳрамонгагина эмас, балки бизнинг адабий қаҳрамонларга бўлган умум муносабатимизга ҳам бевосита тааллуқлидир.

Бинобарин, гап илмий адабий билишнинг асосий вазифаси ҳозирги замон илм-фани ютуқларига таяниб олиб боришнинг зарурлиги хусусида бормоқда. Синергетиканинг марказий тушунчаси бўлган хаос ва тартибнинг бутун борликда ҳамма вақт бир-бирига ўтиб, ўрин алмашиб туриши фундаментал аҳамиятга эга бўлган масалалардир. Зеро ривожланиш тадрижий йўлдан борар экан, унинг боши берк кўчага кириб қолмаслиги учун тартибни тартиб давом қилдириши ҳам, тартибсизлик (хаос)ни хаос давом қилдириши ҳам тўғри эмас. Бу ҳолни одатдагидай тадқиқотнинг атамалар ортига яшириниши деб эмас, балки инсон ўлчамидаги тизимларни янги ғоялар асосида тадқиқ қилиш кўплаб соҳаларга доир билимлар синтези орқали кечиши, ўзига хос тадқиқот методлари апаратидан фойдаланиш муайян принциплар ижобий натижалар бериши мумкинлигини англаш деб изоҳлаш тўғри бўлар эди.

Масалан, Дилмурод Қуроновнинг физикавий ва математик тадқиқот методларидан унумли фойдаланиб, Чўлпон насрини систем-структуравий ёндашув асосида ўрганиши ўзининг ижобий натижаларини берганлиги барчага аён. Адабиётшуноснинг кўплаб соҳаларга оид билимлардан фойдаланиши туфайли Чўлпон насрига хос аксарият масалалар ўзининг анчайин тўғри ечими ва изоҳини топди.

Синергетика ҳам ўзига хос концепция, назария, илмий изланиш методидир. Бинобарин, у янги илмий парадигмадир. Аниқроқ айтганда синергетика тараққиётнинг ҳозирги замон (постдарвинча) парадигмаси. У ўз-ўзидан ташкилланиш ҳақидаги таълимот. Демак, адабий қаҳрамон ўз бошидан кечираётган ҳолат аслида унда илгари қузатилмаган. Зеро, у носпецифик таъсир остида ҳарака қилади. Қаҳрамоннинг ҳис-туйғу ва онги ташкилланади. Яъни унда нималардир қайта тикланади ва мукамаллашади.

Чунки инсонни ташкил қилувчи подсистемалар: ижтимоий-баологик жихатлар табиатан мувофиқлашади. Бунинг натижасида пахс туйғу-қарашларининг маълум мақсад сари тартиблашганлик даражаси ортиб, ўз-ўзидан ташкилланиш рўй беради.

Адабий қаҳрамон бир жихатдан майдон таъсирида узоқ ажлослари руҳидан мадад олиши (Омон Мухторнинг «*Тўрт томон қибла*», Ш.Бўтаевнинг «*Кўрғонланган ой*» романларидаги каби) ёки воситали таъсир остида (У.Ҳамдамнинг «*Мувозанат*», «*Исён ва итоат*», А.Нурмуродовнинг «*Қон ҳиди*», Л.Бўрихоннинг «*Жазирамадаги одамлар*» романларидаги каби) ўзгариши мумкин. Шуниси аниқки, замонавий илм-фанда субъектив реалликнинг ўрни тобора ортиб бормоқда.

Бинобарин, биз амалдаги тафаккур тарзимизга ҳам муайян даражада танқидий қарашимиз, янгича мазмунга мос бўлган тадқиқот натижаларини ҳам эътироф этишимиз талаб этилади. Шубҳасиз, бу синергетика каби илмий методнинг аҳамиятини керагидан ортик даражада бўрттириш ва унга ясама мисоллар ўйлаб топиш лозимлигини ҳам англамайди. Синергетика мазмунинини жамият ва бутун инсоният муаммоларига, хусусан, адабиётшунослик масалаларига кўчириб, ундан ижобий натижалар чиқаришга имкон берадиган ҳолатларда эса фанимиз методологиясига кириб келган бу янгилықдан адабий-эстетик қарашларимизда истифода этиш лозим бўлади.

Чунки синергетика²¹ илмий билим тараккиётида фанлараро тадқиқот соҳаси сифатида вужудга келган янги босқич бўлиб, адабиётшуносликнинг ҳам кўплаб муаммоларини янгидан кўриб чиқиш заруриятини кўндаланг кўйди. Мазкур илмий парадигма эскича тафаккурга хос қолипларни батамом бузиб, дунёнинг янги манзарасини намоён этмоқда.

Шу пайтгача биз адабий қаҳрамонларнинг дастлабки ҳолатига қараб, маълум вақт ўтгандан кейинги ҳолатини динамик ривожланишда, мантиқий боғлиқликда, сабаб-оқибатга боғлаб айтиб бера олар эдик. Аслида эса инсоннинг табиати камдан-кам ҳоллардагина сабаб-оқибат мантиғига мос келади. Демокримизки, инсон образи ҳамиша ҳам қатъий детерминлашган эмас. Бизга образнинг муайян ҳолати формал жихатдангина аниқ айтиш мумкиндай, эҳтимоллик доирасида изоҳласа бўладигандай туюлади. Аммо инсон чекланган муддат ичидагина у ёки бу ҳолат-кайфиятда бўлади. Бонқачароқ айтганда, инсон маънавий-руҳий дунёси билан боғлиқ (стохастик табиатли) жараёнларни динамик хаос орқали мукамалроқ илмий тадқиқ этиш мумкин. Zero, динамик хаос – бу шартланган, белгиланган (детерминлашган) хаосдир.

Зоҳиран асосий мавзудан бир қадар узоқлашилгандек туюлса-да, романчиликимизда шундай қаҳрамонлар борки, улар ҳақида махсус тўхталмасликнинг иложи йўқ. Чунончи, У.Ҳамдамнинг «*Мувозанат*» романидаги Амир каби ўз параметрига кўра маънавий-руҳий мувозанатини

²¹ Аюпов А.Т., Тўхтаев Х.П. ХУ11- XX аср Ғарб фалсафаси. Т.: 2000; Аюпов А.Т. Европада ҳозирги даврнинг асосий фалсафий таълимотлари (XX аср). Т.: 2001.

йўқотиб, янги барқарор ҳолатга ўта олмайдиган қаҳрамонлар ҳам мавжуд. Романда Амир тушиб қолган бухрондан қайтишнинг имкони йўқ. Амир руҳиятидаги ўзгаришларнинг тадрижий ривожланиб бориши бундай ҳолатнинг сабабидир. Чунки Амир янги ҳолатга ўтиб, руҳиятини барқарорлаштиришни истамайди. Шу боис ҳам қаҳрамоннинг маънавий бухрони ўзининг критик нуқтасига тобора яқинлаша боради. Мувозанатнинг кучли бузилиши амалга ошиши мумкин бўлган мавжуд имкониятлардан бирини танлаш имконини бермайди.

Демак, Амир табиатидаги ўзгаришлар чизиқли тарзда кечади. Унинг тақдирини олдиндан айтиб бериш мумкин. Чунки қаҳрамон тадрижий ривожланиши силлиқ тарзда кечади. Бу характер табиатида яратувчанлик йўқ. Шу билан бирга Амирнинг танловини тасодифий характерга эга дейиш ҳам қийин. Зеро бу ҳолат унинг эътиқоди билан боғлиқдир. Мазкур эътиқоднинг ҳаёт синовларига бардош бера олмайдиган, мўрт эканлиги эса китобхонга олдиндан маълум. Китобхон сабабнинг оқибатини прогноз қила олади. Чунки Амир замон ва макон мутаносиблигини таъминлай олмайдиган қаҳрамон.

Вақт геометрик параметр эмас. Унда фазовий координаталардан фарқли ўлароқ, ўтмиш, ҳозир ва келajak бир-биридан принципиал жиҳатдан фарқланади. Амирнинг тасаввуридаги дунёда ана шу вақт дахл эта олмайдиган ўзгармас қонунлар бор. Роман қаҳрамони вақтни орқага қайтармоқ истайди. Амир учун олами билиш, ходисалар дунёсини кўриш номукамал бўлиб туюлади. Шу боис ҳам у Юсуфни тушунмайди. Бошқачароқ айтганда, Амир яратган дунёнинг образи реал оламдан йироқдир. Унинг илм-фан, олами англаш ва ахлоқий кадрятлар ҳақидаги ҳукм-хулосалари эса ақидапарастликдан иборат. Амир диний ақидаларни кўр-кўрона қабул қилган, уларга астойдил ишонган, реал шароит билан асло ҳисоблашмай кўйган ўтакетган мутаассиб киши. Шунинг учун ҳам у диний ақидаларни ўзгармас деб билади ва мутлоқлаштириш йўлидан боради. Амир учун билишнинг ягона босқичи мутлоқ ҳақиқатдан иборат. Ваҳоланки, нисбий ҳақиқатлар ҳам борки, буларни кескин инкор этган Амир ҳаёт тараққиётига ҳамқадам бўлиши мумкин эмас.

Кўринадики, синергетика фанга ўзгаришларнинг йўналганлиги ғоясини олиб кирдигина эмас, балки вақтни ҳам қайтадан кашф этиб, ривожланишга тадрижий характерга эга ҳодиса сифатида қарай билди. У одатдагидай муайян бир вақт ичида шаклланидиган борлиқнинг катъий бир моделини мажбурий тарзда маъқулламайди. Инсон зотини табиатнинг ажралмас бир бўлаги деб ҳисоблаб, инсон ва табиат ўртасида оқилона муносабатларни шакллантириш мумкинлиги ғоясини илгари суради. Фанга кириб келган бундай плюрализм ва демократия тамойиллари фаннинг камрозини кенгайтди. Адабиётшуносликнинг янги гуманитар сифат касб этаётгани бир жиҳатдан жамият ва инсон тараққиётининг муроса фалсафаси асосида оқилона идрок этиш билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Яна мавзумизга қайтиб, «Янги саодат»даги Абдуқаҳҳор чеккан машаққат ва ранжлар хусусида тўхталсак. Абдуқаҳҳорнинг «шармандаю



шармисор» лиги, Тошкентдаги «*хору зор*»лиги, «*дайди*»лиги шунчаки бемехрлик ва уйдан қочиб кетиш эмас. У уят ва андиша туфайли ўз уйдан бош олиб кетадики, оила аъзоларининг ризк-насибасини қиморга бой берганлигидан қаттиқ азият чекади, гофиллик қилганлигидан уялади. Ҳаётда ўз ўрнини топиши лозимлигини тушуна бошлайди, жилла курса оиласининг кейинги ҳаётига зомин бўлмасликни истайди. Умри давомида ўтказган хатоларини такрорламасликка азм этади. Чунки у аста-секин *биринчидан*, мол-давлати қўлдан кетиши сабабларини англай бошлайди. *Иккинчидан*, ватан ва фарзанд соғинчи, *учинчидан*, фурқат ва ғурбат таъсирида руҳан изтироб чекади. Демокчимизки, Ҳамза роман қаҳрамонининг қалбидаги азобли оғриқдан бу изтиробларнинг сабаби томон йўл топа олган. Зеро, ўз хатоларидан пушаймон бўлган мўминнинг ғамга ботишида тавбанинг руҳи мавжуддир.

Абдуқаҳҳор узоқ муддат зиддиятли ўй-фикрлар гирдобидан чиқолмай, тараддуланиб юради. Аросатда қолган бу кимсанинг узлатдаги фақирона ҳаёти давомидаги хароб ҳолига узил-кесил чек қўйиши романда икки жиҳатдан асосланади. *Биринчидан*, ғафлат уйқусидаги Абдуқаҳҳорга ҳаётий вокелик моҳияти туш орқали намоён бўлади. Бунда ўзига хос рамзийлик бор. Ёзувчи ўз ҳаётини зоҳирангина кўра оладиган қаҳрамоннинг қалбидаги зиддиятларни туш воситасида беради. У роман қаҳрамонини шаҳодат (моддият) оламида ҳам ғайб ва малакут (илоҳиёт) оламида ҳам олиб қарашга, унинг сифат ва ҳолатларини турли ракурслардан кузатишга уринади. Қаҳрамоннинг ўнгида рўй бериши мумкин бўлган ва у руҳан интилаётган ҳодисалар Абдуқаҳҳорнинг тушида намоён бўлади. Чунки Ҳамза киши идроки ожизлик қилганида, ҳақиқатни фаҳм-фаросат орқали ҳам илғаб олиши мумкин эканлигини яхши билади.

Тушидаги ҳақиқатлардан қаттиқ таъсирланган қаҳрамон шу восита туфайли англаб етган маъноларининг қалбини асло тарк этмаслигини тилайди. Ўғли Олимжонни, кизи Хадичани ва мунгли онаси Рузвонни ,хафа ва маънос ҳолда юрган Марямни туш кўрган Абдуқаҳҳорнинг ахвол-руҳияти тамомила ўзгариб қолади. Ғамлик кўзларида ёш билан йўлларга термулиб, жигар-бағри эзилиб, ғоятда хайрон ва паришон бир ҳолларда узун-узун хаёлларга чўмиб қолади. Ҳатто қўлидаги игна, иплари тушиб кетади. Қулоқлари остида хаёлан тушида бўйнига осилиб фарзандлари қилган ўтти нолалалар қайта-қайта жаранглайверади. Соғинч хислари раҳм-шафқат билан алмашина боради. У энди чинакам бахт ва бахтсизликни бир-биридан фарқлайдиган кишига айланади. Наҳот йўлини топгандай бўлади. Ўз гуноҳларига тавба қилиб ўнглана бошлайди, эртадан умидланади. Фирокни тарк этмок, дийдор сари ошиқмокқа руҳан тайёр туради. Бундай ҳолда қаҳрамоннинг онгида истикболдаги ҳаёт акс этадигина эмас, у қалбан ҳам ширин бир энтиқишни туя бошлайди. Ҳамза Абдуқаҳҳор қалбини ана шу ички туйғу ифодаси орқали очади. Адиб уни авомликдан маърифат остонасига олиб ўтади.

Иккинчидан, Абдуқаҳҳор ўғли Олимжон билан ҳасратлашган оқшомда илгариги ҳаётига узил-кесил нукта қўйиш фикрига келади. Ўз ҳаётини қайта

курмокликни ихтиёр этишига уни оталик меҳри ва солиҳ фарзандидан ифтихор этмоқ табиий майллари етаклайди. Эндиликда унинг қалби тубида пинҳон бўлган майллар истакка айланиб, тўла юзага чиқади. Қаҳрамоннинг феъллари янги бир ички кудрат, иродасида катъият, ҳаракатларида дадиллик пайдо бўлади. Қалб кўзи очилган Абдуқаҳҳор илгариги ошноларидан кўнгли узишиққа аҳд қилади. У жисман ҳам руҳан ҳам янги либосларга бурканади.

Абдуқаҳҳор ўзининг ҳали оиласига янгича руҳ бағишлай олишига ишонади. Фарзанд фироқида ўртанган онаизор қалбида шодлик, рафиқи ва аниси рўзғори бўлмиш Марям дилида умид уйғота олади. Қизи Хадичанинг бошини оталик меҳри билан силаб, йиллар давомида кўзларида қотмиш мунгни сидириб ташлайди. Ўғли Олимжон бошлаган улуг ишларнинг ривожига имкон қадар кўмаклаша бошлайди. Адиб бу ҳолни: «...тавбалар қилуб, дўст-душманни ажратуб, инсоф ва диёнатли, шафқат ва марҳаматли бўлган... шуқрлар қилуб, кундан-кунга роҳат ва фароватда, шод ва хуррамлик била яшамоқда» - деб таърифлайди. Ёзувчи Абдуқаҳҳорнинг ёмон феъллардан тийила билишида инсон ўзлигини англашини, маърифатни кўради. Роман қаҳрамони бутун умр зарарли ҳоҳиш-истакларининг қули бўлиб қолмайди. Ҳали фурсат буткул қўлдан бой берилмагани, умрнинг қолган қисмини фойдали ишларга сарфлаш мумкин ва зарурлигини ўз вақтида англайди. Бошқачароқ айтганда Абдуқаҳҳор қилган гуноҳларининг захри имон руҳини шикастлашидан олдин тавба қилишга улгуради. Зеро у ўз гуноҳлари доим кўз ўнгида турадиган, амалларидан пушаймон бўлиб, тавба қиладиган, руҳан эзгуликка интиладиган умидли бандадир.

Демак, Абдуқаҳҳор «*жохил от*»гина эмас, ўз қилмишларига тавбалар қилувчи самимий инсон, солиҳ банда ҳамдир. Унинг исломий фитратда яралган қалбида салимлик аслан мавжуд. «*Янги саодат*»да гап қалбни ғуборлардан тозалаш ҳақида боради. Узоқ йиллар давомида Абдуқаҳҳор қалбидаги жоҳиллик ўрнини салимлик эгаллашини кўрмасликдай адабиётшунослигимиздаги иллат унинг тақдирига заиф қараш оқибатида келиб чиққанлиги аён бўлади.

Шуни унутмаслик керакки, басират назари очилган Абдуқаҳҳор ҳали дунёвий манфаатлар доирасидаги мўмин ҳолос. Ундан орифликни излашга уриниш тўғри бўлмайди.

Роман қаҳрамонларидан бири бўлган Марям сабр-тоқатли ва бардошли аёл. У фақрлик жафоси ўқларига кўксини қалқон қилиб, азоб-укубатларга чидайди. Келажакка умид билан қараб фарзандларини тарбиялайди. Ўқимишли, ақлу фикри комил Марям илм-маърифатни кадрлайди. Ҳамза унинг табиатида йўқолган давлатига комил фарзандлар орқали етишмоқ хаваси борлигига ҳам урғу беради.

Марям умид ва қаноат соҳибаси. У ўзига талабгор бўлган айрим бойларнинг тақлиф ва даъватларини кескин инкор этади. Бунинг боиси *биринчидан*, юқорида таъкидлаганимиздай истикболдан умидворлик бўлса, *иккинчидан*, жоҳил эрдан «*юраги титраб*» қолган аёлнинг фарзандлари тақдирини яна бир золим киши қўлига топшириш ва уларни илмдан бебаҳра қолдирмоқликни қабул қилмаслигидир. *Учинчидан*, Марям қайнонаси Рузвон

аяга кучли кўнгли боғланган, унинг тизгинсиз меҳрига шафкат назари билан қарай оладиган аёлдир. Ун тўрт йил давомида ўглидан тириклай ажралган муғгли аёлни ёлғиз ташлаб кетмоққа *«жаноби ҳақдан шарм қилиб»* яшайди.

Бинобарин, Марям Аллоҳнинг иродаси ва тақдирнинг ҳукмига ризо бўлган мўминадир. Шу бонс ҳам у қаноат билан яшайди, эртадан умидланади, тақдирга қарши исён қилмайди.

Ҳамза Марямнинг фақирона, ғарибона ҳаётини шунчаки баён қилмайди. Кўпинча қаҳрамонни ўз-ўзи билан ёлғиз қолдиради. Китобхонни унинг маънос ва ғамлик қалбида кечган бир олам хис-туйғулар, фикрини банд этган тизгинсиз ҳаёллар оламига етаклайди. Бундай ҳолларда Марям ҳаёлида ўтмиш ҳаёти манзаралари жонланади. Кўз ўнгида илгариги тўкин ҳаётигина эмас, меҳрибон-мушфиқ ота-онаси ҳам бир-бир ўтади. Айтиш мумкинки, романда адиб маълум маънода адабий монтаж усулидан ҳам фойдаланишга уринган. Баъзан эса, воқеаларни хотира ва тасаввурлар орқали беришга интиланган. Марям тизгинсиз ҳаёллар оғушида, хотиралар гирдобида қолганида руҳан эзилади. Ҳатто ҳасратли кўз ёш тўкиб, хаяжонини боса олмай қолади. Боши айланиб, кўзи тиниб, қўллари қалтираб, игнаси тушиб кетади, беҳуд бўлади. Мазкур ҳолатни адиб: *«...тиззаси устидаги ямоққа эзилиб кетган жигаридан қон тирқираб чиқиб тўкилиб, ялтираб турган ҳасратлари кўз ёшлари бирдан юракларини сакратиб, боши айлануб, чок йўлини қоронғулик босиб, қўли қалтираб, игнаси тушиб, беш-ўн минут ўзидан кетиб, беҳуд бўлиб қоладиган вақтлари ҳам тез-тез воқе бўлмай турмас эди»*, - деб манзаралантиради.

Қаҳрамоннинг муайян вазият-ҳолатларда ўзини тутиши билан боғлиқ бу характерли психологик портрет тасвири орқали Ҳамза Марям ташки қиёфасида, ҳатти-ҳаракатларидаги ўзгаришларни тасвирлаб унинг рухий дунёсини очишга муваффақ бўлади. Тасвир деталларининг батафсил берилиши ёзувчининг Марям характерини имкон қадар тўлақонли ёритишга бўлган интилишига мос бўлиб, адибнинг услубий индивидуаллиги ва маҳоратини яққол намоён этади.

Бундай ҳолларда Марям золим фалақдан норози бўлади. Ота-онасидан айириб етим қолдирган, мол-давлатидан Мосуво қилиб, бир пайтлар ўз давлатхонасидан баҳраманд бўлиб юрган кишилар эшигида хору зор айлаб, гўдаклари икболнинг таянчи бўлмиш отасини бераҳм ва золим қилган чархнинг кажрафтору қасоскорлигидан шикоят қилади. Гўё сабр-тоқати тугагандек туюлган ҳолларда ҳам қаҳрамон ўз тақдирдан буткул норизо бўлмайди. У теран этикод кишиси сифатида ўз-ўзини таҳлил этади.

Мендан бирор хатолик ўтиб, Аллоҳнинг марҳаматидан бебаҳра қолмадиммикин, - деган ҳаёлларга боради. Дардига малҳам бўлгучи ул меҳрибон зотдангина марҳамат ва шафқат кутади. Яратганнинг раҳмдиллиги ва ғамхўрлигига ишонади. Бекасликдаги муштипар ва шикаста кўнғилнинг ожиз бандалардан бири сифатидаги заифона илтижоларини Ҳамза шундай ифода этади: *«Ё раббим, санга мани ўзимдангина бир хатолик ўтгандир. Оҳ, чорасиз қолдим, бекас, меҳрибонсиз қолдим, ота-онам бўлсалар эди, мундоғ қора кунларга қолмас эдим. Ё раббим, ўзинг тараҳхум эгаси, ўзинг мушфиқ,*

ман бир муштира, шикаста, қанот-қуйруғим синган ё ар раҳим-ал роҳимин (яъни бандаларига Аллоҳ-таоллоҳнинг раҳмати бўлсин. Изоҳ бизники.И.Ё.) мандек заиф, ожиз бандаларингга ҳам кўпни қаторида бир оз раҳминг келсачи? Ё раббим, бир оз марҳамат қил. Тирик етим бўлган увол гўдақларингга шафқат қил»

Марямнинг хилватда қилган оҳ-фиғонлари – жаноби Ҳаққа ёлбориб йиғлашлари бир оз юракни бўшатмоқ илинжидан туғилган, эътиқодидан келиб чиққан. Зеро, адиб талкинчи, ҳақиқат субъективдир. Инсон психологияси ходисалар сабабини оқибатдан келтириб чиқара олмайди. Рухият манзараларига мантик йўли билан етиб келиш мушкул. Шу боисдан ҳам инсоннинг руҳий дунёси фожиаларини тасвирлашга эътибор қаратиб, кишиларни қайта тарбиялаш мумкинлигига ишонган ёзувчи маълум маънода ўша даврда устивор бўлган тарихий жараёнда ақлнинг етакчилиги ҳақидаги қарашлардан бир қадар четга чиқади.

Ўзи ва оиласи ташвишларидан ортмайдиган Марям характерида ҳиссий ҳолатларнинг қабарик ҳолда тасвирланиши, адибнинг аксарият қахрамонлари, айниқса, «Учрашув» романида ойдин кўринганидек, ҳаёлий дунёда яшашлари шундай фикрлашимизга туртки беради. «Янги саодат»да эса Ҳамза эстетик ақидасига кўра инсон ҳаёти табиийликда олиб қаралади. Зўрлик ва жабр-зулмни маърифат билан енгиб, озод, бахтиёр яшаш мумкинлиги ғояси илгари сурилади. Демак, адибнинг ҳаётга ва жамиятга муносабати тадрижийлик тамойилига асосланади.

Ҳамза романларида қахрамонларнинг сезгию кечинмалари, ҳаракат-кайфиятлари оламига шунинг учун ҳам эътибор кучайтириладики, ёзувчи оламнинг мавжудлигини шахснинг фаоллигига боғлаб талкин этади. У инсоннинг руҳий фаолиятини рационаллик доирасида эмас, балки кўпроқ ирфоний мазмунда англайди. Шу боисдан ҳам кўнгли ёруғ қахрамон Марям пок ниятлар билан рухан Ҳаққа интилади. Айтиш мумкинки, Марямнинг хилватдаги илтижолари руҳий ва қалбий ибодат ҳамдир. Марям ўз атрофидаги инсонларни севади, уларнинг хизматида бўлишдан оғринмайди. Барчасига меҳр-шафқат назари билан қарайди. Надомат комида қолган онларида билиб-билмай қилган гуноҳларидан фориғ бўлишни мақсад қилади. У вазиятнинг ўнгланишига умид боғлайди. Фарзандларини ҳалоллик ва комилликка ундайди. Жаҳолат зулматини ёриб ўтмоқ учун сабот билан дадил интилади. Буларнинг барчаси, Марямнинг чинакам басират соҳибаси – имони бут инсон эканлигини кўрсатади.

Демак, Марямнинг муайян вазиятларда қонли кўз ёшлар туқиши ҳам шунчаки сентименталлик эмас, балки бебаҳо неъмат бўлган умрнинг ҳар бир лаҳзасини теран ҳис қилишдан, бой берилган онлар мазмунини англашдан келиб чиқади. Илло, қахрамоннинг зиддиятли ўй-фикрлар гирдобидида қолиб тавбани ихтиёр этмоғи ҳам имон тақозоси бўлиб, пировардида иродани кўнглилаштиради. Ироданинг жазми туфайли эса Марям амалий ҳаракатга шўнғийди. У яна ўз зиммасидаги инсоний бурчларини бажаришда давом этади.

Бинобарин, Аллоҳнинг иродасига ризо бўлган собира аёл сифатида намоён бўлади. Ўзининг соғинч изтиробларини, ғам тикани билан мажруҳ бўлган маҳзуна кўнглидаги кечинмаларини фарзандларига сездирмасликка тиришади. Ғариб кўнгиллари очик юз, ширин сўз, мулоим муомала билан юпатади. Уларнинг пешоналарини силаб турфа меҳрибонликлар кўрсатади. Фарзандлар қалбига мунг, ҳасрат, кўзларига маъюслик ғуборлари соя солмаслиги, ўз оталарига бўлган меҳрлари сўнмаслиги тилагида ўртанади.

Марямнинг Олимжон ва Хадичани юпатишидаги мана бундай инсоний меҳрга тўла лирик ҳарорат тафти китобхон қалбида ҳам акс садо бериб жаранглайди: «...*Отам ўрнига Олимжоним, онам ўрнига Хадичахоним! Отангизни соғинганимдан йиғламасман, ғарибчаларим, ўз ватанида мусофирчаларим! Отангиз ўлмасун, саломат бўлсун. Ман бори сизлар соғинурсизлар деб йиғлайман. Аягинанг ўргулсун, кўзичоқларим. Ман нима қилай, худони иродаси шундоғ бўлса. Шоҳлар бир кун гадо бўлур, бизларга ўхшаб. Гадолар бир кун шоҳ бўлуб қолур, болажонларим. Банда деганни сабрдан бошиқа чораси йўқ.*» (405 б.)

Мактаб учун лозим бўлган нарсаларга қўли калталиқ қилган Марям интихосиз фикрлар гирдобида қолади. У охири муайян қарорга келади. Бисотидаги тўйларга киядиган камзул, кўйлак ва балдоғини сотмоқ ниятида ёшликдаги мактабдош дугонаси Ҳалимаҳоним олдига боради. Бу ҳаракатини зийрак Олимжондан пинҳон тутади. Ҳалимаҳоним ифбатли, дўстига мухаббатли, илмни кадрловчи, шафқатли аёл. У мактаб учун зарур дастурхон лозиматларини ўз ёнидан беради. Чунки дугонаси қалбини тушунади ва уни мушкул вазиятдан қутқаради. Бу ўринда ҳам Ҳамза халқ дostonларида учровчи адабий қахрамоннинг мактаб дўсти анъанавий мотивидан фойдаланади. Чунончи, Ҳалимаҳон тез-тез Марям хузурига чикиб, руҳий далдалар бериб туради. Олимжон нотоблигидан хабар топиши ҳамоно хол сўраб чикади, дугонаси оиласини чорасизлик ташвишидан халос этади.

Романдаги Рузвон ая фарзанд доғида ўртанган аёл, У узун кечаларни турфа фикр-хаёллар билан тонгга улайди. Бедарак кетган ўғлини, заифа танининг куввати ва мадори, кўзининг оқу қораси бўлмиш қарамоғида қолган уч маъсума тақдирини ўйлайди. Марямнинг холини тушуниб, изтироб чекади. Келинининг кўз ёш тўкишларини бир жиҳатдан хотинлар расми деб билса, иккинчи томондан Аллоҳга илтижо қилиб йиғлаб туришни кўнглини юмшатовчи амаллардан санайди. Шундай бўлса-да, Марямнинг бундай мунгли ҳолда болалар кўз ўнгида бўлиши дуруст эмаслигини англаб, уни дарҳол ташқарига чиқариб юборади. Ҳар иккала неварасини бағрига босади. Ҳатто уларга бироз пўписа ҳам қилган бўлади. Унинг «*эсон болаларим*»лаб турган ҳолдаги қалб титроғида бувиларга хос инсоний меҳр-мурувват мужассам.

Рузвон ая Олимжон мактабда ушланиб қолиб, уйдагиларни отсеплантира олмаганида уни йўқолиб қолди, деб ўйлаб астойдил ғамга ботади. Маҳаллада юмуш билан банд бўлган Марямга энди нима дейман, деган чуқур андиша ва истихола ичида қолади. Паранжисини ёпиниб, бутун кўча-кўйни ахтариб чикади. Невараси эртага мактабга чиқадиган тунда эса

келини билан бирга дастурхон тайёрлайди. Олимжонни ғусул қилдириб, оҳорли кийимлар кийгизади. Алламаҳалда ётган бўлса-да, субҳидамда уйғониб, ибодатини адо этади. Келини тутқазган дастурхонларни олиб, қибагида невараси билан мактаб сари йўл олади.

Олимжоннинг «*бошим оғрийдим*»сидан хабар топиши ҳамано ибодатини-да унутиб, неварасини бағрига босади. «*Кўзичоғим*», «*жоним болам*»лаб айланиб - ўргилади. Ҳатто, паришон ҳолга тушган бу кампир қўрқиб кетганидан Олимжонга келиши мумкин бўлган бало-қазолар ўзига уришипи тилайди. Унинг нуқул «*онанг ўлсин*», «*онанг ўлсин*»лаб туриши шундан.

«*Даъватнома*» мазмунидан огоҳ бўлгач, «*юраклари тешулган*» Рузвон тоғдек ғамлар остида эзилган ожиз кампирдан, дарднинг давосига малҳам иллончи оқила бувига - оиланинг сарварига айланади. Келини ва неварасини имтиҳон хижолатидан қутқаради.

Фасирликда ўсаётган Олимжон етимона боши эгик, маъюс табиатли ўғил сифатида шафқатли, марҳаматли бўла боради. Унинг табиатида бундай сифатлар куртак отишига оиладаги тарбия сабабдир. Олимжон ўзидан кичикларга меҳрибон, катталарга таъзим-тавозедаги одоб-ахлоқи қомил фирзанд бўлиб улғая боради. Кўча ўйинларига қўшилмай, мадраса ва диний ибодатгоҳларда сайр этиб юришни одат қилади. Олимжоннинг бу феъли отиси Абдуқаҳҳорни билганларни хайратлангирар, ўз истиқболига умид уйғотар эди. Олимжон уйда онаси ўқиган китобларни жон қулоғи билан тинглар, уларнинг сирли-сеҳрли дунёсига махлиё бўлар эди.

Хуллас, унда заковат ва фарсаг шаклланиб, маърифатга ҳавас уйғонганди. Шу боис у қўшни маҳаллалик ўртоғи Аҳмаджонга эрганиб, жаниб мактабига боради. Олимжоннинг ҳатти-ҳаракатлари, одоб-ахлоқи, сазоворларга берган маънолик ва ширин жавоблари муаллимнинг диққатини тортди. Муаллимнинг «*Ҳамма болалардан сизга ортуқ муҳаббат билан қарайман*», «*ўғил қиламан*» кабилидаги илтифотларига мушарраф бўлади. Бу қиммат ва марҳаматга сазовор бўлган Олимжон бекаслик ва бечораликни унутганидай бўлади. Бу ҳолатни Ҳамза : «*...хуршид булут орасиндан чиққондек чехраси бир оз ёришуб, гунча каби ғамдан тўқилуб турган лаблари буриш қилик ойдек табассумлануб кеткан*», - дея ташбеҳ воситасида тавсирлайди (408 б.)

Хурсандчилигини уйдагиларга етказишга астойдил шошилаётган, бир оғам қулоқидан тўлиб-тошган Олимжонни адиб: «*...китобларин бағрига бисиб, оёқлари чашишуб уйига югурган*», ҳолатда бутун рухий кечинмалари билан чиғади. (409 б.) Ўртоғи Аҳмаджонни уйига эргаштириб келиб, онаси ва синглиси йўқлигини билганида Олимжон кўзлари маъюсона жавдирайди. У дошми ўртасида ҳайрон ва музтар ҳолатда қолади. Марям ва Хадича уйга келгач эса юрагига бир оз қувват кира бошлайди. Онажониси ва синглиси шифаётини ҳис этган онларда Олимжон чексиз ифтихор туяди. Улар меҳмонни нириш сўз ва нон-чой билан сийлашган ва унга марҳамат кўрсатганин лаҳзларда анча далиллашади. Бу каби инсоний ҳолатлар билан боғлиқ жараёнларни ифода этар экан, Ҳамза ҳам худди Қодирий сингари

“қалам оғиз”лигини иқроқ этади: “Оҳ, бу тўрт зотни мунча фақирликлар биға бир-бирларига қилган меҳр-шафқат ва муҳаббатларини ёзув чиқмоқға қаламим бутун оғиздур”, - деб ёзади у. (410 б.)

Ҳамза инсоф, диёнат меҳр, шафқат, мурувват, фуқаропарварлик каби қадриятларни улуғлайди. Бетаъма ва саховатпеша муаллимга эҳтиром билан қарайди. Аёлларда мулоийм табнатлилиқ ва оқилчалқкни кўради. Олимжонни: “миллат гулианида янги кўнган андалиб” (яъни булбул),- деб таърифлайди. Буларнинг барчаси нажот йўлини келажак наслларни илм-маърифатли қилишда кўришдек адиб жадидчилиқ қарашлари билан боғлиқ. Ҳамза ўлка тараққиёти йўлида миллат болаларига ҳиммат ва марҳамат кўрсатишда муаллимни ибрат қилиб олади. У Туркистон мусулмонларини эр-хотинга ажратмасдан миллатдошлар деб қараб, ялпи тарзда маърифатга даъват этиш концепциясини ҳам романга сингдириб юборади. Оилавий турмушнинг оқилона тарзда бошқарилиши, меҳр-муҳаббат асосига қурилишини ёқлайди.

Кейинчалиқ Қодирий ҳам ҳар томонлама етук қаҳрамонларни тасвирлашда Ҳамза анъанасини давом қилдириб, Отабек, Анвар образларини яратди. “Меҳробдан чаён” романидаги мактабдош дўстлар Анвар ва Насим муносабатлари Олимжон ва унинг ўртоғи Аҳмаджонни, Абдулла Қодирий қаламига мансуб ҳар иккала романдаги аксарият қаҳрамонлар маиший ҳаётидаги бечораҳолиқ Ҳамза тасвирлаган Рузвон ая ва Марямнинг ўқусуқ қаблини эсга солади. Кумуш ва Раънодаги фозилалик, бир олам орзулар кучоғида яшашлик Марям табиатиға яқин туради. Моҳларойимнинг Анварға кўрсатган турфа меҳрибончилиқлари замирида Ҳамзанинг жадид муаллими характериға монанд талай муштараклиқлар мавжуд. Ҳар иккала адиб насрий мёросидаги бундай муштарак жиҳатлар бизнингча, улар ижодий концепциясидаги яқинлиқдан келиб чиққан.

Эртаға мактабға чиқишидан беҳад шодланган Олимжон гўзал хаёллар кучоғида анчағача кўзига уйқу инмай, алламаҳалда пинакка кетади. У тушида дўсти Аҳмаджонни кўради. Ҳамза унинг бу дамдаги кечинмаларини туш ва реаллиқ қоришиқлиғида чизади. Эрталаб уйига келиб уни уйғотган ўртоғи Аҳмаджонни кўрган қаҳрамон дабдурустдан, туш, хаёл ва ўнгини ажрата олмай қолади. Характер руҳий ҳолатларини тасвирлашда туш кўриш мотивидан фойдаланган Ҳамза шу орқали роман сюжетини ривожлантириш, қаҳрамон руҳияти манзараларининг воқеалар оқимиға ҳамоҳанглигини кўрсатишға интилади. Қаҳрамонлар фикрини банд этган ўй-фикр ва мулоҳазаларға эътибор қаратиш орқали эса адиб романда психологик тасвир унсурларини кўллайди. Қаҳрамонларнинг ўзлиги, инсон сифатидаги моҳиятини очади. Бинобарин, имкон қадар табиий руҳий жараён саналмиш оғ оқимини кузатишға ҳам уринади. Қаҳрамон ҳаётининг шаклланиш эволюцияси бирин-кетинлиқда хроникали сюжет асосида берилган “Янги саодат”да Ҳамза аксарият воқеаларни сабаб-оқибат тартибида жойлаштириб романда концентрик сюжет унсурларини ҳам кўллайди. Ёзувчи кўпинча қаҳрамон биографиясининг аввалги босқичларига қайтар экан, бу ҳақда китобхонни оғоҳлантириб кўйиш йўлидан боради. Бироқ у эпик ривояда муҳитға бўлган реакциясини ҳам ошқора баён этадики, бундай ахборотлар

роман бадиятини ночорлаштириб қўяди. Адиб ретроспектив усулда персонажлар ўтмишини жонлантиришга уринганида бу усулнинг сюжет ички ривожланишини таъминловчи воситага айланишига эриша олмайди. Ундан асосан, сюжет воқеаларининг ривожланишини тўхтатиб қўйишга эҳтиёж сезилганида, қисман эса персонажларнинг ўй-хаёллари, изтироб-кечинмалари ёхуд ўз қилмишларини таҳлил этишлари жараёнларини беришда фойдаланади.

Демак, Ҳамза қўллаган ретроспектив чекинишларнинг функцияси ўзига хос бўлиб, ўзбек романи тараққиётининг илк босқичи учун ғоятда ижобий ҳодиса эди. Чунки, адиб насри анъанавий дostonлар ва романтик қиссалар услубидан тубдан фарқ қилиб, ўзига хослик касб этиб бормоқда эди. Ҳамза характерларни эволюцияда кўрсатиш йўлидан боради. Айни пайтда уларнинг ички драматик коллизияларига ҳам эътибор қаратади. Воқеа-ҳодисаларнинг персонаж калбида қолдирган ғуборлари, руҳиятига кўрсатган таъсирини ифодалайди. Эпик воқеаларга лирик ҳарорат бахш эта олади. Ёзувчи бунга эпик воқеликни ҳиссий жараёнлар ҳисобига бойитиш орқали эришади. *"Янги етиш"*да Ҳамза воқеаларини хотира ва тасаввурлар воситасида бериш, уларни ички кечинмалар призмасидан ўтказиш унсурларини дадил қўллаган. Бунга у ҳикоячиликни ўзидан соқит қилмаган ҳолда, турли ассоциацияларни ҳаётий воқеалар тасвирига имкон қадар пайвандлаш орқали эришади.

Демак, Ҳамза романларини тушунишда адибнинг ривоя усулига хос хусусиятларга алоҳида диққат қилиш талаб этилади. Акс ҳолда бу асарлар спецификасини англаш деярлик мумкин бўлмай қолади.

Ҳамза романда ўзининг илм-маърифат, мактаб-маориф, маданият-ахлоқ халқ ва миллат ҳақидаги қарашларини илгари суради. Унинг қарашлари XX аср бошлари ижтимоий-педагогик фикр тараққиётида ўзига хос ўрин тутди. Зеро, адиб тарбия ва ахлоқ масалаларини роман воқеалари кечаётган даврнинг талаб ва эҳтиёжлари нуқтаи назаридан таҳлил этади. У инсон ҳулқини анъанавий тарзда яхши ва ёмонга ажратса-да, имонийликни асосий мезон қилиб олади.

Инсонда намоён бўлувчи эзгулик, олийжаноблик, ёхуд разиялик ва бадбинлик тимсоли бўлган ахлоқий сифатлар кишида ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Улар муайян шароит таъсири остида тарбия характерида кўра шаклланади. Бу жараён шахснинг истак-хоҳишлари, ирода-майиллари тўғри йўналтирилишига бевосита боғлиқ. Демак, ҳамма нарса тарбияга дахлдордир. Ҳамза ахлоқ масаласини ва таълим- тарбия доирасини анча кенг тушунади. У ахлоқнинг нуқсонсиз бўлишини ёқлайди. Уни икки дунё шарафи бўлган илм асосига қуради. Ўқиб ибрат олмоқ яъни фикр тарбияси билан жиддий шуғулланмоқ зарур деб ҳисоблайди. Адиб жисм поклиги ва озодлиги руҳ тарбиясига ҳам сезиларли таъсир қилади, деб билади. Шу боис ҳам романда назик ҳамда салим фикрлар орқали китобхонда завқ ва ҳавас уйғотиш мумкин деган ақидани илгари суради.

Ҳамза учун Ватан туйғуси энг инсоний, энг мўтабар туйғулардан биридир. Шу боис ҳам адиб Ватанни шунчаки ардоқламайди, унинг дардлари билан яшайди, бахтидан қувониб, фахр-ифтихор туяди. Романда ёзувчи эл-

юртнинг истикболи ҳақида қайғирувчигина эмас, ғам-аламларига дил-дилдан дардқаш фарзанд сифатида намоён бўлади.

"*Янги саодат*" қаҳрамони Олимжоннинг ўқиб-ўрганишга хаваси ҳадсиз. У эрта туриб, таҳорат олиб, масжидда жамоат билан намоз ўқийди. Маҳалла аҳли хурматини нуқссиз бажариб, гўзал ахлоки билан эл назарига тулади. Аҳли муслимнинг субҳдаги пок нафасларидан дуо олади. Эрталаб каттик нон тановул қилмоқликнинг саломатлик учун фойдали эканлиги ҳақидаги Олимжон қарашларида унинг устозларидан эшитган ёхуд китоблардан ўқиган фикрларига амал қилаётганлигини кузатиш мумкин. Ҳамза унинг ҳатто қадам ташлашлари ҳам текис-текис ва оҳиста бўла боргани, салласи ихчам ва чиройлик ўралгани, кичик-кичик қўллари тавозе билан кўксига қўйилиб, кишиларга салом берганигача диққат қаратади. Чамаси адиб қаҳрамоннинг ахлоқ ва одобда нуқсонсизлигига бизни икром қилдирмоқ ниятида тасвирда батафсилликка риоя этади.

Жадид мактабини "*бу дунёнинг боқчаси ва жаннати*" (413 б.), - деб санаган Ҳамза мактабдаги харита ва бинолар тасвирдан тортиб, доска, чўт, стол-стулларгача, ҳатто биноларнинг оқланганию полланганлигигача алоҳида аҳамият қаратади. Шу орқали янги мактабда ҳозирланган саранжом-сарипшалик, покизаликни ибрат қилиб кўрсатади. Инсон азиз умрини илм-маърифат ўрганишга сарфлаши кераклигини ўқтиради. Кўчаларда бефойда юмушлар билан банд бўлган нодон, ғайратсиз ва жоҳил кимсаларни инсон деб аталмиш шарафли номга номуносиб деб билади.

Роман қаҳрамони Олимжон назарида ўқимаган одамлар: самаварчи, нонвой, киморбоз, ўғри, кўча супурувчи, ямоқчи, қоравул, мешқоччи, эшакчи, исиріқчи, гадой, каландар каби паст хунарлар билан шуғулланишга мажбур. Ўқимаган бойларда мурувват, ҳиммат, инсоф йўқ. Улар кишининг дилига озор етказишадигина эмас, илмсизлик туфайли мол-мулки ва ҳаётини ҳам барбод қиладилар. Аксинча, ўқиган одамлар озода кийиниб юришади. Улар мударрис, мирзо, муаллим, савдогор сифатида иззат-хурмат топишади. Бир қадар ғайратсизроқлари ҳам масжидларда сўфи ё имом бўла олади. Мухими, улар доимо ширин сўз, гўзал хулқли, мурувватли, ҳимматли кишилардир.

Олимжон ўз атрофидаги одамлар, хусусан жадид муаллим ва ота-онасини қиёслар экан, ибратли ҳаётни хулосалар чиқаради. У ўқиб-ўрганиб "*олим ва мулла*" шунингдек. "*бой киши*" бўлишни мақсад қилади. Бу ишга чин ислоҳ ва эътиқод билан киришиб сезиларли натижаларга эришади.

Инсон тарбиясининг ҳар жиҳатдан мукамал бўлмоғини истаган Ҳамза миллат болаларини маърифатли қилиш орзусидаги зиёлий эди. Унинг маърифатпарварлик қарашлари Исмоилбек Гаспдали, Маҳмудхўжа Бехбудий, Саидрасул Азизий, Абдулла Авлоний ахлокий-маърифий қарашларига яқин туради. Ўз илдизлари билан халқ оғзаки ижодининг ҳикоят, ривоят, масал жанрларидан озиқланади. Рабғузийнинг «*Қиссаси Рабғузий*», Юсуф Хос Хожибнинг «*Қутадағу билик*», Аҳмад Югнакийнинг «*Ҳибат ул - ҳақойиқ*», Навоийнинг «*Ҳайрат ул-аброр*», Саъдийнинг «*Гулистон*», «*Бустон*», Пошшоҳўжанинг «*Гулзор*» асарларидаги маърифий-

дидактик фикрларга туташади. Шунингдек, муайян жиҳатлари билан ҳиндиларнинг «*Калила ва Димна*»си ҳамда Кайковуснинг «*Қобуснома*»сини эста солиди. Айниқса, миллатпарварлик ва ватанпарварлик туйғуси балқиб турганиги жиҳатидан миллий истиклол армони билан яшаган жадидлар дунёқарашига тўла мос келади.

Теро Ҳамза ҳам маърифат - жамиятни маънавий поклайдиган қудратли вуч деб билган эди. Унинг қарашлари мутлақо шарқонадир. Олимжон тафаккурининг ўзгариши кишилардан ибрат олиш асосига қурилган. Адиб ўз таълимий қарашларини бадиий либосга ўрашга, жамиятни адабий қаҳрамонини охи билан кузатишга уринади. Олимжоннинг динамик ўсишини ўйловчи ва фикрловчи инсон такомил тарзида ифода этади. Бу жиҳатдан у шўро дидри адабиётининг меҳнат кишиси образидан анча фарқланади. Романда Олимжоннинг ҳаёт ҳақидаги мантиғи дастлаб бир қадар содда ва жўн тарзда тасвирланади. У бахтли ҳаётни ўқиш-ўрганиш орқасидан келувчи фаросоналик тарзидагина тушунади, ёмон хислатларни қоралаш билан ифодаланади.

Ҳамза эстетик қарашларига кўра ҳам келгуси авлоднинг истикболи вакил мактабдан таралаётган эзгулик нурларидан баҳрамандлик даражасига бевосита беглик. Қобилият тарбия воситасида шакллантирилади, - деган таълим асосининг Ҳамза инсон тафаккурини ўстириш тарафдори сифатида «ўрнинг» Ромин қаҳрамони Олимжон руҳан ва фикран туйғун бўла ёрган сари ўнги ва ўғаларга берган баҳоларида холислик, ҳаққонийлик, аниқлик даражаси ҳам ортиб боради. Ақл-идроқи ва муҳаббат-эътиқоди тарбияланаётган Олимжонни улуғлаган Ҳамза аслида тафаккур ва нозик туйғулар соҳиб бўлган инсонни шарафлайди. Мукаррам зот бўлган инсоннинг Ватанга муҳаббати ҳам юксак бўлмоғи лозим деб билади. Миллат тарбияси унгаринларни улкан бир меҳр билан тасвирлайди. Жаҳолатни тарқатиётгани дунмани деб билган адиб маориф, фан ва маданият орқали бутун дунядан буткул қутилиш мумкинлиги ғоясини илгари суради. Миллат тақдирига қайғуриш пировардида Ҳамзанинг ўз халқини маорифатни, маданий тараққиётда кўриш армони билан туташдир. Бу олий тилочоқ етмок учун элимизнинг ҳар бир фуқароси табиатидаги қусурлардан қалб бўлиб, ўзини покламоғи керак,- деб билаган адибнинг романдаги қарашларини синфийлик асосида тушунтиришга бўлган уринишлар мутлақо асослидир.

Шубҳасиз, «*Янги саодат*»да ахлоқий-таълимий масалаларни маорифий-дидактик тарзда баён этишдек маърифатпарварлик адабиётига хос «суҳубатлар» сакланган. Бирок Ҳамза образлари имкон қадар реалистиклигини, тасвир жараёнида қаҳрамон руҳиятига алоҳида эътибор бергани ҳаракат қилган. Қаҳрамонлар ҳаётини бутун мураккаблиги билан келтиришда ифода этган. Романга хос муҳим белгилар: (оддий инсоннинг аълоий ҳаётини тасвирлаш орқали ижтимоий ҳаёт ҳақидаги ўз эстетик даражани ифодани, конкрет ҳаёт ва кундалик турмуш воқеаларига алоқани, келг-этиқликни мумтоз адабиётга хос субъектив-лирик ҳарорат билан омухтिलाштириш, инсон қалбининг товлянишларини бугун

нозикликлари билан жилвалантиришга уриниш, шахс тақдири орқали давр характерини кўрсатиш маҳоратини биринчилардан бўлиб тўғри англаган ва амалда муваффақиятли қўллаган эди.

Ғайрат ва шийоат билан ўқиб устозлари таҳсинига сазавор бўлган Олимжоннинг бу лугф-марҳаматдан беҳад шодланганию имтиҳон мажлисига оталарни тақлиф қилиб, Абдуқаҳҳор номига берилган «*Даъватнома*» қўлига теккандан кейинги «*юрағи титраб, бағри эзилиб*» руҳсиз ва маъюсланиб қолган ҳоллари романда ғоятда гўзал тасвирланади. Ҳамза унинг вайрон бўлган ҳасратли дилига кулок тутар экан, «*Даъватнома*» залворини англаган қаҳрамон учун бу «*Таънаннома*» мақомини касб этгани хусусида тўхталиб: «...*ўқувдан умиди кесилуб, зариблик болушига ёстанган Олимжоннинг бекаслик била кируб, етимлик била чиқуб турган совуқ нафаслари*» ни-да китебхонга ҳис қилдиришга уринади.

Шахарнинг боён ва уламо, куззотларидан тортиб фуқоросигача йиғилган беш-олти юзлик миллат мажлисида имтиҳон топширган Олимжон ўзининг хулқ-одоби, билимдонлиги билан бутун издиҳомни мафтун этади. Элнинг таҳсин ва раҳматига сазавор бўлиб, инъомлар олади. Унинг нуқсиз имтиҳон бериши кишиларнинг устоздан мамнун бўлишларига, унинг халқ орасидаги обрў ва эътибори ошишига ҳам сабаб бўлади. Баланд фаросатли, нозик руҳли, илми бақувват Олимжон сал фурсатда муаллимнинг яқин кўмакчисига айланади. Маслак ва матонатини маҳкам тутган қаҳрамон ҳар бир амалини ақл тарозусида ўлчаб қиладиган, бидъат ва хурофотдан асранувчи, қадриятларга эҳтиром билан қаровчи, сўзида собит зиёлига айланади. Ундаги ғайрат ва жасоратни анчадан бери синчковлик билан кузатиб юрган савдогар Абдулрахмонбой ўзига мирзо ва ўғил қилмоқчилигини билдирганида Олимжон онаси Марям ва маънавий падари муаллимнинг ризолиғидан кейингина тақлифни қабул қилади. Абдулрахмонбой ўқимишли, ҳалол ва тўғри йигит бўлиб ўсган Олимжон орқали ўзининг савдо-тижорат ишларини ривожлантиради. Олимжонга бўлган муҳаббати ва садоқати, унинг тadbиркорлигига ишончи туфайли ўзининг барча ишларини юргизишни мамнуният билан топширади.

Олимжон тижорат билан шуғилланар экан, вақтли матбуотни ҳам кузатиб боради, Ҳамза романда бундай нашрлар ҳақида тўхталар экан: «...*газета, журнал, рўмон, адабиёт каби олами инсониятдаги миллият, маданият, ҳаёт, слодат била таништирадургон матбуот*», - деб баҳо беради.

Дарҳақиқат, Олимжон Туркистон мусулмонлари мутараққий давлатлардан нисбатан орқада қолишларига сабаб бўлган иллатлар ҳақида фикрлайдиган жадид бўла боради. У хотин-қизларни замонавий илмлар руҳида тарбиялаш, уларни ҳам янги усул мактабларига жалб қилиш кераклигини англаб этади. Хотин-қизларга мўлжалланган эски услубдаги мактабга қатнаётган синглисини истиқболда отин бибилик ёки ромчилик, парихонлик сингари хунарлар кутаётганидан қаноат ҳосил қилмайди. Хадичани мактабдан олиб қолиб, буш вақт ажратиб ўзи таълим беради. Янгича фикр-қарашлар, миллий руҳ борасида ўз билганларини муфассал

Ўринида. Ҳамза ўлкада хотин-қизлар учун мўлжалланган махсус жадиद мистаблари бўлмаган бир шароитда Олимжон каби маърифатли кишилар ошша шароитида ҳам ўз қарамоғидаги аёл-қизларни ўқитиб тарбияламоқлари милодиг истикболи учун муҳим аҳамиятга моликдир, деган гоъни илгари сўриди.

«*Янги саодат*» асарида Ҳамза алоҳида меҳр билан тасвирлаган, таъбир жонг бўлса ўз эстетик идеалини тўла сингдирган қахрамонлардан бири жадиद муаллимдир. Ҳамза уни китобхонга ҳар жиҳатдан ибрат қилиб кўрсатишга иштиёқли. Дарҳақиқат, муаллим ўз замонасининг етук билимдони. Унда минаят болаларига ўз билимларини етказиш иштиёқи кучли. Муаллим инсон сифатида ҳам етимпарвар ва саҳоватпеша киши. Унинг ғариб ва мискин Олимжон каби элнинг иктидорли фарзандларини илм-маърифатга даъват қилиши шундан. Жадиद муаллимга бир кўришдаёқ Олимжондаги гўзал хислатлар маъқул бўлади. Чунки синчков нигоҳи билан ўспириннинг тоҳридаги фақирликни ҳам, ботинидаги улугликни ҳам дарҳол илғайди. Ёшнинг олдида болакай хижолат чекмасин учун, дарс машғулотларидан кейин хужрасига қақриб унинг ҳол-аҳволи билан мукамалроқ танишади. Шифоғат ва марҳамат кўрсатиш билан Олимжон қалбига йўл топади. Бундай иштиёқ шубҳасиз Олимжонни беҳад шодлантиради. Бир умр устозга ва мистабга ҳавасини орттиради.

Устоз янги шогирдидаги ўқиш-ёзишга бўлган ҳавас ва иштиёқнинг баландлигига завқи келиб сабр-бардош билан таҳсил беради. Ундаги ғайрат ва қарикатчанликни зинҳор сўндирмасликка астойдил тиришади. Ҳамза уни шанидан узиб буткул романтик пафосга ўраб бериш ниятидан йироқ. Муаллим оёғи ердан узилмаган тирик одам сифатида ифода этилади. Чунки, у шикаста дил, фақир Олимжон каби талабаларга етимлик шавқларини унуттириб самимий меҳрибонлик кўрсатади. Шунинг саробиринида мазкур шафқатга зид тарзда муаллим отаси Абдуқаҳҳор номига «*Давлатнома*» бериб ўспириннинг нозик қалбига озор етказиб қўйиши мумкинлигини ҳаёлига келтирмайди. Вазият мангиги бўйича бундан хабар топишида эса қаттиқ афсусланади. Бироқ саҳван қилинган ҳаракат туфайли кейин чиққан ҳолат-вазиятни ўнглаш зарур эди. Акс ҳолда озорланган шогирдининг ўзига бўлган ишончидан маҳрум қоларди. Муаллим талбиркорлик билан иш тутиб, Олимжоннинг хонадонига ташриф буюради. Ширин лутф ва лазиз марҳамат билан унинг қалбини ғам-ғуссалардан фориғ қилиб олади.

Жадид муаллим ҳамиша ва ҳар қандай вазиятда ҳам иктидорли шогирдининг муваффақиятларидан астойдил суюнади. Олимжонни ўзига ёрдамчи қилиб олади. Унинг кейинги тақдирига ҳам ўта жиддий масъулият билан ишонлади. Чин маъноси-ла Олимжонни барча шогирдларидан ортқроқ кўради ва ўғил мақомида муносабатда бўлади. Унинг ҳаётда ўз ўринини топиб кетишига астойдил ёрдам беради. Олимжоннинг ҳам жадид муаллимни «*маънавий ота*» санаши бежиз бўлмай, ана шу инсоний меҳр-мурувват, устозларча бағрикенглик уруғларидан унган самимий туйғулар билан шубҳасиз. Роман қахрамонларини инсоний муносабатлардаги инжа

туйгулар самимиятига йўғириб тасвирлаш романда Ҳамза услубининг ўзига хос жиҳати сифатида намоён бўлади.

Абдурахмонбой ҳам Олимжоннинг садоқат ва матонати, ахлоқий поклиги ва қалбий гўзаллиги, инсоний ғайрат ва жасоратини, амалда кўрғач, ёлғизгина қизи Назокатхонимни унга бериб, чин ўғил қилиб олмоқни тилайди. Аслида очик юз, ширин сўз Олимжонда қизнинг ҳам кўнгли бор эди. Шу боис бойнинг аёли Шамсибиби ҳам бу ишга монелик қилмайди. Хадича Назокатнинг акасига ишқи тушганини билар, бу сирдан Марям ҳам огоҳ эди. Шунинг учун она уйланиш борасида ихтиёрни ўғлига беради. Олимжон устози билан бамаслаҳаг яқинда хабарини олган отасини топиб келиш учун бир хафта муҳлат сўраб, Кўқондан Тошкентга жўнайди. Отаси уйдан кетганидан ўн икки йил ўтгач, ўн саккиз яшар Олимжон хат мазмуни бўйича Тошкент бозоридан сўраб-суруштириб отасини топади. Олиб келган янги либосларини Абдуқаҳҳорга кийдириб, уни Кўқонга қайтаради. Отасига янги дўкон очиб беради. Олимжоннинг тўйи икки оиланинг ҳамжиҳатлиги остида ўтади. Шу орада Олимжон ота-оналари ва қаттиқ бетоб бўлиб қолган қайинтаси билан маслаҳатлашиб, мактабдош дўсти Аҳмаджонга сингисини никоҳлаб беради. Натижада *бир жиҳатдан* ишбилармон ва садоқатли дўст, *иккинчидан*, савдо-тижорат юмушларига кўмакдош, учинчидан, оқил ва доно кўёв муаммолари ҳал бўлади. Узоқ ўтмай, Абдурахмонбой мол-давлатини буткул Олимжонга қолдириб, оламдан ўтади.

Ҳамза роман қаҳрамонларининг бундай тўкин ҳаётга етишувлари илм-маърифат туфайли эканлигини нечоғлик таъкидламасин, асар ниҳоясида воқеа-ҳодисалар ривожига ҳеч қандай зиддиятнинг кўринмаслиги туфайли романда ғоявий-бадий заифлик, юзакилик, бир қадар сунъийлик юзага келган. Муаллиф баёни орқалигина ривожланувчи сюжетда характер ва воқеалар ўртасидаги муносабат тўла ифодаланмаган ўринларда, ҳодисалар тасвири таъсирчанликдан йироқлашади ҳамда ахборат тусини олади. Мазкур ахборотларда эса муаллифнинг характерларга бўлган кучли симпатияси ошқора кўриниб туради.

1.3. ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ САРЧАШМАЛАРИ

Абдулла Қодирий етук сўз санъаткори бўлиш йўлида Фирдавсий, Саъдий, Ҳайём, Навоий, Фузулий, Чехов, Гоголь, Жўржи Зайдон, Вальтер, Скотт, Пушкин, Л.Толстой, И.Тургенев, А.Туқай, О.Иброҳимов ва бошқа ўнлаб жаҳон адабиётининг улуғ сўз санъаткорларидан ижодий ўрганган. Қодирий истеъдоди ва талантининг ҳаракатга келиши, истеъдодининг янги муайян қирралари ёрқинроқ намоён бўлишида ижодий ўзлаштириш муайян туртки вазифасини ўтаган. Ўз навбатида Қодирий ижодий мактаби М.Авезов, Ж.Икромий, Б.Кербобоев, Х.Деряев сингари ёзувчилар ижодий камолотига

самарини таъсир этганлигини Р.Иноғомов²², Ш.Турдиев²³ каби олимларимиз асосли фактлар билан далиллайдилар

Қатор тадқиқотчилар: Р.Отаев²⁴, Д.Куროнов²⁵, Б.Каримов²⁶ илманишларида Қодирий романларининг кейинги авлод ўзбек романичислари Чўлпон, Ойбек ижодига таъсири инжалик билан ёритилади.

Шубҳасиз, Қодирий йирик асарлари ёзилгани ва чоп этилганидан бери ушбу дунё ўтди. Шунга қарамадан, услуб соддалиги, миллий ўзига хослик ваҳидидан олиб қаралса, Қодирий белгилаб берган услуб миллий романчилигимиз учун хануз юксаклигича турибди. Албатта, ўзбек романчилигига 80-йиллардан эътиборан ҳаётга янгича тафаккур билан ёзилишчи янгича услуб кириб келгани, лиризм ўрнини изчил реализм, романтик сентементаллики бирмунча қатъият эгалланганлигини, ровий тинимсизга эътибор ортанлигини эътироф этиш лозим. 80-йилларда эса қаҳрамонларга муносабатда кўзга ташланаётган мураккабликлар ўтган асрнинг 20-30 йиллари анъаналарига у қадар тўғри келмайди. Халқ тақдирининг қаҳрамон тақдири йўсинида акс этиши, носирларда пайдо бўлган анчагина журъатлилиқ ва қатъият, одамга маърифатли ғоя билан асарнинг интилиш роман поэтикасида асотирашлар, афсона ва ривоятларнинг катта ўрин туттишлиги, композиция таркибига сингиб кетиши, ҳатто параллел мавзудий йўналишни ташкил этиб, роман матнида мустақил ва тугал ўрин туттиши, адабий-бадий функциясида ўзгаришлар содир бўлганлиги, кўплаб янги кўринишдаги: тарихий-концептуал, тарихий-полифоник, тарихий-биографик, мистик-фантастик сингари романларнинг пайдо бўлиши характерли хусусиятлардир. Романчиликда тинимсиз тажриба ва илманишлар асарнинг турлича йўналишларда кечмоқдаки, роман моҳият эътибори билан аниқлашиб, унда ранг-баранглик юзага келмоқда.

Шуниқ учун бўлса керак, адабиётшунослигимизда кейинги йилларда яратилаётган ўзбек романларини унинг илк ибтидоси билан киёслашга катаринча аҳамият берилмайди, ундан Ғарб ва жаҳон романчилиги аниқлашга эргаштиш ҳолларини кузатиш тамойили устивор бўлмоқда. Биз бутун муайян шаклу-шамойил касб этиб, адабий йўналишлари анчагина муайянлашган яқин ўн беш йиллик ўзбек романларига илғор жаҳон романчилиқ мактабларининг самарали таъсири бўлганлигини инкор этмоқчи эмасмиз.

«Қўнми бошиқа нарса - янглик қидиради», - деб ёзган Чўлпон 1925 йилдаёқ «*очумал бир вазият*»ни изоҳлар экан, Шарк ва Ғарб ўртасидаги янги кўнми - Тагорни ўз элига танитмоққа интилади. Унинг Шарк руҳи билан Ғарб асосини бирлаштирганлигини алоҳида қадрлайди. Чўлпоннинг баъдий адибиётни назарда тутиб айтган жаҳон адабиётига нисбатан ўзбек

²² Иноғомов Р. Қодирий жаҳон кезади // Абдулла Қодирийнинг бадий дунёси. Т.: Университет, 1994. 107-110 б.

²³ Турдиев Ш. Қодирий таъсирлар. Т.: Адабиёт ва санъат, 1977.

²⁴ Отаев Р. Тош қолдузи шуълалари. Шарк қолдузи, 1989, № 1, 176-182 б.

²⁵ Курунов Д. Чўлпон наصري поэтикаси. Т.: «Шарқ» НМАК Бош тахририяти. 2004, 236-263 б.

²⁶ Каримов Б. Қодирий кўпри. Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2003, 30-35 б.

адабиёти ҳали «чақалоқ», эскиликка нисбатан «етим» эканлиги фикрини албатта бугунги адабиётимизга нисбатан қўллаб бўлмайди. Бироқ мазкур фикрлар қайсидир даражада ўз мезонларини янгилаётган ва бу борада нафис адабиётга нисбатан бирмунча орқада қолаётган адабиётшунослик ва адабий танқид учун ўз қимматини муайян даражада йўқотмаётган кўринади.

Бизнингча, ҳозирги романчилигимиз тараккиётининг сарчашмаларини шарқона тафаккурдан, халқ оғзаки ижоди ва қадимги ўзбек насридан шунингдек, адабиётимизнинг порлоқ саҳифаси бўлган жаҳид адабиёти, хусусан, Қодирий ижодидан ҳам қидирмоқ керак.

Қодирий «*Ўтган кунлар*»²⁷ романида «*мусулмонбод*» таъбири билан аталувчи юртдаги азалий кадриятларнинг айниши, ўзаро ахиллик йўқолиб, низолар авжга чиққани ҳақида сўзлар экан, эл-юрт бошида инсоф, диёнатли, фуқоропарвар ва ҳолис одамлар туриши нажот манбаидир, деган концепция илгари суради. «*Тошкентга инсофли бир бек белгиланса, меним учун кифоя*», деган ниҳоятда бетаъма, халқ манфаатини кўзловчи Юсуфбек хожининг Кумушбиби таъбири билан айтганда «*Нур ичига кўмилгандек*» бўлиб кўринган сиймосини, «*Ойим, деб хитоб қилгандаги мулоим, беозор ва муассир сўзини*» (327-б.)...*ўғлим, бизни халқнинг ҳолига йиғлашни ҳам билмайсан, кулишни ҳам!*»(37-б.) деган вазият-ҳолатлардаги донишмандона саломқарлигини, «*...Фуқоранинг тагин қандоқ кўрғишлари бор экан, ўғлим*» сўзларни ёзганидаги серташвиш қалбини (36-б.) «*кўзимизнинг нури, белимизнинг қуввати, ҳаётимизнинг меваси*» (35-б.) *умид нишонамиз, ҳаёт кувончимиз, орзумиз, ҳавасимиз*» (139-б.) каби фарзанд адоғидаги оталик кифасини, эс-хушини фарзанди билан ифтихор этишга ҳақли бўлса-да, Отабек орқали эл олдида хижолат чекмаслигидан мамнулик билан тийила олган ҳолатдаги рухий тўлқинларини том маънодаги миллийликдан, шарқоналикдан ажратиб тушиниш мумкин эмас.

Таъбига мувофиқ киз топилмагани, эрнинг ҳам хотин таъбига мос бўлиши лозимлигини теран англагани учун ҳануз уйланмай юрган Отабек меҳр-муҳаббатли турмушни ёқлайди. Шу боис Кумушнинг қадрини аршларгача кўтарганида Офтобойим унга нисбатан чексиз муҳаббат, паёнсиз эхтиром сезади. Ҳатто йиғлагиси ва куёви юзидан ўпгиси келади. Қутидор таъбири билан айтганда: «*...ҳар тўғрида ҳам етук бир йиғит ... чин йиғит, қаршисида Мусулмонқул ҳам завқланиб: «дов юрагин бор экан, йиғит» – дейишга мажбур бўлади. Зеро, унинг ўзи ҳам фавқулодда жасурлиги билан тарихда эътироф этилган.*» (124-5) Қодирий тасвирида қалби фаришталар кўнглидек тоза икки жон, икки юрак бахтига раҳна солган турмушнинг руқин ва асосида турувчи одатлар маъқул ва машруъ эмаслиги мантикий асосланади. Отабекнинг «*Авлиётода қахрамонона шахид бўлиши билан Ёдгорбекнинг очлик йиллар миёнасидаги вафоти, фарзандларининг икки кутбга ажраб кетишлиги ҳақидаги хабарларда бутун-бутун авлодлар тақдири мужассамлангандек туюлади.*

²⁷ Қаранг: Абдулла Қодирий. *Ўтган кунлар*. Роман. Т.: 1975 (Романдан келтирилган кўчирмалар шу нашрдан олинди, саҳифаси кавс ичида кўрсатиб борилди)

«Мехробдан чаён»²⁸ романида Мирзо Анвар тилидан Фузулийнинг унбў мисраси келтирилади: «Даҳр бир бозордир, ҳар ким матоин арз этар» (153-б). Романнинг ҳар бир қаҳрамони ўз бисотини қовлаб, бор матосини бозорга солади. Ёзувчи шу орқали жамият қиёфасини аниқ кўрсатишга муваффақ бўлади. Муаллиф жамият иллатлари ҳақида сўзлар экан: «Жамият ҳам бир касал билан оғридими, унинг ҳар бир табақа, ёки синфида, яна тўғриси фардига шу касал сироят қилмай қўймайди», - деб ўтди. (59-б).

«Анвар кўзини доғлаганлар» сафидаги Абдурахмон ҳам муфти, Қивоншоҳ таъсири остида ҳаракат қилишга мажбур. Султоналининг кўшниси Қаримбой эса бир тилло эвазига ёлғон гувоҳлик беришга-да тайёр. Қивоншоҳқа бардош беролмаган ямоқчи ўз хотинини уриб, сўқар экан, жамиятга бўлган кекини хотинидан олгандай бўлади (14-б.) Мударриснинг шикоятчи, закотчининг таъмагир ва худбин бўлишида ҳам маълум маънода замонасозлик интилишлари кузатилади. Кўнгли, руҳи қариган, калби ўксук, Фруг онамдан ҳеч нарса тиламай тинчгина яшашу ўлимни кутиб яшаётган Тойиб ака фожиаси ҳам бечораҳолликка бориб тақалади. Ёзувчи истибдод санобатини бўй-баста билан кўрсатишга астойдил интиланлигини таъкидлар қилиши, уларнинг табиий хислатлари ҳам характер шаклланишига таъсир этганини инкор этмоқчи эмасмиз. Бу борада Қодирий масала моҳиятига яна тарафдор ёндошади. Муаллиф ижодий концепциясида инсоф масаласига шикоятчилик қаратилади. Ўрдада шунча фитна-фасодларга сабабчи бўлган мирзабошилик мансабининг фуқаро ва касиб учун заррача кизиги йўқ. Уларга ким мирзабоши бўлишдан кўра унинг инфосли бўлишиги кўпроқ аҳамият касб этади. Беғубор болалик хотираларига кўнглида тизгинсиз бир «ғуҳаббат асраётган Анвар қоронғу уйда гулхан атрофида ўтириб иссиқ-иссиқ чаёдан кўнлар экан, шоирона, дарвешона ҳаётни орзу қилади (149-б) Аслида унинг болалигида эслашга лойиқ бирор муҳим жиҳат бормиди? –деб ўйлаб қоласан. Оилادا фарзанд туғилганида ҳатто унга ном қўйишгада фурсат топа олмиган, ҳатто бундан заррача севинмаган Салим бўёқчи оиласи орзу қилмаслар кучоғида яшайдими? Ҳатто доя чакиришу, кўни кўшнига суюнчи тасарруфидан ҳам чўчиётган бу оила мисолида кўшнилarning аҳоли ҳам аён бўлади. Тирикчиликдан бўшамай, бавосир касалига йўлиқиб дунёни тарк этган эр, қирқ ёшда қаримсик бўлиб қолган аёл – Анорбиби. Тирикчилик талонида юрак фалажидан вафот этган она. Бу Анварнинг ёзувчи айтмоқчи «вазирдодсиз» лайлақлар ичида бемаҳал зуррак» эканлигини яққол кўрсатади.

Солиқлар эвазига Назмидек истеъдодли кизи ҳам тортиб олиниб, хонга тортиб қилинган ота ёки ночор рўзғорига Анварни сиғиштирмаётган почча, шикоятчилик жабр кўрган Сафар бўзчи тақдирлари жамият асосларининг послигига бориб тақалади.

²⁸ Борани Абдулла Қодирий. Мехробдан чаён. Т.: Ўқитувчи, 1978 (Романдан келтирилган кўчирмалар шу пайвандани билиб, қиле ичида саҳифа кўрсатиб борилади)

Шунингдек, қалби инсоф ва диёнат билан лиммо-лим тўлган Мохларойим, Нигорхоним, Рузвон, Тўхтабиби, Огача ойм, Нодира каби аёллар образлари чинаккам маънода носир эстетик идеалларини ташийди.

«*Шеърӣ бир хусн*» соҳибаси бўлган «*фозила қиз*» Раъно ҳам ҳажр йўлга ризолиги, бир олам орзулар кучоғида яшаши, кўнгил розларини тушунадиган таянч, суянчиқ излаши, андишаллиги, шоиртаъблиги жасурлиги ҳайвоний истакларга қарши уни исёнга етаклаши табиий эди.

Султоналига хос меҳрибонлик, холислик, истеъдодга эҳтиром, ноҳақликка ғазабкорлик, кизикқонлик, дадиллик, қувлик, тадбиркорлик, садсақат туйғулари жамиятдаги киёфасизлик билан муроа қилиши қийин эди. Уни Анварга яқинлаштирган жиҳатлар характер хусусиятларию интилишларидаги муштаракликдир. Ёзувчи унинг дўст учун кўкрак керувчи, матонатли кишиларнинг ўз давридаги ягона вакили қадриятларга садокатли йирик ШАХС эканлигини эътироф этади. Султонали ҳам Анварга тан бериб: «*йигит*», - дейди (183)

Таассуфки, Анвар ҳам зулм ва истибодни парчалашга ожиз, Султоналининг-да бу юмушга қўли қалта, Раънонинг исёнкорлиги, ўз бахтига тўқинишдаги даври аёлларининг илк кўтарилиши, ҳатто зулмнинг тепасида турган Худоёрхон ҳам «*Туркистон хонларида сийрак кўринган*», «*улуз ишлар*» қилар, улкан ёвга ўз маданияти билан жавоб бериш истағида ёнар экан, ҳаёт маромини кескин ўзгартиришга қодир эмасдай туюлади. Демакки, романда давр фожиаси акс этган.

Бизнингча, Қодирийнинг романчилигимизга таъсирини тўғридан-тўғри бадий тўқимадан излаб ва кузатиб бўлмайдди. Чунки романларимизда объектив олам, воқеа ва ходисалар, ташқи тасвир, қаҳрамон ҳатти-ҳаракатлари, муҳит ва шароит, замон ва маконнинг инсон тасаввури ва шуурига таъсири, қаҳрамоннинг унга снгли муносабати тарзида бадиятга айлантирилмоқда. Бадий қаҳрамон муаллиф яратган характер эмас, ўзини-ўзи англаётган тасаввурлари асосида вужуд топган персонажга айланди. Китобхон эндиликда қаҳрамоннинг тафаккур жараёни билан мулоқатга қиради, бахшлашади. Тасвирийликдаги ўзига хослик йўлларининг танланиши ривоятнинг аънавий тасвирдан фарқланиши, онг оқимининг акс этиши насримизнинг илдамлаётганлигини кўрсатади.

Тўғай Муроднинг «*Отамдан қолган далалар*» романидаги Жамолиддин кетмоннинг ғайридиндан юз буриб, элдан бош олиб кетиши, Анвар интилишларини, нўғой Чанишевнинг «*жигит*» Ақраб олдида отдан тушиб, унга тан бериши, истагини ижобат қилиб, ўз ожизлигини тан олиши, Мусулмонқулнинг Отабекни эътироф этишини, Дехқонқулнинг фақирона ҳаёти ақсарият Қодирий қаҳрамонлариға хос фақирликни ёдга солади. «Она лочин видоси»даги Гавҳаршодбегим, ақсарият романлардаги темурийзода маликалар Огачаойимдан ўсиб чиққандай. «*Юлдузли туллар*»даги Хонзодабегим қайсидир жиҳатлари билан Анварнинг опаси Нодираға яқиндай туюлади. «*Бозор*»даги «*Меҳрибонингни йўқотдингми, бўтам*», -деб Фозилбек бошини силаётган чол Мохларойимни эсга солади. Фозилбек ва Қадрия Отабеғу Қумушни, Анвар ва Раънони ёдга туширади. Қосимбек

интересон «бозор-дунёни элақага келтира олмайгани, эл ташвишидалиги» кичиктидан Юсуфбек ҳожига яқин туради. Омон Мухтор романларидаги Нодирбегим, Мирзо Ғолиб, Лутфий, Навоий, Фитрат тимсоллари фонидакининг, юрт қайғусида жондан кечишнинг, ишқ йўлида интилишнинг ҳароратини Қодирийдан олади.

Ў.Ҳошимов романларидаги қаҳрамонлар тақдирига хос фожеазийлик интиқоси, Тошкентнинг эски шаҳар манзаралари тасвири, хусусан Ашрафийнинг билан боғлиқ ўринлар қайсидир жиҳатлари билан Қодирийга қизиқасан тасвирларига, характерлар драматизмига бориб туташади.

1.4. ЧЎЛПОН ВА БУГУНГИ ЧЎЛПОНШУНОСЛИК

Бадий асарни у ёки бу нуқтаи назардан таҳлил этиш усуллари таҳлилот объектига бўлган муносабатни белгилайди. Ўзбек адабиётшунослигида ҳам янги ўзбек адабиёти, хусусан, Чўлпон насрини структурал таҳлил усули орқали ўрганиш тажрибаси юзага келди.

Ўтган асрнинг 90-йилларидан эътиборан илмий-адабий жамоатчиликка яқин таниш бўлган Дилмурод Қуроновни биз “Кеча ва кундуз” романида характерлар психологизми”²⁹, “Чўлпон поэтикаси (насрий асарлари асосида)”³⁰ қабилда номланувчи номзодлик ва докторлик диссертациясининг муаллифи сифатида яхши таниймиз. Дилмуроднинг “Рухий дунё таҳлили” (1995), “Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси” (1997), “Чўлпон насри поэтикаси” (2004), «Адабиёт надир» ёки Чўлпоннинг мангу сони» (2006) сингари рисола ва монографиялари, вақтли матбуот нашрларидаги ўнлаб мақолалари ўзининг теран мазмуни, фактик материалларга бойлиги, адабиётшуносликнинг илғор ютуқларига ҳаминқаслиги билан хамиша илиқ кутиб олинган, баҳс-мунозаралар уйғота билган.

Кузатишлар шунини кўрсатадики, бадий асарни структурал таҳлил этишга бўлган муносабатига кўра адабиёт илмига дахлдор кишиларни шартан тарзда учта гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Структурал таҳлил тарафдорлари.

Улар бадий асарнинг композицияси образлар тизими, бадий тасвир усулларининг алоҳида-алоҳида қисмларга бўлган ҳолда ўрганадилар. Сўнгра адабнинг синтез қилиш орқали умумий қонуниятларни аниқлаш ва илмий муносабат чикариш йўлидан борадилар.

2. Бадий таҳлил қилиш тарафдорлари.

Улар назарида структурал таҳлил бадий таҳлилни муниммаллаштириш омилдир.

²⁹ Қуронов Д. “Кеча ва кундуз” романида характерлар психологизми” Номзодлик дисс. Т.: 1992.

³⁰ Қуронов Д. “Чўлпон поэтикаси (насрий асарлари асосида)” Филол. фанлари доктори... дисс. автореферати. Т.: 1998.

3. *Бадий асарга соф санъат намунаси деб қаровчилар.* Бу нуктаи назар тарафдорларининг такидлашларича, бадий асарни ҳар қандай формулалар воситасида ўрганиш унинг моҳиятини тўлалигича ифодалаш имконини бермайди. Санъат асарининг нафосатига ҳеч қандай қолиплар билан етиб бориб бўлмайди.

Агар синчиклаб кузатилса, бундай қарашлар ўртасида муайян тафовутлар мавжуд. Бирок ҳеч бирида ҳам моҳият эътибори билан структурал таҳлил усулини кескин инкор қилиш кузатилмайди. Чунки бадий асарнинг таркибий қисмларини ўрганиш маълумотларнинг аниқлигини таъминлаши англаб етилгани кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолган гап эмас. Аслида ҳам структурал таҳлил усули аниқ фанлардаги таҳлил йўналишини сўз санъати намуналарига талбиқ этиш асосида юзга келган бўлиб, ўзбек адабиётшунослигида нисбатан кам ўрганилган ва оммалашмаган усуллардандир. Асосли илмий-назарий хулосаларга томон етаклаши жиҳатидан мазкур усул муҳим аҳамиятга моликдир. Бинобарин, бадий асарнинг матн бирлигига зиён етказиши мумкинлиги ҳақида ташвишланишга асос йўқдир.

Бевосита Дилмурод Куроновга келсак, тадқиқотчи бадий асарга ўзгача ёндашув усулларини инкор этмаган ҳолда Чўлпон насрини контекста тушуниш ва унга ижодий ёндошиб, асар мазмунини шакллантиришни эмас, балки структурал таҳлил - муаллифни тушуниш шарти эканлиги боисидан мурожат қилади. Демак, олимнинг интилишларини шаклбозликка, бадий асар моҳиятини жўнлаштиришга мойиллик деб тушунмаслик керак. Унинг учун бадий асарни гап модели асосида қараб чиқиш асар структурасини, ундаги унсурларнинг ўзаро алоқасини осонроқ тушуниш ва тушунтириш имконини берувчи бир восита ҳолос. Мазкур усулга мурожат қилиш фақатгина таҳлилни осонлаштириш имконини берадиган ҳоллардагина мақсадга мувофиқдир³¹, - деб билади Д.Куронов.

“Таҳлилни осонлаштириш” деганимиз структурал таҳлил усулининг “осон”лигини аниқлатмайди. Бадий асарнинг ҳар бир унсури устида фикрлаш, унинг илдизларини ахтариш, типологик таҳлиллар олиб бориш, унинг юзга келиш мотиви, бажариш вазифаси, тузилишини кузатиш санъаткорнинг айни асар яратилаётган палладаги фикр-ўйларини ҳис-туйғуларини қайта тиклашга уриниш тадқиқотчидан озмунча меҳнат, изланиш талаб қилмайди. Шубҳасиз, бундай қараш тамомила янги эмас, албатта. Д.Куронов бу борада М.Бахтининг “*Нутқий жанрлар*” ҳақидаги қарашларидан туртки олади. Р.Бартнинг бадий асар структурасини таҳлил этишда гап қурилиши конструкцияларига таянган ҳолда тушунтириш мумкинлиги ҳақидаги қарашларига таянади.

“*Чўлпон насри поэтикаси*” монографиясида тадқиқотчи учун назарий асос бўлган қўплаб манбаларни кўрсатиш мумкин. Жумладан, маърифатчилик адабиётининг дунёни ва инсонни ўзгартиришга қодир ғоявий

³¹ Куронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. Т.: «Шарқ» НМК Бош таҳририяти. 2004, 82 б. (Китобдан келтирилган иқтибослар шу наشرдан олинди, қавс ичида саҳифа кўрсатиб борилди)

адабиёт яратиш акидаси бадий адабиётнинг спецификаси, нафосатлини англаш тушунчаларига жиддий тахрирлар киритганлигини мантикий асослашда А.А.Елистратова ва С.В.Тураевларнинг қарашларига таянади.³² Ижтимоий идеалнинг адабий-эстетик идеалга айлана боришини ойдинлаштиришга муваффақ бўлади. Бутунни қисм, қисмни эса бутун орқали тушуниш назарийчиси Г.Гадамер қарашларига таяниш тадқиқотчига ёзувчининг ҳаёт йўли, ижоди ва рухий ҳаётдан иборат учта муҳим жиҳатга аҳамият қаратиш имконини беради. Натижада конкрет асар доирасидан ташқарига чиқиб, реал ижодкорга яқинлашиш, у билан мулоқотга киришиш имкони туғилади. Чўлпон муайян асарни ёзган ижодий онлари, бутун ҳаёт йўли ва жамият ҳаётинигина эмас, балки ўз вақтида шу асарга ёзувчи томонидан юкланган ботиний мазмун ҳам ойдинлаштирилади.

Д.Курунов З.Фрейднинг гайришуурий ҳаракатлар психологияси ҳақидаги қарашларига уйқаш жиҳатларни ҳам Чўлпон насридан топа олади. Инсон рухий ҳаётини учта тағструктурага ажратиб қараш “Мен”, “У”, “Мен - идеал” тадқиқотчига “Кеча” романи қахрамонлари руҳиятидаги шиддатли жараёнларни ишончли талқин қила олиш имконини беради. Д.Куруновга физиология, мантиқ, психология, семиотика, герменевтика ютуқларидан фойдаланиш Чўлпон интеллектуал заковатини рухий жараёнлар билан боғлиқликда олиб қараш имконини беради. Шубҳасиз, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Тадқиқотда Ортега-и-Гассетнинг “Санъатнинг гуманизмдан четлашиши” ҳақидаги қарашларига асосланиш характерлар фожеасидан инкирозини келтириб чиқаришга йўл очади. Инсон ботиний оламига назар ташлашга томон етаклайди. Г.Н.Пospelов, Л.И.Тимофеев, Ю.Бсрев, Р.Уэллек, О.Уоррен, Х.Г.Гадамер ва бошқа ўнлаб рус ва жаҳон адабиётшуносларининг бадий адабиётнинг ривожини, поэтикаси, макон ва замон муносабатлари, адабий-эстетик тафаккур табиати билан боғлиқ қарашлари монографиянинг илмий-назарий теран хулосаларида муҳим ўрин тутади.

Чўлпон насри поэтикасини тадқиқ қилиш олимга адиб асарларининг бадий киммати ва миллий-бадий тафаккур тадрижида тугган ўринини белгилаш имконини беради. Мазкур тадқиқот юзага келгунча бўлган даврда Чўлпон насрининг ғоявий-бадий хусусиятлари О.Шарафиддинов, Э.Каримов, М.Қўшжонов, С.Мамажанов, Н.Владимирова, Н.Каримов, А.Раҳимов, С.Аҳмедов, Р.Отаев, Б.Дўстқараев, Х.Лутфиддинова ва бошқа турли авлодга мансуб адабиётшуносларимиз томонидан муайян даражада ўрганилган эди. Бу тадқиқотларда асосий эътибор Чўлпоннинг у ёхуд бу асаридagi образлар тизими, сюжет-композицион қурилиши, характерларнинг яратилишидаги адиб маҳорати, услуби, ифода йўсинига хос рамзийлик тил имкониятларидан фойдаланиш маҳорати, ривоя тарзи сингари масалаларга қаратилган.

³² История всемирной литературы. В 9 т. Т.5.-М., 1988.

Д.Куронов “изланиш даври” адабиётининг етакчи хусусиятларини ўша давр етиштирган йирик адабий фигура ижодий мероси мисолида кенг кўламда яхлит кузатади. Гарчанд олим Чўлпон насрини хусусий поэтика аспектида ўрганган бўлса-да, китобда янги ўзбек адабиётининг шаклланиш йўллари ва омиллари, шунингдек, яқин ўтмиш адабиётига муносабат муаммолари ҳам ёритиладики, бу ҳол давр адабиётига хос умумий поэтикани теранроқ англаш имконини беради. Демак, тадқиқот моҳият эътибори билан Чўлпон насри поэтикасидан анча четга чиқа олади. Унда янги ўзбек адабиётини юзага келтирган омиллар, миллий адабиётнинг XX асрдаги тадқиқот йўли, адабий жараёндаги мураккабликлар объектив илмий ўрганилади ва баҳоланади. Тадқиқотчи жадид адабиётининг эстетик принциплари, унга хос поэтик усул ва воситалар ҳақидаги тасаввуларимизни янада тиниклаштиришга муваффақ бўлади.

Ҳар бир давр адабиётининг ғоявий мазмуни ҳамда поэтик хусусиятларини ўша даврнинг ижтимоий-тарихий шарт-шароитлари белгилайди,-деган тезисга асосланган олим Чўлпон насри поэтикаси ҳақидаги мулоҳазаларини у адабиётга кириб келган давр шарт-шароитлари, жадидчиликнинг маърифий-ислоҳий моҳияти билан боғлайди. У жадид адабиётининг моҳиятини қуйидаги икки тамойилда кўради:

1. Бадиий асарнинг бирламчи унсурини ғоя ташкил қилиши ва адабиётнинг реал ҳаётга яқинлашуви.

2. Муаллиф ижтимоий-фалсафий, ахлоқий концепциясининг ғояни ифодалаш мақсадига қаратилиб, адабиёт тарбия воситасига айланиши.

Дарҳақиқат, жадид адабиёти ижтимоий ҳаракатнинг бадиий тажассуми сифатида юзага келган. У миллий адабиётимиз тараққиётида сифат жиҳатидан янги ҳодиса. Бу ҳол даставвал, мазкур адабиётнинг илғор жаҳон адабиёти реалистик тамойилларига юз буришида намоён бўлади. Бу эса жадид адабиётининг интенсив ривожини таъминлаган. Д.Куронов унинг ривожини таъминлаган қуйидаги асосий эстетик тамойилларни қайд этади:

1. Ижтимоий идеалнинг эстетик идеалга айланиши.

2. Ижтимоий йўналтирилганлик.

3. Тематик жиҳатдан реал ҳаётга яқинлашув.

4. Мазмун ва шаклнинг халқчиллашуви.

Англашиладики, тадқиқотчи кўпроқ эътиборини жадидчилик ҳаракатига қўшилган зиёлиларнинг дунёқарашлари - ислохотчилик ғоялари ва истак-тилақларига қаратган. Шу маънода олимнинг Чўлпонга хос насрдаги изланишларни қуйидагича белгилаши тўла ўзини оқлайди:

1. Мумтоз адабиётимизга хос тасвир ҳамда ифода воситаларига янгича жисо беришга интилиш.

2. Хорижий адабиётларга хос поэтик воситаларни миллий адабиётимизга дадил тадбиқ қилиш.

Шубҳасиз, адабиётнинг ижтимоийлашуви тарихий зарурият ҳосиласи ва тараққиқпарвар зиёлиларнинг фидоийлиги билан чамбарчас боғлиқ. Мусулмон халқларининг ижтимоий-сиёсий, адабий-маданий ҳаётдаги

уйғонишини рухан муштаракликда идрок этмоқ ўрни билан XVIII аср Европа маърифатчилиги билан қиёслаш таҳсинга лойиқ. Бирок, Чўлпон ижодий эволюциясини конкрет шароит таъсири билангина изохлаб бўлмайди. Носир ижодида жаҳон адабиётига хос тайёр эстетик мезонлар нуктаи назаридан ёндошиш, уларнинг поэтика ҳақидаги ақидаларини тасдиқловчи мисолларни олиб ижодидан қидириш рационализм ва сентиментализмга боғлашга уруниш унчалик дуруст эмас.

Тадқиқотда Чўлпон фаолиятини жамият амалий интилишларига боғлаб қўйиш, объектив оламга мос келиш-келмаслиги билан белгилашга уруниш кузатилади. Шахснинг ижтимоий-амалий табиатига ён босган тадқиқотчи унинг ўз-ўзини танишида мазкур жиҳатнинг таъсири кучли эканлигидан келиб чиқади, бирок ўзликни англашнинг маънавий-ахлоқий жиҳатларига старлича эътибор берилмайди. Чунки олим Туркистон ижтимоий ҳаёти ва тафаккуридаги туб сифат ўзгаришларини кўпроқ жаҳон адабиёти таъсирига боғлаб қўйиш йўлидан борган. У ёзади:

“...жадидчилик гоёлари таъсирида ва шу гоёларнинг тарғиботчиси сифатида адабиёт майдонига кириб келган Фитрат, А.Қодирий каби адаблар ижодидида... хусусан Чўлпоннинг ижодий фаолиятидаги ўстиш жараёнига диққат қилинса, унда Европа адабиётида қарийб бир ярим аср кечган жараённинг жасажси макетини қўриш мумкиндек туюлади бизга.”
(33 б.)

Чўлпон “Улуғ Ҳиндий” (1925) мақоласини “юраги дук-дук уриб”, “шамол теккан япроқдек қалтираб” ёзганлигини қайд этади. Унда тўқидлашича, носир учун Шарқ ва Ғарб адабиётлари “бири-бирдан ширин”. Чўлпоннинг янгилик кидирган кўнгли татар, озарбайжон, усмонли адабиётларидаги бир томонга тамойил бўлишликни “ортиқча”, - деб билади. Хусайн Жовид, Ризо Тавфиқ, Номик Камолдан дурустгина қонган кўнгли Рабиндранат Тагордан “чинакам” қонади. Уни “Шарқ ва Ғарб ўртасидаги олтин кўприк”, - деб атайди. Шарқ руҳи билан Ғарб асосини бирлаштирган Тагорни “маданий олам кишиси” санайди³³.

Демокчимизки, жаҳон адабиёти тажрибаларини ўзлаштиришда ижтимоий ҳаёт таъсирида уйғонган миллий тафаккур етакчи омил бўлган. Жаҳид адабиёти, хусусан Чўлпон насри ривожда шарқ адабиёти анъаналари руҳининг таъсири Ғарбий Европа маърифатчилигидан асло кам эмас. Ёшубарин, жаҳид адабиёти миллий тафаккур махсули. Унинг мазмун-мундарижаси ва ифода йўсинидаги жиддий эврилишлар, шунингдек китобхон поэтик дидиё руҳий-маънавий эҳтиёжининг тубдан ўзгаргани миллий-эстетик тафаккурни янгилади. Ўзбек адабиёти ўз теран илдизи ва ривожланиш манбааларига эга. Умум-жаҳон ижтимоий онгидаги, эстетик тафаккуридаги турфа йўналишлар миллий тафаккур йўсинига фақат ташки омил сифатидагина таъсир кўрсатади. Адабиёт доимий ўзгаришдаги эстетик ҳодисадир. Қолаверса, жаҳид адабиёти намоёндаларининг ўзаро муштарак

³³ Чўлпон, Улуғ Ҳиндий // Адабиёт надири (Адабий – танқидий мақолалар, Чўлпон ҳақида хотиралар) Т. Чўлпон, 1993, 56 – 58 б.

жихатлари мавжуд бўлгани холда, ҳар бирининг ижодий кредоси, -эламини бадий акс эттириш тарзи ўзига хосдир

Чўлпон маданий савияси юксалиши, ҳаётни бадий ифодалаш тамойилларини эгаллашида Шарк классиклари ва усмонли турк, ҳинд, татар ёзувчиларнинг асарлари ҳам самарали таъсир этганки, бу фикр Чўлпоннинг факат рус ва Европа адабиёти намуналаридангина мутаассир бўлганлигини кувватламайди.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати ҳам мавжуд. Туркистон, Бухоро, Хива жаҳидчилигини ягона мезонлар билан баҳолаш мумкин эмас. Жумладан, Хива жаҳидларининг маърифий-эстетик қарашларида анъанавий адабиётнинг ниҳоятда устиворлиги кузатилади. Бу ҳудудда табиий равишда халқчиллаша бошлаган ёзма ва оғзаки адабиёт, ёнма-ён яшаётган туркман ва қорақалпоқ халқлари меросидан озикланиш, адабий муҳитнинг кучли таъсиридан чиқиб кета олмаслик сингари ўзига хос жиҳатлар мавжуд. Бундай омиллар жаҳоний тараққиётга интилишнинг ортишида, янгича дунёқарашнинг шаклланишида муайян асос вазифасини ўтайди.

Агар Д.Қуронов масаланинг ана шундай жиҳатларига ҳам эътибор қаратганида эди шахснинг ижтимоий макоми, тарихий, ижтимоий-адабий шароитнинг адабиёт ривожига таъсир қилган миллий-ҳудудий илдишлари ҳақидаги китобхон тасаввурларини янада бойитган бўлар эди.

Бизнингча, Чўлпон фикрлари хиссий идрок ва мулоҳазакорликка асосланади. “Доктор Мухаммадиёр” ҳикояси ёзилган даврда унинг онгида зиддиятли ўйлар кураши кечаётган эди. Ҳикояни кузатиш Чўлпоннинг анъанавий адабиёт тамойилларига хос жиҳатлардан унчалик йироқлашмаганлигини кўрсатади. Демак, у мазкур босқичда реализм сирларини эгаллаш борасида ҳам изланишда бўлган.

Д.Қуронов Мухаммадиёрнинг “*бадий баркамол характер эмас*”лигини Чўлпоннинг “*ижодий ва ҳаётий тажрибаси етишмаслиги*” билан боғлаб тўғри хулосалар чиқарган. У адибнинг қаҳрамон руҳий ҳолатини изоҳлашда жумлаларни характер мантиқига монанд туза олмаганини Мухаммадиёр характерига муаллиф шахсиятининг синдирилиши тарзида изоҳлайди. Бу изоҳда назаримизда гап адибнинг дунёқарашига кўпроқ йўналтирилгандек туюлади. Ижодий тажрибасизлик сабаблари яъни характерга хос реалистик чизгиларнинг камлиги етарлича очилмагандай таассурот уйғонади. (Қаранг: 29 б.)

Бизнингча, Чўлпон “*дидактик реализми*”да миллий адабиётнинг маърифий-дидактик руҳи акс этган. Шу боис ҳам ҳикояда реализмнинг илк белгилари намойён бўлган. “*Қурбони жаҳолат*” ҳикояси ҳақида гапирилганда ҳақ, Чўлпоннинг оламини идрок этиши ғоявий мавқеига тамомила боғлаб қўйилади. Ҳикояда маърифий дидактиканинг етакчи мавқеда эканлигига таянган муаллиф А.А.Потёбнянинг санаткор ҳаёт материални олдиндан танлаб олиб, шу мисол ёрдамида ўз ғояларини тарғиб қилса, чинакам маънода сўз устаси эмаслиги ҳақидаги фикрларига таянади. Шу ўринда у яна бир бор Европа маърифатчилигига ўхшаш тамойилларни топиб, шу назариянинг тарғиботчисига, ўзбек адабиётида ҳам Европа маърифатчилик

алабиётига ҳамоҳанглик кучлилигини тасдиқловчи кишига айланиб қолади. (Қаранг: 24 б.)

Эшмурод руҳи билан вужудининг бир-бирига мутлоқ зидлиги яъни муҳитг нозозлигини ўйлаб изтиробга тушиши, у билан зиддиятга ёприқишида Д.Қуроно в сентименталликни кўради. Чунки, ҳикоя қахрамони оқинқ курашга киришган эмас.

Бу фикрни умуман инкор этмаган ҳолда, Шарқ бадий насрилинг таъсири эндигина илк ҳикоясини ёзган Чўлпонда анчагина кучли эди, - деган фикррози билдиришни лозим топамиз. Назаримизда, қахрамон кечинмалари ва унга муаллиф муносабагидаги ғоявий-хиссийликни изоҳлашнинг бир кинар миллий асослари ҳам бор. Жумладан, кадимги мифологияда ёхуд диний-илоҳий китобларда ҳам дуалистик қарашлар ўз ифодасини топган. Хашқ озгаки ижодининг бой намуналари, мумтоз адабиётнинг кўплаб намуналарида ҳам айнан шу руҳ ифодаланган. Тасаввуф адабиётида руҳ ва жисм ўртасидаги омонсиз кураш акс этган. Уларда муаллиф тафаккури ва руҳиятидаги ҳолат қахрамон шахсиятига сингдирилмаган деб ўйлаш тўғри эмас.

Чўлпон бадий насри ҳақида гап кетар экан, адабнинг идрокида пайдо бўлган тасаввурлар ҳаёт ҳақидаги теран фикрларини чўллантирган. Ёшобарин, индивидуал хиссий англаган ҳақиқатларига у ҳаётий тажриба туйғийли етиб келган. Чўлпон тасаввурлари эса миллий адабиётда акс этган инсонни жабр-зулмдан озод кўришдек азалий туйғу-кайфиятларга хос ижтимоий маъно ва мазмундан ажралмайди. Адабнинг фикр қарашлари хиссий идрокка, мулоҳазакорликка асосланади. Демокчимизки, адабнинг ижодий эволюциясини конкрет шароит таъсири билангина изоҳлаб бўлмайди. Бошқачарок айтганда, Чўлпон Европа адабиёти маърифатчилик босқичининг “жажжси макети” қолипига сиғмайди. Бизнингча, икки ўртадаги муштарақлик ижтимоий-маданий шароит ўхшашлигидан табиий равишда юзага чиққандир.

Чўлпон “*Муҳтарам ёзгувчиларимизга*” (1914) номли мақоласида: “*Ҳали бизга кўб. тиётр ва рўмон китоблари ёзмок керакдурким, бу қарз бир ховуч зиёли ёшларимиз ила аҳли қаламимиз устларига тушадир*”³⁴, - деб ёзди. Бу фикрда берилган “*рўмон*”, “*тиётр*” атамаларини Д.Қуроно в бугун биз тушунган роман ва драматургия маъносиди талқин этади. (Қаранг 18-бет) Бу билан у гўё Чўлпоннинг 1919 йилларгача шеъриятга айрича диққат қилмаганлигини тасдиқламокчи бўлади.

Чўлпон биринчи навбатда шоир эди. Матбуотда шеърий асарлари билан ўша даврда кам кўринганлиги факти унинг насрга эътибор билан қараганлигини тасдиқламайди. Умуман, Чўлпоннинг у ёки бу турга ётрок кинар билан қарашини излашдан ҳеч қандай маъно чиқмайди. Тўғри, Чўлпон ўз маърифатчилик мақсадларини амалга оширишда театр (кенг маънода драматургия) каби “*рўмон*” (1914 йилда бу атама “*бадий наср*” маъносиди қўлланилган) га ҳам айрича аҳамият билан қараган. Бунинг сабаби шеъриятга

³⁴ Чўлпон. Алабиёт надир (Адабий-танқидий мақолалар, Чўлпон ҳақида хотиралар) Т.: Чўлпон, 1994, 28 б.

астойдил киришмасликда эмас. Ҷша пайгда 16 ёшида бўлган Чўлпон Европа адабиёти ҳақидаги карашларини татар қардошларимизнинг газеталаридан ўқиб шакллантирган. Унинг бадиий наср имкониятларига катта умид боғлаши назаримизда икки фактор билан изоҳланади:

1. Чўлпон илк насрий изланишлари адабий иклимда рағбат уйғотганидан мамнун эди.

2. У қалам аҳли олдида турган вазифалар кўламини белгилаш, уларга нисбатан талабчанлик позициясида турган.

Чўлпон *“Адабиёт надур?”* мақоласида: *“Адабиёт уйқушлик. Адиблар етишдирайлик ... тарихий ва адабий мақола ва шеърлар ёзсунлар, китоблар тартиб берсунлар”*, - деб ёзади. (37 б.) Бу фикр ҳам Чўлпоннинг илк ижодида шеърятга айрича диққат қаратмаганлигини инкор этади. Бизнингча, бунинг сабабини 1919 йилдан кейин Чўлпоннинг улкан руҳий изтироблар исканжасида қолиши яъни давр зиддиятларининг ижодкор кайфиятларига таъсирдан ахтариш лозим. Лирика - қалб кечинмаларини, фикр-ўйларини интеллектуал баҳолашга мойил тафаккур йўсини. Чўлпон қалбнинг безовталигини шоир бўлибгина изҳор эта олар эди. Шу боис ҳам, эндиликда шеърят унинг учун яшаш ва кураш майдониға айланган. Умуман, эса у ҳеч қачон шеър ёзишдан тўхтамаган.

Чўлпон жамият амалий интилишларидан ташқарида ҳам, унга тамоман боғлиқ ҳам эмас. У алоҳида тирик *ОДАМ*. Бинобарин, маънавий-руҳий жиҳатдан фақат ўзигагина хос бўлган табиий -илоҳий жиҳатларга ҳам эга. Ана шу руҳий ҳолат унинг амалий фаолиятини таъминлайди. Объектив олам Чўлпон *“мен”*и орқали ҳиссий идрок этилади. Чўлпон руҳий эркинлигида нафақат давр, балки Шарқ кишисига хос индивидуал донишмандлик руҳи ва онгидаги пўртаналар ҳам ўз ифодасини топади. Чўлпон - ижодкор эркин инсон сифатида мослашувчанликдан кўра инкорға мойиллигини инобатға олсак, ўз-ўзини танишида ижтимоий омилларнинг таъсири нечоғлик эканлиги ойдинлашади.

Чўлпон миллат тақдирига жавобгарликни теран ҳис этган. Реал вазиятдан чиқиш йўлларини излаган. Унинг ўз-ўзини шакллантириши соф маънавий - ахлоқий асосларға эга Чўлпон адабий-эстетик концепциясининг шаклланишида интуитивизмнинг рўли ҳам бекиёсдир. Бунинг сезиларни абсолютлаштириш деб тушунмаслик керак. Адиб бир яралмиш вужуд сифатида ўзи англаган ва англатьмоқни ниёт қилган ҳақиқатларига инсониятнинг тарихий-адабий тажрибасига асосланибгина эмас, ботиний бир сезгирлик орқали ҳам етиб келган.

Д.Куруновнинг *“Клеопатра”* хикоясини романтизм адабиётига боғлаб ўрганиши адиб ижодий тадрижини изчил кузатиш имконини берган. Тадқиқотчи хикоянинг мазмуни ва ифодасини носирнинг ижодий камолоти билан боғлай олади. Бир хикоя доирасида лирик, эпик ва драматик унсурларнинг уйғунлашуви яъни адабий тур ва жанрлар орасидаги эркинликка эътибор бериш ана шундай хулоса чиқаришға имкон беради. Унинг Чўлпон илк насри ҳақидаги қуйидаги хулосалари диққатға лойикдир:

“*Чулпон илк насрий асарларида борлиқни бадий акс эттиришининг нореалистик тамойилига таянади, ғоявий-маърифий дидактикадан романтик талқинга ундан эса реалистик тасвирга томон ўсиб боради*” (32 б.)

Д.Курунов XX аср бошларидаёқ эпик жанрлар тараққиётида тасвир манераси ва ифода йўсини жиҳатидан жиддий сифат ўзгаришлари юзага келганлигини тўғри пайқайди. Зеро, ўша йиллардаёқ борлиқнинг пластик образи тобора мустақиллик касб эта боради. Ровий образининг ҳикоя қилувчиликдан кузатувчига ўта бориши кузатилади. Д.Курунов нореалистик ҳикояда қахрамон ва ровий нигоҳларини бир-биридан фарқлайди. Ўқувчи нигоҳида эса уларнинг ягона марказга жамланиши усулининг ижобий самараларини белгилай олади. У Чулпоннинг ижтимоий-эстетик идеалини носирнинг тафаккури, кенг мушоҳадаси, миллий туйғуларининг ҳароратига хос тафт билан ўлчайди. Шу боис ҳам “*Чулпон учун шахсийлик ва ижтимоийлик чегараси мавжуд эмас*” (53 б.) деган хулосага келади.

Демак, тадқиқотчи Чулпонни давр контекстида олиб қарайди. Ўз назарий қарашларини фактлар орқали асослайди ҳам. Бинобарин, Чулпон тафаккури юрт қайғуси билан яшагани боис вақт чегараларини бузиб юборади. У анъанавий насримизнинг шакл ва услубига ижодий ёндошади. Унинг ғоявий-бадий вазифасини ўзгартира олади. Шу боис ҳар бир ҳикоясининг ифода йўсини ўзига хос бўла боради.

Танишганимиздек, Д.Курунов ғоявий-эстетик таҳлил йўлидан борган. Натижада, адибнинг бадий ижод тамойилларига хос ўта шахсий қўнғил майллари ҳам мавжуд эканлигини қўра олмаган. Даъволаримиз бир қадар бахсталаб туюлиши ҳам мумкин. Эътибор берилса “*поёнсиз*” деб қаралувчи фазовий чексизлик ҳам нисбий маънога эга. Демокчимизки, ҳар қандай бепоёнликнинг ҳам поёни бор. “*Чегаранинг мавжуд эмас*” лиги фикри эса “*чегара қўйиб бўлмайди*” маъносини ифода этади. Бу кескин гапда эса публицистик пафос мавжуд.

Бизнингча, Чулпон “*чучмал вазият*”лардан чиқишдан тортиб, интим туйғулар ифодасигача бўлган лаҳзаларда айнан қўнғил майлига қулоқ тутган. У реалликка ҳиссий муносабат билдирган. Демокчимизки, адибдаги ижодий интилишларни ҳамшиша ҳам унинг маслағи дунёқаршига боғлаб бўлмайди. Бундай йўл тутиш поэтик асарлар ранг-баранглиги, ифода қатламларидаги соф эстетик жиҳатларни ҳам ғоявий мазмунга боғлаб қўйишга олиб келиши мумкин.

Д.Курунов Чулпон насри структурасини тушунтиришда: “*Бадий асар систем бутунлиқдир*”, - деган тезисга асосланади. Шу орқали муайян бадий асар структурасини, ундаги унсурларнинг ўзаро алоқаларини нисбатан осонроқ тушуниш, тушунтириш, таҳлил этишга, муваффақ бўлади. Унинг фикрича бадий асар атиги “*моделдан иборат*”. Оддий нутқ жараёнида айтилган гапда сўзловчининг, бадий асарда эса санъаткорнинг айни лаҳзадаги фикр-ўйлари, ҳис-туйғулари “*модел*” мужассам. У турли ўқувчи онгида турлича аксланади. (Қаранг: 58 б.)

Тадқиқотчи бадий асарнинг мантиқий жилоларини илғашда “*хос ўқувчи*” ёндашувига ишонади. *КАТТА ВАҚТ* кўйнида адибнинг реалликдан узилиши, яъни асарни ўқийтган китобхоннинг диди ва савиясига уйғун тарзда у билан мулоқотга киришиши мазмун кўламини кенгрок тушуниш, тасаввур этиш имконини беради. Бунда бутун ва қисм фалсафий категорияси катта ўрин тутади. Чунки, бутунни ўрганишда унинг таркибий қисмлари: (сўз, жумла, деталь-фабула, характер, шароит-бадий воқелик каби) коссаларга таянилади.

Бизнинг назаримизда, бундай ёндашув китобхоннинг тасаввурларини ҳам моделлаштиради. Тафаккур баъзан рухий моҳият ҳам касб этади. Бу ҳол кўгинча мумтоз кишиларга хос интеллектуалликда буй кўрсатади. Бадий матн бағридаги маънавий-рухий харорат тафти хиссий идрок этилувчи ҳодисадир. Рухий ибгидонинг ҳосиласи - Аллоҳнинг инъоми. Унга фаросат тушунчалари орқалигина етиб бориш мумкин эмас. Чунки хис этилган нарса хамиша ҳам тилга кўчмайди. Объектив олам сезгиларда ҳам мавжуд. Аристотель ҳам хиссий идрок ролини алоҳида қадирлайди.

У “*энг мукаммал философ – ўзини фикрловчи тафаккур*”, деб ёзган. И.Кантнинг фикрича ҳам “*ақл табиатан зиддиятларда иккиланувчи*” дир. Шу боис алоҳида шахснинг кадр-қиммати ҳатто жамият бахт-саодатидан ҳам юксакдир.

Демак, на ижтимоий тараққиёт модели, на воситали инъикос яъни адабий воқеликнинг қонуниятли алоқадорлиги модели тафаккур билан боғлиқ фикр-тушунчалардан иборатлиги сабабидан, “*зарурият*”, “*сабабият*” тамойилларига асослангани боис интеллектуал жараён моҳиятини тўла ифодаламайди. Тафаккур етакчилик қилувчи структурал қабул қилишни инкор этмаган ҳолда, айтиш мумкинки, бу усул табиатида бадий асар моҳиятини бир қадар жўнлантиришга мойиллик мавжуд.

Д.Қуроновиқнинг фикрича, Чўлпон рамзийликка соф эстетик мақсадлар билан мурожаат этмаган. Чунки бунга реал шароит имкон бермаган. Шу боисдан ҳам носирнинг асарларида рамзий ифода юксак даражага кўтарилмаган (Қаранг: 103 бет) Тадқиқотчи образлар талқини орқали Чўлпон ижтимоий-эстетик идеалини тасдиқлаш, бинобарин мавжуд анъанага ижодий ёндашишни кузатади:

М: “*ер*”- юрт озодлиги, “*ошиқ*”- эрка ташна кўнғил, “*қора булут*”- юрт эркини бўғувчилар, “*юлдуз*”- миллий истиклол, “*янгилар ўлкаси*”- кизил Туркистон, “*ёш ёғоч*”- Бухоро Жумҳурияти, “*денгиз*”- исёнкор қалб ва эрк учун кураш, “*капалак*”- гул ошиғи, “*сайёҳ*”- эрк ошиғи каби. Кўринадикки, Чўлпоннинг рамзийликка мурожаат қилиши унинг ғоявий-бадий ниятига мос усул ва воситалар топишга интилиш тарзида баҳоланади. У муаллифни тушунишга интилар экан, асосий эътиборни муайян бадий асарнинг қай мақсадда, қандай омиллар таъсирида ёзилганлигига қаратган.

Бу фикрнинг баҳсталаб бир жиҳати мавжуд. У ҳам бўлса, санъаткорнинг маҳоратни эгаллаш йўлида изланишда бўлганлиги масаласига бориб тақалади. Унинг илк насри ҳали “*Кеча*” даражасидаги мукаммал изланишлар маҳсули эмаслиги шундай ўйлашга асос беради. Ҳикоялар

романчиликка ўтиш йўлида ўзига ҳос тажриба-қўприк вазифасини ўтаган. “Кеча”да соф эстетик максатда қўлланилган рамзларни ҳам топиш мумкин. Тадқиқотчи масаланинг бу жиҳатини эътибордан четда қолдирган кўринади.

Санъат асари аввало руҳ маҳсули. Ижод онларида санъаткор руҳият кенгликларига кўтарилади. Ҷўлпон қалби ижтимоий безовталикда ҳаракат қилгани рост. Бироқ бу ҳол унинг кечинмалари оламида лирик ҳарорат ҳам кучли эканлигини инкор этмайди. У образларни нафақат эпик, балки лирик оҳанглар хилма-хиллигида ҳам очган эди. Адиб бу қадар совуққонлик билан калам тебратган бўлмаса керак, албатта.

Шубҳасиз, эпик тафаккурда онгнинг иштироки ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ҷўлпон эрксевар руҳининг ички эҳтиёжини қондиришда жамият ҳаётини кенг қўламда тадқиқ этиш йўлидан боради. Поэтик воситалар қўллашдаги “*ниқобланиш*” шароит зарурати. Роман асосига ижтимоий муаммо қўйилган. Асарнинг ижтимоий-сиёсий моҳияти серқатламликда ифодаланиб, тўлақонли бадий реаллик акс этган. Гражданлик позициясида собит турган Ҷўлпон миллат жожеасини эътиқотсизликда кўради. Унинг назарида шахсий манфаат илнжидаги имони заиф кимсаларнинг кўплиги, муҳитнинг бикиклиги маънавий қашшоқланишнинг асосидир. Демак, ўша муҳитни адиб “Кеча” - деб атайди.

Романда Туркистоннинг тарихий тараққиёт йўли типлар руҳияти орқали англанади. Чунки у ижтимоий-психологик романдир. Д.Қуронов буни яхши англайди. Ҳикоячиликни муаллифдан соқит қилиб, қаҳрамон кундаликларида фойдаланиш, инсон руҳиятида кечаётган жараёнларга диққат қаратиш, қаҳрамонларни ўсиш-ўзгаришда, типологик умумлаштиришда тасвирлаш, айрим ретроспектив лавҳалардан фойдаланиш, психологик ҳикоялашни муаллиф тилидан олиб бориш, алоҳида инсон зиддиятлари тасвирида нафс ва имон концепциясидан ёндошиш каби хусусиятларни зукколик билан кузата олади. Ўрни билан Л.Толстой поэтик маҳорати билан қиёслайди. Ўз-ўзини англаган қаҳрамон, жамият устунларининг асл башарасини ҳам кўради. Демак, Ҷўлпон наздида муҳитни соғломлаштирувчи куч жадидлар бўлиб, Мирёкуб жадидларга яқинлаштириб тасвирланган. Характер яратишда таҳлилий йўлдан борилган.

“*Ҷўлпон насри поэтикаси*” монографиясида “Кеча”нинг миллий романчилигимизга нима берганлиги (127 б.) “*Кундуз*” қисмида қандай воқеалар марказий ўрин тутиши мумкин эканлиги ҳақидаги илмий хулоса ва фаразлар илгари сурилади. Мирёкубни маънавий тирилишга олиб келган руҳий жараёнларга диққат қаратилади.

Мухими, Дилмурод образлар оламини асардаги бадий воқеалик нуқтаи назаридан кузатади. Бу эса тадқиқотчига Акбарали стихияси, Раззоқ сўфи вужудидаги “*мутаассиб диндор*” ва “*ота*” курашини тушуниш, трагик характернинг маромига етмаслик сабабларини ойдинлаштириш имконини беради.

Тадқиқотда В.А.Ковалев қўллаган “*психологик таҳлилнинг драматургик усули*” атамасидан фойдаланилади. Натижада пейзаж ва қаҳрамон ҳислари уйғунлиги (*психологик параллелизм*), қаҳрамоннинг ўз-

Ўзини кузатиши яъни борлиқни Зеби сезгилари билан қабул қилиш (*интроспекция*), ўзга қаҳрамонлар руҳияти, хатти ҳаракати билан қиёслаш (психологик контраст), муайян ҳолатдаги ўзини тутиш, гап сўзларига аҳамият бериш (*психофизиологик белгилар ривожу ва динамикаси*), қаҳрамонлар руҳиятидаги тафовутларни дунёқарашларини тўқнаштириш орқали очиш, қаҳрамон ҳолатини жонли чизишда муаллиф таърифи, портрет тасвири, тана ҳолати тасвири кабиларга диққат қилиш каби ўнлаб Чўлпон насрига хос жиҳтларни кашф этади.

Салти, Ўлмасжон, Зеби характерларининг руҳиятини қадамба-қадам кузатса, эпизодик образлар (кундошлар) талқинида уларнинг барчаси учун хос бўлган худбинликка алоҳида диққат қаратади. Диалоглар, шарҳлар параллелизмлар ва шу кабилар драматургик усулдир. Чўлпон романида тадқиқотчи характерлар руҳиятида пинҳон тирик инсонни яққол кўра олади.

“Кеча” асосига қўйилаётган муаммо бадиий тадқиқида романнинг синкретик табиати қулай имкониятларни тақдим этган. Д.Қуროнов романда эпосга хос кўламдорлик, драмага хос шиддат ва сахнавийликнинг узвий туташувини жанрнинг ташқи қурилиши ва ички табиатидан излайди. Фикрларини ойдинлаштириш мақсадида романнинг айрим бобларини драма тилига угириб, тасаввурдаги “сахна”да кўринишларни кузатиш йўлидан боради.

“Кеча”нинг композицион ва концептуал бутунлиги Чўлпон режалаштиришидай диалогия кўрилишида намоён бўлиши ҳақидаги тадқиқотчи фикрларига ҳам тўла қўшилиши мумкин.

Хуллас, Д.Қуროвнинг “Чўлпон насри поэтикаси” номли моногарфияси бугунги чўлпоншунослик, қисман адабиётшуносликда ҳозирча қиёси кам топиладиган изланишлардан биридир. Унинг ютуқларини эътироф этиш баробарида йўл-йўлакай билдирилган эътироз характеридаги мулоҳазалар ишнинг қимматини пасайтирмайди. Улар кўпроқ структурал таҳлил этиш усулининг имкониятларига дахлдор бўлиб, унинг объектга муносабатини инкор этиш маъносида ҳам тушунилмаслиги керак. Таҳлил усулларининг ранг-баранглиги тадқиқотлар теранлиги ва кўламдорлигини таъминлайди. Зеро халқимиз айтганидай, “*Ҳар бир гулнинг ифори бошқа*”.

1.5. ИЧКИ КОНТРАСТЛИ КОЛЛИЗИЯ ВА ҚАҲРАМОН РУҲИАТИ ТАДРИЖИ

Ойбек «Навоий»³⁵ достонида «газал мулкининг султони», илм-фан ҳомийси, эл-юрт тақдири ва истикболни жипсликда қўрган гуманист шахс Алишер Навоийни ХУ асрнинг кескин зиддиятлари фонида лирик ҳаяжон билан ифода этди. Достонда муаллиф қаҳрамоннинг ички ва ташқи портретини чизибгина қолмай, унинг ижодий лабораториясига ҳам кириб боради. Навоийни қизғин ижодий меҳнат жараёнида тасвирлаш орқали ижод

³⁵ Ойбек. Танланган асарлар. 4 томлик. 1 – том. Шейрлар, поэмалар. Т.: 1957, 273 – 282 б.

психологиясини очишга интилади. Муҳими шундаки, дostonда улуғ шоир руҳиятининг тадрижи ички контрастли коллизиялар орқали очилади. Навоий характериға хос сифатлар даврнинг номарғуб ҳодисаларига қарама-қарши қўйиб тасвирланиши усули шоирга инсоний улуғворликни кенг қўламда ифодалаш имконини беради. Характерларнинг ўзаро қураши, мавжуд шароит ва характер ўртасидаги тўқнашув драматик коллизия мақомини касб этади. Дostonда туйғу-кечинмалар тўқнашуви таъминланади. Коллизия муайян даражада тасвирланаётган воқеалар ва ғоя бирлигида ҳам намоён бўлади.

Асарда қаҳрамоннинг ўй-хаёллари дунёсига, тафаккур оламиға алоҳида эътибор қаратилади. Алишер Навоий ўтган воқеалар ҳақида чуқур ўйлар уммонига ғарқ бўлади. Унинг тафаккур уфқларини банд этган масалалар қўлами жамиятдаги мулкый тенгсизлик ва инсон фарзандининг азалий муаммоларига ҳамоҳанг. Жамият тартиботидаги турли айнишлар: саройда фитнес-фасоднинг авж олиши, юрт дарғаларининг талончиликлари, шох Хусайн маишатпарастлиги каби масалалар бу нозиктаъб инсоннинг ташвишларига доя бўлади. Шу орқали Ойбек қаҳрамон онги ва психологиясини шакллантирган ХУ аср зиддиятлари ва адолатсизликлари, уларни бартараф қилишға интилган инсон улуғворлигини кўрсатишға муваффақ бўлади.

Ойбекнинг шоирона хаёллари узоқ асрлар қаъридан Навоийнинг улуғ руҳини ёркин кўра олади. Навоёна нурунийлик балқиб турган юзлар, қордай оппоқ соқол ва кўзларда акс этмиш тизгинсиз муҳаббат ҳамда андак малолланиш жилваларини туюди шоир. Пешонасида порламиш даҳолик муҳрларини илғганида гўё булутлар сийнасини ёриб офтоб порлагандай туюлади унга. Навоий қиёфасидаги кўркемлилик ва юзларига тушмиш ажин изларигача кузата олган синчков нигоҳлар энди унинг кўнгли ва фикриға хос буюкликни ўша ажин чизгиларидан укмоқ тилагида ёнади. Қиёфасига хос мағрурликни яширгандай, бошлар хиёл эгилган, қуюққина кипригу қошларда жиддият, нигоҳларда эса теран сермаънолик мужассам. Унинг бутун чехрасида ҳаёт излари, тажрибалардан келинган тўхтамлик мужассам. Барча-барчаси донишманд шоир улуғ руҳига вобаста. Буни илкис пайқаган мисол гўё Навоий мийиқларида бир табассум ўйнаб, нозик ва силлик ҳаракатлар билан самимий, илик тавозеъ қилади. Ойбекона таҳайюл кудрати Навоий сиймосига хос бу нафисликни илғай олади. Асрлар қаъридан улуғ устоз овозларини эшитгандай бўлади. Ғоятда нозик, айна чоқда гўзал ва напъали туйғулар соҳиби ҳамда Навоий ишқида ўртанган кўнгилиға *БУЮК ШОИР* ва *УЛУҒ ИНСОН* нинг ана шундай хаёлий портретини хис этмоғи, нафис ифодалай билмоғи мумкин.

Навоёна ингичка завқни Ойбек шоир ижодхонасидаги жиҳозларнинг тартиб билан танланишида мужассам топган маънолардан қидиради. Титраб ёнаётган олтин шамдон ёруғида тоқчаларға терилган китоблар аксланади. Шамнинг титроғи шоир қалбининг безовталигиға ишора бўлса, унинг олтин шамдонға ўрнатилгани эса, Навоий ҳаётининг зохирий тўқислигини ифода этгандай туюлади. Тоқчаларға терилмиш китобларнинг ғира-шира ёритилганию шам шуълаларидан қип-қизил чўғдай гиламларнинг *«қон*

гуллари ёниши» тасвиридаги котрастликда Ойбек шоир яшаган даврда маърифатга эътиборнинг даражасини ифода этади.

Буни англагандай, илҳоми қайнаган Навоий тинмай ёзар экан, тобора фикрлари тошиб бораверади. Тун сукунати аро ёлғиз қолган Навоий диққатини на олтин шамдон, на чўғдай гиламларга хос ташки дунё хою хаваслари зинҳор жалб этолмайди. Илҳом онларига хос илоҳий лаҳзаларда хар сатри тоза ашъорлар нафис қоғоз саҳифаларини тўлдирар экан, савағич қаламнинг қитирлашигина бетакрор лаҳзалар сукунатини бузадилар. Навоийнинг хаёл парвозлари сўз чаманзорини турфа ранглар билан яшнатади. Шоир фикр оти чексиз самоларга парвоз қилган. Умр куёши оғиб борётганига қарамасдан, айна лаҳзаларда қаҳрамон тоғ шалоларига хос жўшқин, ёшликка хос шижоатли. Чунки соч-соқолини чулғанган киров ижодидаги айна ёзга раҳна сола олмайди. Илло, «Хамса»да акс этмиш офтоб Навоий қалбига хос буюк куёшнинг фақат бир ёлкани халос.

Шоир илҳом парисини чўчитмаслик тилагида гўзал «Унсия» ҳам уйкуга чўмган. Ажабо, бу қадар ички интизом билан ижодга машғул бўлмоқ учун кишига нечоғлик чидам ва матонат керак экан. Ярағувчанликдан фароғат топмоқ, қанча кўп ёзган сари руҳида улкан бир осойиш туймоқ учун аслида чидам ва матонатнинг ўзигина етарлимикин, деган хаёллар чулғайди Ойбек дилини. Шунда у ўз қалбида туғилган бу ҳайрат учун ҳам жавобни Навоий ҳаётининг мазмунидан топгандай бўлади: улуг шоирда қилаётган ишига бўлган чексиз меҳр-муҳаббат ҳам мужассам эди. Узоқ-узоқлардан хўроэларнинг нечанчи борадир қичқириви эшитилганида, тун сукунатини бузиб қичқирувчи посбону миршаблар саси тинганда Навоий ҳам енгил бир тин олади.

Кўринадики, Ойбек ҳаракатдаги борлик ва инсон тақдирини узвий боғлиқликда идрок этар экан, Навоий ижодий руҳига анча чуқур кириб бора билади. Ҳақиқат ва абодиятнинг мезони сифатида санъат асаринигина эътироф этади. Навоий ижодий юксалишини шоирнинг хохиш-иродаси, илҳом уфқларининг кенглиги билангина боғламайди. Ойбек буни англаган зарурят деб тушунади. Демак, Ойбек билишни инсоннинг субъектив иқтидори санайди. Ана шу тамойилга таяниб инсонни космик қамровда олиб қарайди. Уни олам ва борликнинг асоси ҳамда моҳияти сифатида англаш сари юксалиб боради.

«Бинафша бог»нинг чиройли хиёбону чаманзорларини ёлғиз кезар экан, Навоий хар бир гўшада янги бир гўзаллик лавҳаларини илғайди. Ҳатто мадорсиз кўзғолган шамолнинг барглари хушхол елпишидан тортиб, сояда секин жимирлаётган нур жилваларию япроқлар орасидан эшитилаётган кушлар сайроғигача шоирнинг синчков нигоҳидан четда қолмайди. Унинг илҳом торларига жон бағишлаган манзаралар кўнгилдаги бекарорлик ўрнини ширин бир осойиш эгаллашига, янги бир ғазалнинг ғунча очишига туртки бўлади.

Навоий маҳобатли кўшк томон қайрилган аснода мевазордан чиқиб келган богбоннинг боши саломга эгилади. Унинг кўзларида севинч ва шоирга эҳтиром порлайди. Ўз меҳнатидан мамнун богбоннинг илк узилган

меваларни Навоийга илиниши ва ҳосил мўллигидан суюниши ғоятда миллий бўёқларда чизилади. Муҳаббат ва самимият рамзи, дил изҳори бўлган бир патнис олманинг Навоийга тортиқ қилинишида ҳам ўзига хос мажозийлик мужассам. Рангу жилоси кўзни олгувчи ёқут олмаларнинг бир жуфтанигина кўлига олиб, завқ билан ҳидлаётган лаҳзалардаги Навоий қалбида туйғуларнинг яшаришини моддий ҳақиқатлар қадар ёрқин манзаралантиради шоир. Достонда Навоийга бўлган элнинг муҳаббати ўша бир жуфт тўқис ёқут олмалар орқали рамзлантиради.

Айни пайтда, шоирнинг бəғбонга қилган лутфида ҳам мазкур мажозийлик акс этади. Олмалардан ҳар куни болаларга улашмоқ, уларнинг кўзларида қувонч порлашини ҳис этиб, бундан ғоятда мутаассир ва мамнун бўлмоқ лавҳалари орқали Ойбек Навоий кўнгил манзараларини ҳам шуьблалантиришга эришади. Таъзимкор қулнинг шоирни қўлтиқлаб баланд кўшкка олиб чиқишида Навоий ва оддий одамлар ўртасидаги ўз табақасидан қағий назар инсоний илиқлик ришталари ўрнагилганлигига ишора қилинади. Кекса шоирнинг бу қадар юксак кўшкда ўтиришида ҳам ўша ишоравийлик мужассам. Гиламларнинг жонлангандай нафис гулларини енгил босиб, эғнидаги ипак жомасини ечгач, ўз ўрнига оҳистагина ўтирган шоир хатти-ҳаракатларида нақадар сиполик, осойишталик, қиёфасида эса нурунийлик мужассамлигини Ойбек китобхонга ҳис қилдира олади. Новдаларнинг шивирни эшитилиб, чечакларнинг атри димокка урилиб турган кўшкдан яшил боғу экинзорлар қафтдагидай кўриниб туради.

Энди Ойбек Навоийнинг фикрини банд этган зиддиятли ўй-хаёллар тасвирига ўтади. Ям-яшил боғу экинзорлар манзарасидан тўлқинланиб, кўзларида қувонч порлаган шоир кулоқларига қарши тепада оддий чўпон чалган пай наволари эшитилади. Оғир меҳнатдан қадди дол бўлиб, ер чопайтган, усти юпун дехқон ғам-ташвишлари унинг фикрига мисоли булутдай бостириб қиради. Қафасда «ху-ху» лаётган бир жуфт кумрига кўзи тушганида эса мазкур манзаралар най нолаларига қўшилиб унинг дилини ўртайтиди. Шу тариха Ойбек достонга ижтимоий адолатсизлик, ҳаддан ошган жабр-зулм ҳақидаги ғояларни олиб қиради. Шоир эстетик идеалларидаги элулус бахти ҳақидаги орзулар билан реал ҳаёт манзараларининг қаҳрамон фикрида тўқнашуви нафақат тарқоқ лавҳаларни ягона нуктага жамлаш, балки баёнчиликдан ҳам сакланиш имконини беради.

Ойбек тасвирида кўхна Ҳирот ўзининг икки хил қиёфаси билан намоён бўлади. Бир томонда лоқайдлик, айш-ишрат ва кайф-сафо гирдобига ботган дунё. «Оқ суюк» Ҳирот сиртдан ғоятда зийнатли ва кўркем кўринади. Ҳилоллари кўкда ялтираган масжиду мадрасалар; шох, шаҳзода ва бек саройлари; зангин кўшк, равоқ ва арк куёш нурларига чўмиб кўзни қамаштиради. Заррин либосларга бурканган аслзодалар олтин-кумуш идиш тавоқларда кайф сафо сурадилар. Мусиқа қайнаган бу ҳаётда майпарастлик авж пардаларда. Маст-аласт бу жамоанинг лабларидан учган ҳар бир тилакни итоаткор қуллар бир зумда беистисно всжиб қилишади. Нафс хаваси ва ҳирс ўққонидаги бу кимсаларнинг истаклари йўлида не-не ёш, латофатли киз-жувонлар умри ҳазон. Улар кўзларида кезинмиш дард-ҳасратлар ҳатто шу

қавмнинг вакиласи бўлмиш «Хоним ойим» ва «Султон бегим»лар учун-да бегона.

Иккинчи томонда эса чанг-тупроққа ястаниб яна бир улкан Ҳирот ётади. Унда ҳатто бойқушлар кўнишга хазар қиладиган чолдеворлар, кулбалар жойлашган. Бутун кучини бож, хирож тўлашга сарфлаб, мамлакат хазинасини тўлдирганлар ўша жойларда муким. Қишу ёз муҳтожликда яшаётган ва турли даражада қашшоқлашган қосибу қунараманд ҳаёти ғоятда эзгин ва рангсиз. Машаққатдан руҳи шикаста бўлган эл-улус дардидан вокиф Навоийнинг қалби ич-ичдан ўртанади. Қадимдан машҳур Хуросонда ҳукм сурмиш ҳаддан ортган зулм юртга очлик ва харобалик келтирган. Фақат адолатгина ҳаётга зулм солган кир ва зангнинг ғуборларини ювмоғи мумкин.

Бутун умри давомидаги фаолияти ва ижоди орқали тождорнинг адолатпешалигига умид назари билан қараб келган Навоий ҳаёлини хотиралар узок мозийга етаклайди. Ишратпарастликдан асло бўшамайдиган, улус моли ҳисобига хазинани бутлашдан хазар қилмайдиган шох туфайли чексан азиятларини эслайди. Самимий дўстлик ришталарини узиб уни Астрободга қувғин қилган, ғурбат қуюнларида саросар кезинишга мажбур этган Султон Ҳусайн ҳақида узок фикрга толади. Ўзаро кин ва адоват ўчоғи бўлган сарой фитналари туфайли ҳаётини сўндиришга уринган чиркин гуруҳнинг кирдикорларини ҳам шохнинг лоқайдлиги билан боғлайди. Ҳамон саройда Навоийга бўлган нафрат кучли бўлишига қарамасдан, шоир умидсизланмайди.

Ёш мулозимнинг чиройли саси Навоийни тафаккур ва ҳаёлот дунёсидан заминга қайтаради. Ойбек навбатдаги лавҳаларда Самарқанддан Навоийнинг меҳрибон паноҳига сиғиниб келган толиби илмларга шоирнинг мадраса, жой ва нафақа тайинлаши воқеаларини баён қилади. Мушкул сафар машаққатларини чекиб, олис Ҳиротга илм-маърифат излаб келган ориқ ва рангпар, фақир йигитлардаги ғайратдан Навоий мамнун бўлади. Ойбек бу эпизод орқали шоирнинг илм-маърифат хомийси сифатидаги шухрати атроф-жавонибда машҳур эканлигини кўрсатишга интиланган.

Ўз даврининг фан ва санъат борасидаги нуктадонлари: шоирлар, олимлар муаррихлар, табиблар, мунажжимлар, ҳофизу мусикашунослар Навоий мажлисига тўпланишади. Уларнинг бари Навоий суҳбатига иштиёқманд кимаслар эди. Фалсафадан илми ромгача мубоҳаса учун мавзу бўлгучи мажлис баҳс-мунозара руҳида ўтади. Гоҳида гўзал бир байт ёки рубоий шарҳи турли тортишувларга сабаб бўлади. Орада кечган ҳар хил ҳазил-мутойибалардан кейин бир нафасга муноқаша тўхтаб, даврада зўр қаҳқаҳа учади. Юзлари табассумдан ёришган устод ҳам латифагйликка майл этадилар. Шундан сўнг назбат машшоқу хофизларга етади. Кейин эса туркий ва форсий ғазаллар ўқилади. Ҳатто шоиру бастакор Навоий ҳам куйлар чалиб йиғилганларни мамнун этади. Бундай лаҳзаларда шоирнинг фикр-ўйлари санъат ва адабиётнинг сирли-сехрли диёрига ошнолигидан дунё ташвишлари унутилгандай бўлади.

Аммо Ҳирот хануз илғаригидай яшамокда. Шох ҳузурига отда бораётган Навоийнинг йўли бозор оралаб ўтади. Ҳар бири ўз матойини

макгаётган савдогарлар, аргимоқ отини елдириб, кишилар кунглига зур гулгула солиб бораётган нойиб, тоғ-тоғ шойиларни уйиб қўйган хасис чол баззоз ҳам унга таниш. Уларга хос зўраки мағрурлик, харомдан хазар қилмасликдан нафратланади. Айни пайтда ғала-ғовур шу бозорда ғўзадан олган хосилини кўтарган муштипар кампир, эшакка чўп-хас ортган қорғин ўтинчи чол, қилмишлари учун сазойи қилинган ўғри, рангтар муллабаччалардан тортиб йигитларни сирли имлаётган жувонларгача бор. Зўравоннинг ҳам, бечоранинг ҳам қайғуси бозор. Бозор васвасаси билан банд бу улкан қавмдан фарқ қилароқ Навоий фикр-ўйлар гирдобига фарқ. Бозордан аста кечиб бораётган улуғвор қиёфадаги бу инсонни эзгу ишлари ва ижоди орқали таниган ёшу қарининг эҳтироми ҳадсиз. Шоир ҳам ҳаргиз уларга эътиборсиз эмас.

Ана шундай ҳаётий манзаралар орадан кўп йиллар ўтиб ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Бозор» роман³⁶ ида кенг эпик кўламдорликда ифодасини топди. Чамаси Ойбек тафаккуридаёқ *фикрловчи инсон образи орқали бозордунёни тафтиш қилмоқ ва маърифатни улуғлаш* фикри мавжуд бўлган. Миллий тафаккурга бегона бўлмаган бундай карашларнинг роман шаклида моддийлашуви шубҳасиз истиқлол даври берган имконлар ва Хуршид Дўстмуҳаммад иктидор ҳамда салоҳияти билан боғлиқ. Аммо шундай адабий ходисалар ҳам борки, уларни умуммиллий адабий-эстетик тафаккур доирасида олиб кузатишга тўғри келади. Хусусан, бозор муаммолари Ойбекнинг бир неча асарларида, Ғафур Ғулом наср³⁷ ида ўзига хос талқин қилинганки, уларни бутунги адабий жараён маҳсуллари билан қиёсий ўрганиш индивидуал услубий сифат-белгиларни ойдинлаштириш, ибратли умумлашмалар чиқариш имконини берган бўлур эди.

Ойбек навбатдаги лавҳада «*Боги жаҳон оро*»га етиб келган Навоийни шоҳнинг кундалик мажлисларидан бирида тасвирлайди. Сарой қулликчи-мулозимлари билан ичкарига қадам қўйган шоир нигоҳи орқали сарсўйнинг ички ҳаёти кузатилади. Атрофи анвоий гуллар билан безатилган чаманзорда қад ростлаган нафис кўшқда ўтирган Султон Хусайнга таъзим қилган Навоий шоҳга ифрот айшнинг чиркин соясидан келмиш ғуборлар ғалати бир фалажлик, жисмоний ва рухий ожизлик бағишлаганлигини пайкайди. Унинг назарида султон ғоятда тез қариб қолгандай туюлади. Бундай ўринлар билан танишганда Султон Хусайн сиймосини ифодалашда Ойбек рухий-психологик таҳлил йўлидан бориб анча реалликка эришганлиги аён бўлади.

Саройнинг зийнати ва шоҳни қуршаган мулозимларнинг одобию тартиб-интизомида ҳеч нуқсон йўқ. Аммо май сероб оққан, гўзал жуёнлар тавозеъда турган бу базмда шоҳга яқин аъёнлар, бек ва мансабдорлар султоннинг Алишерга кўрсатган ширин илтифотидан асло мамнун эмаслар. Либослари олтин қумуш ва бошқа аёл тошлар билан зийнатланган вузарою бекларнинг юзида бир зум кийшиқ ва истехзоли табассум излари намоён бўлади. Уларнинг мастликдан сархуш кўзлари ва хийлақор сўзлари асл

³⁶ Қаринг: Хуршид Дўстмуҳаммад. Бозор. Т.: «Шарқ» НМК Бош тахририяси. 2000

³⁷ Қаринг: Ғафур Ғулом. Шум бола. Т.: Ўзбекистон, 1992; Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами 12 томлик. 6 т. Ҳикоя ва феълетонлар. Т.: Фан, 1986

башараларини ошкор этарди. Сокийлар ёқутдай порлаган қадахларга тинимсиз май қуядилар. Олтин-қумуш идишларда пешма-пеш тортилган турфа хил таомлар, лим-лим учаётган зар косалар мажлис аҳли чанкогини қондирган. Фарёдга келган мусиқий оҳангларда маст-аласт бошлар чайқалади. Айримларнинг саллалари бошидан тушган ва «дод» ларнинг саси осмону фалакни тутган. Кийимларидаги турфа безаклар кўзни қамаштиргувчи раққосалар даврани гир-гир айланишади. Уларнинг нозли қилиқлари хирсни қўзғар даражада бетайин.

Ойбек шовқин-суронли бу мажлис хангомасини батафсил тасвирлашдан тийилиб, базм ибтидоси баёни билангина кифояланади. Бундай тийиксиз оломон узун кеча бўйлаб кўрсатажак машмашаларнинг мухтасар тасвиридан ҳам мазкур давра аҳлининг маънавий қиёфасини англаш, Навоий учун нақадар бегоналигини ҳис қилиш мумкин бўлади. Аслида Ойбекнинг мақсади шугина эмас, балки оддий халқнинг фақирона турмушига мазкур манзараларнинг нақалар зид эканлигини кўрсатишдан ҳам иборатдир. Жабр-зулмнинг авж пардаларига кўтарилиши, халқ фиғонининг фалакка етгулик эканлигидан заррача ташвиш чекмаслик, етим-есирлар ҳолидан беҳабарлик, ўзаро ёв бўлган шахзодаларнинг элни талашда бир-биридан ортиклиги мудом ишратга ботган шохнинг лоқайдлиги билан боғлаб талкин қилинади. *Ички туйғуларини зоҳиран ошкор қила олмаган Навоий чин маъноси-ла бу мажлисга бегона*,-деган эстетик ҳукм чиқарилади.

Шу тариха Ойбек Навоий маънавий-рухий оламини инкишоф этади. Ижодкор инсоннинг психологик кайфиятини, юксак идеалларга тўла туйғулар дунёсини англаб этади. Алдамчи дабдаба ва шовқин-суронли хангомаларга йигитликда ночор чидаб келган шоир эндиликда ўзга бир дунё ҳавасила ўртанади. Бу қалбда туғён урган завқлар дунёси, илҳом мавжлари барқ урган диёр. Унда мастларнинг товуши эмас, меҳнат шавқи ва яратиш завқи ҳукмрон. Шу боис ҳам Навоий шохнинг «*марҳамат*»ларига қўл силтаб, илҳом ва ижод кучоғига қайтади. Гарчанд Султон Ҳусайн унинг бу қарорини ўзига нисбатан қилинган шафқатсизлик деб тушунган, уни саройга қайтаришига неча бор уринган бўлса-да, шоир аҳдида собит туради.

Бундай ўринларда Ойбек ўз даври навоийшунослигида мавжуд қарашларга эргашган. Шу бонсдан ҳам у Навоий ва Султон Ҳусайн шахсиятидан зиддият кидиришга ҳам уринган, албатта. Зеро шўро мафқураси учун унинг шох эканлигининг ўзиёқ қора бўёқларда тасвирлаш учун етарли асос берар эди. Ўз даврининг фарзанди бўлган Ойбек ҳам бундай мафқуравий талаблар билан ҳисоблашишга мажбур эди. Колаверса, навоийшуносликнинг бугунги тараққиётида етиб келинган тўхтамларни Ойбек достони олдига қўйиш ҳам илмий ҳолисликка ҳилофдир.

Саройни ва дўсти Султон Ҳусайнни тарк этиб чиққан шоир қалбини шодлик эмас, ғам қўлагаси қоплайди. Ярим тун бутун шаҳарнигина эмас, гўё жаханнамдай қаролиги билан Навоий фикрларини ҳам забт этгандай. Навоийга гўё бутун шаҳар ва унга қўшилиб кўхна дунё ҳам тин олаётгандай туюлади. Шундай кайфиятда бир маҳалладан ўтаркан, иттифоқо кичик бир кулбада кимдир майин бир куйнинг жўрлигида, охиста ва гўзал овозда унинг

шеърларини ўқийтганлигини эшитиб қолади. Ана шундагина, яратган шеърлари узоқ-яқин ўлкаларда шухрат топганлигини билгани ҳолда, айни лаҳзанинг хузурбахш таъсирида Навоий қалбида тизгинсиз бир севинч тошади. Ижтимоий курашлар гирдобига ташланган даврларида ҳам шоирга бир умр руҳ бериб келган ягона истак-ижоди билан халққа хизмат қилмоқ, энг кичик қулбаларгача кириб бормоқ, инсонлар қалбига маънавий мадад бўлмоқ умиди эмасмиди. Навоий бетакрор ана шу лаҳзадан улкан маънолар топиб, мислсиз ифтихор сезиб, санъат боғидан турфа гулдасталар теришга астойдил киришади. У шеър ахлининг байроқдори бўлиб асрлардан-асрларга ўтгулик шон-шухрат топади.

1937 йилнинг декабрида, айни киш чилласида Навоий руҳидан илҳом олиб битилган бу дostonдаги руҳий иликлик китобхонни бефарқ қолдирмайди. Уни муголаа қилиш жараёнида шу нарса ҳам аён бўладики, Ойбек ҳам руҳан, ҳам ижодий тақомилининг ички тадрижи жиҳатидан анча камолга етган. У Навоий романида айтишни мўлжаллаган айрим дардларини дostonда тўла рўёбга чиқарган. Шу маънода, «*Навоий*» романини асло камситмаган ҳолда, айтиш мумкинки, мазкур дoston Ойбекнинг Навоий қалбини шоирона нозик илғаш ва ифода этишида энг баланд босқични ишғол қилади. Айниқса, романдагидан фарқли ўлароқ, Навоийнинг тарихий жараёнларга ҳамиша ҳам боғлаб қўйилмаганлигининг ўзбек шундай дейишга тўла асос беради.

1. 6. БАДИЙ-ЭСТЕТИК ТАФАККУРНИНГ ИЖТИМОЙЛАШУВИ

Ойбекнинг 1938 йилда ёзилиб, 1940 йилда чоп этилган «*Қутлуг қон*»³⁸ романи йирик бадийий полотнодир. Асарда воқеа-ходисалар кенг ва агрофлича тасвирланади. Ёзувчи асосий эътиборини ижтимоий-тарихий воқелик ва характерлар муносабати масаласига қаратади. Роман қаҳрамонлари тарих тўлқинлари оқимида ҳаракат қилишади. Бошқачароқ айтганда, тасвирда асосий урғу давр ижтимоий конфликтини очишга қаратилган. Шу боис ҳам персонажлар кескин кутблантириб ифодаланади. Ойбек қаҳрамон тақдири мисолида халқ тақдирини кўрсатишга интилади. Характерлар динамикасини янги тарихий ўзгаришларни тасдиқлашга хизмат қилдиради. Айтиш мумкинки, адиб эски жаҳият ақидаларининг инкори ва янгисининг тасдиғи стереотипига амал қилади.

Ойбек халқ тақдири ҳақида ўйловчи, фикрловчи ва кузатувчан ижодкор эди. «*Қутлуг қон*»гача бўлган даврда ҳали катта насрий асарлар яратмаган эса-да, Ойбекнинг жаҳон маданияти кутуқларига олтин фонд бўлиб кирган бадийий асарларни ўзбек тилига ўгириши ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ўтаган. Гёгенинг «*Фауст*», Дантенинг «*Илоҳий комедия*», Байроннинг «*Каин*» асарларидан қилинган таржималар, айниқса Пушкиннинг «*Евгений Онегин*»дай улуг асарини тўла ўгириш адиб

³⁸ Ойбек. Қутлуг қон. Т.: Ўқитувчи, 1980

қаламининг чархланиши, маҳоратининг янада ошишига туртки бўлгани шубҳасиз.

«Мен кейинчалик романимда тасвир этилган турмуш ва ижтимоий муносабатларнинг кўпгина томонларини ўша вақтдаёқ чанқоқлик билан кузатган ва тушунган эдим... роман учун материал кўнгулдан, хотиралдан қўйлиб келаверди», - деб ёзади Ойбек «Қисқача таржимаси ҳолим»³⁹ асарида. Дарҳақиқат, мазкур роман воқеалари тасвирланган 1916 йилгача бўлган даврда адиб эндигина ўн ёшдан ошган ўспирин бўлган. Шунга қарамасдан, болалик тасаввурларига ўрнашган хотираларнинг қайта тиклашишида моддиончилик илмий адабиётларидан олган билимлари етакчилик қилганлиги кузатилади. Бироқ, Ойбекнинг оламни бадий ўзлаштиришини бундай тор доирада изоҳлаб бўлмайди. Ойбек дахоси Шарк ва Ғарб адабиёти ижодий муҳитидан нафас олган. Мавжуд анъаналарни ижодий ўзлаштириш орқали ёзувчи ўз индивидуал қиёфасини намоён эта олган. Шуниси равшанки, унинг «*тушуниши*» босқичини ўташи ўз даври талабларидан буткул узилган эмас.

Бу нарса «*Қутлуғ қон*»да индивидуал қаҳрамонларнинг турмуш воқеаларидан таъсирланиши, кечинма-ўйлари, хатти-ҳаракатига ижтимоий мазмуни бағишлашда намоён бўлади. Унинг аксарият қаҳрамонлари ҳаёт воқеаларининг бутун драматизм ва фожиалари сўкмоғидан ўтгач, онги уйғониб, ижтимоий курашчиларга айланишади. Яъни конкрет ҳаётий вазият қаҳрамон тақдирини белгилаб беради. Шу маънода, бугунги ўзбек романларидаги ўз истаги бўйича ўйлаб, кўнгул интилишлари билан ҳаракат қилувчи «*кўпчилик*» деб аталувчи тўдадан кескин фаркланувчи қаҳрамонлардан ажралади.

Ойбек тасвирида миллий оннинг уйғониши синфийлик билан чамбарчас боғланиб кетади. Халқ истиқболи «*бахтли ҳаёт*» учун курашда, жабр-зулмга қарши ошқора исёнда: «*ҳамма бўриларни, ҳамма қонхўрларни, золимларни янчиб ташлаш*»да кўрилади. Индивидуал қаҳрамон тақдири халқ тақдирининг узви эканлиги билан кадрланса, Йўлчининг қарол, Қоратсўйнинг уста, Шоқир отанинги ямоқчи, Шоқосимнинг батрак, Ўрознинг қарол эканлиги турмуш машаққатлари, оғир меҳнат залворидан кулфат чекишлари адолатсиз тузум носозлиги билан боғланади.

Бироқ бу мантиққа Мирзакаримбойнинг пишиқ-пухта «*шоннинг ёгини ялаган*», айёр, муғомбир; Ҳакимбойваччанинги табиатан ишбилармон; Фазлиддиннинг «*савдода сузиб, савдода ухловчи*», аини пайтда сурбет; Тантибойваччанинги текинтомоқ, фахшга берилган, қиморбоз; Салимбойваччанинги енгил табиату фикри тор; «*янги фикрли*» Абдушукурнинг бор йўғи Жамолбойнинг приказчиғи эканлиги боис улуғ мақсадларни англай олмаслиги сингари тамомила индивидуал қиёфалари билан намоён бўлишлари тўла мувофиқ келмайди. Ойбек назарида кескин кутблантирилган бу типларнинг барчаси деярлик инсоний қиёфадан

³⁹ Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн қўлтинчи том. Т.: Фан, 1979.-Б. 15.

махрум. Романнинг етакчи пафоси шуни талаб қилади. Бироқ айнан шу образлар эркин қиёфаларини намоён этганларини адибнинг инсон шахсига муносабатидаги реализми санамок керак.

Романдаги меҳнаткаш қатламлар кўпроқ ижтимоий фон вазифасини ўтагандай таассурот туғилади. Катта жасоратларга отланган, дадил ва ўзига ишонган оломоннинг ғазоби мардикорликка қарши уюшган ҳаракат сифатида тасвирланади. Ғазабнинг асосида адолатсизликка қарши норозилик бўлса ҳам, тинчлик истаган халқнинг «*Ётиб қолгунча отиб қол*» қабилдаги беш-ўнта маҳкама хизматчиларига қарши курашини уюшган ҳаракат деб бўлмас эди. Чамаси, Ойбек романда ҳали ўз биродарининг химоясига отлана билмай, приставдан чўчиб, элликбошига ишониб, ҳақсизликларга бардош билан чидаб келган сабр-бардошли меҳнаткашларни тасвирлаган ўринларда тамомила миллий қиёфаларни чизишга эришган бўлса ажаб эмас.

Бугунги романчиликда ижтимоий-иқтисодий ва маънавий руҳий мувозанатнинг бузилиши инсон онгини уйғотишга эмас, балки гафаккурнинг тушовланиб, одамларнинг майдалашувиغا олиб келиши жараёни идрок этилмоқда. У. Ҳамдамнинг «*Мувозанат*», Х. Дустмухаммаднинг «*Бозор*», Л. Бўрихоннинг «*Жазирамадаги одамлар*», О. Мухторнинг «*Тепаликдаги хароба*», А. Нурмуродовнинг «*Қон ҳиди*» сингари романларида инсон шахси тамомила индивидуал қиёфалари билан жонли одам сифатида идрок этилади. Улар ижтимоий интилишларга томомила бошқача ёндошадилар. Бу типдаги асарларда кўпчиликнинг «оломон»лиги фожиаси ёрқин ифода этилади. Кўпчилик алоҳида инсонни тушунишга уриниши лозим. Одамзод фидо бўлувчи қурбон эмас. Ватан ўғлонлари ғоя йўлида ўлиши эмас, балки бу дунёда яйраб яшашлари лозимлиги янгича ракурсларда инкишоф этилади.

Шубҳасиз, буларнинг барчаси бугунги ижтимоий-эстетик гафаккурнинг тутуми, миллий онг тадрижининг тўхтами. Демак, уни Ойбекдан талаб қилиш, 1938 йилда ёзилган романдан излаш тўғри эмас. Бироқ, Ойбек маҳоратига хос шундай кирралар борки, улардан ибрат олиш мумкин. Адиб ўлкадаги қашшоқлик, ҳуқуқсизлик алаалоқибат халқ ғазабига сабаб бўлишини теран ҳис этади. Одамлар калбидаги руҳий яқинлик уларни бир-бирига дардқаш қилганлигини теран англайди, ифода этади. Ижтимоий онгда пайдо бўлаётган янгича фазилатларни романда акс эттиришга тиришади. Покиза туйғуларига даҳл қилинганда Салимбойваччани калтаклаган - ғурури банд Иўлчининг девқомат Қора Аҳмад билан чинакам паҳлавонларга хос чапдастлик билан жанг қилиши мутлақо табиий қабул қилинади. Рақиб ҳам жанг тугагач, пичокни олиб ўзига тутган Иўлчи мардлигига тан беради. Ҳатто Гулнорни севган йигитига қайтариш билангина чекланмай, шаҳар кўчаларида мусулмоннинг кизи бемалол юрсин учун опасининг эски паранжисини тақдим қилади.

Ойбек девқомат йигитларнинг курашида фольклор ва мумтоз адабиётдаги яқка қаҳрамонларнинг курашларига хос жихатлардан унумли

фойдаланади⁴⁰. Эзгулик кучларини меҳрга йўгириб тасвирлаш, душманнинг рақибига тан бериб, унинг ишларига амалий ёрдам бериши каби мотивга мурожаат этади. Ойбек «*Кутлуг қон*»да адолатсизлик ҳукмрон воқеликдан келажак умидларини яъни «*зулмат ичра нур*»ни кўради⁴¹. Кутблантирилган «*гўра куч*»ларга қарши контраст ҳолда «*ёруғ кучлар*»ни тасвирлай олади. Натигада, китобхон қалбига умидбахш туйғулар улаша билади. Бу эса Ойбек ижодий услубига хос ижобий қаҳрамонларни ёруғ рангларда тасвирлаш реалистик тамойилига⁴² ҳам, миллий анъаналарга ҳам тўла мувофиқ келади. Ҳатто, халқ ижтимоий онгининг уйғонишида ғоявийликка кучли тамойил бўлиш билан ёндошилганига қарамасдан, роман бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини тўла сақлайди, давримизга ҳамонангиллиги билан улкан аҳамият касб этади.

Ойбек ҳали юрагида йигитлик ўти сўнмаган, шижоатли ўз сўзида собит Қоратой самимий дўстлиги, дардқашлиги; оғир меҳнат машаққатларини фарзанд доғидан қадди дол бўлган қари қосиб Шоқир ота; кийинчиликларга сабр билан чидаб келган Ўроз; инсон бошига қулфат тушганида энг сўнгги тийинини ҳам бир-биридан аямайдиган оддий одамлар; баҳорий мусаффолик ва олижаноблик, пок номус, беғубор муҳаббат рамзи бўлган Гулнор; диёнатсизликка қарши бош кўтарган Ёрмат каби ўнлаб персонажларни тамомила серкирра миллий характерлар сифатида ифода эта олган.

Адиб Йўлчи образига хос тиникликни роман финалида ҳам сақлашга муваффақ бўлади. Марҳумнинг сокин, мағрур ва гўзал жасади чирок шуласида ётар экан, гўё тирик одамдай қабул қилинади. Худди кўзларини очмоқчидай, сўзлашга тайёрдай турган қаҳрамон ўлимидан ҳам Ойбек эстетик кайфият туғдира олади. Ойбекона маҳорат билан китобхон қалбини ёруғ нурларга ошно қилар экан, адиб рамзий ишоралар билан романга сўнгги нукта қўяди. У ошқора тарзда «*йўлнинг ярмидан ўтганда*» ги ҳолатга ишора қилади. Бинобарин, қуёшнинг тоза ва порлоқ шуъалари уфқда порлашю уни саломлаб, дарахтларда қушларнинг сайрай бошлаши Ойбек образли тафаккурнинг маҳсули ўлароқ, озод ва бахтиёр ҳаётнинг яқинлигига ишорадир.

Ойбек орзу қилган чинакам озодлик ва эрк нурлари ўлкамиз узра кеза бошлаган, республикамиз Миллий истиклол шабадаларидан баҳраманд бўлган бизнинг кунларимизда миллат тафаккурини уйғотишга беқийс ҳисса қўшган отахон адибнинг табаррук юз йиллиги кенг нишонланганлиги айниқса қувончлидир.

⁴⁰ Шарафиддинов О. «Кутлуг қон» нинг шарофати. Маънавий қамолот йулларида. Т.: Маънавият, 2001, 128 б.

⁴¹ Ризиев Ш. Роман ва драма. Саҳна маънавияти. Т.: Маънавият, 2000, 49 б.

⁴² Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. Т.: 2004, 262-263 б.

1.7. “НАВОИЙ” РОМАНИ ЖОЗИБАСИ

Нодир исътедод соҳиби, академик шоир, носир Мусо Тошмуҳаммад ўгли Ойбек «*Қисқача таржимаи ҳолим*» асарида «*Навоий*»⁴³ романининг ёзилиш жараёнини хотирлаб: «*Романни уруш йили, қиш фаслида совуқ хонада жинчироқнинг титроқ шуъласида ёзганман*»⁴⁴, - деган эди. Болалик йиллариданоқ мумтоз адабиётимизни севиб мутаоала қилган Ойбек ижодий ниятида жаҳолатга қарши маърифат билан курашган улуг инсонпарвар шоир сиймосини бадиий адабиётга олиб кириш фикри халқ тақдири ҳақидаги теран мушоҳадakorликнинг натижаси ўлароқ тугилган.

Адиб ўзи бевосита гувоҳи бўлган, замондошларидан эшитган воқеликка руҳан яқин бўлгани учун «*Қутлу*» қон» романини ёзиш учун катта тайёргарликка эҳтиёж сезмаган эди. Бироқ давр ва шароитни чуқур ўрганиш, ҳаётни кенг кўламда қамраш, жонли образлар яратиш маъсулиятини сезган Ойбекнинг 30-йилларда талабалар ҳаётидан олиб ёза бошлаган романини «*адабий тажрибаси етмаслиги*» ни англаб тамомламай қолдиргани, «*Қуёш қораймас*» романи устида 40-йиллардан 1958 йилгача тинимсиз ишлагани адибнинг ўз-ўзига нисбатан талабчанлигини кўрсатади.

Ана шу маъсулиятни идрок этиш туйғусига содиклик «*Навоий*» романининг яратилишида ҳам кузатилади. Ойбек Навоий ҳақидаги материалларни 1928 йилдан эътиборан йиға бошлаган. Орадан ўн тўрт йил ўтгач, 1942 йилдагина романни ёзиб тугаллаган. Ойбек бу даврда Навоийнинг буюк қалб ёлқини бўлган ўлмас асарларини кунт билан ўрганган. Темурийлар салтанати тарихи ва давр ҳаётининг XX асрга ҳамоҳанг, ўзининг ҳис-ғуйғуларига оҳангдош, келажакка умид уйғотувчи жиҳатларини саралаган. Айни пайтда Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида тарихий-адабий йўсинда тадқиқотлар олиб борган. «*Навоийнинг таржимаи ҳоли*», «*Навоийнинг дунёқароши масаласига доир*», «*Ҳамса*»нинг асосий образлари», «*Навоий ҳақида*» сингари йирик тадқиқотларида Навоийнинг даври, дунёқароши, шахсияти, ижоди ўрганилди. Аксарияти 30-йилларда яратилган мазкур тадқиқотлар бирламчи манбаларга таяниб амалга оширилгани, илмий-назарий бақувватлиги, амалий аҳамияти жиҳатидан республикаимздаги дастлабки йирик изланишлар эди.

Ойбек адабий тажрибасини кенгайтириш мақсадида бўлса керак, аввало «*Навоий*» достонини ёзади. Кўпгина шеърларида ҳам Навоий образини гавдалантиради. Беш аср олдин халқ дарди, ҳақиқат ва ишқни куйлаган, ёруғ кунлар умиди билан яшаган шоирни улуглайди. («*Ҳайкал олдида*») Шоирнинг «*Навоий*» достонида эса Навоийнинг кўнглидаги буюк орзулар, тафаккурини банд этган ўйлар, шахсиятига хос илик самимият, нозик завқ, улугвор сиймосига хос рухий нафислик ва мағрурлик ўз

⁴³ Ойбек. Навоий. Роман. Т.: Ўқитувчи, 1985 (Романдан келтирилган кўчирмалар шу нашрдан олиниб, қавс ичида саҳифа кўрсатиб борилди)

⁴⁴ Ойбек. Ўн тўртинчи том. Т.: Фац, 1979, -Б: 16

ифодасини топади. Ойбекнинг «Навой» достонида шоирнинг ижод онларидаги ҳолати қуйидагича чизилади:

*Ярим кеча ўтиради у.
Бир хитойи косада лим сув.
Ёнар титраб бир олтин шамдон.
Токчаларда китоб қаланган.
Ғиламларнинг қон гулларини
Ёндиради бу шамнинг нури.⁴⁵*

Ойбекнинг фикрларини мавжлантирган бу лавҳа роман ёзилаётган, тунларни тонга улаб жинчирокнинг титроқ шуъласида Навоий руҳияти билан тиллашиб тинмай ёзаётган шоир ҳолатига зобастадир. «Навой» романининг бир неча ўринларида ҳам худди шунга яқин ҳолатларни кузатиш мумкин. Ўз шоғирди Бехзоднинг шам нурига солиб ҳар бир чизигига, бўёқларининг энг ингичка товланишларига қадар диққат билан кузатган, тасвирий санъат асаридан завқ олган Навоий нафақат нозиктаъб шоир, балки умуман нафосатнинг чуқур билимдони сифатида намоён бўлади. (144 б.) Кимёгар Абдулахад ва олим Султонмурод қайрағочу азим чинорлар соясидаги хилват ғушада милтиллаган шам нурида дам кимёдан, дам шеър ва санъат назариясидан кизгин суҳбатлашиб, нон ва майиз билан қорин тўйдирдилар. (62 б.) Фақирона ҳаёт икки олимнинг самимий суҳбатига, ўз ишларидан руҳий завқ олишлари, ҳаётини сеvimли машғулотларига бағишлашларига монёлик қилмайди. Низомулмулкнинг ўғиллари муковасининг ҳаллари шамда ёнган китобдан ширин товуш билан ғазаллар ўқиб, айрим мисралар устида бахслашишаркан, қоронғу тун зулматида салтанат тақдирига дахл қилинаётганидан тамомила беҳабар тарзда шеърятнинг сирли-сехрли оламига шўнғийдилар. (389 б.) Ихтиёриддин қальасининг совуқ тош деворлари ортида зулматда порлаган шам ёруғида Қуръони Карим мутолаа қилаётган Мўмин Мирзо китоб завқида ниҳоятда масъум, самимий қиёфада жонланадики, муқаррар дахшатни илқис англаб етмайди. (400 б.)

Агар Ойбек ўзаро урушлар оловида ковурилган темурийлар даврининг моҳиятини ақс эттириш, Хусайн Бойқаро салтанатидан ёруғлик нурларини топиб замондошимиз кишисининг назари билан қараш, узок ўтмиш манзараларини жонли характерлар орқали кўрсатиб беришни кўзлаганлигини инобатга олсак, юқоридаги тасвирлардаги милтиллаган шуълалар улкан рамзий-мажозий моҳият ҳам қасб этади. Қолаверса, темурийзодалар тақдири бир умр Ойбек фикр-ўйларини банд этган, ижодига илҳом берган олис мозийнинг липпиллаган шуъласидир. Зеро, адибнинг ижодий режа ва ниятларида Соҳибқирон Амир Темур ҳақида тарихий дoston ёзиш

⁴⁵ Ойбек. Танланган асарлар. Тўрт томлик. Биринчи том. Т.: 1957, 273 б.

бўлганлиги, улкан ёзувчининг уни тўқис амалга оширишга шафқатсиз ўлим имкон бермаганлиги аён.

Сиртдан қараганда «*Навоий*» романида улуғ гуманист шоирнинг таржимаи холи батафсил ёритилгандай туюлади. Чиндан ҳам романда 1469 йилнинг кўкламидан 1501 йилнинг январигача бўлган ўттиз икки йиллик воқеалар қаламга олинган. Навоий кизгин маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий фаолиятда тасвирланади. Донишманд ва тadbиркор Навоий марҳаматли ва талабчан устоз, маданият-маърифат ва ободончилик ишларининг раҳнамоси, инсоф дённат, адолат ҳимоячиси, мамлакат ва халқ осойишталигининг посбони сифатида намоён бўлади. Мутафаккир шоир ва олим сифатида ўз ички имкониятларидан унумли фойдаланади. Дағлат ва идора усулида мустаҳкам тартиб ўрнатиш ва айрим ислохатлар ўтказиш йўлида жон куйдиради. Низо ва адоватларни бартараф этишга уринади. Қалбни ишонч ва умид тарк этмаган Навоий тобора таназзул ботқоғига ботиб бораётган Хусайн Бойқаро салтанатида кечаётган воқеалар мангигини теран англайди. Жаҳолат исканжасидаги юрт пелволарининг қилмишларидан ранж-алам, изтироб чекади. Роман Навоий фикри ва ақидаларининг яшовчилигига даъват этувчи оптимистик яқунга эга.

Адабиётшунос олимлар Х.Ёкубов, М.Кўшхонов, Б.Назаров, Н.Каримов, С.Мирвалиев, Р.Ибраҳимова ва бошқа ўнлаб олимларнинг тадқиқотларида масаланинг у ёки бу томони адабий танқидчиликнинг муайян даврдаги даражасига мувофиқ тарзда ўрганилди⁴⁶. Ойбек ижоди, хусусан, «*Навоий*» романини ўрганиш асносида адабиётшунослик ҳам ривожланди. Ойбек ижодий феномени бугунги кунда ҳам адабиётшуносликнинг диққат марказида турибди. А.Сабриддинов, У.Ҳамдам каби кейинги авлод тадқиқотчиларининг монографик изланишларига бой манбаа вазифасини ўтамоқда. Роман ёзилганидан буён ярим асрдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, ҳар бир авлод ундан янги-янги маъноларни кашф этиб келмоқда. Чунки Ойбек романида давр моҳияти ва руҳи, тарихнинг муҳим палласидаги миллат кишисининг ўзликни англаш йўлидаги интилишларини ифода этган. Демак, Навоий биографияси ва тақдири орқали ёзувчи илғор ғояларни шунчаки тасдиқлаш йўлидан бормайди. Балки характерларнинг ривожланиши орқали тасвирланаётган давр моҳиятини ҳам очади. Романда халқчилик лафоси кабарик тасвирланган. Шунингдек, инсонпарварлик ва реал воқелик ўртасидаги зиддиятга ҳам жаҳолат, нодонлик ва зулм билан гуманизм, адолат, илм-фан ва тафаккурнинг курашидан кўра бир қадар синфий ёндашувнинг излари соя ташлаган. Характерларнинг интилишларини баҳолашда кучлар нисбати маълум маънода ижтимоий табақаларга моддийонча ёндашув асосида ҳал этилади.

Ойбекнинг улугворлик ҳақидаги эстетик идеали маълум даражада мутафаккир олимнинг гуруҳлар устидан оддий халққа таяниб ғалаба қилишдек примитив мангикқа асосланади.

⁴⁶ Ёкубов Х. Ойбек (адабий-танқидий очерк). Т.: Ўзадабийнашр, 1950; Кўшхонов М. Ойбек маҳорати. Т.: Бадий адабиёт, 1965; Назаров Б. Бу сеҳрли дунё. Т.: Адабиёт ва санъат, 1980; Каримов Н. Ойбек. Т.: Ёш гвардия, 1985 ва бошқалар

Шубҳасиз, Навоий улуғворлик ва мардоналикни ўзида мужассамлаштирган нодир шахс. Бироқ бу ҳол уни ўз ғазабини босолмай қоладиган жангари ва жайдари одам сифатида тушунишга асос бўла олмайди. Ўз суҳбатдошлари устидан кинояли ва зардали қулиб: «*ажсарнафс*», «*дарранда*», «*газанда*», «*бўрилар*», «*итлар*», «*чиркин махлуқлар*», «*ифлос паишалар*» деб ошқора қайриб ташловчи, «*жоҳилларнинг қўлларини кесмоқ зарур*» дегувчи курашчига айланади. У ўз оқилона фикри билан воқеалар оқимини осонгина изга солиб юбораверади. Султон Хусайн гўё унинг етовидагина ҳаракат қилувчи, базм ва майхўрликка берилган, мустақил фикрдав маҳрум кишидек таасурот уйғотади. Навоийнинг бу қадар кескирлиги олдида Мажидиддин ва унинг тарафдорлари қўрқувдан титраб, тиллари каломга келмай қолади. Бундай схематизм таъсирида Навоий шахсиятидаги мутасаввуф шоирлик ва шайхликка ҳос босиқлик, вазминлик ўрнини таҳдид ва сиёсат, ҳақорат ва дағдаға эгаллайди. У подшоҳ хузурида ҳукмдорнинг ўжарлигини синдириш учун шундай шиддат, жасуруна оҳанг билан сўзлайдики, ҳукмдор ҳам ҳар қандай эътироздан ожиз қолади. Шоирнинг бу қадар ишбилармон ва соҳибтадбир кишига айланиши ҳам реал мантикка бир қадар мувофиқ эмасдек туюлади. Бундай ўринларда шўро адабиётининг меҳнат кишисини улуғлашга мойиллиги таъсири кўзга ташланади.

«*Навоий*» романи мафкуравий тазийқлар адабий сийсатга айланган даврда яратилган асардир. Бинобарин, Ойбек ўзи тиламаган ҳолда шохни «*қоплон*»га унинг атрофидаги амалдорларни «*ит*»га киёслашга мажбур эди. Агар жиддий эътибор берилса, романнинг аксарият қаҳрамонлари улуғ бир тахлика ва қўрқув салтанатининг залвори остида ҳаракат қиладилар. Арслонкулдан Дилдорга хабар келтирган фолбин кампир атрофга аланглаб секингина сўзлайди. Ҳаяжонини босолмаган Дилдорни: «*Ҳой, секин гапир!... Жинни бўлдингми? Қердасан?*» - дея огоҳлантирар экан, даричани ёпиб қўйиб, шивирлаган ҳолда сўзлайди. Ҳатто ваҳимага тушиб, *зинҳор бировга оғиз очма*, - дея таъкидлайди. Дилдорнинг: «*Хат бермадимми сизга?*» - деган сўровга: «*Тил зиндонга судрайди, хат дорга элтади, болам!*» - дея бир қадар ўқиниш ва жафони бўйнига олган кишига ҳос вазминлик билан жавоб беради. (228 б.)

Дилдорга гамғурлик қилиш илнжиди Султонмурод Тўғонбекнинг даргоҳига бош уриб келганида Алоиддин Машҳадий, мавлоно Шаҳобиддин ва бошқа амалдорлар даврасида ўтирган Тўғонбекдай одам ҳам юрт улуғларининг пинжиги қанчалик кириб олган бўлишига қарамасдан, дабдурустдан аниқ жавоб айта олмайди. Сунъий киёфага кириб, совук ва расмий муомала қилади. Шохнинг қонуни устиворлиги, Шайхулисомнинг адолати тўғрисида сўзлашга мажбур бўлади. У ўзининг музтариб аҳволини тан олишга, айна вазиятда бошқача йўл тутма олмаслигини тушинтиришга мажбур бўлади. (245-246 б.) Хўжа Афзал Навоий билан суҳбатда: «*Ҳиротдаги машъум ҳодисаларни айтшидан тил ҳам чўчийди*», - дейди чуқур хўрсиниб. (275 б.) Эшик оға Бобоали Ҳайдарни муомалада «*тилга эҳтиёт бўлиш*»ликка чақиради (327 б.)

Ойбек «*Навойӣ*» романига бундай ўринларни бежиз киритмаган, албатта. У ўз даврининг рухига ҳам ишоралар тили билан урғу бермоқни тилаган бўлса не ажаб.

Дарҳақиқат, Ойбек калбидаги пўртаналар роман матнига кўчмаслиги мумкин эмас. Зеро ижодкорнинг мудом уйғоқ қалби олам ходисаларини идрок ва ҳис этади. XV аср воқеа-ходисаларини бадиий умумлаштиришда адиб калбида мусикий бир оҳанг оққанки, Ойбек томонидан ҳис этилган бу ҳолат романга ўзига хос ички ҳарорат бағишлайди. Китобхон романда гоҳ баланглаб, гоҳ пастлаб жўшқин ва сокин оҳангларда таралаётган ҳазин куйни ҳис этади. Навойӣга хос улуғворлик ва мағрурлик, қудрат, ирода, матонат руҳи унда мамнунлик ва ифтихор ҳиссини уйғотади.

Тарихий шахслар тақдирига монанд тарзда роман ритмининг мароми ҳам ўзгариб туради. Чунки роман яхлит ритмига хос дастлабки ибтидо асарнинг илк саҳифаларидаги тасвирлардан бошланади. Қадимий Ҳиротнинг ёмғир ғуборларидан тозаланган нақшинкор гумбазлари ўзаро баҳор кўшининг порлашию ним қоронғу заҳ хужрадаги ёши, илм даражаси, феъл-атвори турлича бўлган кишиларнинг тирикчилик илинжида ўтиришлари келгуси воқеаларнинг гоҳ осуда, гоҳида ҳавотирли кечишига ишорадир. Ҳар бири ўз рухий эҳтиёжини тўлдиришга интилган мураккаб инсоний тақдирларни ёзувчи имон, эътиқод, ҳидоятга даъват этувчи оҳанг устиворлигида чизади. Қўркув ва ҳавотир ичида яшаётган қаҳрамонларнинг безовта қалбига хос руҳ давр манзараларини ифода этади.

Романда ҳаёт синовларини матонат билан енгиб ўзлигини англаган қаҳрамонлар ҳолати жонли тасвирланади. Улар орасида Навойӣ характер сифатида ўз эркинлиги билан алоҳида ажралиб туради. Ақидаларида собит, истикболга комил ишонч билан боқувчи қудратли руҳ кишининг эзгулик йўлидаги ҳаракатлари китобхон қалбига далда берибгина қолмай, яратувчанлик ва ижодкорлик руҳини ҳам тўғдиради. Романдаги ритм қисмлар узвийлигини таъминлайди. Оҳангнинг гоҳ авж пардаларда, гоҳ сокин, гоҳ тантанавор, гоҳида эса маънос оқиши сураат ва сийрат жилваларидаги қалб тўғёнлари, исён ва итоат, катъиятлилик ҳамда бандасининг ожизлиги руҳини ифодалайди. Ойбекнинг Оламу Одам яхлитлигини намоён этишида романдаги ягона овоз оҳангларнинг ўзаро уйғунлиги китобхоннинг бутун борлигини камраб олади.

«*Навойӣ*» романининг яхлит ритмини белгилашда ёзувчининг ўзи қалит бергандай туюлади: «...*шаҳзода Қуръондан бошини кўтармади. Мўнгли товуш билан қироат қилаверди*» - деб ёзади адиб «*Юсуфдек хушрўй*» ва «*убдон ақлли*» Мўмин Мирзо ҳақида. Бу фожиянинг исканжаси остида руҳан ўртанаётган Навойӣ эса фикран асрларнинг, даврларнинг манзарасига назар ташлаб ҳазин оҳанг ила сўзлайди. Ана шу ҳазинликда ҳақиқатнинг элчиқ таъмини, мамлакат тақдирида бошланажак муқаррар буроннинг дарагини туйиш мумкин.

Бирок, Ойбек романга сўнгги нуқта қўяр экан, оптимист шоир ҳақидаги асарни ғамгин бир руҳ билан якунлашни истамайди. Ўз ҳаётидан мамнун «*юрагида шодлик чайқалган*» Навойӣ ҳолатини тасвирлаб ёзади:

«Шоир шамни ўчирди. Ҳассани қўлга олиб, ётоқ уйга кирмоқ учун, увушган оёқлари билан аста-аста юриб, ташқари чиқди. Салқин ҳаво юзларига ёқилли урди. Чексизликдан муаззам оҳанг билан оққан юлдузларнинг нафаси, бовчадаги дарахтларнинг шитирлаши, ярим кечада ип йиғирган жафоқаш кампир чархининг «зув-зуви», узоқда қарвон тежалари қўнғирозининг вазмин оханги- барчаси шоирнинг қўнғлига бир хилда яқин, таниш, маънодор туюлар, барчасини у чуқур сезар эди.» (431-432 б.)

Донишманд шоир шамининг ўчиши ҳаётининг ҳам ниҳоясига яқинлашиши арафасида кечади. Ҳавонинг тоза ва салқинлиги, юзларга урилган майинлиги, дарахтлар шивирию коинотнинг муаззам оҳангларига уйғун. *“Жафоқаш кампир”* киёфасида рамзлантирилган *“фалак чархи”* нинг тинимсиз *«зув-зуви»* муаззам тарих биносини яратишга ёхуд кун-паякун этишга улуш қўшган не-не эрлару гуноҳга гарк бўлган нокасларнинг тарих йўлларида *“улкан қарвон”* янглиг ўтиб кетганлиги, вақт агалмиш олий ҳакамнинг вазмин оҳанглардаги шафқатсиз ҳукмига хос жаранг китобхон қуллоқлари остида садо беради. Ўзини табиатнинг бир зарраси деб билгани боис ҳам уларнинг барчаси шоирнинг қўнғлига яқин, таниш, маънодор. Яратикларда уларнинг ижодкори жилвасини кўргани боис барчасини чуқур сева билади.

Навойнинг эски кадрдони кекса бир шоир тилидан айтилганидай, *“жаҳонгашта шамоллар шоирнинг муқаддас оёқ изларидан бўса оладилар”*. Бу тасвир шоирнинг вафотидан изтироб ва ҳасрат чўккан дилларда сезилган ўлим шарпасини қувгандай, ҳаётнинг ўткинчилиги ҳақидаги иқроорларни унуттиргандай, мамлакат ҳаётидаги руҳсиз бўшлиққа маъно бергандай, ўксиклик ўрнини умидворлик эгаллагандай таассуротлар уйғотади. Аслида ҳам шундай. Ойбекнинг: *«Улуғ қабрнинг устида Ҳирот йиғлади... Шоирнинг мотамини шеър гуллари безади»* (439 б.) - деб ёзиши бежиз эмас. *«Навой»* романи Ойбек даҳосининг улуг мутафаккирга бўлган тизгинсиз мухаббатидан дарак берувчи ўзига хос ҳароратга йўғрилган гулдаста сифатида хануз ўз киматини сақлаб турибди.

Адабиётшунос У.Норматов *«Навой»* романидаги Тўғонбек образига тўхталар экан, унинг нафақат ижтимоий фигура, муайян ғоянинг тимсоли балки бандан ожиз, одам боласи сифатида жамиики зиддиятлари билан бор ҳолича китобхон кўз ўнгида гавдалантирилганлигини тўғри кузатади. У Ойбекни *«персонаж меймори»*⁴⁷, деб баҳолайди. Романда Абдулла Қодирий насрига хос қаҳрамонларни реалистик чизиқлар билан кўрсатиш, ёрқин ва типик характерлар яратиш, образларнинг юриш-туриши, сўзлари, фикрлашини санъаткорона тарзда китобхон кўз ўнгида жонлантириш тажрибасини ижодий ўзлаштирилганлиги ҳақида тўхталган олим Ўзбекойим, Солиҳ Махдум, Ҳатиб домла, Мулла Мухсин образлари билан Ёрмат, Тўғонбек тимсолларини киёслайди. Шу орқали мазкур образнинг роман структураси, ғоявий-бадий мундарижасини белгилашдаги ўрни, асл моҳиятини англаб етади.

⁴⁷ Норматов У. Персонаж меймори. «ЎзАС» 2005 йил, 11 - февраль

«Навойй» романи мисолида бундай муштарак жиҳатларни бир қатор ўринларда кузатиш мумкин. Чунончи толиби илмлар мадрасада таҳсил олаётган аксарият дарслик ва китоблар: «Қофия», «Ҳошия», «Шамсия», «Адабиёт» ва бошқалар Қалвак Махзум домланинг қироатхонада сўраган китобларидир. Ҳиротнинг машҳур девонаси билан «Ўтган кунлар»даги девона ва қўғирчоқбозлар ўртасида содда ва одмилик, ўткир сўзлилик, халқ дилига яқинлик сингари ўхшашликлар кўзга ташланади. Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романидаги Гулшан опа билан ҳарам кизларига Ойбекнинг Гулчеҳрабисиси ёхуд ҳар қадами қаттиқ назорат остида бўлган қай бири исёнкор, қай бири вазиятга қўниққан ва ўз-ўзини овутишга уринган қалби изтиробга тўла Гулсанам, Зубайда, Давлатбахт, Хумор, Асалхон, Зулфизар, Дилдорлар руҳан бир-бирига яқин туради. Дилдорнинг жасорати муайян жиҳатлари билан Раънони эсга солади.

Шунингдек, «Меҳробдан чаён»да имзосиз мактуб уюштирган Абдурахмон домла, Шаҳодат муфти, Калоншоҳ сингариларнинг қилмишларига Мажидиддин, мавлоно Шаҳобиддин, Амир Мўғул, Тўғонбекнинг худди шу таҳлитдаги ҳаракатлари ҳамоҳангдир. Мамалақатдаги жиноятларнинг илдизи ҳукмдорнинг ўзига бориб тақалишига ишонган Юсуфбек Ҳожининг ҳолатлари Хусайн Бойқарога нисбатан қалби андиша ва шубҳага тўлган Навоий қалбининг тебранишларида яна бўй кўрсатгандай бўлади. Дўсти Зайниддиннинг қабри бошида тунаган Султонмурод садоқати Насим ва Анвар самимияти эсга солади.

Худди шунга ўхшаш ҳодисани кейинги давр романларида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, Саломат Вафонинг «Тилсим салтанати» романидаги Оқбаш Ёлқут моҳиятан Гулшан опа ва Гулчеҳрабидан ўсиб чиқади. Кўзлари иложсизлик ва ғазабдан ёнган, хатти-ҳаракатларида машғум бир синиқликнинг ғами очиқ сезилиб турган ахта қилинган қуллар «Навойй» романидаги ҳарам қоровулларини эсга солади. Қирққизларнинг ички, оддий ҳаёти, чолғу чалиб қўнгилларини ёзишлари «Меҳробдан чаён»даги ҳарам қизларидан ёхуд «Кеча ва кундуз»даги Зебининг дардли қуйлашларидан маънавий руҳ олади. Ёхуд Ойбек тасвиридаги Хадичабегим характериға хос аксарият жиҳатлар, ҳатто танаси олгиндан, япроқлари забаржаддан, мевалари дур ва ёқутдан бўлган дарахт П.Қодировнинг «Юлдузли тунар» романига кўчиб ўтгандай туюлади.

Агар Чўлпон ўзининг «Халқ» шеърида:

*Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир...
Халқ қўзғалса куч йўқдирким, тўхтатсин.*⁴⁶

деб ёзган бўлса, Ойбек «Навойй» романида: «...халқ шундай бир дарёйи азимки, у тошса, унинг мавжидан на шоҳнинг қасри, на дҳрзешининг қулбаси қолур, у шундай бир ўтки, унинг бир учқуни туташса, на хашакни қўяр, на флакни...», - деган жумлаларни ўқиймиз. (76 б.)

⁴⁶ Чўлпон. Яна елдин созимни. Тошкент, 1991, 408 б.

Ойбек анъанавий халқ дostonлари ва Навойнинг «*Фарҳод ва Лили*», «*Лайли ва Мажнун*» сингари дostonлардан таъсирланиб мумтоз адабиётимизга хос романтик услуб орқали реал дунёдан кўра китоблар оламига руҳан яқин бўлган Султонмурод ҳолат ва кайфиятларни беришга интилади. Романада Султонмурод коронгу тунда бир неча лаҳзагина кўрган кизи Дилдорнинг ишқида қаттиқ дард ва изтироб чекади. Ҳар қанча ўзини чалғитиб хужрага кириб китоб мутоласига машғул бўлишга уринмасин, ҳасратли бўғилиб мажолсизланади, беҳуд бўлади. Ўз кечинмаларини маъшуқасига мактуб орқали аён этмоқчи бўлади. Бунга ўхшаш ишқ дardининг рангин таърифи, ҳокисор ошиқнинг ҳолат кайфиятлари ифодасидаги романтик бўёқдорликни Ҳамзанинг «*Учрашув*» романидаги Юсуфнинг маҳзунона, таҳайжорона ҳолатларида, Фитратнинг «*Чин севиш*» драмасидаги Нуриддинхоннинг ишқий-хиссий ҳолатларидаги маъшуқа билан руҳий бирликни англашга бўлган муайян даражада сўфиёна мазмунга эга бўлган туйғуларида ҳам кузатиш мумкин бўлади.

Мазкур ҳодисанинг моҳиятини Ойбекнинг Фитрат, Ҳамза, Чўлпон, Қодирийдан, П.Қодиров ва С.Вафонинг эса Ойбекдан ёхуд уларнинг барчасидан ижодий таъсирланиши тарзидагина изохлаш мумкин эмас. «*Навоий*» романи умуман ўзбек тарихий романлари билан ҳам муайян муштарак нуқталарга эга. Бу ҳол мавзу ва айрим сюжет мотивларида, образлар тизимида, конфликтли ҳолат яқинлиги, эпик баён ва мумтоз эпосга ёзуқлик йўсинида, драматизм ҳамда трагизм унсurlарида, ҳаракат ва ҳолатларнинг асосланишида кўзга ташланади. Ойбек тасвирланаётган ҳолатларни оптимистик руҳга йўғрилган трагизм асосида жонлантиради ва талқин этади⁴⁹.

Шу боисдан бўлса керакки, романда маконий ўзгаришлардаги ҳаракат бирлигида ҳам, драматик сюжет ровежида ҳам бир қадар сустлашиш кузатилади.

Ёзувчи романда содир бўлаётган жараёнларнинг манбаларини кўрсатиш орқали қаҳрамон характерининг шаклланиши сабабларини очишга муваффақ бўлади. Аксарият образларнинг интилиш ва кечинмалар оламида ишқнарни таҳлил қилади. Бошқачароқ айганда, сюжет қуришнинг ретроспектив усулидан имкон қадар фойдаланишга уринади. Қаҳрамон ички дунёсини тафтиш қилишда уларнинг ўй-хаёллари, изтироб ва кечинмалари, ўз қилмишларини таҳлилдан ўтказишларидан фойдаланган ҳолда борликни кенг қўламда тасвирлаш имконига эга бўлади. Афсуски Ойбек кўпроқ эътиборни персонажларнинг бевосита объектив фаолиятига қарагади. Чунки «*Навоий*» романида ҳаёт ҳодисалари замонда сабабий кетма-кетликда жойлаштириш тамойили асосида ёритилган. Ёзувчи ҳамшиша ҳам инсон руҳиятидаги жараёнлар, унинг қалб деалектикасини назарда тутуди дейиш қийин. Бу ҳол кенг қўламдаги эпик воқеаларнинг ифодасида лирик ҳароратнинг сусайишига олиб келади.

⁴⁹ Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. Тошкент. «Шарқ», 2004, 240 б.

Бироқ бунга асосланиб «*Навоий*» романида фақат ҳаётий воқеалар тасвиригина берилган экан, деган хулосага келмаслик лозим. Романда воқеаларнинг қаҳрамонлар онги ва қалбига таъсири, хотира ва тасаввурлар, шахснинг жамият билан чамбарчас алоқадорлигини кўрсатиш мақсадида Ойбек тасвирда ташқи жараёнларнинг инсон рухиятига таъсирини кўрсатиш йўлидан боради. Шу боисдан ҳам романдаги аксарият қаҳрамонларнинг қалб торлари ижтимоий жараёнларнинг кучли таъсири остида тебранишига аҳамият қаратилади.

Демак, Ойбек «*Навоий*» романида эпик романнинг хронологик тартибланиши ва воқеаларнинг маконда ўзгаришини манتيкий далиллашга ҳаракат қилган бўлишига қарамасдан, турли ассоциация ва хотиралар тизимидан ҳам баракали фойдаланган. Адабиётшунос олим А.Раҳимов тўғри таъкидлаганидай: «*Бир-бирига боғлиқ бўлмагандай кўринган ҳаётий воқеалар ва ижтимоий фожеаларнинг персонажлар тафаккурига таъсирини кўрсатиш йўли билан ижобий қаҳрамон яратиш Ойбек ижодининг характерли хусусиятларидан биридир*»⁵⁰.

Жумладан, Навоий масъул вазифаларда ишлаганда ҳам сарождан йироқдаги сокин ҳаётда ҳам доимо юрагида кучли ҳис-туйғулар чайқалади. Султон Хусайн Дарवेशалига қарши отланганида шоирни ҳам ўзи билан олиб чиқар экан, у ўзини ниҳоятда эркисиз, ихтиёрсиз ҳис этди. Инисини ўз қўли билан камашга буйрук олганида, мақр-хийла ва мунофиқлик олдида ожиз қолади, ҳақорату аламдан юраги қон бўлади. Подшоҳнинг адолатсизлигидан ўз пуштиқамаридан бўлган фарзандлари шикоят қилиб, ўз кишилари ҳукмдордан юз ўгирганида бундай мислсиз фалокатнинг жабрини жафоқаш халқ тортишини ўйлаб руҳан қийналади. Юпун Балхнинг кўксидagi муғул босқинидан қолган жароҳат асоратларини эслаб ҳаёли тарихнинг чексиз уфқлари сари учди. Навоий ўтмиш тарихи ва замонасини қиёслар экан, муттасил инсон руҳидаги чинакам ижодкор кучларни гавдалантирувчи, ақл машъали билан тарих йўлларини ёритиб, ҳаётни яшнатувчи, яратувчи қаҳрамонларни кидиради. Алоҳида шахснинг виждони уйғонадиган, нурли ҳаёт қурадиган кунлар келишига комил ишонч билан яшайди.

Ойбек иқтидори, ҳиммат ва гайрати, илҳом булогининг махсули бўлган «*Навоий*» ахлокий-сиёсий, ижтимоий-фалсафий романи адиб ҳаёлининг кўркай чаманзоридан терилган гўзал гулдастадир. Мамлакат ҳаётида тўхтовсиз сиёсий зилзилалар давом этаётган бир даврда имонли ва виждонли адиб сифатида Ойбек эл, юрт тақдирига бефарқ қарай олмас эди. Унинг фикри давр ва салтанатлар оша кезиб, темурийзодалар тақдири мисолида тубсиз ўпқон ёқасига келиб қолган империяни муқаррар ҳалокатдан огоҳ этибгина қолмай, истикболда бошланажак машъум бурондан ҳам дарак берди. Инсониятнинг улуғ фалокатлар қаршисида тақдор қолмасликлари учун бани одам фарзандлари бир-бирларига ўзаро муҳаббат ришталари билан боғланмоқлари, юртда адолат барқарор бўлишини тилаган Ойбекнинг бедор

⁵⁰ Раҳимов А. Ўзбек романи поэтикаси. Сюжет ва конфликт. филология фахлари доктори... дисс. автореферати. Т.: 1993, 24 б.

руҳидан таралган ҳаётбахш нурлар басират кўзини очувчи калит вазифасини ўтайди.

Ойбек орзу қилган чинакам эркинлик шамоллари юртимизда эсиб адибнинг муборак пойқадамлари гардидан бўса олаётганидан табаррук юзинчи баҳорини қаршилаётган донишманд адибнинг руҳлари шод бўлса ажаб эмас.

«*Навоий*» романи разолатга қарши шафқатсизлик билан жавоб беришни инкор эғувчи, ақл ва тафаккур устуңлигини улуғловчи замона зулми, таъқиб ва кийноқлари, адолатсизликларини айбловчи ҳукмнамогина эмас. Ҳасадгўйлар билан курашишни ўзига нолойиқ деб билган, инсоний ғурури ва қадри учун нуқсон деб ҳисобланган, бўйсунмас қалбадаги юксак туйғуларнинг эркин замона занжирбанд эта олмаган улуғ инсоннинг келажак наслларга қолдирган муносиб туҳфасидир.

1. 8. ХАРАКТЕР ДИНАМИКАСИНИНГ ЭСТЕТИК ИДЕАЛ МОҲИЯТИГА МУТАНОСИБЛИГИ

Абдурахмон Жомий илм-фаннинг турли соҳаларини теран билган улуғ олим, билимдон маданият арбоби, шоир ва дostonнавис бўлиш баробарида серқирра ҳамда мураккаб ижодида инсонпарварликни ёқлаб, унинг зидди бўлган ғайриинсоний интилишларни қоралаган. Унинг юксак маҳорат билан яратилган асарлари таъсири ўз даврида ҳамда замонлар оша элга манзур бўлиб келган ва шундай бўлиб қолажак. Мана шу эркин сиймо билан буюк шоиримиз, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ғоят яқин дўст бўлган. Ораларидаги йигирма етти ёш фарк ҳам уларнинг бир-бирларини ғоят ҳурмат қилишларига монелик қилмаган. Иккала аллома кўплаб ижтимоий-сиёсий, адабий-фалсафий, эстетик масалаларда ҳамфикр, сирдош ва маслаҳатдош, машаққатли ижодда эса кўмақдош бўлишган. Бир-бирларига нисбатан ҳам устозлик, ҳам шоғирдлик бурчини ўташ баробарида ҳамкорликда эл-улус дардини чекканлар.

Ҳар иккала шоирнинг асосий мавзулари халқпарварлик, инсонпарварлик, гуманизм, одамийликни улуғлаш, ёвузлик ва жаҳолатни қоралаш, яхшилик ва адолатни мадҳ этиш, инсоний муҳаббатни қуйлаш, инсон ҳис-туйғуларини ифодалашдан иборатдир. Шунинг учун ҳам Навоий ижод масалалари, ижтимоий-сиёсий муаммолар юзасидан Жомийга маслаҳат билан мурожаат қилса, Жомий ўз битигларини Навоийга ўқиш учун берар, ижоди ва фаолиятини синчковлик билан кузатиб борар эди. Жомий ўғитларидан Навоий астойдил севишиб, уларни бажону дил қабул қилганидек, Навоийнинг истак ва таклифларидан Жомий мамнун бўлган. Бу ҳол нафақат макон ва замон бирлиги, балки эстетик идеаллар муштарақлиги билан ҳам изоҳланади.

Шунинг учун бўлса керак, Ойбекнинг «*Навоий*»⁵¹, Барот Бойқобиловнинг «*Навоийнома*»⁵², Омон Мухторнинг «*Ишқ аҳли*»⁵³ тарихий-

⁵¹ Ойбек. Навоий. Роман. Т.: Ўқитувчи, 1985

⁵² Бойқобилов Б. Нотинч Хуросон. Т.: 1985; Шукуҳли қарвон. Т.: 1981; Сокин Хуросон. Т.: 1992; Қонли

биографик романларида ХУ аср ҳаёти, халқ орзу-интилишлари Навоий образи билан боғлиқ тарихий-ҳаётий воқеалар тасвирида давр руҳи ва қахрамон кечинмаларини ифодалаш мақсадида у ёки бу даражада Абдурахмон Жомий ҳақида ҳам тўхтаб ўтилади. Бизнингча, юқорида санаб ўтилган романларда акс этган Абдурахмон Жомий образини киёсий-тарихий йўсинда кузатиш мақсадга мувофиқдир.

Ойбекнинг *“Навоий”* романида бош қахрамон биографияси объектив-тарихий жараён оқими билан боғлаб тасвирланади. Гарчанд, носир давр моҳияти ва руҳини беришда маърифат ва жаҳолат курашини кескин кутблантириб ифодалаган, ўзининг томонлардан бирини ёқлашини яширмаган бўлса-да, қахрамонлар характерини уларнинг идеалига мувофиқ тарзда динамик ривожлантира олган.

Романнинг биринчи, ўн иккинчи, ўн олтинчи, йигирма иккинчи, йигирма учинчи ва ўттиз биринчи бобларида Жомий хусусида сўз боради. Романнинг биринчи бобида камтарин ва олийжаноб киши, санъат иштиёқманди, халвофуруш Мавлоно Туробий дўкончасида Ҳиротнинг *“Тавҳаршод”* мадрасаси муллаваччалари: Зайниддин ва Султонмурод даврасида Абдурахмон Жомий эсланади. Устоз ғазалларининг китобхонлар томонидан севиб ўқилиши, айниқса, сўфиёна ғазалларининг машхурлиги Ҳиротнинг шоирлар юрти эканлигини тасдиқлашга хизмат қилади. Ана шу шоирлар юртига Самарқанддан Алишер Навоийнинг ташриф буюриши романда хабар тарзида берилса-да, мазкур ташриф қалам аҳли доирасида хушнудлик билан қабул қилинади.

Ўн иккинчи бобда Маждиддин парвоначи ва Низомулмулк кирдикорларидан безган *“ярани авж олдирмасдан кесиб ташлаш”* ҳақидаги маслаҳатлари Ҳусайн Бойқаро томонидан лоқайд қабул қилиниб, пайсалга солинганидан руҳан эзилган Навоий Саъдиддин Қошгорий мозорида маскан тутган донгдор шайх хузурига боради. Олтмиш ёшларга кирган бўлса-да, ҳали тетик Жомий кўзларидаги донишмандлик, муомаласидаги самимият, юз ифодасидаги шодлик, характерига хос камтарин-камсукумлик, зоҳирий оддийлик ва ботиний маънавий кудрат ишонарли чизилади. Бир-бирининг дийдорига муштоқ кўнгиллар талпиниши рўёби учун тез-тез имкон йўқлигидан узрхоҳлик қилган Навоийни хижолатдан қутқармоқчи бўлган Жомий: *“Узрингизни тангри ҳам қабул қилур, наинки, биз каби зарраи хок! Элга холисанлилло хизмат қилмоқ инсони қошнинг ишидир. Бу нав заҳмат-машаққатлар аслида фароғатдир”*, - дейди (165 б.) Навоий мамлакатда рўй бераётган гартисизликлардан, ҳақсизликлардан ранжиганида устоз: *“Сизнинг элга муҳаббатингизнинг тоза гулларини кўрмоқдамиз... Энди элулусга фаровон меваларни кўрмоқ nasib бўлсин. Ҳар нав мушқилот бўлса, подшоҳга айтмоқ лозим”*, - дейди. (165 б.)

Келтирилган парча Жомийнинг эътиқоди, комил инсон ва давлатни бошқариш ҳақидаги концепциясини ифодалашни, суҳбатдошини руҳлантира

Хуросон. Т.: 1992.

⁸¹ Омон Муқтор. Ишқ аҳли Роман // Шарқ юлдузи. 2001. Биринчи фасл, 17-69-бетлар

билиши, маънавий кудратини юктира олишини изохлаши жиҳатидан характерлидир. Зеро, шахсиятлардаги маънавий кучнинг бўйлиги бу икки шоирни ўзаро боғлаган риштадир. Сухбатнинг жонли, илиқ ва самимий кечиши ҳам шундандир. Ойбек ифода бадиятига ҳам алоҳида эътибор билан қарайди. *“Шоирларнинг фалсафий суҳбатлари эртақдай жонли, рангдор оқарди”*, - деб ёзади носир (166 б.)

Маълумки, Жомий Навоийнинг ўзбекча:

*Очмагай эрдинг жамолинг олам аро кошки,
Солмагай эрдинг бари оламда завго кошки,-*

матлаъи билан бошланувчи ғазалига назира қилиб, шу кофия, шу радиф ва шу вазнда форсча ушбу матлаъи билан ғазал яратган:

*Дидаме дийдори он дилдори раъно кошки,
Дилда равшан кардаме аз хоки он по кошки.*

Ойбек оқ кўнгил Жомийнинг холис бир шайхгина эмас, шогирдларига меҳрибон устоз, ўзбек тилига хурмати юксак зиёлий, Навоийнинг шоирлик иктидорига ишонган маърифатпарвар эканлигини тасвирлашда бундай тарихий далиллардан ўринли фойдаланади. Бу ғазални Навоий назаридан ўтказиш, унга манзур қилиш тилагидаги Жомий ҳолати тасвирига эътибор берайлик: *“- Мир, сиз кўнгил дарёйингиздан бир дурри бебаҳо чиқарибсиз, халқ орасида бисёр суҳратга сазавор бўлибди. Уни биз ҳам татаббу этдик ва бу услубда бир нима ёзмоққа ҳаракат қилдик. Кўринг, шояд мақбул бўлгай”* (166 б.) - деб Навоийни ортиқча уринтирмаслик тилагида атайлаб кўчириб кўрган нусхасини тақдим этган Жомий батартиблиги ҳам амалий сабоқ вазифасини ўтайди. Ойбек масаланинг ана шу жиҳатинигина эътиборда тутмай, Жомий нутқини мумтоз наср услубига мувофиқлаштиришга ҳам алсҳида аҳамият билан қараган. Ўз навбатида устоз Жомий Навоийнинг тарихда ўтган машхур шайхларнинг ҳаётлари, фикрлари, маслаклари ва уларга доир афсоналарни тўплаб, алоҳида асар ёзиш ҳақидаги таклифини мамнуният билан қабул қилади. Шубҳасиз, бу ўринда сўз *“Нафоҳат ул-унс”* ҳақида боради. Тасаввуф тарихини ўрганишда бугунги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этувчи мазкур асарнинг Навоий томонидан айрим тўлдиришлар билан *“Насойим ул-муҳаббат”* номида туркий тилга таржима қилинганлиги ҳам ҳар иккала шоирнинг дилида ундаги ғоялар кўп вақтлар жо бўлганлигини кўрсатади. Таассуфки, бу мулоқот романда жонли диологлар орқали эмас, балки муаллиф баёни воситасида шунчаки ахборот тарзида берилади.

Асарнинг ўн олтинчи бобида Марвга подшоҳ олдига жўнаётган Навоий дўстлари, яқинларидан ажараётганидан ич-ичидан ачиниб, уларнинг илғифоту меҳридан руҳи енгил тортиб, сафар олдидан хайрлашиш учун Жомий ҳузурига боради. Устоз мазкур сафардан хабар топган, девондаги бўғиқ муҳитда Навоийнинг қийналаётганлигини хис этса ҳам, қалбидаги сўфиёна табиати, бутун эътиқоди билан ҳақиқат ва адолат ғалабасига

ишонади. Шу боис ҳам Навоийни халқ ва давлат манфаатлари йўлида ишлаш, иктидорико закосини шунга сарфлашга ундайди. Унинг кўнглидаги сукут ва хилватга бўлган иштиёқни маъқулламайди. “*Амри подшоҳ, итоат этмоқ бир вазифадир!... Раъиятнинг бахт ва саодатига хизмат қилмоқ - худо йўлига хизмат билан баробардир... Иниолло ҳақиқат душманларини, зулмкорларни мағлуб қилурсиз. Биз ҳам бу йўлнинг мудофасига ҳамшира тайёр туруرمىз*” (211-212 бетлар)

Зеро, у қалб ва тафаккур эркинлиги муқаддас эканлигини теран англаб эди. Навоийнинг табиатан дарвешсифатлиги уни сиёсат майдонидаги муаммолардан чарчатиши, маънавий завқларга тўла ўз муҳитига кўнгли талпиниши, руҳиятида кучли чайқалишларни вужудга келтиришини биларди. Шунга қарамасдан, ибодатдан адолатни афзал билиб, давр жароҳатларига малҳам бўлувчи, шифо бағишловчи киши сифатида Навоийни алоҳида ҳурмат ва муҳаббатга сазавор деб билади.

Жомий унга “*Баҳр ул- Аброр*” қасидасини беради. Навоий бир гал устоз ҳузурида Хусрав Ҳиндийнинг “*Дарёи Аброр*” асарини ҳаддан зиёд мактаб хато қилганлигини тушуниб етади. Ваҳоланки, ўшанда сукут қилган Жомий камтаринлик туфайлигина фикр билдирмаган экан. Романда ўша воқеа сабаб янги бир асар яратилгани, ҳижолатпаразлик ва адабий таъсир натижасида Навоийнинг учқур ўй-хаёллари, кўнглида туғилган “*Тухфат ул - афкор*”нинг фикр чўғи, байтларнинг шоир имон-эътиқодига мувофиқлиги жараёнларига алоҳида диққат қаратилади. Бу эса Ойбек ҳар иккала шоир қайфияти, руҳининг моҳиятини тушунганлигини кўрсатади.

Марв йўлида Жомийга ёзилган мактубда “*Баҳр ул - Аброр*” юқори тақдирланади. Илк байт мактубга илова қилиниб, янги асар ёзиш қарори ҳақида устоз фикрини билишга иштиёқмандлигини қайд этган Навоий номани дарҳол Ҳиротга жўнатади (215 б.)

Романнинг йигирма иккинчи бобида воқеалар Астроболга кўчади. Ойбек Навоий “*Ҳазойин ул-маоний*” девони хронологиясининг нисбий эканлиги ҳақидаги фикрни илгари суради. Унинг бу фикрлари кейинчалик Ҳамид Сулаймоновнинг текстологик текширишлари асосида тасдиқланди. Муҳими, романда умрни тўрт фаслга бўлиб, ёзилган битикларни шунга мувофиқ тартиблашни ҳазрат Жомий ғоят мақбул кўрганлиги ҳақида сўз боради (273 б.) Қахрамон тилидан айтилган бу фикр тарихий ҳақиқатга тўла мос келади. Ҳиротдан йироқда дилда андуҳ билан яшаётганига қарамай, Навоий Жомийнинг кўрсатмаларига тўла амал қилади. Умрининг ҳар лаҳзасидан унумли фойдаланади. Ижодга сый-ҳаракат қилишдан чарчамайди, истеъодларни авайлаб тарбиялайди.

Йигирма учинчи бобда Маждиддин, Шаҳобиддин каби жоҳил кишилар илм-санъат ахли, жумладан, ҳазрат Жомийнинг Навоийга чуқур ҳурмат билан боғланганлигидан ташвишга тушадилар (297 б.) Чунки Навоий халқ ўртасидаги обрў-эътиборининг ортиб бориши унинг Астрободдан марказга қайтишига боис бўлиши мумкин эди.

Ойбек Навоий табиатининг сонсиз жилваларини китобхон кўз ўнгиде тажассумлантиришга ҳаракат қилар экан, ўттиз биринчи бобда фикр қуввати

буткул ижодга йўналтирилган шоир қиёфасини чизади. Айниқса, бемор Жомийнинг хаста ҳолидан кўнгли алланечук бузилган, ташвишли сезгилар залвори остида қийналаётган ҳолатларга эътибор қаратилиши характерлидир. У устоз Жомий ҳаётининг сўнгги дамларида ҳам ҳузурда бўлиб, унинг ўғли Зиёиддин Юсуф бошини ота меҳрибончилиги билан силайди. Сохиби азо сифатида азиз дўсти, меҳрибон ҳамдарди учун мотам тутади. Дафн маросимини катта тантана билан ўтказиб, ўлимнинг еттинчи куни минглаб халққа хотира оши беради. “*Хамсат ул-мутаҳаййирин*” да бу маърака дўсти вафотига йил тўлиши муносабати билан ўтказилганлиги қайд қилинган.

Шубҳасиз, бадий ҳақиқат тарихий ҳақиқат билан айнан мувофиқ бўлишини талаб қилиш тўғри эмас. Муҳими, Ойбек Навоийнинг устоз ва дўст ўлимни чуқур қайғу-изтироб билан қаршилагани, Жомий вафотидан кейин қалбида қандайдир таъхолик, ўксизлик, сезганлигини англаган. Асарда бу қайғу-ҳолатларни ишончли тасвирлай олган (267-268 б.)

“*Навоий*” романининг ўттиз олтинчи бобида “*Муҳокамат ул-луғатайн*” асарини ёзаётган шоир ҳаёлан кўз ўнгида устоз Жомийни жонлантиради. Мавлоно Жомий ўзбек шоирига офарин ўқиб, унинг елкасини қоқади. Ойбек бу лаҳза тасвирини берар экан, шоирона ифодадан тийила олмайди. “*Юрагида шодлик денгизи чайқаларди*”, - деб ёзади. (234 б.)

Хуросон ва Моварауннахр тарихида ўчмас из қолдирган тарихий шахслар ҳаёти ва ижоди ҳақида асар яратиш эзгу нияти билан қўлига қалам олган Барот Бойқобилов узок изланишлар, кузатишлардан кейин 1981-1992 йилларда “*Нотинч Хуросон*” (1985), “*Шужухли қарвон*” (1981), “*Соқин Хуросон*” (1992), “*Қонли Хуросон*” (1992) асарларини ўз ичига олган “*Навоийнома*” (1981-1992) шеърый романини чоп этгирди.

Шеърый романда Шарафиддин Али Яздий, Мавлоно Лутфий, Мирзо Улуғбек, Абдурахмон Жомий, Бехзод, Пахлавон Муҳаммад, Саид Ҳасан Ардашер ва бошқа илм-фан, адабиёт ва санъат намоёндаларининг образларини учратамиз. “*Соқин Хуросон*” да Навоийнинг “*Хамса*” ёзиш истагини Жомийга айтиши, устознинг бу ниятни маъқуллаши ҳақида сўз боради. Шунингдек, Саид Ҳасан Ардашер вафоти муносабати билан берухсат Ҳиротга келган Навоий шох истагига биноан тезда Астрободга қайтади. Сафар олдидан у Жомий билан учрашиб, хайрлашади. Романда оғир бемор Жомийнинг казо қилиши, Навоий унинг қабри устига мақбара қурдириб, “*Хамсат ул-мутаҳаййирин*” ни ёзиш воқеалари қайд қилинади.

Бизнингча, Барот Бойқобилов шеърый романда жонли ва ҳаётий бўлган тўлақонли образлар ярата олмайди. Асар сюжетида муаллифнинг даъвати билангина ҳаракат қилувчи Жомий образидагина эмас, аксарият қаҳрамонларда габий динамика тақчиллиги сезилади. Асарда образлар ҳаракати ва кечинмаларини баён қилиш кучли. Талқин уйғунлигига эриша олмаслик яъни эстетик тамойилга амал қилмаслик, романий тафаккур миқёсининг етарлича эмаслиги яққол сезилади. Унда ижодкорнинг соф ҳаётий, ҳиссий таассуротлари етишмайди. Бунинг оқибатида, образлар қалбида кечган изтиробли туйғу-туғёнлар, кураш – рухий психологизм

етарлича акс этмайди. Образлар романда тарихий шахс сифатидагина ҳаракат қилишади. Яна ҳам тўғрироғи шунчаки қайд этилади, асарлари мазмуни шарҳланади, холос.

Демак, Барот Бойқобилов Навоий ва Жомий ўртасидаги маънавий-руҳий яқинликни ҳам, Жомийнинг ижтимоий-адабий ҳаётдаги ўрнини ҳам етарлича акс эттира олмайди. Бир сўз билан айтганда, Жомий образининг юксак бадиий умумлашмасини ярата олмайди.

“Ишқ аҳли” романи Омон Мухторнинг Алишер Навоийни қандай тушиниш, тасаввур этиш ва англаш ҳақидаги янгича кузатиш ва изланишлари асосига қурилган. Бош қаҳрамонни шоирнинг ижоди орқали яратишни кўзлаган мухтасар роман романтик ва реалистик мотивлар бағридан шахсий индивидуал ва ижтимоий муаммоларга жавоб излайди. Ижод психологиясига аҳамият қаратиб, тарихийлик ва бадииятни тушунтира олади. Ана шу танланган услубга биноан асосий эътибор Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатларига қаратилади.

Бироқ романда Навоийнинг ўй-хаёллари табиийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Улуғ шоир Жомийдек беғараз, беминнат, азиз, жумард, кўнгли пок инсон билан бўлган суҳбат-мулоқотларини ҳам хотирлайди. Таассуфки, тасвирнинг баъзи ўринларида баёнчилик етакчилик қилади.

Кўринадики, ўзбек бадиий насрида Абдурахмон Жомий образини мустақил асар доирасида яратишга интилиш бўлмаган. Макон ва замон бирлиги, эстетик идеалларидаги муштараклик, инсоний меҳр-муҳаббат бир-бирига узвий боғланганлиги учун Навоий ҳақида яратилган романлардагина Жомий образига қисман мурожаат қилинган.

Кузатилган учта асар турли авлодга, ҳар хил иктидор ва салоҳиятга эга бўлган адиблар томонидан XX асрнинг 50-йилларидан XXI аср бошларигача бўлган эллик етти йиллик даврда дунё юзини кўрган. Шу боисдан ҳам уларга бир хил мезонлардан ёндошиб бўлмайди. Қолаверса, ҳар битта романининг кўзлаган мақсади, услуби ҳам ҳар хилдир.

Бироқ ҳар иккала шоир кайфияти, руҳининг моҳиятини тушиниш, ишонарли ифодалашда Ойбек юксак мавқеда туришини эътироф этишга тўғри келади. У ўз даври ижтимоий-адабий талабларига мувофиқ романда ижтимоий муаммоларни бирмунча қабарик тасвирласа-да, характерлар динамикасининг эстетик идеал моҳиятига мутаносиблигини назардан қочирмаган. Айнан ўша табиий динамика – образларнинг жонли ҳаракати Б.Бойқобилов романида етишмайди. Теран ҳис қилмасдан, юракдан кечирмасдан асар ёзиш на тафаккур микёсини етарлича таъминлай олади, на руҳий психологизмни юзага чиқаради. Баёнчилик тарихий қайд қилиш сари етакловчи ҳиссий – эмоционал таассурот уйғотмайдиган қусурлардан биридир. Шубҳасиз, Абдурахмон Жомий ижоди, ибратли ҳаёти алоҳида бадиий асарларга мавзу бўла олади. Унинг умуминсонийликка йўғрилган гуманизми кўнлаб ижодкорлар қалбига илҳом бағишлашига ишонамиз.

1. 9. АДАБИЙ ЖАРАЁН ДИАЛЕКТИКАСИ

(Дастлабки бўлимга хулоса ўрнида)

Адабий жараён диалектикаси бадиий адабиёт умуминсоний мазмунининг миллий заминдан озикланишини тақозо этади. Санъатнинг асл моҳияти ўзгармас бўлса-да, ҳар бир туб ўзгаришлар даврида янгиланаётган тафаккур таъсирида мавжуд адабий тажрибаларнинг ижодий ўзлаштирилиши эстетик қонуниятдир. Жаҳон адабиёти самарадор анъаналарини миллий асосда ўзлаштириш адабиётга ўзининг бетакрор қиёфасини намоён этиш имконини беради. Илло, адабиётнинг барча сатҳларида жонли тарихий алоқа мавжуд. Миллий адабиётдаги муайян адабий ҳодисани алоҳида ажратиб қараш эса нисбий характерга эга. Чунки бутун жаҳон адабиёти ўзаро туташ томирлар билан узвий боғланган. Поэтик ижод барча замонларда ҳам истеъдоднинг маҳорат даражасига боғлиқ тарзда юзага чиққан бўлиб, мазкур қонуният бугунги кунда ҳам, истикболда ҳам амал қилиши шубҳасиздир.

Жаҳон халқлари фольклори ва ёзма адабиёти эпик анъана доирасида кузатилса, сюжет қурилиши, образлар талқини, услуб жиҳатидан қадимий муштараклик мавжудлиги аён бўлади. Бугунги адабий жараённи ҳам анъанадан буткул ажратмаган тарзда изоҳлаш мақсадга мувофиқдир. Жорий адабий жараёндаги маънавий-руҳий, шаклий-услубий изланишлар Шарқу Ғарб халқлари адабиёти тарихида мавжуд қуйидаги анъаналарни ижодий ўзлаштириш орқали самарали фойдаланиш асосида кечаётганлиги кузатилади:

-реаллик ва ҳаётот: афсона, ривоят, ҳикмат билан реал қисманнинг қўшиб тасвирланиши;

-этик нарсда Шарқ қиссаларидан, қистирма эпизодлардан фойдаланиши;

-реал воқеаларни ишқий-романтик нафосда ифодалаш;

-солнома, саргузашт ва реалликнинг чатишуви;

-ягона асар доирасида дидактик, адабий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий қарашларни ифодалаш. Бу жараёнда муайян тасвир услубининг етакчи мавқеда туришига нутур етказмасдан эстетик таъсирчанликни таъминлаш;

-характерлар тасвиридаги мураккаблик, зоявий мазмун ва сюжет қўнқатламлиги;

-тил ва услуб уйғунлигини таъминлаш ҳамда гуманизмга садоқат;

-тафаккурдаги ўй-фикрлар, кўнгилдаги туйғулар, таҳайюлдаги орзу-интилишларни "руҳ майли"га мувофиқ тарзда теран мазмундорликда, ва услуб гўзаллигида ифодалаш;

-бадиийлик, тарихий хроника ва илмийликнинг чатишуви.

Ўзбек адабиёти тарихига ромanning илк намунасини мазкур атама ва жанр маъносида биринчи марта Ҳамза олиб қирган. У насрий асарларнинг тур ва жинсларга бўлинишига асос солиб, бадиий нутқ шаклининг қўн

эвозилик типини яратган. Адибнинг дунёкараши ва услубида ахлоқий маърифат ва романтик тасвир етакчилик қилади. Чунки Ҳамза *биринчидан*, янги маърифатчилик адабиётининг етух вакилларида бири ва романлари яратилган даврларда жадидчилик дунёкарашига томон фикран силжиган адибдир. *Иккинчидан*, у ўз ижодий ниятини даврининг ҳаётий талабларига, шунингдек, китобхоннинг янги усул асарларни “*ҳазм қила олиш*” даражасига монанд тарзда амалга оширган. Демак, Ҳамза ўз ички ижодий имкониятларидан тўла фойдаланганида тамомила янгича йўсинда, анча мураккаброқ шакл ва услубда ҳам роман ёза олиши мумкин эди. Худди шундай ҳол китобхонни янги замон романчилиги билан таништириш мақсадини кўзлаган Абдулла Қодирий ижодий тажрибасида ҳам кузатилади. Айтиш мумкинки, Қодирий бу борада Ҳамза анъаналарини ижодий давом қилдирган. Ҳар иккала адиб ҳам қаламида сўз ўйнашлар экан, реал ҳаётда нафи тегадиган рисола битиш иштиёкида бўлишган.

Аммо Ҳамза биринчилардан бўлиб, Шарқ фольклори ва ёзма адабиётининг аънавий жанрлари доирасида ўз даврининг ижтимоий-эстетик талабларига жавоб бериш мушкуллигини англаб етган эди. У халқ турмушининг ичига чуқурроқ кириб бориб, ҳаётдаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий муаммолар ҳақида эстетик ҳукм чиқаришга интилди. Тасвир объектининг янги воқелик эканлиги, мавзу мундарижасининг ўзига хослиги, муҳим воқеаларга фаол муносабат ифодаланганлиги, адабий қаҳрамонларининг оддий кишилар орасидан қидирилганлиги каби бир қатор факторларга таяниб айтиш мумкинки, Ҳамза насримизда минглаб йиллар мобайнида амал қилиб келган йўналишни ўзгартиришга жазм қилган эди. Бинобарин, Ҳамза яратган романлар янги даврнинг хусусиятларини ўзида акс эттирган янги адабиёт намуналаридир. Бу асарларда адиб яшаган даврнинг фарзандларига хос инсоний муносабатлар, жамият тарихининг муаммолари ҳаққоний акс этган.

Ҳамза “*Янги саодат*” романида миллат тафаккурининг уйғоклигини зиёлиларнинг маънавий-ахлоқий салоҳияти баландлиги билан боғлаб тушунган. Жамият ва инсон тийнатидаги жоҳиллик ва омелик касофатига қарши курашда хос кишиларнинг ақл-идроки, заковат ва иродасига ишонган. Романда адиб эстетикасининг асосини инсон руҳий юксалишини исломий маърифат билан боғлаб, диний-ахлоқий маънода тушуниш ташкил этади. “*Янги саодат*” зохиран сабаб ва оқибат асосига қурилгандек туюлса-да, ёзувчи асар қаҳрамонлари туйғуларининг тубанлашувидан олийжанобликкача бўлган бир неча даражаларини фарқлайди. У муайян ахлоқий вазият-ҳолатларда кечинмаларнинг айни бир персонажда физиологик синтезлашган ҳолда учрашига диққат қаратади. Шу маънода Ҳамзанинг қарашлари умумийлик ва оммавийликка зиддир.

Роман қаҳрамонларидан бири Абдуқаҳҳор бифуркация ҳолатидан флукация ҳолатига ўтади. Демак, Ҳамза инсон борлигини унинг иродаси, руҳий ва онгости жараёнларидан излайди. Инсон шаклланишини объективгина эмас, балки субъектив факторларга ҳам боғлаб ифода этади. Англашиладики, адабий қаҳрамонларга бўлган умуммуносабат тамойили

билан ёзувчи қаҳрамонлари табиатини изоҳлаш ва улар моҳиятини англаш ҳам, Ҳамза кўзлаган мақсадга етиб бориш ҳам мумкин эмас. Бизнингча, бу борада илмий-адабий билишнинг замонавий ютуқларига таяниш, инсон ўлчамидаги тизимларни янги ғоялар асосида тадқиқ этишнинг синергетик ва герменевтик тадқиқот методларидан фойдаланиш принципиал ижобий натижалар беради. Чунки замонавий илм-фанда субъективликнинг роли тобора ортиб бормоқда. Инсон образининг қатъий детерминлашмагани, стохастик жараёнларни динамик хаос орқали мукамалроқ илмий тадқиқ этиш мумкинлиги синергетик (постдарвинча) парадигманинг тафаккуримизга хос эскича қолипларни батамом бузишига олиб келди. Шуниси ҳам борки, романчилигимиздаги барча адабий қаҳрамонлар ҳам ўз параметрлари жиҳатидан маъқул илмий методлар доирасида изоҳланмайди. (Масалан: У.Ҳамдамнинг *“Мувозанат”* романидаги Амир каби) Хуллас, жамият ва инсон тараққиётини муроса фалсафаси асосида идрок этиш адабиётшунослигимизнинг янги гуманитар сифат касб этишини таъминлайди.

“Янги содаот” да Ҳамза қаҳрамонлари қалбидаги азобли оғриқдан бу изтиробнинг сабаби томон йўл топа олган. Адиб қаҳрамонларини шаҳодат оламида ҳам, ғайб ва малакут оламида ҳам олиб қарашга, уларнинг ҳолат ва сифатларини турли ракурсларда кузатишга уринган. Қаҳрамонлар қалбини ички туйғу, фикрий тадриж, табиий истак-майлларнинг юзага чиқиш жараёни ифодаси орқали очган. Роман қаҳрамони Абдуқаҳҳор қалбидаги жохиллик ўрнини салимлик эгаллайди. Унинг басират назари очилади. Чунки адибнинг қарашлари мутлақо шарқона бўлиб, унинг романдаги услубий индивидуаллиги қуйидаги ҳолатларда кузатилади:

-ўз таълимий қарашларини бадкий либосга ўраш ва жамиятни қаҳрамон нигоҳи билан кўрсатишга уриниш;

-образларни имкон қадар реаллаштиришга, тасвир жараёнида қаҳрамон руҳиятига, инсоний муносабатлардаги инжа туйғулар самимийлигига алоҳида эътибор беришга ҳаракат қилиш;

-лирик чекинликлар қилиш;

-ҳадислардан далиллар келтириш;

-қупинча батафсилликка риоя қилингани ҳолда, баъзан китобхоннинг тафаккур ва тасаввур дунёсига ишониб, атайлаб тафсилотлар баёнидаги батафсилликдан тийилиш. Яъни китобхон зехн ва тафаккурига таяниб иш қўриш;

-ҳаётий воқелик ва қаҳрамон қалбидаги зиддиятларни туш мотиви воситасида бериш;

-адабий қаҳрамоннинг мактаб дўсти анъанавий мотивидан фойдаланиш;

-қсқаҳрамонларнинг ҳаёлида кечган жараёнларга диққат қаратиш орқали характерларни ўз-ўзи билан ёлғиз қолдириш. Яъни хотира ва ҳаёлларни адабий монтаж қилиш;

-психологик портрет яратишда инсон руҳий фаолиятини ирфоний маънуда англаш;

-хроникали сюжет доирасида концентрик ва ретроспектив сюжет унсурларидан, психологик таҳлилдан фойдаланиб, табиий руҳий жараён санъатимизи оғ оқимини кузатиш.

Хуллас, Ҳамза образларни реаллаштиришнинг барча усул ва усулларидан имкон қадар кенг истифода этиб, эпик воқеаларни ҳиссий жараёнлар ҳисобига бойитишга муваффақ бўлган. Буларнинг барчаси *"Янги асрдан"* да романга хос муҳим белгилар биринчилардан бўлиб тўғри қўлланган ва амалда муваффақиятли тарзда қўлланган деган ҳулосага келишимизга асос бўла олади. Аммо, романда таъкиднинг кучлилиги, воқеа-ҳодисалар ривожига зиддиятнинг заифлиги бир қадар сунъийлик ва таъкидликни ҳам юзага чиқарган. Сюжетнинг муаллиф баёни орқалигина ривожланиши баъзан характер ва воқеа-ҳодисалар ўртасидаги муносабатнинг тўла ифодаланмаслигига, тасвирнинг таъсирчанликдан йироқлашиб, эҳборот тўқини олишига, характерларга бўлган муаллифнинг тарафқашлик муносабати ошқора намоён бўлишига олиб келган.

Абдулла Қодирий истеъдоди ва талантининг ҳаракатга келишида ижодий ўзлаштириш муайян туртки вазифасини ўтаган. Жумладан, Қодирий романида жаҳон адабиётининг улуг сўз санъаткорларидан ўрганишдан инқор кам бўлмаган даражада миллий адабий анъаналар, хусусан, Ҳамзанинг романчиликда тўплаган тажрибаларидан ҳам ижодий баҳрамандлик кузатилади. Юқорида гувоҳи бўлганимиздек, Ҳамза *"Янги асрдан"* да ижтимоий-ахлоқий маърифатни улуғлаган, қаҳрамонлар гушган ахлоқий вазият-ҳолатлар тасвирига кўпроқ эътибор қаратган бўлса, *"Учрашув"* романида романтик пафосни кучайтиради. Фикр ифодасидаги таъкидийлик ва дидактизм унсурларининг сероблиги унинг романида реализмнинг ўзини тўла намоён этишига монелик қилади. Шарқу Ғарб адабиёти анъаналарини янги давр насри нуктаи назаридан ўзлаштиришдаги ишонишларнинг илк босқичи учун бу табиий жараён эди.

Биро, адабий насримизда реализмнинг шаклланиши ва тараққиётида адабий-эстетик тафаккур ривожига билан боғлиқ мантиқий изчиллик мавжуд. Қодирий романи ҳам адабий-эстетик концепциясига кўра Ҳамза тажрибаларига ҳамоҳангдир. Чунки адиб реал ҳаёт муаммолари ва ижтимоий ҳаёт тасвирида жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозимлиги фикрига собит турди. У тарихий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга айлантириш, ҳаёт ҳақиқатига садоқат: ҳаётийлик, ҳаққонийлик, миллийлик, тасвирда ҳошаник, шаклий-услубий изланишларга хайрихоҳлик йўлидан борди. Шубҳасиз, Абдулла Қодирий Ҳамзадан бир қадар ўзиб кетди. Ёзувчи нафақат тураний адабиёт, балки араб ва рус романчилиги тажрибаларини ҳам имкон қадар ўшангитиришга уринди. Бу борада Ж.Зайдон, Л.Толстой, А.П.Чехов, П.П.Гоголь, В.Скотт, А.С.Пушкин, И.Тургенев каби адиблар тасвирлаш санъати, шакл ва услубдан ижодий ўрганди. У ўз романида ички монотон, ички психологик таҳлил, шахснинг ички шаклланиши, воқеа

чизикларининг бошланиши ва давом этишидаги эркинлик каби экспрессион ҳолатларнинг илк белгиларидан унумли тарзда фойдалана билди.

Қодирий бадий характер яратиш устаси сифатида танилди. Тирик одамлар образини ғоятда ишонarli тарзда кўрсата билди. Адиб яратган романлар яхлит ва улуғвор полотно бўлиб, ёзувчи эстетик идеалларидан озикланади. Бинобарин, Абдулла Қодирий романларини адибнинг яхлит бадий олами тизимида, унинг бадий-эстетик концепцияси асосида ўрганиш талаб этилади. “*Меҳробдан чаён*” романи матнидаги сермаънолилик, рамзий ишоравийликнинг кучайиши, инсон руҳиятининг турли ракурслардан назик кузатилиши, тасвирдаги холислик, характерлар мантқиқига риоя этиш ва унинг ифодасидаги мукамаллик ёзувчи маҳорати ички тадрижий тараққиётда бўлганлигини кўрсатади. Унинг сўнгги романида инсон эркини поймол этган тузум ва инсон-этикодсиз “*чаён*”ларнинг кўлаб типлари яратилдики, натижада мазкур асар битилган даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳам санъаткор маҳорати туфайли сатрлар орасига жойланди.

Ҳар бир ижодкор реализм индивидуал тарзда намоён бўлади. Шу маънода Абдулхамид Сулаймон Чўлпон Ҳамза ва Қодирий анъаналарини ижодий ўзлаштириш баробарида ўзбек романчилигини тадрижий тараққиётнинг янги бир поғонасига кўтара олди. “*Кеча ва кундуз*”да ҳам тасвирланаётган воқеаларнинг ижтимоий-маърифий моҳияти очилади. Бирок, Чўлпон учун аҳамиятли нарса реал тарихий воқеаларгина эмас, балки характерлар руҳиятида кечаётган жараёнлардир. Чунки адиб эндиликда ўзбек китобхонининг Европа типидagi романларни ҳам бемалол мутолаа қилишга бўлган эҳтиёжи етилгани, бадий-эстетик диди ўсганлигини ўз вақтида англаб етди. Ички ижодий имкониятларини тўла ишга солиб, характерлар руҳиятининг энг теран қатламларига нигоҳ ташлади. Ўз даврининг маънавий интеллект бўлган Чўлпон романда замон руҳини, рационал ва ҳиссий идроки нафосатли тарзда камраганича ифода этди. Чўлпон адабий-эстетик дунёқараши ва услубий концепцияси жадидчилик ижтимоий-маърифий ҳаракати ва шу адабиётнинг етакчи мақсадларига ҳамохандир.

“*Кеча ва кундуз*”нинг ўзига хослиги шундаки, Чўлпон ўзбек романчилигини ривожий баён этиш тамойилларидан бадий тадқиқ этиш ҳамда эстетик ташкиллаштириш принциплари сари юксалтирди. У миллий насрчилигимиз анъаналарига таянган ҳолда, жаҳон романчилигининг энг илғор ютуқларини дадил қўллаш олди. Ёзувчи роман матни тагструктурасига ўз ички “*Мен*”ига хос тафаккур тарзини, маънавиятини, руҳиятини реал ҳаёт манзаралари билан муштаракликда сингдириб юборди. Характерларнинг ҳаракат ва руҳий-ҳиссий ҳолатларини моддийлаштиришда равшанликка эришди. Образ тасвирида шафқатсиз реализмни ёрқин намоён этар экан, ҳаққонийлик, холислик, ишонччилик тамойилларига қатъий амал қилди. Образ ва персонажларни қиёсий-типологик таҳлил этди ва ретроспекция усулларида унумли фойдаланди.

Тасвир объектига персонаж нуқтаи назаридан нигоҳ ташлай олган адиб романда уларнинг ботиний дунёсини: сезги-тасаввур ва ҳодисаларни баҳолашдаги ҳукм-хулосаларини ўзига хос тарзда жилолантирди. Роман

композицион мукамаллигининг таъминланиши ҳам асарга ижтимоий-эстетик салмоқдорлик ҳамда эмоционаллик бағишлади. Чулпон роман композициясига макон ва замон чексизлигини сиғдириш учун муаллиф характеристикаси, ички ва ташқи монолог, диалог, руҳий изтироб, лирик чекиниш, адабий монтаж сингари кўплаб усуллари фаол истифода этди. Қахрамон руҳий ҳолатларини очишда руҳий таҳлил ва ишоравийликни кучайтирди. Натижада, “Кеча ва кундуз” ижтимоий-психологик роман макomini касб этди.

Монографияда адабиётшунос Дилмурод Куроновнинг физикавий ва математик тадқиқот методларидан фойдаланиб, Чулпон насрини систем-структуравий ёндашув асосида ўрганиши билан боғлиқ ютуқлар қайд этилади. Адабиётшуносликнинг кўплаб соҳаларига оид билимлардан баракали фойдаланиш туфайли адиб насрига хос аксарият масалалар ўзининг тўғри ечими ва изоҳини топганлиги кўрсатилгани ҳолда айрим мулоҳазалар ҳам илгари сурилади.

Ойбекнинг “Навойи” достонида гуманист шоир Алишер Навоий XV асрнинг кескин зиддиятлари фонида лирик ҳаяжон билан ифода этилган. Муаллиф асарда Навоийнинг ижод психологиясини очишга интилар экан, ички контрастли коллизиялардан баракали фойдаланади ва шоир руҳиятининг тадрижини кўрсатишга эришади. Достонда характер ва у ҳаракат қилувчи мавжуд шароит ўртасидаги тўқнашув драматик коллизия макomini касб этади, туйғу-кечинмалар тўқнашуви ҳам тўла таъминланади. Ҳатто, коллизия тасвирланаётган воқеалар ва ғоя бирлигида ҳам муайян даражада намён бўлади. Ойбек қахрамоннинг хотира, тафаккур, ҳаёллар дунёси билан реал ҳаёт картиналарининг қоришиқлигини таъминлай олади. Натижада, XV аср зиддиятлари ва адолатсизликларини бартараф қилишга интилган инсон улуғворлигини кўрсатишга муваффақ бўлади. Ойбекона тахайюл ва тафаккур кудрати БУЮК ШОИР ва ИНСОҲ НИНГ УЛУҒ РУҲИ га хос ҳаёлий портретини чизиш имконини беради.

Ойбек достонда қатор рамзий ишоралар (“шамдон”, “шам”, “ёқут олма”, “юксак кўшк”, “қафасдаги кумри”, “най” ва б.) дан баракали фойдаланади. У ўз қалбидаги ҳайратларга Навоий ҳаётининг мазмунидан жавоб топиш мақсадида эстетик идеалидаги эл-улус бахти ҳақидаги орзулар билан XV аср ҳаёти манзараларини қахрамон фикрида тўқнаштирар экан, “англаган зарурият” мақомидаги ҳаёт тарзини тушуниб этади. Характернинг фикрий жараёнлари ифодаси шоирга нафақат тарқок лавҳаларни ягона фокусга жамлаш, балки баёнчиликдан ҳам асраниш имконини беради. Ойбек фикрловчи инсон образи орқали бозор - дунёни тафтиш қилиб, маърифатни улуғлайди. Руҳий-психологик таҳлил усулидан фойдаланиб тасвирда реалликни таъминлашга эришади. Хуллас, “Навойи” достони ижодкор инсоннинг психологик кайфияти, юксак идеалларга гўла туйғулар дунёси – маънавий-руҳий оламини англаб етишда Ойбек ижодий тақомилида ўзига хос босқични ташкил қилади. Достон ритмида гоҳ найнинг ўртагучи нолалари, гоҳида фарёдга келган мусиқий оҳанглارнинг авжланиб бориши финалга яқинлашган сари оҳиста ва майин куй оҳанглари билан

алмашинади. Шу тарзда шоир асарни оптимистик руҳда яқунлашга эришадик, ҳатто “*Навоий*” романида ҳам бу қадар юксакликка кўтарилмади. Чунки, романда Навоийни тарихий жараёнларга боғлаб қўйишга интилиш кучлидир.

Аслида, бу ҳол “*Қутлуг қон*” романидаёқ бўй кўрсатган. Ёзувчи асосий эътиборини ижтимоий-тарихий воқелик ва характерлар муносабаби масаласига, яъни тасвир жараёнида давр ижтимоий конфликтини очишга қаратганди. Қаҳрамон тақдири мисолида халқ тақдирини кўрсатиш, характерлар динамикасини янги тарихий ўзгаришларни тасдиқлашга хизмат қилдириш натижасида роман персонажлари кескин қутблантирилади. Адиб моддиончилик илмий адабиётларида берилганидек “*эски жамият*” ақидаларининг инкори ва “*янги*”нинг тасдиғи стеротипини ёриб чиқа олмай қолади. Қаҳрамон тақдирини ички тадриж эмас, балки конкрет ҳаётий вазият белгилайди. Бошқачароқ айтганда, улар ўз истағи бўйича ўйлаб, кўнгил интилишларига мувофиқ тарзда ҳаракат қила олмайдилар. Чунки, Ойбек миллий онгнинг уйғонишини ижтимоий-синфий асосда тушунади, роман етакчи пафосини шундан келиб чиқиб белгилайди. Натижада, инсоний характерлар ҳамиша ҳам тамомила индивидуал қиёфалари билан жонли одам сифатида идрок этилмайди, ижтимоий фон вазифасини ўтаётгандай таассурот уйғотади.

Шунга қарамасдан, Ойбек “*Қутлуг қон*” да миллат ижтимоий онгида пайдо бўлаётган янгича сифат ўзгаришлар: (*сабр-бардош, олийжаноблик, пок нолус, безубор муҳаббат, руҳий илқилик, дардқашликнинг аста секин диёнатсизликка қарши исёнкорлик, миллий гуруҳ, мардлик, қурашчанлик, шижоат, бир оз чапанлик билан алмаша бориши*) ни халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиёт мотивларидан фойдаланиб, ёруғ рангларда, образли тафаккур маҳсули бўлган рамзий-ишоравий тимсоллар орқали тасвирлашга эришади. Қаҳрамонларни динамик ўсишда, такомил ва тадриж жараёнида ифода этади. Англашиладик, Ойбек даврига келиб, миллий онг тадрижи етиб келган тутумларни тўла ифода этишда ижтимоий қолипларнинг эстетик тафаккурни тушовлаш жараёни анча кучайган. Бу ҳол Ойбек насри салафларининг юксак даражасига чиқа олмаслигига олиб келган асосий фактордир.

Монографияда Ойбекнинг “*Навоий*”, Барот Бойқобилоннинг “*Навоийнома*”, Омон Мухторнинг “*Ишқ аҳли*” тарихий-биографик романлари қиёсий-тарихий йўсинда кузатилди. Б.Бойқобилоннинг шеърый романида образлар тўлақонлилиги, жонли ва ҳаётчилиги таъминланмайди. Сюжет диниясида қаҳрамонлар муаллифнинг даъвати билангина ҳаракат қиладилар. Уларда табиий динамика тақчиллиги очик сезилиб туради. Баънининг кучлилиги образлар ҳаракати ва руҳий кечинмаларининг юзга чиқишига тўсқинлик қилади. Романий тафаккур микёси етарли бўлмаганидек, талкин уйғунлигига ҳам эришилмайди. Ўждокорнинг ҳаётий-хиссий таассуротлари тақчиллиги оқибатида образлар руҳий психологизми етарлича акс этмайди. Турли шарҳ ва қайдлар бадий умумлашмалар чиқариш сари етакламаганлиги кўзга ташланади. Демак, бадий асарнинг

саёзлиги бу ўринда ижтимоий давр имконлари билан эмас, балки ижодкор маҳоратининг саёзлиги билан изоҳланмоғи лозим.

Омон Мухтор Навоий образини асосан, шоирнинг ўз ижодини қайта идрок этиш, тасаввур ва англаш орқали инкишоф этиш йўлидан бўриб, сезиларли муваффақиятларга эришади. (Бу ҳақда кейинги бўлимда махсус тўхтаб ўтилгани боис ушбу ўринда кенг изоҳга эҳтиёж сезмаймиз. И.Ё.)

Ойбек бош қаҳрамон биографиясини объектив тарихий жараён оқими билан боғлаб тасвирлайди. Давр моҳияти ва руҳини беришда маърифат ва жаҳолат курашини кескин қутблантириб ифода этади. Адиб эзгулик кучлари томонида эканлигини яширмаса-да, характерларни уларнинг идеалига мувофиқ ҳолда тадрижий тарзда ривожлантиришга, тарихий далиллардан ўринли фойдаланиш ва ифода гўзаллигини таъминлашга эришади. Ёзувчи қаҳрамонлар нутқини мумтоз наср услубига мувофиқлаштиришга интилишига қарамасдан, жонли диалоглар ўрнини кўпинча муаллиф баёни эгаллашга, ўзаро мулоқотларнинг шунчаки ахборот мақомини касб этишига ҳам йўл қўяди.

Мухими шундаки, Ойбек даҳоси Навоий руҳиятидаги кучли чайқалишларни зукколик билан илғайди. Романда Навоий қалб ва тафаккур эркинлигини муқаддас санаб, дарвешсифат табиатида қайтишга астойдил уринади. У сиёсат майдонидаги муаммолардан буткул чарчаб, маънавий завқларга тўла ўз муҳити –кўнгили мулкига доимо қалбан талпинида. Шўнга қарамасдан, носир Навоийни адолат тантанаси учун курашга бутун энгли фаолиятини сафарбар этган инсон сифатида ҳам идрок этади. Унинг ҳақиқат ва адолат тантанасига бу қадар неқбин ишонч билан қарашини қалбидаги сўфиёна эътиқоддан ажратиб қарамайди. *“Раиятнинг бахт-сасдатига хизмат қилмоқ Худо йўлига хизмат билан баробардур”* (Роман , 211-б. қаби) Романда ўрни билан қаҳрамоннинг ҳаёли ва хотираси, тафақурида кечган пўртаналар ҳамда реал ҳаёт муаммолари қоришиқлиги усулидан ҳам фойдаланилган. Носир наср ва назм мутаносиблиги, уларнинг биридан иккинчисига эркин кўчишга эришади.

Ойбек ижодга улкан масъулият билан қарайдиган, ўз-ўзига нисбатан гоягда талабчан носир.У тарихий-адабий тадқиқотларини бадиий ижод билан қўшиб олиб борган эди .Демак, Навоийнинг даври, дунёқараши, шахсияти, ижодини теран ўрганиш, теурийлар тарихи ва салтанатининг ХХ асрга ҳамоҳанг, айни пайтда Ойбек хис-туйғуларига оҳангдош, келажакка умид уйғотувчи жиҳатларини саралаш, ижодий тажрибани тинимсиз ўстириб бориш *“Навоий”* романи муваффақиятини таъминлаган омиллардир. Зеро, Ойбек олис мозийнинг ёруғ нурларини толиб, уларга замондошининг назари билан қаради, жонли характерлар орқали ўша давр ҳаёти мисолида рамзий-мажозий моҳиятда, ишоралар тили билан ХХ аср моҳиятини ҳам ифода этди. Носирнинг романда давлат ва идора усулида мустаҳкам тартиб ўрнатиш, ислохотлар ўтказиш, низо ва адоватларни бартараф этиш, таназул ботқоғига тобора ботиб бораётган империяда кечаётган воқеалар мантиғини англашга уриниш, жаҳолат исқанжасидаги юрт пешволарининг қилмишларини таҳлил

ИККИНЧИ БЎЛИМ:

2. 1. РЕАЛ ВОҚЕЛИК ҚАМРОВИ ВА УНИ ЭСТЕТИК ИДРОК ЭТИШ

Алишер Навоийдек даҳо шахсиятининг бадий талқини оғзаки ва ёзма адабиётда улкан қатламни ташкил этади. Адабиётшунослигимизда реал тарихий шахс характерининг бадий талқинига ёндошиш қонуниятлари таҳлили ҳанузгача мунозарали бўлиб келмоқда. *Навоийнинг бадий сиймосини яратиш* масаласи қамровининг кенглиги боисидан бўлса керак, Омон Мухтор қаламига мансуб *“Ишқ аҳли”*⁵⁴ романи турлича муносабатларга сабаб бўлди. Биз ушбу ўринда адабиётшунослик илми ва адабий жараён табиатида юз бераётган ҳар бир ўзгариш ва янгиланиш ҳақида қуюнчаклик билан фикр билдираётган олимларимиздан бири, таникли мунаққид Санжар Содикнинг *“Ишқ аҳли”* романи хусусида ёзган *“Романи ёки рисола?”*⁵⁵ мақоласи ҳақида фикр юритмоқчимиз.

С.Содиқов Омон Мухторнинг Навоий ҳақида ўзгача яратилган асарларни такрорламаслик, уларга тақлид қилмасликка интилгани, улуғ мутафаккир ижодидан манткли умумлашмалар, фавқуллодда гўзал маънолар топганлигини эътироф этади. Мунаққид романда Хусайн Бойқаровнинг қишда Навоий қабрини зиёрат қилиши каби ёрқин манзаралар чизилганлиги, носирнинг айрим мулохазаларини мушоҳодаларига хос теран мазмундорликни, воқеалар тасвири ва психологик таҳлил мутаносиблигини тўғри қайд этади. Айни пайтда асарни: *“...кўпроқ адабий эссе жанри намунасини ёдга солади... фалсафий рисолага ёки публицистик тадқиқотга яқин”*, - деб баҳолар экан, *роман талабларига етарлича жавоб бермайди*, - деб ҳисоблайди.

*“Ишқ аҳли”*нинг жанри масаласи муаллиф талқинида бадийлик ва илмийлик уйғунлашганлигига асосланиб, ёш олима Зулфия Пардаева томонидан ҳам “эссе” деб белгиланган эди⁵⁶. Академик М.Кўшонов *“Ишқ аҳли”* асари ҳақида тўхталар экан, шундай деб ёзади: *“Янги романи ёзувчининг юқори ва анча мукамаллашган услубий ютуғи деб ҳисоблаш мумкин. Омон Мухторнинг Навоийга бағишланган асари фақат навоийшунослик, навоийхонлик оламида ўзига хос бадий тажриба бўлмай, балки ўзбек адабиётининг тараққиётида кўзга ташланадиган муҳим янгиликдир”*⁵⁷

С.Содиқовга *“Ишқ аҳли”*даги *“Одил ва Абулхайрга тааллуқли тафсилотлар асарда буткул ортиқча”*, *“муаллиф асосий воқеалардан чалғилган”*, *“воқеалар ва характерлар мутаносиблиги”* эътибордан четда қолган, *“жанр асоси буткул четлаб ўтилган”*дек туюлади. У носир тафаккур

⁵⁴ Қаранг: Омон Мухтор. *Ишқ аҳли*. Роман // Шарқ юлдузи. 2001. Биринчи фасл, 17-69 б. (Романдан келтирилган кўчирмалар шу нашрдан олинди, қавс ичида саҳифа кўрсатиб борилади)

⁵⁵ Содиков С. Романи ёки рисола? Ўзбекистон адабиёти ва санъати, Т.: 2004, 30-январ.

⁵⁶ Пардаева З. Ёлдий-эстетик тафаккур ривожини ўзбек романчилиги. Т.: 2002, 45 б.

⁵⁷ Кўшонов М. “Ишқ аҳли” романи тўғрисида // Шарқ юлдузи, 2001. Биринчи фасл. 15 б.

тарзида романдан кўра “*илм-фанни эслатувчи оҳанг*”ни кўради. Муаррихларга хос ёзиш, тафсилот ва далилларнинг кўгайиши композициянинг номукаммаллашувига сабабчи бўлган, деб билади. Асардаги илмийликни соф тарихий асарларга хос деб ҳисоблайди. Омон Мухторнинг Навоий шеърларидан топган айрим маъноларю хулосаларига мунсозарали ва чекланган, ҳатто шубҳали деб қарайди. Асосий ғоя бадий гўкима воситасида ифодаланмаган. Баёнчилик, публицистикага хос оташин кўтаринкилик руҳи билан суғорилган, каби жиддий айблар кўяди.

Бизнингча, олим Омон Мухторнинг роман яратишдан кўзлаган мақсадини “*Навоийнинг севги тарихи тўғрисида роман яратилиши*” - деб муайян даражада бирёқлама белгилайди. Ваҳоланки, академик М.Қўшжонов ҳам, филология фанлари доктори З.Пардаева ҳам асарнинг *Навоий ижод психологиясини очиб беришга бағишланганлигини* қайд этишган эди. Иккинчидан, олим асардаги сюжет қуриш усулларига етарлича аҳамият қаратмайди. Ҳозирги асарлар сюжетига кўзга ташланиб турадиган бир муҳим хусусият – ассоциативликни эътибордан четда қолдиради. Шунингдек, композицион қолиплаш усулига ҳам етарлича аҳамият бермайди. Ромanning табиатан ўзгарувчанликка мойил, санъатнинг бошқа турларини синтезлаштира оладиган, “*зуваласи тишиқ*” (М.Бахтин) жанринини эътиборга олмайди. Натижада “*Ишиқ аҳли*” асарига турғун ақидалар асосида ёндашилади. Бугунги кунда сюжет қурилиши катъий қоидалар билан чекланмаганидек, тасвирланаётган воқеалар динамикаси, санъаткорнинг улар мағзини қаҳши муҳим саналмоқда. Ташки омилар: ривоянинг хронологик тартибланиши ва воқеаларнинг маконда ўзгариши, характерларни тадрижий кўрсатиш ва изчил мантикий далиллашга унчалик зарурат сезилмайди. Субъектив омиларнинг кучайиши шахснинг ички олами, фикр-ўйлари дунёсига эътиборни кучайтирди, асосий диққат унинг қалб диалектикасига қаратилиб, анъанавий тамойилга хос ҳаёт ҳодисаларини замонда сабабий кетма-кетликда жойлаштириш ўрнини муаллиф хотираларида жонланган воқеалар эгаллади. Бошқача айтганда, эпик воқеалар ички ҳиссий жараёнлар ҳисобига янада бойиди.

С.Содиқов эса “*Ишиқ аҳли*” асари олдига шундай талаблар қўяди: “*...Ёзувчи ўз олдига Навоийнинг севги тарихи тўғрисида роман яратилиши мақсадини қўяр экан, асосий эътиборини ўша муҳаббат қўламини, туғилиши куртакларию гуллаган онларини, ошиқ-маъшукларнинг танишувию учрашувларини, бир-бирига талпинишдан қалбларда уйғонган чексиз туйғулару онларини забт этган ўйлари ва ниҳоят, буюк инсоний эҳтирос туйғуларига тушган фожиани бутун тафсилотлари билан акс эттиришга қаратиши зарур эди*”.

Бизнингча, бу фикр роман матни билан ҳисоблашилмаганидан келиб чиққан. Мунаққид Омон Мухторни Ойбек, Уйғун, Иззат Султонлар қаламига мансуб достону драмалардан “*ўтказиб нимадир дейиши, ифодалани*” вазифасини уудалай олмаган, деб баҳолайди. Ойбекнинг “*Навсий*” достонида ҳам ижод психологиясини кўрсатиш, шоирнинг ўй-фикрларю хаёлларига диққат қаратиш; “*Гули ва Навоий*”да халқ афсоналарига таяниш;

Уйғун ва Иззат Султоннинг “*Алишер Навоий*” драмасида Навоий образига кўчган аксарият сифатларнинг ўз асарларидан олинганлигино халқ оғзаки ижодига таянилганлиги қахрамон ва муаллифлар қарашлари бирлигини юзага келтиргани сингари талайгина “*Ишқ аҳли*” романига муштарак жихатлар негадир қиёсларда инобатга олинмайди.

Омон Мухтор “*Тепаликдаги хароба*”да Лутфий, Машраб, Байрон, Мирза Ғолиб; Амир Темур, Бобур, Акбар; “Аёллар мамлақати ва салтанати” асарида Нодирабегим, “*Афлотун*”да эса Баҳовуддин Накшбанд, Файзулла Хўжа, Абдурауф Фитрат, Исмоил Сомоний сингари тарихий шахслар сиймосини тиклаш, фозил одамларга интиқлик, соғинч, аждодлар билан мустаҳкам шажаравий боғлиқликни, “*Туркистон қайғуси*” деган армон ва изтиробларга муносиб ворис бўлишга интилишни намоён этган эди. Томирларида аждодлар қони оққан, замона дардига малҳам излаган, носирнинг боболар “*тупроғидан сурма олғали*” (Фитрат) боргани, улардаги журъат ва ишончдан руҳ олгани шубҳасиз.

Демак, Омон Мухтор руҳияти, ижодий концепцияси, шаклий-услубий изланишларида ички мантиқ асосида мустаҳкам ришталар билан боғлиқлик мавжуд. Бу услубла асар яратиш носир учун дастлабки қадам эмас, балки синовдан ўтган йўл. Унинг яхлит услубий йўналишини белгилашда воқеликни идрок қилиш тарзи, бадий ифодалашда қўллайдиган усуллари, ўзига хос позицияси, ёзиш манерасига диққат қарағиш жуда муҳим. Шундагина асардан-асарга ўтиб турувчи белгилар, тобора янгиланиб бораётган аломатлар яққолроқ кўзга ташланади.

“*Ишқ аҳли*”да Одил томонидан Барнога жўнатилган Абулхайрнинг дафтари билан боғлиқ тафсилотлар ўзига хос қолипловчи ҳикоя. Барно-фикр-мулоҳазали, йиғиқ, озода қиз. Айни пайтда, у шу ҳислатларга эга ҳар бир китобхонга мурожаат қилиш воситаси ҳамдир. Муаллиф ва китобхон ўртасидаги жонли мулоқотни таъминлаб туради. Демак, унинг Абулхайр дафтарига тегишли воқеаларларда бевосита иштирок этиши мумкин эмас. Қолаверса, Одил кундаликларни жўнатаётган Барно носирнинг таҳайюлидаги ҳар қуни бир қирраси билан очилиб, янгидан фағҳ этилаётган муҳаббатнинг тимсоли. Унинг протатиплари ҳаётда қанчадан-қанча экан. Мушкулларни енгишда унга қалбда яшаётган муҳаббат паноҳ бўлганлигига ишора, эзгу инсонлар билан руҳий яқинлик белгиси. Ўтган йиллар давомида ўз йўлини қидириб, изланиб, ўзгариб, ўзликни англаб бориши учун кўмакдош.

Шу маънода Абулхайрнинг дафтарлари ҳам аслида, Омон Мухторнинг кузатишларидан бўлак нарса эмас. Агар ана шу мантиқдан келиб чиқиладиган бўлса, С.Содиқовнинг: “*Одил ва Абулхайрга тааллуқли тафсилотлар асарда буткул ортиқча. Аммо ёзганларини бу ҳилда тақдим этиши усули адиб учун кўпроқ воқеалар, ўй-хаёллар тасвиридаги узук-юлуқликни, тартибсизлик ва парокандаликни ниқоблашга хизмат қиладиган воситадек қўринади*”,- деган фикрларига қўшилиб бўлмайди. Гўё Абулхайрнинг (аслида муаллифнинг) бетартиб ёзиб борган кундаликларини “*бир ҳилда солиб, аниқ жойга қўйиш*” (35) истаги бепарволикдан асранишга интилишдан келиб чиққан туйғудир. Одил (исмда рамзий маъно яширин.

Чамаси, адолат талаби бўйича дейилмоқчи. Таъкид бизники - И.Ё)нинг Барнога (жумладан, муаллифнинг китобхонга ҳам - И.Ё.) таъкидлашича:

"... бу дафтардаги ёзувларни адибларнинг асарлари ёки олимларнинг китобларига қиёслаш унча тўғри эмас. Буни бир кишининг, рассомнинг кузатишлари деб қабул қилган дуруст... Дафтарларни у баҳс тариқасида тўлдиргани ҳам йўқ. Аксинча, шу инсонларнинг (Ойбек, И.Султон, Уйғун, Т.Файзий, Х.Вамбери, Л.Бать назарда тутилмоқда—И.Ё.) ёзганларидан фойдаланган! Бундан ташқари у арабий ва форсий қўлёзмалари кўриб чиққан." (61) Одил: *"...ҳеч кимга кўрсатмай юрибман. Уйланадиганга ўлмайман"*,— деган Барно (69) ни тушунмоқ учун, аниқроғи, ҳис этмоқ учун романдаги Абулхайр туйғулари билан боғлиқ иккита ҳолатни назарда тутиш керак.

Биринчи ҳолат: Биринчи дафтарнинг илк сагрларида ёзилади:

"Болалигимда, сандалда ёнма-ён ўтириб, бувим менга Мир Алишер тасаввурларини ўқиб берган, ажиб ривоятлар сўзлаган эди. Шундан буён Ҳақратнинг буй-бастини кўргим келади. Изланаман. Лекин, бундан қачондир бирон натижа чиқадими, йўқми?!—билмайман.

Ёшим 60 га яқинлашди.

Шоирнинг бутун умри!

Ўзимни тоғ этагидаги чумолидек сезмоқдаман." (17).

Иккинчи ҳолат: Ромanning ниҳояси, яъни бешинчи дафтарда битилади:

"Худога шукр! Изланишларим ниҳоясига етгандек.

Мен уни тасвирлайман, албатта. Лекин...

Чексиз Осмон ни кўргандек бўлдим.

Чексиз Уммон ёқасига бориб қолдим.

Бу "юк" билан дунёда энди қандай яшайман" (68).

Абулхайр кўргандек бўлган Осмон ва Уммон чексизлигини умуман тасвирлаш мумкинми? *"Лекин"* ва *"уч нуқта"* нимани билдиради? Романда Султон Хусайннинг Алишер қабрини зиёрат қилиши ҳақидаги ривоят нега шова қилинган?

Бизнингча, ривоят адабиётдаги ғоятда нозикликни ҳис этиш кераклигини алоҳида таъкидлаш учун келтирилган. Хусайн хотираларидаги бошликка талпиниб, Деҳлавий назокатини, Лутфий ҳайратини, Навоий мушхольлигининг боисини эътироф этади. Чунки у кайфият кишиси эди. Руҳий ҳолатларни илғай оларди. Муаллиф Абулхайрни "кучга тўлиб, шаранган" ҳолатда кўрмоқни истайди. Зеро, буюк аждодлар руҳи мададкор кучга эга деб билади.

Алишер Навоийдек ШАХС сиймосини яратиш Омон Мухторнинг руҳий эҳтиёсига айланган. У онгу тасаввури, идрок катларидаги ҳайратдан тутилган ўта нозик, ёрқин майлларни ўз табиати, истеъдод йўналишига мос, бисотини тўларок намоён этадиган жанр – шаклда тасвирга айлантиришга уришган. Навоий шахсияти расмий андазалардан четга чиққани, тўрт илмий миқоз доирасига сиғмагани учун носирнинг қалб тубидаги туйғулар ҳам расмий муносабат – қарашлардан фарқланади. Ўзига хос ифода, оҳанг, туйғу

ва ранглар товланиши, муаллиф - хикоячи сиймосининг эпик баён тарзи, характерлар ёркинлиги билан ажралиб туради. Муаллиф Оллохнинг иродаси – тақдир хукмига ризо бўлган ғуссаларни сабр билан енгиб, олга интилган тақдир кишига хос даҳолик ва фожиавийликни унинг калбига нигоҳ ташлаб, “бекаслиғда зор” ўтган умр баёни ва кўнгил манзараларини, ҳис-туйғу расмини топишга уринган. Ҳис-туйғулар оламидан тасаввурлар томон борар экан, Шарк ҳаёти, маданияти ва одоб-андиша доирасида фикрлаган, оддий ҳолатлардан ҳам теран ҳаётий маъно топган. Тафаккурида яшаб келаётган рухий воқеликни сўзлаб беришга уринган. Уни шуурдагина туйиш, сезиш, англаш мумкин. Бунинг учун эса савқи табиийга суянмоқ талаб этилади. Чунки Омон Мухтор талқини янгича тафаккур, шаклий ислоҳот, тадқиқот ва таҳлил орқали кеччади. Инсон ҳаёти ва кечмиш романда онг ва руҳиятда акс этади.

Омон Мухтор алоҳида олинган инсоннинг даври, ўзи ва атрофини қуршаган кишиларга муносабат билдириши унинг фалсафасини теран англашга интилишдан бошлаши бежиз эмас. “Аҳли зухд ичра мақсадга йўл” топмаган Навоий ишқ аҳлидан эди. Навоий танлаган устозлар, топган дўстлар, таянган пири комиллар, валийлар фалсафасидан ажратиб, ундаги қағъият ва кескинликни, ҳаётсеварлик ва инсоний эркни, асарларидаги рамзий-киноявий мазмунни тушуниш, сир-синоатнинг тагига етиш мумкин эмас. Зоҳиран асар марказида Алишер Навоий тургандек туюлади. Унинг Машҳад, Ироқ, Сабзавор, Ҳижоз, Тус, Шероз, Самарқанддаги ҳаётига бир қур назар ташланади. Амир Аҳмад Ҳожи (Вафой) каби ҳокимлар, Ҳожи Фазлуллоҳ Абуллайсий сингари хонақоҳ соҳиблари, ота-онаси, укаси Дарвеш Али, жинни Амир Ҳайдар, яқинлари Саййид: Ҳасан Ардашер, Пахлавон Муҳаммад, Амир Шайхим Суҳайлий, Амири Махдум Барлос, Хожа Афзал каби меҳрибон, ғамхўр инсонлар, устозлар, тенгдошлар, маслакдошлар ҳақидаги мулоҳазалар ҳам романда акс этганлигини инобатга олсак, асарда чиндан ҳам ишқ аҳли тасвирланганлигининг гувоҳи бўламиз. Умуман эса, романда яралиш ва яшашнинг мантиги тўғрисида сўз боради.

Муаллиф Навоийнинг халқ ва мамлакат ҳаётидаги ўрнини тайин этиш учун Исмоил Сомоний, Амир Темур даврларидаги кучли марказлашган мамлакатдаги юксалиш, тараққиёт, ободончилик, илм-фан, санъат ва маданият гуллаб яшнаганини халқ осойишталигини кейинги шахзодалар даври билан қиёслади. Алишер қисматини Ҳусайн тақдиридан ажратиб қарамайди. Уни Султон Ҳусайннинг доимий ишончли маслаҳатчиси, мамлакат осойишталигининг гарови деб билади. Инкироз жараёнидаги ўттиз йилдан ортиқроқ давр осойишталиги нафақат Султон Ҳусайн иқтидори, балки уни хайрли амалларга ундаган Навоий салоҳияти билан чамбарчас боғлаб талқин қилинади. Ўрни билан келтирилган Юлий Цезар ва Марк Брут, Сенека ва Нерон ўртасидаги дўстлигу шогирдлик билан боғлиқ қиёслар икки инсон ўртасидаги шарқона меҳр-оқибат, олижаноблик, садокат туйғуларини улуглашга, мамлакатдаги файзли ҳолатнинг ўша гўзал дўстлик меваси эканлигини кўрсатишга имкон беради.

Омон Мухтор давр шароити, қисмаг ўйинлари, тожу тахт талашлари, кутилмаган хасталиклар, бир-бирини кўролмастик, дунёқарашларнинг турфа хиллиги, интим майллардаги фарқланиш каби ўнлаб жиҳатларни инobatга олиб, холис ҳукм-хулосалар чиқаришга интилар экан, унга теурийзодаларнинг ҳар бири ўзича бахтсиз, ҳаёти фоже туюлади. Носир Яздий ҳаётини изохлаш, Навоий ва Хусайн Бойқаро муносабатларини тушуниш, Мирзо Улуғбек ва шахзода Абдуллатиф муносабатларига ойдинлик киритиш, ҳатто Камолиддин Али ва Алишер билан боғлиқ ўзаро тегишишларни изохлашда ҳам холис йўл тутди. На душманлик, на ғайрилик, на-да рашк, балки оддий инсоний муносабатларни кузатишга муваффақ бўлади.

Романда муаллиф тасавуридаги фикр тасдиғи учун келтирилган Навоий газаллари шоир девонларида берилган тартибга кўра эмас, оҳанги ва ифодалаган ҳолатига кўра фарқланади. Омон Мухтор эътибор берган айрим ҳолатлар:

- *Ишқ ва Зухд аҳли орасида паршонлиниб, иккиланиб туришлик;*
- *шунчаки бир жайдари одам сифатида яшашни истаб қолиши;*
- *дунё ташвишларини унуттишни ихтиёр этиши;*
- *овуниш илинжсида бўлиши;*
- *гоятда толиқиши, руҳан эзлиши;*
- *ўз-ўзидан хижолат чекиши;*
- *оғриниши ва ҳамдардлик;*
- *ёлғизлик, ҳижрон, соғинч ва умидворлик;*
- *жавобгарлик, ишонч;*
- *тинимсиз ўқиш-ўрганишдан сунг туғилган ўн саккиз минг олам ҳайрати;*
- *табиатиға хос кескинликдан туғилган ҳақли эътирофлар;*
- *Оллоҳға Яқинликдан юзага келган Эркаликлар;*
- *Огоҳликдан мақсадларига куч, фаолиятиға Шиддат олиши;*
- *шукроналик, қисматға ризолик ва сабр-қаноатлилик;*
- *энтимиши, ифтихор, миннатдорлик ва қарздорлик;*
- *жўмардлик, комиллик, покдомонлик;*
- *меҳр-шафқатлилик, гамгусорлик;*
- *самимий дўстлик ва садоқат;*
- *инсонпарварлик ва халқчиллик.*

Омон Мухтор Навоийнинг ўй-хотиралари, муҳокама-мулоҳазалари, туғёнлари орқали борлик ва инсон, моддий ва маънавий қимматларни таҳлил этади. Зухд ва ишқ аҳли ҳақиқати қарашлар эса адабий-фалсафий концепцияни ифодалашнинг *шартли воситаси* ролини бажарса ажаб эмас. Инсоннинг руҳи ва тафаккурида кечган жараёнларни қаламга олган носирнинг бош қаҳрамони аслида *тафаккур* ва *кечимадан* бошка нарса эмас.

Омон Мухтор романларининг бадий-эстетик табиати, “*Ишқ аҳли*”нинг фалсафий-эстетик меҳвари шундай дейишимизга асос беради. Тағимли эмоционал тафаккур тажрибасидан келиб чиқиб, тарихимиздаги улуг

салтанатларнинг барқарорлиги ва емрилиш сабабларини таҳлил этган Омон Мухтор (жумладан, Навоий) кўнглидаги кечинмаю тафаккуридаги мушоҳададан етакчи фикр келиб чиқади. Романда инсон тақдири ва қисмати орқали унинг руҳониятини акс эттириш негизида жамият қиёфаси ҳамда руҳини намоён этиш, замондошимизнинг масъуллик туйғусини кучайтиришга интилиш тамойили кузатилади. Бадиий-сиёсий ғояни фалсафий идрок этиш, талқин қилиш орқали жамият руҳияти очилган, тарих ва қисмат орқали ибратли хулосалар чиқарилган.

Омон Мухтор бадиий заминдан ҳаётий манتيқ излаган. Навоий яратган рубобий шеърят бағридан кўнгли тимсолини топа олган. Бу ШАХС ҳақидаги тасаввурлар тугаллигини шоир яратган лирик образлар шарҳи орқали Навоийнинг мушоҳада оламига кириб, ҳаёлий муҳаббат фалсафаси, лирик-драматик лавҳалар бағридаги жозибали руҳий ҳолатлар-кўнгли манзараларини аниқ кўра билган. Реал одамнинг шикаста руҳи, мураккаб кайфиятию фузун дардларини мутасаввуф-валийлар эътиқоди билан чамбарчас боғлаб идрок этган. Навоий сувратини тахайюлда яратишдек мушкул вазифани иштибоҳу хайронлик, умиду ишонч ҳислари қоришиқлигида уддалаган. Мисралар талқинидан комил ва солим маънолар топган. Шунинг учун ҳам Навоий китобхоннинг кўз ўнгида гўзал ҳаёлотию истак-майиллари, ширин хотироти ва мужримона тазаррулари билан намоён бўлади.

Асарда туйғулар, ўйлар, хотиралардаги жилвалар тасвир объекти экан, руҳий оламдаги беҳудуд поёнсизлик, шубҳасиз, тадқиқни талаб этади. Агар бугунги ўзбек адабиёти, хусусан, насри ҳам инсон маънавияти кирраларини текшириш, руҳиятидаги кўз илғамас сезимларни тадқиқ этиш сари интилаётган экан, романда ўйчил инсон тафаккури ва ҳиссиёти тўла намоён бўлган. Асар Навоийни тўларок англаш, уни фикр тарзи, ахлокий қаноати, эътиқод йўсини жиҳатидан ҳис ва идрок этиш имконини беради.

Бизнингча, Омон Мухторнинг аксар хулосалари субъектив тасаввур ва таҳминларга асосланса-да, дастлабки мулоҳазалар эканлиги билан муайян қиммат ҳамда залвор касб этади. Қолаверса, бадиий талқинлар илмий даъво ҳам эмас. Бинобарин, муаллифнинг ҳеч кимни баҳсга чорлаш нияти ҳам йўқ. У ўз кўнгли истагини қондириш баробарида, дунёвий талқинлар доирасини мумкин қадар кенгайтириш, китобхон тафаккури ва руҳини эркин ҳаволарга еташ ниятида. Покиза бир инсоннинг самимий кечинмалари, эзгу ҳаёллари, азиз хотиралари, ўқинч-армонлари, мақсад –муддаолари, интилиш-курашлари, қатъияти-улуғворлиги дунёсига ошно этмоқчи бўлади. Унинг ифодаси китобхоннинг тафаккурини ҳаракатга келтирган, туйғуларини эзгуликка йўналтирган экан, кўзланган мақсадга эришилган. Зеро, тарихий ўтмишнинг ўзи қўламли нигоҳ ва мушоҳадакорликни талаб этади.

2.2. ЎЗБЕК РОМАНИ ПОЭТИКАСИ ЯНГИЛАНИШ БОСКИЧИДА

Параллелизм поэтик (стилистик) усуллардан бири бўлиб, икки ёки ундан ортик ходиса, нарсани ёнма-ён қўйиш орқали поэтик мазмунни очишга хизмат қилади⁵⁸. Поэтик фикрни конкретлаштириш, тасвирнинг жонли ва ёрқин бўлишига эришишда зидлаш ҳамда муқояса қилиш муҳим ўрин тутади. Асосан, халқ шеърлятига хос бўлгани сабабли фольклоршунослигимизда параллелизм ва у билан боғлиқ масалалар атрофлича ўрганлган. Ҳ.Зариф, М.Алавия, Б.Саримсоқов, С.Ғузимбоев, А.Шаропов, Ш.Турдимов, Ф.Райҳонов, М.Ёқуббековаларнинг ишларида бу ҳолни кузатамиз⁵⁹. Д.Ўраева эса ўзбек халқ лирик қўшиқларида параллелизм ҳодисаси қўлланишини махсус тадқиқ этган⁶⁰.

Параллелизм таснифотида алоҳида ўрин тутувчи унинг композицион тури кинна матнлари, эртак, достон, хикоя, қисса, роман жанрларида ҳам кенг учрайди, сюжет чизиқларининг параллел келишидан таркиб толади. Параллелизм халқ лирик қўшиқларининг эса сюжети намуналаридагина учрайди. Бунда у бир неча тўртликларни мазмунан бир-бирига боғлабгина қолмай, воқеабандликнинг яхлитлигини ҳам таъминлайди.

Маълумки, ўзбек романи поэтикаси янгиламоқда. Айтиш мумкинки, романчилигимизнинг асосий тамойиллари муайян даражада ойдинлашмоқда. Бадий рамзларга эътибор кучайгани сабабли муайян рамзни англамоқ учун унинг моҳиятини теран фалсафий-психологик мушоҳада ва таҳлил қилиш лозимлиги аён. Романларда метафорик образлилик, мажозийлик, истиоравийлик, полифоник талқинлар ва ҳатто гротеск йўлидан боришга интилиш кузатилади. Ўзбек романига кириб келган янги эпкин натижасида унинг тадқиқот, ижтимоий-фалсафий, ижтимоий-психологик, тарихий, детектив, гибрид каби турлари шаклланиб улгурди. Биргина тарих ва тарихий қаҳрамонларни бадий талқин этувчи П.Қодировнинг *“Хумоюн ва Акбар”*, *“Она лочин видоси”*; Б.Аҳмедовнинг *“Амир Темур”*; Мирмуҳсиннинг *“Турон маликаси”*; М.Алининг *“Сарбадорлар”*, *“Улуғ салтанат”*; А.Дилмуроднинг *“Маҳмуд Торобий”*, *“Паҳлавон Муҳаммад”*; О.Мухторнинг *“Афлотун”*, *“Ишқ аҳли”*, *“Буюк фаррош”*; Э.Самандарнинг *“Тангри қудуғи”*, *“Султон Жалолiddин”*; С.Сиёевнинг *“Аваз”*, *“Яссавийнинг сўнги сафар”* каби ўнлаб романлари юзага келди. Гарчанд, рақамлар романчилиқ тараккиётини белгиламаса-да, диққатга лойиқ ўзгаришлар мавжудлиги, стереотипик бадий меъёрлардан воз кечишга интилиш кучлилиги қувончли ҳолдир.

⁵⁸ Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1983, 235 б.

⁵⁹ Бу ҳақда қаранг: Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. Т.: Фан, 1978; Ғузимбоев С. Илҳино-художественные особенности узбекских народных песен Хорезмского оазиса. АҚД. Т.: 1971; Турдимов Ш. Поэтические символы в узбекских народных лирических песнях. АҚД. Т.: 1987; Якуббекова М. Жизровая специфика и поэтические особенности узбекских народных колыбельных песен «Алла». АҚД. Т.: 1990;

⁶⁰ Ўраева Д. Ўзбек халқ лирик қўшиқларида параллелизмларнинг характери ва бадий композицион вазифалари. НДА. Т.: 1993 ва б.

Маълумки, параллелизм муқояса қилиш ва рамзга асосланади. Эркин Самандарнинг “*Тангри қудуғи*”⁶¹ тарихий романида мустақил мазмунга эга бўлган рамзий-мажозий сюжетдан унумли фойдаланилган. Мазкур тасвирий усулнинг асосий сюжет линиясига нисбатан параллел берилиши романнинг бадиий қиммати ва таъсир кучини оширишга хизмат қилган. Ёзувчи қиёсий манба сифатида халқ эътиқоди ва тасаввурларида ҳайвонлар билан боғлиқ бўлган рамзийликка асосланган. У “*Тангри қудуғи*” романида ХҲ аср бошлари воқеаларини қаламга олган. Аждодларимиз босиб ўтган тарихий ўтмишдан муҳим хулосалар чиқаришга интиланган. Носир ХҲ – ХІХ асрлар оралиғида Моварауннахрда ҳукмрон бўлган Ўзига хос таназзул ва тушқунлик сабабларини ҳаётий воқеалар билан боғлаб бадиий таҳлил қилишга интиланган, инқироз сабабларини излашга уринган. Шу мақсадда Хива хонлигида юз бераётган ички низолар, ўзаро адоват, тожу тахт учун кураш, падарқушликкача борган ўғиллар тақдирини сўзлаган. Инсон тафаккурига сиғмайдиган қабиллик, ғирромлик, алдамчилик, ёвузлик сингари иллатларни ҳаққоний кўрсатган. Иккинчи томондан илм-маърифатга ташна бўлган фуқарони, инсоф, имон, диёнат, эзгулик сингари инсоний фазилатларни улуглаган. Аслида муаллиф Арабмуҳаммадхон, Абулғозихон, Анушамуҳаммадхонларнинг ҳукмронлик даврларини қаламга олиш орқали битта сулоланинг бошланиши, парвози ҳамда инқирозини кўрсатишни мақсад қилган эди. Бунинг учун эса роман трилогия бўлиши кўзда тутилган эди. Роман адолатли шох, олим ва ориф инсон Абулғозихоннинг пароканда бўлган салтанатни ягона хонлик холига қайтариб, юртда тинчлик ўрнатиши, ободончилик ишларига хайрихоҳ бўлиши билан тугайди.

Реал воқеалар мазмуни билан қиёсий тарзда боғланувчи, образлар характери билан бўртириш, умумлаштириш, ижтимоий-маиший муаммоларни изоҳлашдек аниқ бадиий-эстетик вазифани бажарган композицион жиҳатдан параллел бир сюжет, айниқса, диққатга сазавордир. Бунда биз бутун сахро ҳокими бўлган Бўри, ит ва анашу бўри қўшилиувидан дунёга келган Бўризода билан боғлиқ сюжетни назарда тутмоқдамиз. Романдаги реал ва мажозий образларнинг хатти-ҳаракати, тақдирини қиёсласак, жуда кўп параллелларга тўғри келамиз. Арабмуҳаммадхон – Хоразм ҳукмдори, Бўри (Йилдирим яъни Чақмоқ) – сахро ҳокими. Ҳабаш султон – ҳукмдорнинг ноқобил фарзанди, Бўризода – йирткичилик ва ҳайвонийлик хислатлари устивор махлук, Бўрининг зурриёди.

Тотемистик қарашларга кўра бўри уруғларни бирлаштириш йўлидаги интилишларни акс эттирувчи Ота саналиши археологик манбалар асосида этнограф ва фольклористлар томонидан эътироф этилган. Шунингдек, Ит тотеми ҳам қадимги аждодлар образини ифода этади. В.С.Миллер, А.А.Миллер, О.М.Фрейденберг, Е.Б.Вирсаладзе, К.В.Тревер, И.С.Брагинский, Т.Жавлиев, Ғ.Жалолов, Ғ.Ақрамов ва бошқа ўнлаб олимларнинг тадқиқотларида мазкур фикрларнинг тасдиғини кузатиш мумкин. Англашиладики, параллелизмни юзага келтирувчи қиёсий манбани

⁶¹ Эркин Самандар. Тангри қудуғи. Тарихий роман. Т.: Камалак, 1996

танлашда муаллиф тасодифий йўлдан бормаган. Рамзийликка дахлдор маъноларнинг очилиши роман матнидаги сюжетнинг гоъвий-эстетик қимматини аниқлашга кўмаклашади. Рамзий сюжетнинг нечоғлик қадимийлиги ҳам муҳим ва ишончлилиқни таъминловчи омил эканлигини таъкидлаш ўринлидир. Чунки рамзий тасвирнинг нечоғлик мукамал ҳам муҳим ва ишончлилиқни таъминловчи омил эканлигини таъкидлаш ўринлидир. Чунки рамзий тасвирнинг нечоғлик мукамал ва мувозий бўлишлиги реалистик тасвирнинг шунчалик ёрқин очилишини таъминлайди.

Арабмухаммадхон Бўризодин ёшлигидан тарбия қилади. Шу боисдан у хон хазратларига вафодор. Таассуфки, хон ўз жигарбандлари Ҳабаш ва Ўлбарсни ҳам оқ ювиб, оқ тараган эди-ку. Нега у нобакорлар ўз падарига қарши бош кўтардилар? Бирор ўринда ота томонидан хатолик ўтдимикин? Уратганининг хоҳиши ила яхши отадан ёмон, аксинча, ёмон отадан яхши фарзанд дунёга келиши мумкин. Хон фарзандлари ношукурлиги ва разолатининг илдизлари эса анча теранроқдир. Тарбиянинг ноқислигию, қонинг бузуклигида. Бироқ ота иккала ўғлини-да нобуд этишга қўли бормайди. Ота-да! Ҳатто икки ака-уканинг “*кўзини мошдай очиб қўйиш*”га нин сўраган Абулғозига қарата: “*ўз жигарбандимни қандай ўлимга ҳукм қила олмаган?*”, - қабилда жавоб беради. Ахир Исфохон ҳукмдори Шох Аббос расмадини бузгани, эркалиги ва ота ихтиёрига зид боргани учунгина суюкли ўғли Сафо мирзонинг бошини танасидан жудо қилган, ғазабини боса олмаган ёхуд салтанат эртасини “*ҳимоя қилган*” эмасмиди? Арабмухаммадхон-чи? У ўт умри интиҳосигача ботинан ўғилларини кечирмадимми? У жаҳолат исқомжасидаги ношуд ўғиллар гуноҳини мағфират қилишни парвардигордан илтижо қилади. Уларнинг разолат ботқоғидан чиқиб, диёнат йўлига қадам қўйишларини хоҳиш этади.

Шу каби ҳолатларни назарда тутган адабиётшунос У.Норматов роман ҳақида тўхталар экан: “...*асардаги энг ҳаяжонли, мафтункор ўринлар тарих томонидан яратилган драмалар, фожислар, сюжетлардир*”⁶², - дея эътироф этади. Ранг-баранг сюжет йўналишларини эса “*қизиқиш билан ўқилади*”, - деб бйҳолайди. У ёзувчи фантазиясининг маҳсули бўлган ёндош сюжетларнинг композицион параллелизм учун қўлланган бадиий тасвир усули эканлигига ётирлича эътибор қаратмайди.

Бизнингча, ёзувчи тайёр хулосалар чиқаришга шошилмаган. Муаммоли наъиятлар яратиш, китобхоннинг воқеалар оқимининг шунчаки томошабин бўлишидан асраш ва мушоҳада қилишга чорлаган. Шу мақсадда тарихий наҳслар ҳаёти ва тарих драмаларининг даҳшатларига параллел тарзда маъжозий сюжетни тақдим этади, масала моҳиятига теранроқ кириш, шарқона ҳикмат, диний-исломий ақидалар билан романни зийнатлашга уринади.

На бўри, на ит қилмайдиган қотилликни содир этиб, Йилдиримнинг динини кесган Бўризодин эса ўзи нобуд этган жон бир вақтлар ўзини дунёга келтирганини, айнан шу бўри ота боис бирон итга насиб этмаган куч-қудратга эга бўлганлигини ҳис этмаган бўлса ажаб эмас. Чунки у на бўри, на-

⁶² Норматов У. Умидбахш тамойиллар. Т.: Маънавият, 2000, 62 б.

ди итг – итбўри эди. Йилдирим ҳам Бўризонни ўз измига солмоқчи, йўригига юртизмоқчи бўлган ўзаро “музоксра”га киришишни истаган эди. Бўризондақа икки-учтасига етадиган кучини ҳам, жон олувчи хунарларини ҳам ишлатмай, ўзини деярлик химоя этмай қўйган Бўри ҳам оталик хиссини теран туяди. Неча йиллар сахрога “подшоҳлик” қилган Йилдирим бир зарб билан Бўризонни устидан иткитиб ташлашга кучи етгани ҳолда ўз ихтиёри билан жонини ўз боласига топширади.

Э.Самандаров китобхоннинг муаллиф билан фаол алоқага киришувини таъминлайди, унинг мушоҳада қобилиятини ошириб, ўзаро мулоқот вазиятини вужудга келтиришга уринади. Чунки “...бадий асарнинг бутунлигини фақат гоёнинг бирлиги, қатнашувчи шахсларнинг ишлаганлиги қабилардангина иборат эмас, балки авторнинг бутун асарга синдириб юборган воқеликка нисбатан ўз муносабатининг равшанлиги ва аниқлигидан иборатдир”⁶³. Муаллифнинг романда тасвирланган ҳаётий муаммолар тўғрисида ҳамиша ҳам ўз фикрини очик айтавермаслигининг сабаби ҳам ўша фикрни ўқувчининг ўзи англаб етиши учун имкон яратиш матлабига дахлдордир.

Бўри инстинктив тарзда бўлса-да фарзандига бўлган меҳр-шафқат хиссидан бегона эмас экан, ўйловчи, фикрловчи, тарбияли зот бўлган инсон фарзанди Арабмуҳаммадхон учун бу туйғу нечун бегона бўлсин. Тарихимизда ўз ноқобил фарзандини аяган меҳрибон оталар камми? Биргина Мирзо Улуғбекнинг Абдулатиф мирзога нисбатан бекиёс меҳр-ардоғини олайлик. Одил Ёкубовнинг “Улуғбек ҳазинаси”, Пиримқул Қодировнинг “Она лочин видоси” сингари романларидаги аллома Улуғбек рухий тўлқинларини эслайлик. Беихтиёр бизнинг диққатимизни Э.Самандаров яратган Арабмуҳаммадхон тақдири тасвирларининг уларга нақадар вобасталиги тортса ажаб эмас. Муаллиф фарзандлар ноқобиллигида айрим ҳолларда уларнинг қилиқларига лоқайд ва безътибор отанинг гуноҳлари ҳақида ҳам гоҳ ошкор, гоҳ рамзий тарзда ишоралар қилади.

Ўз отасини таъкиб остига олиб, тахтдан четлатгани етмагандай, кўзига мил тортиб, ваҳшийларча ўлдириши эвазига падарқушларга қарши ота ўз ихтиёридаги энг сўнгги имконни қўллайди. Арабмуҳаммадхон илгидаги бу сўнгги ўқнинг қудраги туфайли асрлар оша Элбарс ва Ҳабаш номини эшитганда одамлар ижирғанадилар, нобакорлар руҳига отилган нафрат тошларининг адоғи йўқ. Оқпадарлар тақдири оталарни уйғоқликка, фарзандларни инсофга, меҳр-шафқатга даъват этади. Интиқом туфайли сал ўғмай тириклайин ерга қўмилган Элбарс, қутириш касалига мубтало бўлиб, сўнгсиз азобларга гирифтор бўлган Ҳабашнинг ўтга ёқилишини кузатар эканмиз, беихтиёр ўйга толамиз. Ажабо, қалби ўксиган ота дуоибадининг натижасими бу ёхуд залолатга ботган бандасига Аллоҳнинг муносиб жазосими? Ҳа, ота ботинида бу ёвузликни кечира олмайдди. “Ота қарғиши - ўқ” – дейди-ку доно халқимиз.

⁶³ Тоғстой Л. Об искусстве в литературе. Т. 1, Москва, 1958, С. 233

Дарҳақиқат, ўқ нишонга беҳато теккан эди. Юртни жаҳолат ва жабр боткоғига ботирган ноқобил фарзандларни ҳидоятга йўлламоққа бандаси ожизлик қилган, ақл-заковатга бўйсунма олмай, Сахрога дайдиб кетган Ёризонд ҳам йиртқиқлик ҳаётининг гирдобига шўнғийди. Ёлғизлик исқанжасида қолганида унга Йилдиримининг ўрни жуда-жуда билинади. Итлар тўдасига бас келолмай, кутириш касалига мубтало бўлади, қони бузилади. Қаттиқ азоблар гирдобига қийналади. Тақдирни қарангки, дунёни тарк этар чоғида Ҳабаш султон ҳам шу касалга мубтало бўлишга улгурди. Бу кўҳна оламнинг сир-синаотлари, бандасига ноаён жиҳатлари бисёр. Соғлом фикр ва тафаккурғина инсонни зинатлайди. Бадий тафаккур ривожланишининг маҳсули бўлган турли бадий тасвир усул ва воситалари халқ тафаккури билан бирга ўсиб, такомиллашиб, бойиб боради.

2.3. РОМАН ТЎҚИМАСИДА СЕРҚАТЛАМЛИК ВА КЕНГ ҚАМРОВЛИК

Қадимги инсоннинг ақида ва ҳаёллари миф-асотир, афсона, ривоятларда ифодаланган. Улар бадий тафаккур ва фантазия маҳсуллари ўларок, табиатан мураккабдир. Халқ ижодининг энг қадимги асослари билан боғлиқ бўлган мифологик образларда аждодларимизнинг орзу-умидлари тажассум топган. Мифлар табиатан у ёки бу жанр билан бирикиб кетиши, шу орқали янгича шакл ва мазмунда яшаши мумкин бўлганидек, соф афсона, ривоят ёки ҳикоя тарзида ҳам мавжуд бўлади. Адабиётшунослиқда унинг эртақ жанри билан бирикиб кетганлиги алоҳида қайд қилинган⁶⁴. Адабиёт ўйлашга, фикрлашга ундайдиган, эстетик кечинмалар уйғотадиган соҳа экан, ўтмиш тажрибаларига таянишга эҳтиёж сезади. Бугунги ўзбек романчилигида ҳам илғор романчилик мактабларининг бадий услуб ва методлариغا хос бадий-эстетик майллар шаклланимоқда. Санъат турларида ҳам, бадий методларда ҳам синтезлашиш жараёни кечмоқда. Маътик моҳиятидан келиб чиқиб, воқеаларни ривожлантириш, тасвирда узвийликни таъминлаш, қаҳрамон онгидаги эврилишларнинг полифоник талқини, неоромантик изланишлар орқали роман ғоясида юксак пафосга эришиш каби изланишлар шулар жумласидандир. Шойим Ётаевнинг “Қўрғонланган ой”⁶⁵ романида “*Рангонтоғ шеърлари*”, “*Азроил, шайтон ва инсон*”, “*Она бўкан*” (Сайғоқлар), “*Майнинг қудрати*”, “*Қанотлари қирқилган бургут*”, “*Шижоатли бўри*”, “*Туясини йўқотган бадавий*” каби бир қанча миф, афсона, ривоят ва нақллар келтирилган. Улар асосан, халқ оғзаки ижодиға, диний эътиқодларға, турли инончларға алоқадор бўлиб, этимологик, космогоник, этногоник, антропологик характердадир.

Мазкур роман адабиётшуносларнинг назарига тушган. Умарали Норматов ўз кузатишларида “*Қанотлари қирқилган бургут*” ривояти билан Муртазо руҳиятини қиёсан таҳлил этиб, қаҳрамон қисмати ифодасида

⁶⁴ Қаранг: Ҳотамов Н. Саримсоков Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изохти луғати. Т. 1. Ўқитувчи, 1983, 1983, 197-199 б.

⁶⁵ Ётаев Ш. Қўрғонланган ой. Роман. Т.: “Шарҳ” НМҚ, 1995

қўлланилган мифологик моделнинг руҳий таҳлилини юқори баҳолайди⁶⁶. Зулфия Пардаева эса романни таҳлил қилар экан, унинг ғояси, мавзу ва манбаидаги кўпқатламлилиққа диққат қарагади. Роман тафаккури мантигидан жамият тафаккурининг даражасини келтириб чиқаради. Бошқачароқ қилиб айтганда, Ш.Бўтаевнинг бадиий тафаккурида полифоник тафаккур мантиғи устиворлиги, романнинг полифоник поэтикасига хос бадиий унсурлар; фалсафий мушоҳада ва психологик таҳлил услубини ижобий баҳолайди. Айни чоғда Ч.Айтматовнинг “Қунда” романи поэтикасига ортқча берилиш индивидуал услубни бирмунча хиралаштирганлигини ҳам ўринли таъкидлайди⁶⁷.

Адабиётшуносларнинг турли бўғинларига мансуб бўлган ҳар иккала олимнинг кузатишларидан келиб чиқувчи хулосаларни биз ҳам маъқуллаймиз. Бизнингча, Ш.Бўтаев изланишларида нафақат Ч.Айтматов балки А.Камью, Г.Маркес, А.Зигерс каби ижодкорларнинг асарлари поэтикасига хос бадиий хусусиятларнинг у ёки бу даражадаги тажассумини ҳам кузатиш мумкин. Мухими, умумўзбек романчилигида бўлгани каби Ш.Бўтаев ижодида ҳам тинимсиз тажриба ва изланишлар давом этмоқда. Янгиланаётган ўзбек романи, хусусан, Ш.Бўтаев ижодини ҳам қардош ва Ғарб адабиёти таъсири доирасидагина изоҳлаш мумкин эмас.

Камтарона кузатишларимиздан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, носирнинг изланишларида Қодирий, Чўлпон, Айний, Абдулла Қаххор, Саид Аҳмад, Тоғай Мурод сингари қалам ахлидан мутаассир бўлиш, уларга эргashiши, баъзан тақлид қилиш, айрим ҳолларда муштарак фикрлаш ҳоллари ҳам кузатилади. Зеро, қарийиб бир асрлик тажрибага эга бўлган ўзбек романчилигининг илғор анъаналари ва ижобий натижаларини четлаб ўтиб, бугунги романлар ҳақида сўз юритиш мумкин эмас. Романнинг миллий асослари бизнингча, қуйидаги ҳолларда кузатилади.

Биринчидан, “*Кўрғонланган ой*” романининг ижтимоий-миллий асослари ва поэтикаси ўзбекона ҳаёт тарзидан танланган. Муаллиф романга етаклича масаллик берувчи жамиятнинг етилган муаммоларини танлай олган.

Иккинчидан, муаллиф позициясида анча журъатлилиқ. ҳадиксирашдан йироқлик кўзга ташланади.

Учинчидан, ўзбек миллий ҳаётига хос ижтимоий-маънавий зиддиятлар миллий-руҳий ўзига хосликда баён қилинган.

Туртинчидан, носир романи ўзбек фольклори билан боғлаш орқали адабиётнинг фалсафий-эстетик асосларини қувватлантиришга, халқ романтик манбаларига мурожаат этиб, янги даврни ифодалаш, миллий адабиётни тараккий қилдиришга уринган.

Бешинчидан, муаллиф ўз позицияси, ижтимоий концепциясини янгича дунёқараш билан ҳам, давр етакчи тамойиллари билан ҳам узвий боғлай олган. У тил ва тафаккур бирлигига амал қилиб, конкрет роман

⁶⁶ Норматов У. Умидбахш тамойиллар. Т.: Маънавият, 2000, 59 б.

⁶⁷ Пардаева З. Бадиий-эстетик тафаккур ривожини ва ўзбек романичилигини. Т.: Янги аср авлоди, 2002, 28-31 бетлар.

структурасидан келиб чиққан ҳолда тушунча ва гапларнинг синтактик предикативлигидан ҳам, мураккаб гапларнинг чексиз вариантлари ва имкониятларидан ҳам ўз ўрнида, мувофик тарзда фойдаланган. Бу эса ҳодисалараро боғланишни таъминлаш, ижтимоий масалаларни ҳал этишга имкон берган.

Олтинчидан, муаллиф оддий тоғ қишлоқлари – тоғликлар ҳаёти, турмуш тарзи, ижтимоий-маиший ҳаётини акс эттиришда миллий ҳаёт удумлари, расм-русумларга асосланган. Давр ҳодисаларининг одамлар табиати, маънавияти руҳиятига таъсирига эътибор қаратган. Романнинг ифода шакли, поэтикаси, сюжет ва фабуласининг ички структуравий боғлиқлигида миллий асосларга таянган.

Шойим Бўтаев тарихий-фольклорий манбалардан муҳим лавҳаларни танлаб, романга киритади. Бу орқали асар тўқимасида серқатламлик, кенг камровлилик таъминланади. Халқчил ғоялар орқали воқеалар ички динамикасини мантиқан боғлай олади. Муаллифнинг эстетик идеали, эътиқоди қадимий ва баъзан тўқима сюжетларга юкланган муҳим ғоялар орқали юзага чиқиб, характерлар мантиқий асосланади. Халқ оғзаки ижодига ҳос сюжетларнинг етакчи ғоявий йўналиши замонамиз китобхони тафаккурини ўстиришга хизмат қилади.

Зеро, мумтоз адабий тафаккур маҳсуллари узоқ муддатли адабий ҳаракатнинг мантиқий давоми бўлган инсон фикр-туйғуларига ҳам, бугунги адабиётнинг моҳиятига ҳам узвий туташдир. Мифологик либосдаги адабий шаклларга мурожаат қилиш барча даврлар адабиётига ҳос хусусиятдир. Мифологиянинг реал ҳаётга яқинлашуви эса унинг образларида ҳаётийликни таъминлайди. Иллю. Узоқ ўтмишнинг ғоялари, бадий образлари, шаклий-услубий воситалари қалам аҳли учун муҳим илҳом булоғидир.

Ш.Бўтаев тасвирда соддалик ва эмоционалликни таъминлай олган. У поэтик ижод имкониятларини янада кенгайтириш йўлидан боради. Адабиётимизни гўзал фикрлар ҳисобига ҳам, нозик ва ёрқин маъноларга ҳам бойитиш. Шаклий ранг-баранглигини таъминлашга интилади.

Исмоил овчининг катта бувиси Улуг Она меҳр-шафқатидан баҳраманд бўлган Она бўқаннинг нолакор мурожаатида *“қонлар йўқолмайди, нигоҳлар йўқолмайди”*, деган сўзларни ўқиймиз. Авлодлар қонининг таънамизда жўшишига ишонч, умидворлик нафақат сайғоқда, балки муаллиф позициясида ҳам ҳукмрон. *“Биламан, - дейди Она сайғоқ, - қўлингдаги қуролнинг сени ёвуз қилиб турибди”*. Бу ўринда қурол ов милтиғигина эмас, пок мусулмон фарзандини мўътабар ахлоқий анъаналар: *ҳалоллик, раҳмдиллик, қаноат, инсоф, беозорлик* туйғуларидан бегона қилган тафаккури ҳақида ҳам бормоқда. Исмоил овчи ўз шуурини бошқараётган номағруб фикрлар кули. Шунинг учун ҳам табиатдан ўч олишда ҳеч иккиланмайди. Табиат – Она. Ўз аслидан узоқлашган кимса албатта жазога мустаҳик.

Нафси аммора (ёмонлик ва гуноҳга бошловчи нафс) таъсирида қолган Исмоил овчи гуноҳи мағфират қилинмайди. Тақдир ҳукми билан ақлдан озиб, кўчаларда девонаваш санқийди, аянчли ўлим топади. Ҳаётлигида имон

гаянчига асосланиб, эзгу амаллар қилмагани боисидан вафотидан кейин ҳам руҳи хотиржам бўла олмайди. Романда муаллиф табиат ва инсон муносабатларини шу тарика гоҳ афсонавий, гоҳ ҳаётӣ, гоҳ диний-илоҳий тарзда кўрсата боради. Романинг кейинги воқеалари мантиғи юқоридаги афсона мағзи билан чамбарчас боғланади.

Одамзот тангрининг ердаги халифаси саналиб, фаришталар ҳам унга ғазим қилишга ҳукм этилган. Қибрга берилган Шайтонгина коинотдаги энг азиз ва муқаррам зотга бош эгмай, турли васвасаларга ундайди.⁶⁸ (Бақара, 34), “*Албатта биз шайтонни имонсиз кимсаларга дўст қилиб қўйганмиз*”⁶⁹ (Аъроф, 27) каби Қуръони Карим оятларидан шу нарса маълумки, тақводорлик инсонни зийнатлайди. Шайтон инсон руҳига зиён-заҳмат етказа олмас экан, бундай диний-исломий ҳақиқатлар романдаги кўплаб ривоятларга сингдирилган.

Хусусан, фаришталарга эътиқод қилиш диний ақиқаси Қуръон ривоятлари асосида берилади. Аллоҳ амрини бажарувчи ғайритабиий мавжудот бўлган бош фаришталардан бири – Азроил ҳақидаги ривоят ёвуз ва раҳмдил руҳлар ҳақидаги эътиқод билан боғланади. Ислоҳ илоҳиёти билан боғлиқ равишда Азроил жон олувчи ва ўлимдан устун турувчидир. У тақводорларга нисбатан раҳмдил, гуноҳкорларга эса шафқатсиздир. Ёвуз руҳлар сардори бўлган Шайтон фантастик образи бошлиқ ва тобе яъни улар ичида ҳам ўзига хос иерархия мавжудлиги⁷⁰ руҳларга ишониш ҳақидаги тасаввур ва эътиқодлар билан боғланади. Бу сардор Аллоҳнинг лаънатига гирифтор бўлса-да, бандаларининг эътиқодини синаб кўриш учун муҳлат олган. Макруҳ амаллар ва ҳаромга юз тутган Муртазо руҳий оламани инкишоф этишда носирга бундай образлар ниҳоятда қўл келган. Нафса эрк берган Муртазо Шайтон измида. Унинг наҳс босган руҳида кечаётган жараёнлар ишонарли таҳлил қилинади. Шафқатсизлик ва кўркинч тушунчалари бир-бирига эш. Ўлимдан кўрққан Шайтон Азроил измига тушгани каби, ёвузлик руҳи қалбини забт этган Муртазо ҳам одамлардан узоқлашган сари худбин, шахсиятпараст кимсага айлана боради.

Муртазо ўз қалбида илдиз отган ёвузлик руҳи билан учрашади. Бу руҳ олдин Исмоил овчи вужудида вақтинчалик маскан топган, эндиликда Муртазога ҳамроҳ. Чунки у ҳаётнинг мазмунини ўз-ўзидан ўч олиб яшашда, тобора ёвузлашишда деб билади. Меҳру шафқатни маҳв этиб, барчани ўз измига солишга қодирман деб ишонади. Шафқатсиз муҳитга ва ўз табиатидаги мутеъликка қарши уйғонган исён уни аросат кимсага айлантиради.

Табиатдаги ҳаёт учун кураш қондасига мувофиқ ҳаракат қилувчи йиртқич шер ўз ўлжасини уюридан ажратиб, ёлғизлатиб қўлга туширади. Уюр отнинг оёғига қувват, кўзига нур берган паноҳ. Боши айланиб, гангиб

⁶⁸ Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур.Т., “ШАРҚ” НМК, 1992, “Бақара” сураси, 9 б.

⁶⁹ Қуръони Карим. “Аъроф сураси”, 98 б.

⁷⁰ Бу ҳақда қаранг: Снесарев С.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М.: Наука, 1969, С. 29.

колган огни шундай услубда қўлга туширган Доти мирохўр ховуридан тушириб, ўз йўригига юрадиган, мўмин-қобил қилиб олади. У қонида ёввойи шиддат кўпирган жониворни ҳам жиловлаб олиб, Муртазони кўркув хиссини енгишга қаттиқ ундайди. Шубҳасиз, бундай ҳоллар унинг қисматида изсиз кетмайди. Унинг қўлида ҳам, дилида ҳам мудҳиш қурол. У химоясиз тирик жон билан адолатсиз курашга қиради. Илло, жон олгувчилик хислати унга амр этилмаган ва бу Азроилга хос.

Романда жоннинг ташки дунёга муносабати, рух абадийлиги, тақдирга ишонч каби масалалар мифологик модел асосида ёритилади. Тақдирга ишонч барча динларга хос бўлиб, исломда тақдир Аллохнинг қудратидир. Савоб амаллар ва банданинг эътиқодига унинг гуноҳларидан фориғ этади. Адолат Аллохга хос сифат бўлгани боис, инсонга ирода ва фаолият эркинлиги ато этилган. Ўз иродасини бошқара олмаган, фаолиятини ташқи таъсирларга тақлидан шакллантирган Муртазо ҳам, Исмоил овчи ҳам солиҳ бандалардан эмас, яъни ўз гуруҳидан ажраган аросат кимсалар. Романда олам ҳодисалари, инсон ҳаёти ва фаолияти тақдир ақидасига боғлаб изоҳланган.

Худосиз (даҳрий, зиндик) Тўққизбоев, майпарасти Мазбут муаллим ва унинг шериклари ҳам қалбдаги Аллохнинг жамолига етишишдан йирок кимсалар сифатида Муртазони макруҳликка бошлайдилар. Вужудда кўмилиб ётган разолатнинг ривожланишига улуш қўшадилар. Бургутни-да қўлга ўргатган чол, Ҳамробой ҳам шу тилдаги одамлар сирасига қиради. Қадимий удумлардан ҳам ўз манфаати йўлида фойдаланиб қолишни кўзлаётган Ҳамробой айниқса, хавфли шахс сифатида талқин этилади.

Ўлжасига нафс илинжида ташланган бургут гутқунликка маҳқум бўлади. Қанотлари аёвсиз қирқилган ёш бургут ҳам секин-секин хожасининг қўлига ўрганади, юввош торта боради. Энди у бесарҳад осмонидан, тизгинсиз шамоллардан, ёруғ шуълалардан мосуво этилганди. Қорнини тўйгазган кишини ҳомий билиб, ўз ўтмишини унита бошлаган ва итбаткор қушга айланган эди. Муртазонинг меҳрибонлиги замирида таъмагирлик ётганлигини у қайдан билсин. Шижоатдан маҳрум, қатъиятдан бегона бургутнинг бургутлиги қайда. У лоқайдликка қўника боради. Шубҳасиз, бу ўринда гап фақат бургут ҳақидагина эмаслиги, одам боласининг табиати маҳлуқотга қиёс қилинаётгани аён бўлади.

Г.П. Снесарев, М.Сакали, Д.Е.Хайтун, С.П.Толстов, В.Н.Басилов, Л.П. Потапов, А.А.Семёнов, Ҳ.Т.Зарипов, Ғ.Жалолов, Ғ.Акрамов, У.Жуманазаров каби кўплаб олимларнинг тадқиқотларида қабилани химоя қилувчи муқаддас маъбудларнинг тотем сифатида тасаввур қилинганлиги ҳақидаги фикрларни учратамиз. Афсона ва ривоятлар асосида ўз фикрларини тасдиқ этган олимлар турк уруғининг ота-боболари бўри бўлганлиги ва бу уруғларни бирлаштириш йўлидаги интилишларнинг самараси эканлигини тасдиқлайдилар⁷¹. Сўз юргизаётган романимизда ҳам бундай тарихий-

⁷¹ Қаранг: Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М.: Наука, 1969; Сакали М. Туркменский сказочный эпос. Ашхабад, 1956; Хайтун Д.Е. Пережитки тотемизма у народов Средней Азии и Казахстана. Душанбе, 1956; Толстов С.П. Пережитки тотемизма и дуальной организации у туркмен, М., 1935; Потапов Л.П. Век в старинных народов поверьях и приметах узбеков. М.:

этнографик маълумотларга эргашиб, қахрамон қисматини таҳлил этиш кузатилади.

Муртазо бургутни алдов билан тузоққа илинтирадигина эмас, бешафқатлик руҳида тарбиялайди. Алалоқибат, бу ёвузлик буй кўрсатади. Инсон табиатга, ўзгаларга тажовуз қилар экан, ўз-ўзига яъни инсонга тажовуз қилган бўлади. Ёвузликка ёвузлик билан жавоб берган, қопконда ҳам ўз оёғини қиркиб бўлса-да, эркин далаларга ошиққан шижоатли бўри, эгасининг лукмасини оқлаш учун кучлар нисбати тенг бўлмаган курашда жон таслим қилган ит образларида теран ботиний маънолар мужассам. Ёвузлик руҳидан сўқир бўлган қалби билан интиқомга интилган Муртазонинг ўзи ҳам турланиб, тусланиб турувчи ёвузликнинг қасоскор руҳига дуч келади.

Асаб торлари қайроқтошдай муттасил чархланган, очлик, ташналик азобларига гирифтор этилган бургут учун ўлжасиз қайтиш азоб. Шунинг учун унинг қонидаги йиртқичлик туйғуси уйғонади. Қайнаб кўпирган туйғулар, қонга тўлган кўзлар қасос иштиёкида ёнган Муртазони аросатда қолдиради. Кўзи, боши қонга беланган Муртазо Яратгандан бўлак мадақкор топмай, ундангина шафқат кутади. Бироқ энди кеч эди. Ёвузлик руҳи, дахшат туйғуси вужудини тарқ этгачгина Муртазо меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ даргоҳига боради. Рамзий яратувчига бўлган тажовуз муқаррар тарзда фожиани келтириб чиқаради.

Инсондан ёруғ оламда бут имон билан қилинган яхши амаллар қолади. Ўтмиш хотираларидан узоқлашмай, келажак замонлар заминига ўз томир ришталарини бакувват сукмаган одамнинг умри маънисизлик, мантисизлик-абсурддан иборат. Романда табиийликнинг заволга юз тутуши кўрсатилар экан, Муртазо тарихида бани инсон наслининг тарихи-ибтидоси ва интиҳоси жамланади.

2.4. ТАСВИРНИНГ БАДИИЙ – ЭСТЕТИК САЛМОҒИ

Тоғай Мурод (Менгноров) ўзбек миллий адабиётимизнинг ўзига хос ноёб вакилларида биридир. Унинг 1976 йилда чоп этилган «*Йўлдузлар мангу ёнади*» қиссаси Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси ҳисобот йиғилишида йилнинг энг яхши қиссаси деб баҳоланган. Қисса элга манзур бўлди. адабиётшунос С.Мирвалиев асарга: «*Ўзбек адабиётига тугма истеъдод эгаси кириб келаятганидан дарак беради бу қисса. Бўри полвон, Тилоберди, Абиб полвон образларида ўзбек миллий кураши бадий ифодасини топган*»⁷²-деб баҳо берган эди. Адиб узоқ изланишлар, хаётий кузатишлардан кейин 1979 йилнинг кўкламида «*От кишинаган оқшом*» қиссасини ёзди. Ёзувчининг ўз сўзлари билан айтганда «*қисса адабиёт осмонида бир момақалдироқ бўлди*». Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси ҳисобот йиғилишида йилнинг энг

1958; Зарипов Х.Т. Фольклор ва археология материалларини қиёсий ўрганиш масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1958, № 1; Жалолов Ф. Ўзбек фольклорига жанрлараро муносабат. Т. 1979 ва бошқалар.

⁷² Мирвалиев С. Ўзбек адаблари. Т.: Ёзувчи, 2000, 223 б.

яхши киссаси деб баҳоланди ⁷³. Агар олимларимиз дастлабки кисса нашрдан чиққандаёқ, адабнинг истиқболига катта умид кўзини тиккан бўлишса, иккинчи киссадан кейин умидворлик ўрнини ишонч эгаллади. Башоратлар ҳақиқатга айланди. Асарнинг бош қаҳрамони бўлган Тарлон исмли Зиёдулла (Саттор чавандоз унинг прототипи) чавандознинг оти китобхонларнинг қалбига қадрдон бир одам сингари кириб борди. Бунинг сабаби Ёзувчининг сурхондарёлик чавандозлар каторида от миниб қишлоқма-қишлоқ, тўйма-тўй, кўпкарима-кўпқари юрганида, ҳаёт воқеалари ва бўлажак қаҳрамонлари билан яқиндан танишганида бўлса ажабмас.

Зеро, Тоғай Мурод от чопишдан тортиб, отдан йиқилишгача, чавандозларнинг тонготар гурунглари: кўпқарилар тарихи, отларнинг турлари, дўмбира жўрлигидаги куй қўшиқларни жон қулоғи билан тинглаган. Чавандозлар билан ҳамхона бўлган дамларда ёзилажак киссаси учун материал жамлаган эди.

Тоғай Мурод Сўфи Оллоёр қабри ёнидаги тоғ қорбоғда 1977 йилнинг кишини ўтказди. Изланишлар самараси сифатида «*Ойдинда юрган одамлар*» киссаси яратилади. Таассуфки, кисса орадан уч йил ўтгач, 1980 йилдаги чоп этилган. Қиссанинг қаҳрамонлари Қоплон ва Оймомо фарзанд илинжида кун, ой ва йилларни бир-бирига улаб яшашади. Ҳали туғилмаган боланинг бобоси, момоси бўлиб зурриёдини ҳам, бир-бирларини ҳам ардоқлашади. Ёзувчи асар қаҳрамонлари фожесини умид ва ёруғликка тўла мунгли ва ҳазин қўшиқ сифатида қуйлайди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад Тоғай Мурод киссаларини «*Қўшиқлар*» деб айтди ⁷⁴.

Саид Аҳмад ёзувчини ўз авлодининг «*таниқли вақили*», «*адабиётга тутаб эмас, ёниб кирган*», «*соф ўзбек миллий киссалари*»ни яратган адаб сифатида юксак баҳолайди. Уни «*рассом адаб*», «*бастакор адаб*», - дея олқишлайди. Унинг Тарлон исмли отини эса Толстойнинг Холстомери, Ч.Айтматовнинг Гулсариси билан бир қаторга қўяди. Ёзувчи асарларининг тилига хос рангинлик, оҳангдорлик, жилакорлик ҳам отахон адабнинг назаридан четда қолмаган, албатта. У киссаларда ҳалол, мард, танти ўзбек характерини «*томоша қилган*»лиги билан ғурурланиб сўйлайди. Китобхонни сирли-сехрли оламга етакловчи, қалбининг теран буржларини гўзал нурларга тўлдириб, дилини ёритувчи мунгли муҳаббат киссаси «*Ойдинда юрган одамлар*» асарини ўзига хослиги учун бўлса керак «*достон*» деди.

Шубҳасиз, Саид Аҳмад ака бу ўринда Қоплон чол ва Оймомонинг фарзанд илинжида тунни-тонгга, кунни ойга, ойни йилга улаб бир-бирларига мўлғираб яшашларини Тоғай Муроднинг ғоятда нозик, ниҳоятда шоирона тасвирланганлиги, бахтсиз ошиқ-маъшуклар ҳақида Шарқнинг буюк достонларига руҳан яқинлик мавжудлиги, асарда инсоний меҳр-муҳаббат худди қўшиқдай қуйланганлигидан келиб чиққан. Ёзувчининг бир жуфт покиза инсонни ойдинда «*ой нурига ўраб*» тасвирланганлигига алоҳида

⁷³ Тоғай Мурод. Отамдан қолган даладар. Т.: «Шарқ» НМҚ Бош таҳририяти, 1994, 266 б.

⁷⁴ Саид Аҳмад. Тоғай Муроднинг қўшиқлари // Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. Т.: «Шарқ» НМҚ Бош таҳририяти, 1994, 3-6 б.

диққат қаратган эди. Отахон ёзувчи қиссани «Муҳаббат қўшиғи» деб атар экан, чол-кампир жуфтининг сийрати ҳам, сурати ҳам ойнинг қумуш нурларига йўғрилиб кетганлигидан қаттиқ таъсирланганини яшира олмайди.

«Момо ер қўшиғи» қиссасидаги Орзикулов образини С.Аҳмад оригиналлиги, бадий бакуватлиги жиҳатидан «Ўзбек адабиётида мутлақо янги образ» - деб баҳолайди: «Назаримда, Тоғай Мурод қисса битмайди, назаримда, бор овоз билан қўшиқ айтади. Бу қўшиқда авж пардалар бор, нолишлар бор, савт бор» - деб ёзади у.

Дарҳақиқат, Тоғай Мурод адабиётимизнинг катта авлоди назарига тушган, китобхон қалбидан ўрин ола билган истеъодли ижодкорларимиздан бири эди.

Ҳақли савол туғилади. Бундай эътибор ва эътирофга лойиқ бўлишликнинг сири нимада экан? Бизнингча, бу ҳақиқатга имон келтирмоқ, санъат даргоҳига қалбда некбин бир журъат ва пок ният билан кирмоқдан, зиммасидаги муқаддас бурчга садокатдан бўлак нарса эмас. Адабиётшунос олим Исроил Мирзаев 80-йиллар абиётининг Тоғай Мурод, Мурод Муҳаммад Дўст, Хайриддин Султонов сингари ўзига хос машаққатли кашфиётлар яратишга жанр-шакл жиҳатидан, мавзу-услуб эътибори билан изланишлар қилишга талпинаётган, маълум даражада бунга эришиб ўқувчилар қалбда завқ-шавқ уйғотишга, янгича тафаккурни шакллантиришга интилаётган адибларни «Саодатли носирлар» - деб атайдди. Олим бу ўринда халқнинг эътиборига тушишдан ташқари, давримизнинг кескин маънавий-ахлоқий ўзгаришлари тақозосига кўра ҳам янги-янги истеъод соҳиблари етишиб чиққанлиги, босиб ўтилган йўллардан қониқмаслик хисси билан ёнганлигини таъкидлаб кўрсатади⁷⁵.

Кўринадики, Тоғай Мурод адабиётимизга янги тўлқин олиб кирган қаламқашлардан бири. Унинг юқорида номлари саналган қиссалари адабиётимиз ҳазинасига бебаҳо мулк бўлиб қўшилди. Ёзувчи бу қиссаларида ўзбек халқининг анъаналарини қайта тиклади. Ўзбекнинг ғурурини бўй-басти билан кўрсатишга бўлган уринишлари туфайли ҳам тезда адабиёт ихлосмандларининг синчков назарига тушди. У кўпинча халқимизнинг жафоқаш, меҳнатқаш ва содда кишилари сиймосини яратиш орқали ўз замондошларининг ташвиш ва қувончларидан баҳс этади.

Юқорида биз сўз юритган ранг-баранг образлар ҳоҳ табиат ва жониворлар бўлсин, ҳоҳ инсон фарзанди бўлсин ёзувчининг самимий меҳрига йўғрилганлигидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ёзувчи танлаган мавзусига ўзгача бир муҳаббат билан услубий ёндошишини кўрсатади. Эҳтимолки, шунинг учун ҳам у ўқувчини асло зериктирмасликни уддалай олган.

Носир ҳаёт манзараларини ҳаққоний тасвирлар экан, гирромлик, номардлик, имонсизлик, тарафқашлик, адолатсизлик сингари иллатлар мавжудлигини яшириб ўтирмайди. Ўтмиш тузум мафқурасига хос бўлган номақбул жиҳатларнинг оддий ва содда кишилар онгидаги аксини

⁷⁵ Мярзаев И. Бадий услуб сеҳри. Самарқанд, 2000, 86 б.

тасвирлаганда ҳам, жараёнларни қаҳрамонларнинг қалбидан кечиради. Ёзувчи бу жайдари кишилар қалбидаги эътиқодга садқатни кўрсатар экан, ҳақ ва ҳақсизлик, адоват ва адолат ўртасидаги азалий курашни асарларида акс эттиради. Ҳар бир портрет ва пейзаж, ҳар бир деталь тасвиридан ҳаёт манзараларининг ёрқин ифодасини излайди. Ўлмас анъаналаримизни қайта жонлантириш муайян мақсад сари интилган, курашаётган юртдошларимизнинг турфа қиёфаларини маҳорат билан яратишга интилади. Шунинг учун ҳам унинг асарларида халқ дарди ва қайғуси, изтироблари, интилишлари ўзининг ёрқин ифодасини топади.

Тоғай Мурод насрининг ўзига хослиги, ҳаёт воқеа - ҳодисаларини муайян бадий шаклга туширишда ёзувчининг анча мустақил эканлиги носирнинг ҳам, у яратган асарларнинг ҳам оригиналлигини таъминлайди. Тоғай Муроднинг китобхонлар диққатига тушиши, уларнинг ихлосига сазовор бўлиши маърифатли китобхонларимизнинг у яратган асарларни севиб мутола қилаётгани мазкур асарларнинг бадий-эстетик таъсири кучли эканлигидадир.

Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси Тоғай Мурод киссаларига Ойбек муқофотини берди. У собиқ Иттифоқ Ёзувчилар Уюшмаси съездига делегат қилиб сайланади. Собиқ Иттифоқ Ёзувчилар Уюшмаси Бошқаруви аъзолигига сайланади. 1985 йилда ўзининг «Момо ер қўшиғи» номли киссасини чоп эттиради. Бу асар ўз гоёси ва адабий йўналиши жиҳатидан ўзга «қўшиқ кисса»лардан ажралиб туради. Асарда миллий заминдан оёғи узилган. Ватан тупроғида яшаб, юрагида юрт туйғуси бўлмаган 80-йиллар мафкура қурбонлари образлари гарб адабиётига сифинувчи бандига айланиб қолган ижодкор Турсин Орзикулов характери мисолида ўзбекона киноя билан тасвирланган.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш керакки, Тоғай Мурод эл-юрт учун, адабиётимиз учун савоб амаллар қилишдан чарчамайдиган адибларимиздан бири эди. Шу маънода айтиш мумкинки, унинг 1974-1975 йилларда Ж.Лондондан ўгирган қатор хикоялари, «Бойнинг қизи» драмаси, 1989 йилда амалга оширилган Э.Сетон-Томпсоннинг табиат ва жониворлар ҳаётидан сўйлагувчи машҳур «Ёзвойи йўлга» китобининг ўзбекча таржимаси ана шундай эзгу ишлар сирасидандир.

Тоғай Мурод 80-йилларнинг иккинчи ярмида бошланган қатағонлар даврида Москвада «Жаҳон адабиёти» институти қошидаги Олий адабиёт курсида таҳсил олаётган эди. У 1986-1992 йиллар давомида ўзининг илк романи биз сўз юргизмоқчи бўлганимиз, «Отамдан қолган далалар» асарини ёзди.

Тоғай Мурод «Ўзбеклар иши» юзасидан Москва шаҳрида ўтказилган кўплаб тергов ҳужжатлари билан танишиш, таниш-билишчилик билан тергов матнларини сотиб олиш, узун тунлар суд биноларида бўлиб, ўзбек халқи зиёлиларига нисбатан бўлаётган кўпол муносабатлар, адолатсизликни кўришга вақт сарфлади. Бир сўз билан айтганда ўқиш жараёнидан бўш вақт топиб, ўзбек зиёлиларининг қайғуси билан яшади.

1987 йилда Москвадан қайтган ёзувчи пахтачиликдаги ёшлиқдан мавжуд тажрибалари (мактабда ўқувчилик, талабалик, меҳнат фаолиятида пахта терган) нинг камлигини сезиб қолади. Натижада, пахтачилик ва кишлоқ хўжалигига оид дарсликларни ўқиб чиқади. Пахтачилик билан боғлиқ хотираларини хаёлида тиклайди. Шунга қарамасдан, халқ ҳаёти, руҳияти, характерини яратишда ҳали ўзбек дехқонига хос жиҳатларни теран билмаслигини англаб етади. Олтинсой туманининг ўша пайтдаги ҳокими Тошбўев тавсиясига кўра Аликулов бригадасига бориб дала шийпонида яшайди. Дехқонлар билан юзма-юз ҳаёт кечириш улар билан бир хил кийиниш, ишлаш, овқатланиш орқали яқиндан таниша бошлайди. Чигит экиш, яганалаш, чопиқ ва ўтоқ қилиш, гўнг бериш, сув таратиш, ғўза чопишдан тортиб, пахта теришгача бўлган барча жараёнларни оддий халқ билан биргаликда бажаради.

Тунги суғоришдан тортиб, шийпонларда ухлаб қолишгача, ўқарик бўйларига ёнбошлашдан тортиб, эгатларда мизғишгача бўлган олти ойлик муддатни далада ўтказди. Офтобда куйиш ва чанг ютиш нималигини ўз кўзи билан кўриб, гувоҳи бўлади. Шундан кейингина муаллиф сўзлари билан айтганда «ўзбек халқига ҳайкал қўйиш» билан баробар ушбу романи ёзиб тугатади.

«*Отамдан қолган далалар*» - рамзий роман. Унда муаллиф бутун умр далада кетмон чопиб, серкўёш юртида елкаси офтоб кўрмаган, кут-барокот юртида косаси оқармаган мунис ўзбек халқи сиймосини Дехқонкул образи тимсолида бадиий талқин этади.

«*Отамдан қолган далалар*» романи 1994 йилда «Шарк» нишриёт-матбаа концернининг Бош тахририяти томонидан 75000 нусхада чоп этилган. Романда қайд қилинишича, муаллиф уни 1986-1991 йиллар ораллигида ёзиб тугаллаган. Китобнинг илк саҳифасидаги бағишловда муаллиф тилидан қайд қилинган тубандаги ёзувни ўқиймиз: «*Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоси - Озод Ўзбекистон учун битдим*»⁷⁶. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ўзининг ҳоҳиш иродаси ва тақлифига кўра 1992 йил 2 мартда жаҳондаги энг нуфузли халқаро ташкилот бўлган БМТга қабул қилинган. Шунга кўра, айтиш мумкинки, 1991 йил роман кўл ёзмасининг ёзиб тугалланган санасини англатади. Романининг умумий ҳажми 263 саҳифадан иборат. У ўнга боб ва 273 та турли ҳажмдаги фасллардан таркиб топган. Шунингдек, асарга «мен» сарлавҳаси остида муаллифнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақидаги ўзига хос маълумотномаси ҳам илова қилинган. (264-270 б.)

Тоғай Муроднинг «*Отамдан қолган далалар*» романи эълон қилинган, аксарият китобхонлар ҳам, айрим мутахассислар ҳам мазкур асарнинг ноанъанавий эканлигидан сўзлашди. Бунга унчалик ҳам ажабланмаслик зарур. Гапнинг индаллосини айтганда, бугунги кунда ҳам бу типдаги асарларни ҳамма бирдай тушуна олмайди. Чунки, анъанавий романларга

⁷⁶ Тоғай Мурод. *Отамдан қолган далалар*. Т.: «Шарк» НМҚ Бош тахририяти. 1994, 5 б. (Асардан келтирилган иктибослар шу нашрдан олинди, қавс ичида саҳифа кўрсатиб берилди)

нигоҳи ўрганган, оддий китобхон учун мазкур шаклдаги асарларни ўқишга махсус тайёргарлик босқичидан кейин киришишга тўғри келади.

Хўш, бунинг сабаблари нимада?

Биринчидан, «*Отамдан қолган далалар*» романи жаҳон адабиётининг пешқадам вакиллари яратаётган айнан шу типдаги асарларга анчагина яқин туради.

Иккинчидан, мазкур роман ўзига хос миллий, ўзбекона руҳ билан суғорилган.

Учинчидан, роман воқеалари соқингина ҳикоя қилинмайди. Баён услубида кенг ва раволик этакчилик қилмайди. Аксинча, ҳаёт воқеа-ҳодисалари, ҳолат ва характерлар тасвирида анчагина кескин ўтишларни, сюжет ва оҳанг шиддатини кузатиш мумкин.

Шубҳасиз, бундай фактлар Тоғай Муроднинг насрдаги изланишлари билан чамбарчас тарзда боғлиқдир. Янгича мазмун янгича шаклни ҳам талаб қилиши, шаклнинг мазмунни ифодалаш воситаси эканлигини назардан қочирмаслигимиз лозим. Мазмун ўзгариши шакл ўзгаришини талаб қилиши шубҳасиздир. Мухими, ҳар иккаласининг мутаносиб бўлишидир. Тоғай Мурод ана шу мувофиқликни сақлашга интилиб, характерлар руҳий оламни янада теранроқ акс эттира олган. Поэтик ғояни роман магзига сингдира олган.

Шуниси ҳам борки, соддадил, танти сурхондарёликларнинг табиатида, феъл-атворида ўзига хос кескирлик мавжуд. Демакки, этник хусусиятларни **тўртинчи** фактор сифатида санашимиз мумкин.

Бешинчидан, романда табиат образлари инсон руҳиятини очишга бўйсундирилган.

Олтинчидан, романнинг бадий тили шева-лаҳжаларга ниҳоятда бой бўлиб, сюжет чизиклари, монолог ва унинг турфа кўринишлари, хусусан, ички монолог ва диюлогларнинг мағиздорлиги таъминланган.

Еттинчидан, Тоғай Мурод ўз тасвир услубига мос тарзда романга мувофиқ шакл танлаган, образлар талқинида ҳаққонийликни таъминлай олган.

Саккизинчидан, роман жозибали бадий ифодаларга ниҳоятда бой. Асарнинг тили ҳақчил ва равшандир. Романда фикр мавҳумлиги учрамайди.

Тўққизинчидан, тасвирда қисқалик ва аниқлик таъминланган. Деталлар ўринли қўлланган.

Ўнинчидан, нафақат жамиятнинг ўзида, балки одамлар табиатида, атроф-муҳитда содир бўлаётган нуқсонларнинг туб илдиэлари ва моҳияти ҳаққоний кўрсатилган.

«*Отамдан қолган далалар*» романи учун Тоғай Мурод Ўзбекистон Республикаси Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотини олишга мушарраф бўлди. Бу исғеъдо соҳибининг ўқувчилар қалбини ларзага келтира олганлигининг, баён қилинган, кўрсатган ҳақиқатларига ишонтира олганлигининг, уларнинг қалбини тизгинсиз эҳтиросларга буркаган янинг эътирофи десак янглишмасак керак.

Бадиий асарда тасвирланган воқеа-ҳодисаларнинг умумлашмасига ва шу орқали қўйиладиган муаммога бадиий асарнинг мавзуи деймиз. Бадиий адабиётнинг аҳамияти қандай масалаларни ўртага қўйганлиги ва қандай ҳал этганлиги билан ўлчанади. Мавзу нима ҳақда ёзишни аниқлаш, нима ҳақда фикр юритишдан, ёзувчи танланган ва тасвирлаган ҳаётий воқеалар, асарда қўйган ва ёритган асосий масалалар йиғиндисидан иборатдир. Шунинг учун ҳам мавзу тушунчасини асарнинг бутун моҳиятидан келтириб чиқармоқ зарур. Мавзунинг танланиши, ёритилиши кўп жихатлардан ёзувчининг маҳоратига боғлиқдир.

Одатда санъат асарида ижодкор инсон ҳаётининг муайян томонини ижтимоий-руҳий тўқнашувларни тасвирлаш орқали типик ҳаётнинг қайси соҳасини чуқурроқ билса, шунга мувофиқ тарзда ўз асарига мавзу танлайди.

Оддий халқнинг машаққатли ахлолини акс эттиришда ўзбек адабиёти қатта тажрибага эга. Биргина Гулҳаний, Маҳмур сингари ижодкорлар яратган асарлар мисолидаёқ мазкур фикримиз ўз тасдиғини топиши табиий. Ойбекнинг «Қўтлуғ қон» романидаги қосиблар ва дехқонлар ҳаётининг ёрқин лавҳалари, Абдулла Қаҳҳор ҳикояларидаги қишлоқ ҳаётининг турфа манзаралари, меҳнатқашларнинг оғир ахлоли лавҳалари, маданий-маиший ҳаётнинг оилавий ҳаёт манзаралари тасвири орқали берлиши каби қўллаб мисолларни санаш мумкин. Бинобарин, истъоддли саъаткорлар ўзлари мурожаат қилган муҳитдан ижтимоий характерларни топа олганлар. Мавжуд ёхуд ўтмиш жамиятнинг номарғуб жихатларини фош этишда ҳаёт ва кураш масаласи асосий мавзу вазифасини ўтаган. Улар мавзунинг долзарблиги, халқ ва жамият учун муҳимлигига алоҳида эътибор қаратганлар. Танланган мавзуга замонавийлик руҳини сингдиришга, ўзлари яшаган даврнинг энг муҳим муаммоларини акс эттиришга, замона руҳини бўрттириб кўрсатишга интилганлар.

Инсонпарварлик, маърифатпарварлик, ишқ-муҳаббат, дўстлик-биродарлик, ўлим ва ҳаёт, қаҳрамонлик ва баҳодирлик, ҳасислик ва саҳоват, зулм ва адолат сингари мавзулар ўзбек адабиётида ўзларининг абадийлиги билан ажралиб туради. Улар бир неча асрлар мобайнида инсониятнинг юрак, қалб тўридан жой олиб келган. Ҳар бир ижодкор ўз даврига хос ва мос тарзда бу мавзуларни қалб призмасидан кечирган, муайян янгиликлар билан янада силликланганга, сайқаллаштиришга улуш қўшган.

«Отамдан қолган далалар» романи учун яқин ўтмишнинг аччиқ сабоқлари мавзу-материал бўлиб хизмат қилган. Узоқ йиллар мамлакатимизда ҳукм суриб келган мустамлакачилик, зўравонликни фош этгани билан роман диққатни ўзига тартади.

Роман воқеалари Дехқонкул Акрабович Жамолиддинов яъни Жамолиддин кетмоннинг набираси бўлмиш бош қаҳрамон Дехқонкул тилидан биринчи шахсда «мен» номидан баён қилинган. Маълумки, «жамол» -ҳусн, гўзаллик маъноларини англатади. «дин» эса ишонч, ишонмоқ маъноларини билдиради. Диний нуқтаи назарга кўра дин-илоҳий кучларга, худога, пайғамбарга, фаришталарга, муқаддас китобларга,

охиратга, бутун яхши ёмонлик яратганнинг иродаси билан бўлишга ишонмоқлик, шайтон ва иблислардан сақланишдир⁷⁷.

Дин ишонмоқ туйғусидир. Ишонмоқ туйғуси инсониятнинг энг теран ва энг гўзал рухий-маънавий эхтиёжларидандир. Романнинг бош қахрамонларидан бири Намоз ботир бошчилигидаги кўзғолондан кейинги жазолаш пайтида юрт нотинчлиги туфайли Фарғонадан Бухоро амирлигининг Денов беклигига келиб ўрнашган Дехқонкулнинг бобоси Жамолиддин кетмондир. Ёзувчи қахрамонига ном танлашда ҳам асло тасодифий йўлдан бормаган. Жамолиддиндаги гўзаллик меҳнаткашликда, соддадилликда, ҳудожўйликда, дунё воқеаларига безътиборликда, тақдирга ризоликда кўринади.

Романнинг биринчи бобини Туркистоннинг истило қилиниши, ўзбек халқи миллий кадриятлари ва шарқона анъаналарнинг европача маънавий-рухий муҳит билан алмаштириш шунингдек, миллий ватанпарварлик туйғусини барҳам топтиришга жон-жаҳди билан уриниш воқеалари ташкил қилади. Бу бобда Жамолиддин кетмон қанчалик мўмин киши бўлмасин, пичоғини қинидан суғириш ёхуд ич-ичидан нафратланиш, золимдан йироқроқ юриш билан чекланади.

Тоғай Мурод романнинг кейинги бобида она-заминга бўлган алоҳида бир меҳр-муҳаббагини фарғоналик Жамолиддин кетмоннинг тўнғич ўғли «қўли гул» Ақраб тарихини баён қилади. Шу тариха романда уч авлод тарихи мисолида катта ижтимоий-сиёсий воқеаларни акс эттиради.

«Ақраб» - осмоннинг саккизинчи буржи бўлиб «чаён» шаклида тасаввур қилинган. Мусулмон ўзининг етти авлодини билиши лозимлигидан келиб чиқсақ саккизинчи бурж-саккизинчи авлод эмасмикин? Ёки осмон қадар юксаклигига ишора бормикан?. Эхтимолки, «ақраб» яъни қариндошлар деган маънони билдирар. Ахир Ақраб, Дехқонкул Жамолиддин кетмоннинг жигарлари эмасми? Дехқонкул эса умумлашма сифатида ўзбек халқининг сиймоси ўлароқ, ҳар биримизнинг яқин кишимиз, қариндошимиз сингари қабул қилинмайдими?

Англашиладики, Тоғай Мурод иккинчи боб учун қахрамон танлашда ҳам унинг номига алоҳида эътибор берган. Чунки, Жамолиддин кетмоннинг ўғли унга мос бўлмоғи лозим эди. Ақраб ёшлигидаёқ ҳукумат сиёсатидан қониқмаслик, зўрайиб бораётган милитаризмдан нафратланиш руҳида ўсади. Ўз-ўзини ички бир туйғу билан босқинчилар тўдасидан қасос олишга чоғлайди. У эсини танигач, дехқончилик, боғбонлик касбининг ҳадисини олади. Бироқ бўлиб ўтган тўнтаришларнинг моҳиятини дафъатан англаб етолмайди. Лекин, унга янги ҳукумат вакиллариининг «Улуғ ога» бўлиш истагию, маҳаллий халққа ишончсизлиги, шунингдек байроғидан тортиб сўзаналаригача қизил бўлган рамзлари мақбул бўлмайди. У келгинди «ювиқсиз»ларга алданиб қолмаслик, ноҳақ қон тўкилишига йўл қўймаслик ташвишини чекади.

⁷⁷ Жураев У., Саиджонов Й. Дунё динлари тарихи. «Шарқ» НМК Бош таҳририяти, 1998, 19 б.

Ақрабнинг орзуси замонанинг тинчлиги, элнинг фаровонлиги. Бунга у кимнингдир паноҳи орқали, бировдан рўшнолик тилаб эришмоқчи эмас. Бирок ўлкада авж олган «душман излаш» ҳаракатларидан четроқ юриш мақсадида «*Ёмондан қоч-да қутул ёки тон-да қутул*» - мақолига риоя қилган Ақраб кишлокдоши Рашид билан ҳамкорликда бошқа кишлоклардан йиғилган ўнтача йигит билан тоғу тошларга чиқиб кетади. Тўданинг сафи тобора кенгайиб борса-да, улар ўз кишлоғига «*гайридин*»ларни қиритмасликдай тор мақсадлар учун ҳаракат қилишади.

Ақраб ва фарзанди муборағи бўлмиш Дехқонкулнинг соғинчлари, оиланинг бағри бутун эмаслиги-ю хотинининг доим ҳавотирда яшашини теран англасада, «*ўз уйим улан тўшагим*» деб, уйига қамалиб ёта олмайди. Чунки, юртни ёғий босиб ётганида унга қарши курашга ғайрат этмокни, муқаллас замину дин-диёнатни асраш, адолатни тиклашни олий мақсад деб билади. «*Биз эл-юрт учун олишаянмиз... Ботар кунли отар тонги бўлади*» (31-32 б.) дейди Ақраб.

Таассуфки, унинг учун эл-юрт сарҳадлари тоғу тошлар, Ҳайрондара, Ҳайитқални жари ва ўз кишлоғидан иборат. Қандай кучли душманга қарши курашаётгани, беш-ўнтасини ўлдирса, кейин нима бўлишини теран ўйлаб кўрган эмас. Унинг хатти-ҳаракатларида тизгинсиз нафратга тўлган чапани йигитни кўрамиз. Тўғри, у қисқа фурсат Иброҳимбек Лақай қўшини сафида ҳарбий машқларни ўтаган. Бирок буни ҳарбий санъатдан теран боҳаборлик деб бўлмас эди. Романнинг мазкур воқеалари 1920-йиллардан кейинги даврни ифодалайди. Чунки, Амир Саид Олимхоннинг: «*вайронагарчиликлар янада зўрайиб, одамларнинг яна ҳалок бўлишига йўл қўймаслик*», («*Хотиралар*»дан) мақсадида Бухородан чиқиб кетиши Иброҳимбек қўши тининг хатти-ҳаракатлари шу даврга тўғри келади.

Биринчидан, элликтача мужоҳидга бошчилик қилаётган Ақраб кўрбоши оврўпача қуролланган бир юз олтмиш минг лашкарга бас кела олмас эди.

Иккинчидан, Нормурод фаолга ўхшаган Ақраб тили билан айтганда, «хунаса»лар элнинг асл фарзандларини тутиб бериб, хоинлик қилишади. Шунга қарамасдан, Ақрабдаги ёғийга бўлган нафрат хисси афсонавий қахрамонлар янглиғ бетимсолдир. У душман қўлига асир тушган бўлса-да, ўз эъликوديда собит туриб: «*Қўллик бўлмаганимда, бир юз олтмиш минггини-да қопини ичар эдим!*», - дейди. (36 б.)

Ақраб мусулмон фарзанди сифатида тили, дини, урф-одати бир бўлган халқларнинг бир-бирига гиж-гижланаётганидан қаттиқ ташвишга тушади. Унинг шуурида бўй кўрсатган кондошлик, диндошлик, биродарлик туйғулари, ҳамда сўнмас бир гурур олдида нўғай Чанишев ҳам тан беради. Ақраб дабдурустдан содир этилган воқеаларни Аллоҳнинг иродаси билангина бўлган, деб билмайди. У «*Худодан-да ўтди, бандадан-да ўтди*», - дейди. (40 б.) Бирок, сал фурсатдан кейин эхтиросларини босиб олган Ақраб: «*Айб сенда-да бўлмади, айб менда-да бўлмади. Бари Худодан бўлди!*» - дея тақдиога тан беради.

Бирок у итоаткор муслим сифатида сўзсиз, ҳаракатсиз тарзда кўйдаи юввош киши бўлиб тақдир ҳукмига бош эгмайди. Кўкси биланд, ғурури юксак ўзбек ўғлони сифатида бор ҳақиқатни мардона тан олади. Ўз юрти, ўз ери, муқаддас тупроғи, ўз уйи, ўлан тўшағи, ўз қиблагоҳида жон беришни, ноҳақ қатағон қилинган икки миллион сафдошларидан йироқда гўрсиз, кафансиз кўмиб ташланишини истамайди. У ўз ўлигининг-да бекадр бўлишини, бегона элларда қолиб кетишини хоҳламайди: «...отарман бўлсанг, мана, кўкрак - от! Лекин - ўз эл-юртимда от! Шаҳид бўлсам - ўз эл-юртимда шаҳид бўлайин! Шаҳидимни ўз эл-юртим кўмсин!» (43 б.) - дейди Ақраб.

Ақраб кўрабошидаги бу журъат, бу жасорат, ватанпарварлик, миллатпарварлик, элпарварлик, йигитлик ғурури, шан-шавкат, душманлар сафида бўлган нўғай миллатига мансуб полковник Чанишеви хам шошпириб кўяди. У ниҳоятда мулзам бўлади. Ўзига яраша мағрур, жасур саркарда бўлган Чанишев ҳам тақдир ўйинлари олдида ожиз эканлигини, ихтиёрсиз тарзда ҳаёт оқимида сузаётганлигини тан олишга мажбур бўлади. Ақраб «жигит» олдида отдан тушиб бош эгади. Ақраб кўрабошининг: «*Ошингни еса-да, мард есин, бошингни еса-да мард есин! Мана, кўкрак - ма!*», - деган тилагини бажо келтиради.

Ақраб кўрабоши шаҳид бўлган маскан девор билан ўраб олиниб, оплок ялов тикилади. Эл-юрт унинг пойидан ўтганида руҳини шод қилиб, тиловат қилишни канда қилмайди. У ана шундай шарафли ўлим тонади. Ақраб кўрабоши фожеасидан Тоғай Мурод катта ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий маънолар, салмоқдор хулосалар чиқара олади.

Кези келганда иккита рамзий деталга, аниқроғи ёзувчининг олами истиоравий (метофорик) қабул қилишини кўрсатишга, поэтик ифода ва тасвирнинг ранг билан боғлиқ рамзийлигига тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Тоғай Мурод «оқ», «қора» ва «қизил» ранглари кенгрок истиёфода этади. Зотан мазкур ранглар қадимдан адабиётимизда кенг қўлланиб келинган, борлиқни рамзийлаштиришда асос вазифасини бажарган. Дунё адабиётида ҳам мазкур учта ранг билан боғлиқ рамзларнинг кўплаб учрашига таяниб айтиш мумкинки, бошка ранглар уларнинг хусусиятларидан келиб чиқади ва уларни тўлдиради. Мазкур фикрни В.Тернер тадқиқотларида ҳам учраганмиз⁷⁸. Тадқиқотчи Насиба Жуматова «*Ҳозирги ўзбек шеъриятида ранг билан боғлиқ рамзий образлар*» масаласини махсус ўрганди⁷⁹. Бирок бугунги насрдаги рамзлар, хусусан, рамзий романлар адабиётшуносликда нисбатан кам тадқиқ этилган. Рангларнинг рамзий маъно-мазмун касб этиши жиҳатидан шеърят ва насрда қўлланишида унчалик катта фарқ кузатилмайди.

Оқ рангга хос хусусиятларда эзгу маънолар мужассамланади. Ақраб кўрабоши ҳали ёшлиқ йилларидаёқ қоп-қоронғу тунда қибладаги оплок ойна бокиб «...ит ҳурмиш тарафга милтиқ ўқталади», «...оқариш бермиш ойна

⁷⁸ Тернер В. Символ и ритуал. М., Наука, 1983, 80-85 стр

⁷⁹ Жуматова Н. Ҳозирги ўзбек шеъриятида ранг билан боғлиқ рамзий образлар. НДА. Т.: 2000

милтиқ ўқталади» (25-бет). Оппок ой тинч осуда дунёнинг рамзи бўлиб, умуминсоний кадрятлар мажмуидир. Унинг замирида эзгулик, яхшилик, беғуборлик, самимийлик, сингари маънолар мужассамлашган. Ақраб кўрбоши вақти келиб бандаликни бажо келтирганда ҳам унинг кабри тепасига оқ ялов кадалади.

Қора ранг эса рамзий маъно жиҳатидан олиб қаралса давр, муҳит ҳақида маълумот бериб, икки рангнинг контраст ҳолда келиши тасвирнинг бадий-эстетик салмоғини кучайтиради.

Қизил ранг одатда оқ рангга нисбатан ёвузлик рамзи сифатида қўлланилади. Бу рангнинг рамзий маънолари тарихан ўзгариб турган бўлса-да, мазкур рангдан кўпроқ ижтимоий маъноларни ифодалашда фойдаланилади. Тоғай Мурод анъанага эргашган ҳолда қизил рангдан боскинчилик, зўравонлик қилувчи, мустамлакачи шўролар тузуми одамларининг рамзи сифатида фойдаланади. Кечаги кун манзараларини инкор қилиш, рад этишда қаҳрамоннинг ҳолатлари, рухий-ҳиссий туйғуларининг тугъғини кўрсатишда ёзувчи қизил рангга мурожаат қилади.

Романда қизил ранг зўравонликнинг, қоннинг, даҳшат ва фожеанинг рамзи даражасига кўтарилади:

«...Қизил ранг - одамни алдайди.... Қизил ёмон-да, қизил ёмон. Босиб, қизил ранг - қон ранг! Қон ёмон, ёмон!... Деҳқонқул қон рангдан ёруғлик тилама. Қон рангдан рўшнолик тилама. Қон рангдан паноҳ тилама. Қон ранг - жаллод ранг!» (27- бет).

Тоғай Мурод романда баёнчилик, ноаниқлик ва эзмалиқдан тийилиш мақсадида теран ва сиқик жумлаларга, урғули сўзларга теран маънолар юклайди. Қисқа жумлаларни ўқиган китобхон уларга яширинган тағдор кесатик ва пичингларни пайқамаслиги мумкин эмас. Образли сўзларга яширинган, уларнинг қобиғига ўраб берилган ижтимоий маъноларни англаш орқалигина роман моҳиятини, ёзувчининг асл мақсадини англаб етиш мумкин. Жонли ҳолат ва манзаралар китобхонда муайян кайфият уйғотади, ҳаёлини узок-узокларга етаклайди. Роман қаҳрамонлари билан юзлашишга, уларга ҳамдам-ҳамнафас бўлишга чорлайди.

Романдаги ҳолат ва манзараларнинг таъсирчанлиги хусусида тўхталар экан Исроил Мирзаев ёзади: *«Асарда тасвирланган айрим кескин ҳаётий воқеалар фожеалар оқими ўқувчини гангитиб қўйиши ҳам мумкин, ногаҳоний санчилган ханжардек юрагингизда оғриқ пайдо қилади, асаб торларингиз - зўравонлик, адолатсизлик асосида қуршган мустабид тузумга нафратингиз ошади, қалбингизда изтироб, андуҳ ва даҳшат туйғулари сирқийди.»⁸⁰*

«Лоп-лоп этиб» бораётган фонус ёруғида *«қизил милтиқ тигида»* кетиб бораётган Ақраб кўрбоши шаштидан *«қизиллар юрак ҳовучлаб-юрак ҳовучлаб туради»*. У ўз ўлими олдида ҳам ёғий қўнглига ҳадик сола билади. Бироқ қизилларни ўқиб-ўқиб, “*ув-ув*” тортаётган онаизорнинг ҳам, хиққилаб йиғлаётган нораснданинг ҳам кўз ёшлари заррача инсофга келтирмайди. Улар агар Ақраб қочиб кетгудай бўлса, фарзандларини *«битта қўймай отиб*

⁸⁰ Мирзаев Исроил. Бадий услуб сехри. Самарқанд 2000, 89-90 б

ташлашлари» мумкинлигини айтиб қўрбошини итоат этишга мажбур қилишади. Фарзандлари умри учун, уларнинг ҳаёти учун ҳам Ақраб ўз ниятидан қайтади, бўйнини душманга тутиб беради.

«*Бўлган-бўлдиғи*» шул бўлган Дехқонкул учинчи бобдан кейин романнинг етакчи қаҳрамонига айланади. Унинг қалбида ҳам «*қизиллар*»га нисбатан кучли нафрат уйғонади. Нега шундай? Бобоси ва отасининг шу тузум қурбони бўлганлигию қалбида кек сақлаб юрганиданми?

Роман қаҳрамонларидан бўлмиш мактаб директори айтганидай: «*Қазисан қартасан, ахир асл зотинга тортасан!*»-деганларидек, унинг қалбида тизгинсиз бир адоват туйғуси мавжудми?. Дехқонкулининг «*Вақидир-васар*» бўлиб қолиши «*шатқўрлик*»данми? Ахир жуғрофия ва адабиёт муаллимлари ҳам бу ҳолатни тушунишмадику!?

Узуу кун марказда пивахўрликдан, маишатдан бўшамайдиган, фирма билетию кўча қизил байрокни қўлга кiritиш мақсадида «*ўз ишига маъсулият билан ёндашиб*», «*принципиал ва қаттиққўллик оққали хатоларини тuzатаётган*» директорнинг, ёки физика, жуғрофия, адабиёт муалимларининг, ўнинчи синф қизи бўлган ошпаз Эломонованинг чор маъмурларидан фарқи йўқдай туюлади.

Кийим бошлари бир алфозда бўлган, юз кўзларида хорғинлик, қўрқув ва ҳадиксираш зоҳир болаларнинг қўллари касов, елкалари қинғир-қийшиқ бўлиб ўсаётгани, болалиги – шўх шодон ўйноқи ёшлиғи ўғирланганлигига заррача аҳамият беришмайди. Ч.Айтматов айтганидай, «*манқурт*»лашган, меҳр-муруватдан, инсоний ҳис-туйғулардан, ўй-фикр ва андишадан йироқ бу кимсалар фақат режани бажаришнигина биладиган роботлардир. Уларда миллатнинг фарзандларини тўрт мучаси бутун, соғ-саломат ўстириш туйғуси ҳам, ёшларни асраб авайлаш фикри ҳам, жонажон диёр доврўғини кўтарувчи алломалар ва жаҳонгирларни тарбиялаш, юртнинг озод ва эркин бўлишига эришиш орзуси ҳам йўқ.

Тоғай Мурод ўлкада янги давр, янги шароитда илдиз отаётган ижтмоий-сиёсий парокандаликни, маънавий-маърифий инқирозни «*пахта фронти*»да ўтаётган ёшлар ҳаёти мисолида кўрсатади.

Мафкура қурбони бўлган бечора директор ўз фарзандларига Роза Люксемберг, Клара Цеткина номларига эргашиб Роза, Клара каби исмларни қўйганлиги билан ҳам чексиз фахрланади. Гўёки шу билан ҳам ўзининг фирма ишига садоқатини, фидойилигини исботламоқчидай бўлади.

Янги ўқиш йили ҳисобидан бир ойгина ўқиганидан хурсанд болалар баъзан беш кунгина ўқиб пахта фронтига отланган ака-опаларига астойдил ачинишади. Ҳали уларнинг, аксарияти хусусан, Дехқонкулга ўхшаган бешинчи синф ўқувчилари ўзларини олдинда нималар кутаётганини билишмайди. Ўз фарзандлари тенги ёшларга «*ўртоқлар*» - дея мурожаат қилган директорда биродари учун ўрганиш, ёниш, жон қуйдириш йўқлигида ҳам кесатик мужассам. Унинг жасоратга чорловчи хашамдор нуқтида даъваткорлик, чорлов руҳи устивор. Қизиги шундаки, бу даъватни у партия ва ҳукумат вақили бўлиб туман раҳбарлари номидан олиб боради. Бу билан директор ўзининг мансабдор эканлигини таъкидламоқчи, «*катталар*»га

якинрок эканлигини кўрсатмоқчи, гапининг сиёсий жиҳатдан таъсирчанлигини оширмоқчи бўлади. Ваҳоланки, ўзи аслида туман каттасини умрида бир маротаба локал кўрмаган ҳам эканлигини яширади. Тарбиячи тарбияланувчилар олдига виқор билан ёлгон сўзлайди. Ўзининг бу қилигидан уялиш ўрнига тингловчилар уни эшитишаётгани, ишонишаётганидан мағрурланади.

Тоғай Мурод миллат болалари қалбидаги шижоатнинг сўндирилиши, итоаткорликнинг илдиз оттирилишига улуш қўшаётган директор ва унинг шотирлрини қаттиқ хажв остига олади. Китобхонда уларга нисбатан нафрат туйғуларини саҳифама-саҳифа кучайтира боради.

Режани бажариш ташвишида бўлган директор каллаи саҳарлаб болаларни уйғотиш учун «Падём, - деб - наъра тортади». «Стройся» ва «Смирно» қабилдаги фронтдаги каби буйруқларни беради. Колхозчиларга олтимиш кило норма белгилангани ҳолда ҳашарчилар учун саксон кило қилиб кунлик режа белгилайди.

Директор итоат қилдириш учун кўрkitишнинг янги-янги йўлларини ўйлаб топади. Булар: болаларни ҳолдан тойгунча ишлатиш, ҳақорат қилиш, камситиш, жамоат иззаси бериш, менсимаслик, йиғлаб-сикташига қарамасдан қалтақлаш, нафсониятига тегувчи ҳақоратлар остида қолдириш, оғир юмушларга жўнатиш, гўштсиз овқат билан «сийлаш» сингари кўринишларда намоён бўлади. Пахта ортиш, пахта тушириш, дори сепишдан тортиб далаларга бутефос сепаётган сёмолётга байроқчи бўлишгача бўлган юмушларни мактаб ўқувчилари бажаришади. Мазкур ишларнинг қийинлигини билишса-да, бир кун бўлса-да пахта теришдан, директор ва муаллимларнинг зуғумларидан қутулиш учун болалар рози бўлишади.

Пахтакорлар қани? - деган ҳақли савол туғилади. Тоғай Мурод бу саволга: «ёрдамчиларга ўлигини ташлаб олишади», - дея изох бергандай бўлади. Чиндан ҳам китобхон директор олдига саргайиб келаётган бригадир, байроқ тузатаётган уста каби қаҳрамонларни кўрганида «бегона»нинг боласи тақдирига бунчалик бефарқ ва лоқайд қараётган кишиларнинг ўз юмушларини норасидалар гарданига юклаб бемалол юришганидан таажубланмаслиги мумкин эмас. Увадаси чиққан ва дорилар билан булганган чопонни улар ҳам эгнига илганлиги, кейин эса бу юмушни қанчадан-қанча болаларга «ҳадя» қилишганлиги тайин. Қўланса ҳидга бардошлари етмаганиданми, оғир юмушлардан тинкаси қуриганиданми нега шунақа қилишаркин? - деган савол қийнайди китобхонни. Ҳаммасидан ҳам бу кишиларнинг сепилаётган дориларнинг заҳридан ўзини олиб қочишаётгани аниқ эканлигини англайсиз.

Обрў-этиборли кишилардан, шиқоятчилардан ёки фарзанди тарбиясига этиборлироқ мард кишилардан муаллимлар ҳам, директор ҳам чўчийди. Ортиқча ташвиш ва ғалвага рўбарў бўлишликдан кўрққан бу кимсалар ўз тинчинигина ўйлайдиган, камбағални, бечорани, балога рўбарў қиладиган эгоист одамлардир.

Эгоизм ва лоқайдлик туфайлидан ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган, ширин орзулар қанотида улғаяётган Зиёд Чулибоев дори сепилган далада қолиб кетиб нобуд бўлади.

Кекса кампирнинг, муштипар аёлнинг ёлғиз арзандаси эканлигини била туриб, онгли равишда уни жаҳаннам қаърига йўллашди. Дехқонкул Жамолиддинов эса кўзи тиниб, боши айланадиган, тез-тез ўқчийдиган, доғланган ёғ хидидан ҳам кўнгли беҳузур бўладиган даражага етади, соғлиғидан ажралади. Директор беморни даволатиш ҳақида ўйламайди. У битта текинтамоқнинг бекорга қорнини тўйғазмаслик учун ўчоққа ўт қалатиш, ўтин йиғиш сингари юмушларга жалб қилади.

Ҳолдан тойгунча оғир меҳнатга жалб қилувчи директордан Зиёд қаттиқ нафратланади. Бироқ у ўз нафратини ошқор айта олмайди. Бор овози билан куйлашни, осмонларда учишни орзу қилади. Ўз синфдошларини самолётда сайр қилдиришни, учувчи бўлишни орзу қилган Зиёд: «*Директор қўл қўтарса-да самолётимга миндирмайман*» - дейди Дехқонкулга. Таассуфки, бу ширин орзулар унинг тушида бўлган. Ширин бир туш мисоли йироклашган маъхумлик қаъридан элас-элас кўрунувчи саробга ўхшаб кўринади. Эҳтимол, бу Зиёднинг эркинликларни кўмсаётган руҳининг бако сари сафари олдидаги гўзал талпинишларидир.

Дарҳақиқат, куйлаш ҳақида гапирдик. Бу ёшлар ўзлари хохлашганича ўлан-лапарлардан куйлаша олмайди ҳам. Уларга «*партия-совет кўшиқларидан айтинглар*» - деган кўрсатма берилади. Шахсан райкомнинг ўзи самолёт дори сепадиган далаларни бориб кўздан кечиради. Директорга танбех берган бўлади. Бироқ, тажжубланарлисиз шундаки, орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан айнан шу мактаб директори фирқа сафига қабул қилинади. Кўчма кизил байроқ қолиби бўлади. Ажаб парадокс. Наҳотки, «*Мавлонов бова*» партия сафига кимларни олишаётганидан беҳабар бўлсалар?. Наҳотки, мактаб ўқувчилари оддийгина иссиқ чойни ичмасдан далага ҳайдалаётганлиги боисдан мактаб илғорликни қўлга киритганлигини билмасалар?. Наҳотки, бу киши мактаб ўқувчилари кийимларининг ғиж-ғиж бит эканлигидан-да беҳабар бўлсалар?!

Китобхонга Мавлоновнинг «*мен ҳам мана шу болалардай бир ҳашарчиман*» - дейишида «*туғри келса ариқдан сув ичиб кетавериш*»га тайёр турганидек қилиб кўрсатишга уринишида қанчалик сохталик иккиюзламачилик борлиги аён бўлади. Ҳашарчиларга оддийгина санитария шароитларини яратиш бера олмаган, ҳаммомда ювиниб олишлариғаки ҳомийлик қилиш кўлидан келмайдиган раҳбарларнинг халқдан нақадар ажралиб қолишгани ўз ифодасини топган романни бефарқ мутоала қилиб бўлмайди.

Муаллимлар эшак миниб келган Зиёднинг муштипар онасини штабга бошлаб боришга, ғамига шерик бўлишга ҳам ярамайдилар. Чунки далада қанчалаб Зиёдлар ғимир-ғимир қилишмоқдаки, уларни назоратсиз қолдиргани учун директорнинг дашномини эшитишдан ўзларини тийишади. Ўзларининг тинчлини ўйлашади, четда юришни «*хушёрлик*» белгиси деб ҳисоблашади. Ғамли кунларида инсонга елкадош бўлиш, ғамларига шерик

бўлиш, кўнглига далда, қалбига таскин бериш туйғусидан бебаҳра бу кимсаларга ҳалқ ўз фарзандлари тақдирини ишониб топшириб қўйганидан ажабланасан.

Зиёдиннинг сифдошлари *«дувв-дувв йиғлашади»*. Зиёдиннинг онаси *«изз-изз, юмм-юмм йиғлайди, овоз бериб, овоз бериб йиғлайди»*. Бирок директор бўлиб ўтган воқеаларда ўзини заррача айбдор деб ҳисобламайди. *«Фронт қурбонсиз бўлмайди... Болани ўзи пахта ичида қолибди-да. Ким билади, бирор нимга йўлиққанми. Сизлар эскичани яхши биласизлар-ку»* - дея юпатган бўлди. Мусулмон фарзанди, ғамли кунда бир мўминга қандай тасалли бериши кераклиги, ўзини қандай тутиши лозимлигини директор билмайди. Билса ҳам бунга амал қилмайди. Тезроқ кампирдан қутилиш, уни кишлокка жўнатиш пайида бўлади.

Сиртдан қараганда оппоқ - момикдай покиза, юмшоққина кўринган пахтанинг қора мехнати машаққатлари кўрсатилиши баробарида инсонларнинг ўзлигини йўқотишга ҳам пахта манокультураси сабаб эканлиги, сиёсатдаги бир ёқламаликнинг қўпол оқибатлари ҳақида ёзувчи ана шундай дадил фикрларни кўтариб чиқади.

«Пахтага йўлиққан», «пахтазорга йўлиққан» авлод болалари ўзбекнинг эртасига истиқболга дахлдор авлоднинг бирортаси ҳам қўшиқ айтмайди. Чунки, уларнинг қалбида жўшқинлик ўрнини ғамгинлик, қувонч ўрнини кўргув, қуч-қувват ўрнини хоргинлик, мажолсизланиш эгаллаган. Қурол яроғи йўқ *«фронт»*нинг нон-чой ва суюқ-қуруқ овқатига қаноат қилиб, башлари пахта ичида кўришиб-кўринмай ғимирлашади. Тўп тепиб ўйнашлари, қийкириб қулишлари, осмонга сапчишлари лозим бўлган мактаб спорт майдончаси, ичбуруғдан оғриб ичидан қон ўтаётган болаларнинг бадрабхонасига айланади.

Оғироеқлигига ҳам қарамасдан, пахта даласига ҳайдалиб, тонгдан-шомгача пахта териб, чакалогини чала тукқан Дехқонқулнинг онаси мусобақа ғолиби бўлганлиги, эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлишга тиришгани-ю, шарқда машғал бўлишга талпинганини лаънатлаганини эсласак, жамиятдан нафратланишга, пахтадан ҳазар қилишга, муаллимларни ёмон кўришга бу ёшларнинг ҳаққи бор эди. Улар шунга тўла ҳақли эдилар.- дегимиз келади.

Зиёдиннинг онаси нега пахтазорга бокиб-бокиб *«вой болам»*лаб йиғлайди? Нега у *«самолётимга директорни миндирмайман!»*, - деган ўғлининг сўнгги сўзларини эшитганида *«зарда билан эшак ниқталайди»*. У нималарни айтиб йиғлади? Нега пахтазорга айтди? Кимдан зарда қилди? Қалбида қандай туғёнли нафрат кезмоқда-ки, уни ошқор қилишга муштипар оназор ожиз? Бундай саволлар шодасига зукко китобхон жавобларни ўз қалбидан тэпади. Инсон дардини тинглашга ожиз жамиятга, инсонлик ҳуқуқлари паймол этилган юртдошларига ачиниш ҳисси баробарида лоқайдликка, ўзбўларчиликка, ёлғон асосига қурилган салтанатнинг сирти ялтироклигига ичидан чириб бораётганлигига имон келтиради, нафрат ўқийди.

Шу ўринда биз кузатишга ҳаракат қилганимиз романнинг ҳар учала бобидаги юрт табиати билан боғлиқ айрим лавҳаларни қиёслаш ўринлидай туюлади. Жамолиддин кетмон даласи олдиндан бир арик сув оқади. «Газҳар зилол-газҳар-зилол» сувга эгилган толлар «Мажнун-мажнун солланади» (5-бет) Жамолиддин кетмон бу сувни муқаддас билар, таҳорат олиб покланар на саждага эгилар эди. Ариққа нон ботириб тушлик қилар, қўшховучлаб ичарди. Бироқ уни илк бор «кетмон»нинг тасаввуридаги «Оқпошишлар» бўтана қилишади. Даласининг файзи қочган, сувлари ҳаромланган даласига бўлган илгариги меҳр-муҳаббати сўнади. Ҳатто тоққа чиқиб кетмоқчи, ер олиб ишламоқчи ҳам бўлади.

Ақраб кўрбоши кам дехқончилик ва боғбончилик касб қилганида дарахтлар «шигил-шигил» мева беради. Токлар «шокила-шокила» бўлади. Гуллар «шода-шода» бўлади. Қизиллар уни хайдаб кетишаётганида дарёгача тутаган адоғи йўқ бугдойзор оралаб кетишади.

Зийдининг онаси эса, атрофга аланглаб, кафтини пешонасига соябон қилиб узок-узокларга термулсада, тутзору пахтазордан бўлак ҳеч нарсани кўрмайди. «Бу жойнинг оти нима?»-деб сўрайди у Дехқонқулдан «Пахтазор»-деб жавоб беради Дехқонқул. Ота-оналар ўз жигарғўшаларини пахта йиғим теримига жўнатишаркан, бот-бот бир нарсани тайинлашади:

-Ариқдан сув ичма-пахтага дори сенади!

-Самолёт дори сенаберса – бекиниб ол!

-Қийналсанг қочиб кела бер! (47-бет).

Чанишев Ақраб кўрбошига башорат қилган шарқона анъаналардан мохирона фойдаланган узокни кўзловчи сиёсатнинг махсулотлари, оқибат натижалари эмасми булар? Катта оғаларига бош эгишдан ўлимни афзал санаган, фирқа доҳийларини улуғлашни астойдил истамаган, партия-совет кўшиқларидан куйлашни ўзига ор деб билган миллат вакиллариининг авлодларига не бўлди? Тоғай Мурод ҳар бир китобхон қалбида ани шу саволни такрорлашга, миллат ғурурини қайта тиклашга, уларни маънавий-рухий жиҳатдан, уйғотишга, курашчанлик, жасорат, фахр-ифтихор сари йўналтиришга интилган мохир носир эди.

Тоғай Мурод одамларни яқранг ҳолда кўрмайди. Роман бошдан оёқ ўга ҳазин оҳангда баён қилинган, нукул жамиятнинг нурсиз нуқталарига диққат қаратилган дейиш инсофдан эмас, албатта. Жамолиддин кетмондан кўра Салоҳиддин бўйрачи бир оз дунёдан бохабарроқ. У фақат қорни очгандагина кетмондан бош кўтарувчи Жамолиддин фаркли тарзда мамлакат ичидаги ўзаро тахт талашишлари, элнинг ҳамжиҳатлиги йўқлиги «оқпошиш»нинг юртга доҳил бўлишига бош сабаб бўлганлигини билади. Намоз ботир элга бош бўлиб ғазот қилар экан, қароргоҳга ўт қўйишларига йўл қўймайди.

Афсуски, Салоҳиддин бўйрачи ғайридинлардан ўзини четга олиш билан нафратини изҳор қилса, Номоз бошчилигидаги оломон қароргоҳга макон қурган беш-ўнта «оқпошиш»ни гумдон қилиш билан юртимизни озод қилдик-деб шод-хуррам бўлишади. Ибодин соков бўлса, бўлаётган воқеаларга эътибор ҳам бермайди. Унинг ягона ташвиши: қатикни сотиб муштипар онасини боқишдангина иборат. Шу боис «оқпошиш»нинг ўқиға

инсон бўлганида ҳам дафъатан нима бўлганини англаб ета олмайди. Ғайридинлар ҳаром қилган қатик учун аясига қандай жавоб беришни ўйлаб, ташвишланиб жон таслим қилади. Унинг ўлими билан Зиёднинг ўлими ўртасида инсонга бефарқлик, бемехрлик, шафқатсизлик нуктаи-назаридан манتيқий боғланиш мавжуддай туюлади. Қўрқув салтанати ўша дамларданок кишилар қалбидан ўрин ола бошламадимикин?

Умархон эшондай нуроний чолнинг эл тақдири ҳақида қайғуришлари, масжид-мадрасаларни оёқ ости қилиш, тоат-ибодат ва илм ўчоғи бўлган муқаддас масканни тўпга тутиш халқнинг қарғишига, ҳақиқатнинг топталишига олиб келишини рўйи-роғ айта олиши ҳазилакам жасорат, оқиллик ва маърифатпарварлик эмас эди. Ўз ерини Жамолиддин кетмонга текинга ҳада қилган Курбон қорақирғиз ёки тоат-ибодатни қанда қилиш ёмон одатлигини баҳона қилиб Жамолиддиннинг қочиб кетишига атайлаб шароит хозирлаган Ахсал нўғой каби ўнлаб қаҳрамонлар борки, улар ранг-баранг қиёфалари билан жонли образлар сифатида китобхон хотирасида муҳраниб қолишади.

Тоғай Мурод роман қаҳрамонларини жонли инсон сифатида тасвирлайди. Уларнинг ҳар бири ўз табиати ва характерлар мантқиғига кўра ҳаракат қиладилар. Ёзувчи ҳаёт ҳодисаларини кўрсатишда ҳам қаҳрамонлар табиатидан келиб чиқишга интилади.

«Дехқонқул» - ота-онаси унга шундай номни танлангани учунгина кўтариб юргани йўқ, албатта. Романни ўқиган ҳар бир китобхон унинг чин маъноси ила ҳақиқий дехқон эканига заррача шубҳа қилмайди. Кузги ер ҳайдашдан тортиб ҳар бир ниҳол, тупроқ билан тиллаша олиш, табиатнинг нотанги қилиқларига кўксини қалқон қилиб туриш, ҳар бир туп ғўзасини норасида ғўдақдай ардоқлаш, силаб-сийпаш Дехқонқулга роҳат бағишлайди. Саратоннинг иссиғида ҳам, кузнинг салқинида ҳам, кишнинг қировли қушларида ҳам даласидан бери келмайди. Ерда қимирлаётган ҳар бир курт-қумурсқаю ҳашоратгача унинг синчков назаридан четда қолмайди.

Қозони ўн қуллаб ғўшт кўрмаган, хотинига икки энлик янги қуйлак олиб бера олмаган, бошқоронги пайтида лоқал олма билан сийлашга қурби ҳам, вақти ҳам бўлмаган Дехқонбой даласидан бўшамайди. Дунё ташвишлари билан яшайди, тиним билмасдан меҳнат қилади. Шунга қарамасдан у ишлаётган колхоз ҳам, бригада ҳам, давлатдан қарзлигича қолаверади. Дехқоннинг кўрган қуни курсин, - деб нўборида беихтиёр китобхон. Ўз дарди, қайғу ва армонларини ичига ютиб яшаётган танги ўзбек дехқонини қадрлагиси, эъзозлагиси келади. Профессор У.Норматов адабиётшунос Д.Қуронов билан суҳбатида бугунги ўзбек романчилигидаги янгича тамойиллар, ўзгаришлар ҳақида сўз юритар экан, Дехқонқул образи хусусида шундай дейди: *“Давил айтиш мумкинки, Дехқонқул образи - ўзбек адабиётида жиддий бадиий кашфиёт. Дехқонқул совет даври адабиётида завқ-шавқ билан қаламга олинган меҳнат қаҳрамонларига пародия тарзида*

яратилган. У – тополитар тузум, қизил империя сиёсати тарбиялаб етиштирган “меҳнат кишики”, “янги инсон” тимсоли”⁸¹

Оғир меҳнатнинг тагида бағри қон бўлган Ойсулувга ўхшаган етти юз эллик учта аёл икки йил ичида ўзига ўт кўйганида уларнинг фақат таналари куйдимики? Ушалмаган орзулари, айтилмаган нафратлари ҳам уларга кўшилиб кул бўладими? Орқада қолган хешларининг юрак бағри ўртаниб, фарзандларининг шўри қуримадими? Бундай саволларга романдаги Дехқонкул оиласи мисолида тегишли жавоб олиш мумкин.

Ўз амалию мансаб курсисидан ажраб қолмаслик учун ҳам ўз жонига қасд қилиш орқали даврдан норозилигини билдирган, сохта ҳаётга, шодлик нафаси сезилмаётган турмушга қарши оловда покланиш эркини рўёбга чиқариб, исёнини номоён қилган кишиларни «эси наст»га чиқаришдан ҳам тоймайдиган мафкурачи Клара Ходжаева том маъноси-ла мархум собик мактаб директорининг қизи эканлигини, сиёсатнинг қурбони бўлган янги авлод вакили эканлигини намоён этади.

Раис бобовнинг, иқтисодчи Холиқовнинг, агроном Темировнинг оиласида ахвол бирмунча тузук. Олдий меҳнатқашдан ажралиб қолган, уларнинг ғам-ташвишларидан йироқ бундай кимсалар ҳам янги даврнинг ялтоқчилари - Нормуродга ўхшаган фаоллари бўлиб кўринади. Баъзан уларнинг ички турмушига ҳам мўралаб кўрсангиз, бу бечоралар ҳам рўшнолик кўрмаётганининг гувоҳи бўласиз.

«Бола-бақрага бошиқа қозон, катталарга бошиқа қозон қайнатман. Билмайман, катталар осмондан тулганми!» - дея Дехқонкулга нолийди раиснинг аёли. (137-бет).

Ўғли Қулмат хурмо нима эканлигини эсидан ҳам чиқариб юборган, уни помидор деб ўйлаган бўлса-да, Нодир иккита хурмо учун оғзи-бурни қонга беланиб: «Хурмо, ота хурмо»-дея кўнгли суст кетиб уйқуга кетса-да, Дехқонкул: «Меҳмон атойи Худо»-деб билади. Ўзининг ўзбекона удумларини улуғлаш анъанасига содик. Қўйдаи юввош беозор Дехқонбой катталарнинг сўзини икки қила олмайди. Болаларининг қишки кийими бўлмаса-да, уст-боши йиртиқ ямок бўлса-да топган тутганини меҳмон олдига кўяди. Вахоланки, сирти ялтироқ меҳмонлар дехқоннинг ҳақиқий ахволини билишса-да бўяб-бежаб кўрсатишга интилишади. Маҳаллий шоирлар ҳам бу бобда улардан қолишмайдилар, албатта.

«Барақалла» деган кишини олқишловчи ўзбек каломини «барра калла» шаклида қўллаётган «билагон» меҳмонлар ҳақида ўйлар экансиз, бир пайтлар Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романида: «Тил келмаган нарсага қанам қандай келсин»⁸² деган башорати қулоқларингиз остида жаранглагандай бўлади. Ерли халққа бўлган мутосабатдаги ўхшашликнинг мутлақо тасодифий эмаслигини англайсиз.

Доктор аёл Нина Сергеевнани инобатга олмаганда йигирма беш мингдан бири бўлган, ноҳақ қамокқа олинган Дехқонкулга дили ачийдиган

⁸¹ Қуронов Д. “Адабиёт надири” ёки Чўлпоннинг мангу саволи. Т.: Зарқалам. 2006, 112 б.

⁸² Чўлпон. Яна олдим созимни. Т.: Адабиёт ва санъат. 1991. 255 б.

биронта кимсани учратмайсиз. Куз-кўриб кулоқ эшитмаган ҳақорат ва қилмаган айбига икром бўлишга мажбур бўлади, саккиз йилга камалиб кетади. Халқнинг кучи йиғи-сиғидан нарига ўтмайди.

Сўнгги дамда ҳам қадрдон далалари дийдорига тўйиб бокиб, хайр-хўшлашар экан Дехқонкул боболарининг аччиқ кўзёшлари, оталарининг пешона терлари, яғир елкалари, аёлларининг хазон умрига гувоҳ бўлган шу далаларига аччиқ-аччиқ кўз ёшларни тўқади.

Дехқонкул албатта соғ-омон қайтишга, озод юртда ҳалол меҳнатининг самараларини кўришга, деҳқон меҳнати енгиллашган кунларни ўз кўзи билан кўришга, қалбидаги меҳрни шу заминга бағишлашга бўлган аниқ ишонч билан кетади. Тоғай Мурод нурли кунларга бўлган оптимистик ишонч руҳи билан романга сўнгги нукталарни қўяди.

2. 5. ИНСОН ШАХСИНИНГ ФАЛСАФИЙ-ПСИХОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Инсон аввало, ўзини тушуниши, кашф этиши, англаши зарур. Шундагина у оламини ва Яратувчисини идрок эта олади. Мазкур ҳақиқатнинг бадий ифодасини Улуғбек Ҳамдам романлари мисолида кузатиш мумкин. Адибнинг илк романи “Мувозанат”⁸³ ҳақида илмий - адабий жамоатчилик томонидан кизгин ва асосан, илқ фикрлар билдирилди. Роман адабий суҳбатларда ҳавуз тилдан-тилга кўчиб, бадий баркамоллиги улуғлиниб келинмоқда. Лекин унинг “*Исён ва итоат*”⁸⁴ романини тушуниш бир қадар қийин кечмоқда. У.Норматов, Д.Тўраев, С.Содиқовларнинг мақола ва рисоаларидаги айрим мулоҳазалар⁸⁵ эса ҳали етарли эмас. Бунинг устига айрим мақолаларнинг муаллифлари шахсга ижтимоий муносабатларнинг маҳсули деб қараш ибтидоий акидасидан келиб чиқиб “*Исён ва итоат*” романига қиймат беришга уринадилар⁸⁶.

Кишилиқ жамиятидаги мутлақ (чекланмаган) эркинлик билан амалдаги идора усули муносабатлари ва романдаги ЭРК батамом бошқа нарсалардир. Чунки асарда зинҳор мутеълик яъни кимсага тобелик ва итоат ҳақида сўз бормайди. Аксинча, “*ижтимоий мезонлар*” қолипига сигмайдиган инсон қалбининг нозик жилолари: феъл-атвори, руҳияти, кўнгил талпинишлари бадий талқин этилади. Ҳар бир персонаж имкон қадар ўз зиддиятлари, фикр-ўйлари билан кўрсатилади. Ҳаммаси бир хил мезонлардан баҳоланмайди. Адабиётимизда 60-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган инсон шахсига янгича ёндошув бугунги насримизда ўзининг яна бир поғона юксалганини Улуғбек Ҳамдам романлари мисолида ҳам намоян этади.

Таассуфки, адабий-илмий фикрнинг навқиронлашуви осон кечмас экан. Бугунги адабиёт ўзига хос бадий-эстетик ходиса. У тубдан ўзгарган миллий онининг, янгиланаётган эстетик тафаккурнинг маҳсули. Бинобарин, ўзликни

⁸³ Улуғбек Ҳамдам. Мувозанат. Т.: Минҳож, 2004

⁸⁴ Улуғбек Ҳамдам. Исён ва итоат. Т.: Янги асравлоди. 2003

⁸⁵ Содиқов С. Ижоднинг ўттиз лаҳзаси. Т.: “ШАРК” НМАК, 2005, 154-166 б. ва б.

⁸⁶ Бу ҳақда қараг: Содиқов С. Исёнинг худуди борми... итоатнинг -чи? // ЎзАС, 2004, 12 ноябрь

ва оламни англаш, изохлаш ҳамда тасвирлашда ранг-баранг йўллардан бориш, тараққиёт йўсинларини муайян шахс руҳияти манзаралари орқали ифодалаш имкониятлари кенгайган. Профессор Қ.Йўлдошев таъбири билан айтганда: “*Ижодкорнинг кўнгли шиш*” га айланган бадий ижод “*Ўзинию Аллоҳини танишга уринган одамлар машғулоти*” га эврилган⁸⁷.

Шўролар даврида адабиётимиз меҳнат кишисининг ўз борлигини оғир захматга бағишлаганини тасвирлаб келди. Янги давр адабиётининг ўзига хос жиҳати алоҳида инсон шахсиятига дахлдор хусусиятлар, унинг руҳияти, хиссиёти, кўнгли муҳим кадриятга айланишида кўринади. БАНИ ОДАМ боласи ниҳоятда мураккаб ва англаш мушкул бўлган Яратганнинг инъоми. Инсоннинг ҳар бир лаҳзадаги аниқ ҳолатлари реал ҳаёт ва бадий адабиётда турлича намоён бўлади. Бадийят тилига кўчган инсон билан реал ҳаётдаги одамни айнанлаштириб бўлмайди.

Чунки руҳият қатламлари нозик идрок этилган манзаралар ифодаси ҳамиша ҳам мантиқий қолипларга сиғмайди. Фикрловчи одамнинг ингичка туйғулариди талай исмсиз манзаралар ҳам мавжудки, улар фақатгина аниқ ижодкорга дахлдор мантиққа таянади. Китобхон руҳий-интеллектуал даражаси жилла курса шунга мувофиқлашсагина ўз чиройини кўрсатади. Аниқ роман ифода йўсинига хос ва тафаккур тарзига дахлдор жиҳатларни илғамоқ эса ижод онларидаги руҳий изтиробни қалбан кечинишдек меҳнатталаб юмушдир.

Эндиликда миллий тафаккур ва эстетик қарашлардаги муҳим ўзгаришлар бадий ифодасини талқин қилишга ибтидоий қарашлар тамомила яроқсиз бўлиб қолди. Шунга қарамасдан, илмий-эстетик қарашлар полифонияси даврида ҳам “*ижтимоий мезонлар*”дан кўнгли узолмаган кишиларнинг айримлари бир қарашда ўта ҳозиржавоб мунаққиддай таассурот уйғотади. Аслида эса бу алдамчи таассуротдир. Бундай мунаққид бадий матннинг ўзидан келиб чиқиб, адабий ҳодисани бағрикенглик билан инкишоф этишга деярлик тайёр эмас.

Истиклолимиздан кейинги даврда ҳам адабий ҳодисанинг зоҳирий белгилари билан қаноатланувчи, асл моҳиятга етиб бора олмаган танқидчи ёши ва ҳозиржавоблигидан қатъий назар, ўз фикрларининг навқирон эмаслиги билангина эмас, китобхонни қалғитиши билан ҳам ақидапарастдир. Зеро, бугун бадий матн “*адабий ўлжа*” ва танқидчи адабиётнинг ҳозиржавоб “*санитарии*” эмас. Ақидапарастликнинг аллақачон умри тугаган. Бирок у тафаккур янгиланмас экан, яшовчан бўлиб қолавераркан. Шуниси равшанки, адабий танқид ва адабий жараённинг чинакам алоқадорлиги асл моҳиятни англаш ва ўзлаштиришга асосланади.

Бизнингча, У.Ҳамдамнинг романнавис сифатидаги бадий-фалсафий концепцияси адибнинг ҳар иккала романини яхлит ҳолда олиб қузатиш орқали салмоқли кўламдорликда намоён бўлади. Бундай қузатув носир маънавий-эстетик идеалини ёрқинроқ тушуниш имконини беради. Қолаверса, “*Мувозанат*” романида миллат кишисининг бугунги ўйлари, интилиш -

⁸⁷ Йўлдошев Қ. Дастлабки доvon белгилари // Шарқ юлдузи, 2001, № 1

изланишлари, рухий-маънавий изтироблари жонли образлар орқали тиник тасвирланган. Рухий сокинликка интилиб, дилдаги ишқни рўёбга чиқариш йўлларию усуллари тополмай, тасаввуф саҳросида эсанкираб қолиб, ўз мақсадига етолмаган Амир фожияси; ўзини толесиз сезиб, хаёлидаги ҳаётни реалликка кўчиришни тилаган, ҳиёнат изтиробларида ўртанган Захро; ижтимоий-маънавий жиҳатдан яққаланиб, рухий кийноқлар ичра ўртанаётган Саид; барча ҳаваслари рўёбга чикса-да, юраги хувиллаб қолган Миразим танҳолиги; башариятнинг ёруғ келажagini илм-маърифатдагина кўрадиган, моддий, манавий - рухий кутбларни уйғунлаштириш зарурлигини тушуниб етган Юсуф ва башқа ўнлаб қаҳрамонлар китобхонлар дилидан жой олди. Бунинг сабаби инсон тафаккури ва руҳиятидаги зилзилалар ичра мувозанатга эҳтиёж сезиш изтиробини теран туйган қаҳрамонларнинг аниқ ҳолату вазиятлардаги кечинмалари шахснинг қайта шаклланиши концепциясига мувофиқ тарзда ифодасини топганлигидадир.

Хўш, “Мувозанат”дан келиб чиқадиган ҳулосанинг асоси нимада? Бизнингча бу ҳар бир инсоннинг ботиний оламида ёвузлик устидан эзгулик ғалаба қилиши лозим, - деган фикрдир. Адиб романда жамият аъзоларининг руҳиятини жамиятлар тақдирини тарихан ўрганиш орқали таҳлил этади. Қурашадиган инсоннинг шаклланиш йўли ҳақидаги мулоҳазаларини бадиий ифодалайди.

“Исён ва итоат” эса илм ва амалнинг теран ихлос асосига қурилиши лозимлиги, Аллоҳ билан рухий мулоқотда бўлишдан келадиган кўнгилдаги фароғат, “Олий Ўнвон”га итоат ҳақидаги фалсафий-психологик романдир. Бинобарин, романдаги мажозий маънодаги ҳақиқатларнинг асл моҳияти яхшилик ва эзгулик учун интилиш ва қурашиш деб талқин қилиниши мумкин.

Адиб “Мувозанат” романида Қуръони Карим кўрсатмалари, саҳих ҳадислар, илми қол ва илми ҳол, Жалолиддин Румий ижоди, шунингдек, дунёвий фалсафага таянади. Улардаги фикрларни гоҳ қаҳрамонлар маънавий-руҳий олами, гоҳ нутқи, гоҳида эса лирик-публицистик чекинишларда илгари суради. “Исён ва итоат”да эса Қуръони Карим сура ва оятлари, илоҳий мазмундаги ривоятлар роман воқелигидан мустақил тарзда, ёндош (параллел) ҳолда берилган. Аслида бу роман ҳам замондошларимиз қисматини ифода этади. Адиб инсон зотининг кучли ва ожиз жиҳатларини турли ракурсларда акс эттиради. Жумладан, қаҳрамонлар қисматини башариятнинг илк тарихи билан қиёсий таҳлил этишда романда илоҳий киритмалардан фойдаланиш ижобий натижалар берган. Улар Одам болаларига *тавба*, *англаш*, *ҳис этиши* йўлини ўтаб, ҳидоятга келиш тақдир эканлигини тасдиқлашга хизмат қилади. Шунингдек, ҳақ йўлидаги БАНДА ҳидоят қилиниши муқаррар эканлиги билан боғлиқ илоҳий-фалсафий фикрни кучайтиради.

Назаримизда, инсоният тарихи қуйидаги уч даврдан иборат деб тушунишни инobatга олмасдан “Исён ва итоат” романининг мантигини англаш мумкин эмас:

1. Илк яралишдаги ҳузур ҳаловат; 2. Эзгулик ва ёвузлик ёхуд жисм ва рух кураши; 3. Қиёматгача солиҳликка эришиш – инсондаги руҳий моҳиятнинг илоҳий моҳият билан уйғунлашуви.

Асарда адиб руҳнинг абадийлиги ҳақидаги таълимотга асосланиб, ҳар бир инсон ўз тақдири учун ботиний курашда зулматга чорловчи майллар билан аёвсиз ва фаол курашиши, ички исёнини жиловлай олиши керак, - демоқчи бўлади. Шу мақсадда инсоннинг ўтмиши, бугуни ва келажаги, оламнинг тақдири ҳақида қизгин ва ҳаяжонли фикрларни ифода этади. Роман бадий концепцияси моҳиятини реал тарихий ҳодисалар ва тарихий шахслар (Эзоп, Галилио Галилей каби) фаолияти билан қиёслаш ижтимоий эрк йўлидаги интилишлар ёхуд маҳдуд қарашлар билан муроса қилишнинг ўзига хос йўли билан айнанлаштириш романдаги исённинг ҳам итоатнинг ҳам белги-аломатларини етарлича илғамаслиқдир.

Бадий ҳақиқат реал ҳаётдан қиёслар қидириш орқали эмас, бадий матнга таянган ҳолда адиб концепциясига яқинлашиш орқали ойдинлашади. Адиб эстетик идеали эса мазкур романда ижтимоий эмас, балки маънавий-руҳий моҳият касб этади. Аждодларимиз зулмат ва ёвузликни моддий олам, нур ва эзгуликни маънавий олам билан уйғун тарзда тушунишган. Улар азалий мувозанатнинг бузилишига нур ва зулматнинг қўшиливи сабаб деб ҳисоблашган. Бинобарин, мифопозтик тафаккур нечоғлик шахслашмасин, моҳият ўзгармайди. Бу ҳол Шарк адабиётида янада ёрқинроқ намоён бўлади.

Демак, *Исён ва итоат* романининг қаҳрамонлари шунчаки ғоянинг жарчилари эмас, балки тирик одамлардир. Шарк одами бутун коинот ва ўзининг мавжудлиги сабабини излаганида моҳият сифатида Аллоҳни таниган. Шу боис бўлса керакки, унинг фаоллиги кўпроқ ботинга қўчган. У ҳамдам асл моҳият сифатида ўз-ўзини фаол англовчи инсоннинг ўз ибтидосига интилишини тушунади. Шу боис ҳам уни мутлақ ғоянинг ривожланиш ҳолати сифатида олиб қарайди. Аллоҳни таниш “мен”нинг оламий рух иродасига ҳиссий итоатидир. Айнан шу нуқтада **и с ё н н и н г х у д у д и т у г а б , и т о а т н и н г с а р х а д и б о ш л а н а д и .**

Романдаги исён ва итоатнинг ҳад-худуди анча кенг. Агар биз инсонлик қисмати: ўзининг абадий маконига қайтиш учун рух эркинлигига эришмоқ, чинакам бахт-саодатни тақдирга ризоликда кўрмоқдир, - деб ҳисобласаккина бу нарса аён бўлади. Бинобарин, роман воқеалари ўзагини кўнгилдаги ўзликни англаш, тушунишдан келадиган Яратганга тобелик итоати ташкил этади. Демак, роман фақат моддий оламда яшашнинг маъноси ҳақидагина эмас, балки руҳий ҳаётнинг мазмуни, туғилиш ва ўлишнинг маъноси ҳақида битилганлиги ойдинлашади. Зеро, БАНДА нинг тарихи ҳамиша ижтимоийлик билан боғлиқ эмас. Инсон мудом ички руҳий ҳолатларда иккиланувчандир. Айнан шу иккиланиш жараёнида бир қарашда фаол куч бўлган ОДАМ нинг хатти-ҳаракатларида муайян чегараларни эътироф этмаслик кузатилади. Тийнагидаги билиш истаги тобора кучайиб, заруриятга айланади. Моддий олам мантиғига мослашмаслик руҳда ИСЁН нинг пайдо бўлиш чидир. Албатта, мазкур исён жараёнида қўзланган мақсад турлича

булиши мумкин. Гап шундаки, мақсадга мувофиқ тарзда моҳиятни англаш ҳам турлича кечади.

Мазкур романга жанрнинг бир қадар ўзгачароқ талабларидан ёндошиш талаб этилади. Ундаги эпосга хос қўламдорликни асар сюжетидангина эмас, балки композициясидан ҳам излаш керак. Романнинг сюжет чизиқлари муаллиф концепциясида узвий пайвандланади. Образларнинг ҳаёт йўли ва тақдир муаллиф фалсафасининг у ёки бу киррасини ўзаро психологик боғлиқлиги жиҳатидан фикран туташиради. Бу ўринда ҳам ўхшашлик, ҳам кетма-кетлик ассоциацияси амал қилади. Натижада, ўзаро уйкаш тақдирлар манғиқан бирлашади. Муаллиф роман қаҳрамонларига “эврилган” ҳолда улар руҳиятига кириб, асар тўқимасида ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам романда қўлланган параллелизм усули китобхонни қаҳрамонлар руҳий оламига олиб кира олади.

Демак, илоҳий таъкидлар баёни шунчаки иловалар эмас. Балки улкан ибрат сифатида қабул қилинувчи, етакчи фикрни тасдиқловчи, эстетик таъсирчанликни оширувчи моҳиятга эга. Илоҳий таъкидлар қаҳрамонлар кўнглидаги иштибоҳдан тугилмиш исёндан халос бўлишлик, идрок ва зехни қувватлантириш – басират кўзини очишда муҳим роль ўйнайди. Чунки, БАНИ ОДАМ қисматининг ўзи исённинг беҳудалигини кўрсатади. Бинобарин, романда зиддиятли ўй-фикрлар тараддуди ва ироданинг тўхтама ҳақида сўз боради. Абу Ҳомид Ғаззолийнинг ёзишича: “*Ботиндаги нурнинг порлаши учун озгина баён кифоя*”⁸⁸ экан.

“*Исён ва итоат*”нинг ҳар бир қаҳрамони ўз қалбини англаб экан, ёмон феълларидан афсус, надомат чекади. Тавбага келган қаҳрамонларнинг қалби эрийди. Ҳаёт тарзи, ички ҳиссиёти, гуноҳни англаши, улўғлик қудрати бир-бирга ўхшамаган қаҳрамонларнинг имон қуввати жиҳатидан мақоми ҳам турличадир.

Романдаги етакчи персонажлардан бири Комил табибнинг самимияти, мулоҳазакорлиги, адолати ўзи умид боғлаган исломий эътиқод билан боғлиқ. У Акбар, Искандар, Нигина каби образларни келажакка ишонч билан қарашга ўргатади, умидлантиради. Рух қаноат топиб, кўнгилга тасалли бериш имконини ҳар ким мустақил тарзда интилиб англаши лозим деб билиб, шогирдларини ҳам шунга йўналтиради. Озурда кўнгли, ранжида бўлган руҳияти кўнгилга Аллоҳ ишки тушгач, изтиробдан холи бўлади. Табиб дунёнинг турли буржларида нафс илинжида турфа эврилишлар содир бўлётганлигини кўрганида инсониятнинг руҳий-маънавий илдизига заҳа етишини ўйлаб чуқур изтиробга тушади. Умр шомида ҳам жамики одамзод гунсхларининг авф этилишини сўраб, кўнгили хотиржамлиги билан саждага бош қўйган ҳолда осонгина жон таслим қилади.

Романдаги Акбарнинг ҳаёт интизоми бузилган. Бунга унинг фитратидаги ОДДИЙ БИР ОДАМ га хос устунликка қасд қилиш, жинсий майлларини қондириш, ғазаб ва нафратини жиловлай олмаслик сифатларидан келиб чиқувчи гуноҳи кабиралар сабаб. Жисмоний қудратига

⁸⁸ Абу Ҳомид Ғаззолий. Тавба китоби. Т., “Мавароуннаҳр”, 2003.

ишонган, жасур ва мард Акбар ўз гурури, кадр-қиммати. Иззат-нафсининг хукмига кулоқ тутади. Бу нарса қахрамон қалбнинг нозиклигидан ҳам келиб чиқади. Иззат-нафсининг поймол этилмаслиги йўлида ўлимга ҳам тик бориши довураклик, жасурлик каби миллий гурури баланд, мағрур йигитнинг ички туйғулари билан боғлиқ.

Бозор одами табиатида ички эврилишларнинг кучайганлиги мохиятан Челябинск шаҳридаги жиноий тўдалар билан дўлвар йигитнинг тўқнашувини келтириб чиқаради. Аниқ вазиятнинг зарурий ва тасодифий жихатлари ўзаро тутшиб, ташки муҳит факторлари бу ҳодисани келтириб чиқариши китобхон тасавурида англашилади. Асарда муаллиф кўзлаган мақсадга кўра воқеанинг батафсил баёни эмас, балки ҳодисанинг финалида Акбарнинг ўзини қандай тутишига аҳамият қаратилади. Шу орқали йигитнинг мардлик гурури очилади. Акбарнинг қутилмаган бойликка эга бўлиши тўдабошининг ундаги сифатларни эътироф этиши, маълум маънода ҳавас қилиши билан боғлиқ. Айни чоқда тўдабошининг кибрланиб, такаббурлик билан Акбарга ўзининг мард ва тантилигини тан олдиришга, номард эмаслигини исботлашга бўлган ички истагидан ҳам келиб чиқади.

Акбар ва Диана муносабатларида тўқликка шўхликни эмас, эҳтимол икки ёлғиз кўнгилнинг руҳий талпинишларини кузатиш керакка ўхшайди. Л.Толстойнинг *“Тирлиши”*, Чўлповнинг *“Кеча ва кундуз”* романларидаги Диана типидagi аёлларнинг маънавий-руҳий тўлқинларини тушуниш, англашга интилиш китобхонга малол келмайди-ку! Қолаверса, йигирма йил тинимсиз ўз-ўзи билан курашган, аёвсиз курашда кўнгил истакларидан-да одамийлик бурчини юксак санаган Акбарни дабдурустдан садоқатсиз ва хиёнаткор деб бўлармикин?!

Акбарнинг шаҳарни тарк этиши етарлича маънавий-руҳий асосларига эга. Қахрамон қалбида узоқ давом этган руҳий кураш – исённинг яқун топиши содир бўлиш эҳтимоли азалдан мавжуд бўлган воқеани туйқус рўёбга чиқаради. Акбарнинг оилага қайтиши ҳам характерлар мантиғидан келиб чиқади. Ҳодисанинг содир бўлиши эҳтимоли азалдан мавжудлигини ҳаммадан ҳам кучли ҳис этган Диананинг бутун умр юрак ҳовучлаб яшаши бежиз эмас. Эҳтимоллик мантиғи объектив қонуният асосида бўй кўрсатади.

Турсунбой ўз фароғатини деярлик унутган, аниқроғи, бу ЖАЙДАРИ ОДАМ шахсий бахт-саодатни оиласидан ажратиб тушуна олмайди. Муҳитга кўниқувчанлик унинг табиатидагина эмас, яшаш тарзида ҳам намоён. *“... Ҳаёт ўйин-қулгудан иборат эмас-ку! Меҳнат қилиш керак, меҳнат! Фақат ишлаган одамгина бахра топади...”* (Роман. 55 б.), – деб билаган жафокаш инсон – Жонталаш ҳам ўз-ўзига ўртагуччи саволларни беради: *“Нега мен шунақаман? Негачамма одамлар катори керак бўлганда ишни қўйиб, тўймаъракаларга бормайман, боролмайман?...”* (Роман. 54 б.)

Ҳа, бизнинг адабиётимизнинг қахрамони ана шундай ўйчил фикрловчи кишига айланмоқда. Миллат кишисининг тафаккури уйғонмоқда. Турсунбой қалбидаги *“терговчи”* дан ҳали *“оқловчи”* устун. Вазиятнинг бунақа тус олишини ҳаёлига ҳам келтирмаган, афсусли ўйлар, иложсизлик ва хижолатнинг зўридан бир нафас ўзини йўқотиб қўйган бўлса-да. Эртасигаёқ

барча кўнгилсизликларни унутиб, хаёли яна ҳар кунгидек ўз иш, ўз ташвиши билан банд бўлиши шундай дейишга асос беради.

Демак, Турсунбойда акасига нисбатан беҳурматлик қилиш белгилари учрамайди. Уни тўйхонадан ҳайдаган аканинг наздидагина Турсунбойнинг ҳаракати шундай таассурот уйғотади. Бироқ акасида бағрикенглик, валломатлиқнинг етишмаслиги Турсунбойни “*нодон*”ликда айбсйтишга олиб келади. Бир жиҳатдан ака ҳам ҳақ. У ёлғиз жигарининг яхши кунларда ёнида бўлишини, эл-юртга аралашини тилайди. Бироқ унинг койишларида худбинона белгилар ҳам йўқ эмас. Турсунбойнинг “*ми одами*” бўлиб қолиши бугун содир бўлаётгани йўқ-ку. Бинобарин, укасини бекадр қилиб, нафсоэиятига тегишга шахсий майллар кўпроқ сабаб бўлмоқда. Турсунбойнинг узроҳлик билан акасининг ҳузурига бориши қаҳрамоннинг тўлиғича этикод одами эканлигини кўрсатади. Зеро, у ёруғ оламдан пок виждон билан хотиржам кетишни имонга мувофиқ амал деб билади.

Бутун умри давомида жони турмушнинг иқир-чиқирлари орасида талошда бўлган Турсунбой ҳаёт ва тириклик шу деб билгани ҳолда “*жони талош*” бўлганлигини билмайди. Ўз табиати етовида, билганидан қолмай яшайди. Машаққатли ҳаётдан қолимайди. Бедаво дардга чалинганида эса ўз ҳаётини таҳлил ва тафтиш этиб, қирчиллама ёшида завол топаётган жонига эмас, кичик ўғлига атаб қураётган иморатнинг ярим йўлда қолиб кетаётганига ўқинган Жонталаш чинакам ўзбек характериدير. У сўнгги дамларда жилла курса акасининг гина-қудрат чангалидан қутилиши, дили оғриб қолмаслигини астойдил истайди. Унга жигарбандининг ўрни роса билинаётган бўлса-да, анча вақт ўртага одам қўйиб ораларидаги гапни элга ошқор этишни ҳам, ўз ҳамиятини енгишни ҳам уддалай олмайди. Ниҳоят Турсунбой ўз гурурини енга олади. Азоблардан ҳалос бўлиб, осойиш топади. Тасалли илинжида изтироб чекаётган руҳи қаноат сезади. Инсон ибтидоси ва интиҳоси Турсунбойнинг дунёсига сиғди. Бутун ҳаёти давомида бирлаштира олмаган нукталарни умри интиҳосидагина уйғунлаштира олди, - дейишимиз мумкин.

Романнинг барча қаҳрамонлари каби Лариса хола ҳам умрининг сўнгги кунларида ўз-ўзини, ҳаётнинг маъносини ёлғизлик ва қаровсилиги туфайли англаб етади. Қисмат юқини ортиқ тортолмай қолган бу кампир қалбида гуноҳлар юқидан қутилиш, бой берилган фурсат учун тавба қилиб, имон руҳини безарар боқий охиратга етказиш истаги туғилади. Ўтмиш хатолари кийноғидан ўсиб чиққан надомат туйғуси унда ўз-ўзидан нафрат, қасд олиш ҳолатини келтириб чиқаради. Гуноҳга ботган вужудини ўлимга маҳкум деб билиши шундан. Қазоб Маҳкамнинг болаларини, Диана ва Акбарни ҳам унутмаган олижаноб кампир кўнглида гина-қудратдан асар ҳам қолмаган эди. Гуноҳнинг каффорати пушаймонликдир, - деган ақидага таянсақ, тавбага келган Лариса холани ҳам қалби ҳалим бандалар қаторига қўшамиз.

Бироқ бу жайдари аёлнинг маънавий-руҳий даражасини профессор С.Содиқовнинг Навоий тақдирига қиёслаши дуруст эмас. Азбаройи Аллоҳга бўлган муҳаббатининг мукаммаллигига даҳл қилмаслик, Яратган билан руҳий уйғунликни таъминлашга бир умр интилган Низомиддин

мартабасидаги МУТАСАВВУФ ШОИР ва ШАЙХ нинг улуг даражоти ўз вақтида оила куриб, фарзанд кўрмаган ҳар қандай жайдари олам мақомидан юксакдир. Бинобарин, муқаддас китобларда айтилганидай, одамзотнинг рух ҳаёти ҳақидаги илми ниҳоятда камдир.⁸⁹

2. 6. КЎНГИЛ МУЛКИ

Яқинда “Шарк” НМАК Бош тахририяти Саломат Вафо каламига мансуб “*Тилсим салтанати*”⁹⁰ номли китобини чоп этди. Китобдан шу номдаги роман билан биргаликда адибанинг ҳар хил мавзудаги ўн олгита ҳикояси, шунингдек, профессор Қ.Йўлдошевнинг “*Умиднинг улғайиши*” номли сўнгсўзи ўрин олган. Асосан ҳикоянавис сифатидаги тийран ва безовта нигоҳи, инсон кўнглининг поэтик товланишларини куюнчаклик билан илғашию ифодалаш маҳорати бир вақтлар истиқболига умид уйғотган Саломат Вафонинг ўзбек аёллари орасида биринчилардан бўлиб роман ярагиши умиднинг улғайишига далолатдир, дейилади сўнг сўзда.

Олим С.Вафонинг наслдаги қатор муваффақиятлари: ифода ва услуб самимийлиги, ҳолатлар ишончлилиги, қаҳрамонлар тимсоли таъсирчанлиги, тилдаги ўзига хослик сингари ютуқларини эътироф этади. Шунингдек, романнинг айрим ўринларида англаниши мушкул бўлган, бадиятга хизмат қилмайдиган пардасиз натуралистик тасвирлар, яланғоч ифодалар, ишрат саҳналари учраши ортикчалигини ҳам ўринли танқид қилади. Умуман, асар “*чин маънодаги роман*” сифатида баҳоланиб, китобхонлар ҳукмига ҳавола этилади.⁹¹

“*Ўзбекистон адабиёти ва санъати*” газетасининг “*Доимий ҳамроҳ*” рўкни остида тахририят томонидан тайёрланган қисқача ахборатда С.Вафонинг янги асари ҳақида билдириш берилди⁹². Китобнинг адади, мундарижаси, образлари ҳақида мухтасар маълумот берувчи лўнда бу маълумотни асар нашридан кейин вақтли матбуот саҳифасида пайдо бўлган дастлабки тақриз дейишимиз мумкин. Орадан ҳеч қанча фурсат ўтмасдан ҳозиржавоб мунаққид профессор С.Содиқовнинг “*Самиранда исёни*”⁹³ номли мақоласи чоп этилди. Мақолада олим асосий эътиборни “*Тилсим салтанати*” романига қаратади.

Бизнингча, С.Вафонинг ҳикоячиликдаги тажриба ва изланишлари роман яратиш учун муайян замин вазифасини ўтаган. Зеро, ҳаёт ҳодисалари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини кўнғил туйғуларига йўгириб, кечинмаларга буркаб беришда адиба ҳикоячилигида тўпланган тажрибаларни четлаб ўтиб, “*Тилсим салтанати*” ҳақида фикрлаш, тайинли мулоҳазалар билдириш мушкул.

⁸⁹ Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т.: “ШАРҚ” НМК, 1992.

⁹⁰ Саломат Вафо. *Тилсим салтанати*. Т.: “Шарк” НМАК Бош тахририяти. 2004.

⁹¹ Йўлдошев Қ. Умиднинг улғайиши // С.Вафо. *Тилсим салтанати*. Т.: 2004, 314 – 318 б.

⁹² Доимий ҳамроҳ // ЎзАС. 2004, 20 – август.

⁹³ Содиқов С. *Самиранда исёни* // ЎзАС. 2004, 3 – сентябр.

“Тилсим салтанти” романида эпик планда тасвирланган қаҳрамонларга хос кўплаб белгиларнинг штрихлари Саломатнинг ҳикояларида мавжуд.

“Қора бева” ҳикоясидаги беканинг кибрли ва улугвор нигоҳи малика Фалестриянинг чизгилари бўлиши мумкин. “Ўлим қўргони”даги жангда шахид кетган суворий аёллар мағрурлиги, садоқати, сабр-бардоши ҳақидаги сатрлар шунчаки қаламга олинмаган. “Бўтан тоғи”даги маликанинг тахтада викор билан арз сўраши, атрофида суворий қирқ қизлар мавжудлигию кўраларида арлонлар хуриб турганлиги билан боғлиқ ривоят роман сюжетига асос бўлган. Арзанда қизининг касалга чалиниши билан дарров жонига жонлик атаб, бало-қазоларни ҳайдашга уринган онаизор (“Фаршита”) образига хос белги-хусусиятлар романдаги инжиқ табиатли қўргонлар онаси характерига кўчган. “Элат” мозаикасининг “Пирим бува” бўлимидаги беданинг бошни айлантирар даражадаги иси, от билан тиллашувчи одамга хос сифатлар романда пейзаж манзараларини ишончли чизиш, характерлар руҳиятини очишда кўл келган.

Айниқса, “Унитилган аёл” ҳикоясидаги ғам-ғуссали рух Йўлсултоннинг ғариб қисмати, алам-изтироблари, тақдир етовида кўнгил истаги учун қурбон бўлиш фожиаларини ёритишда яқиндан ёрдам берган. Онанинг бурдаланган танасида қолиб кетган норасиданинг тим қора сочли бош чаноғи билан боғлиқ тасвирлар, қурбон бўлган вужуд парчаси ҳақидаги ҳикояда акс этмиш руҳий жараёнлардан ўсиб чиққанлиги шубҳасиз.

Дарҳақиқат, қаҳрамоннинг ўз-ўзини англамок учун синов манзилларини босиб ўтиши, тасвирда параллелликка интилиш, ифодада рамзийликка алоҳида эътибор бериш сингари жиҳатларда С.Вафо кичик настри эпик кўламдорликка ўтишда ўзига хос кўприк вазифасини ўтаганлиги кузатилади.

Албатта, адиба ҳикояларининг аксарияти аёл руҳий кечинмалари, кўнгил жилваларига эътибор кучлилиги, қалбида бир дунё орзу-тилқалари, интилиш-ниятлари бўлган ҳар бири ўзига хос қаҳрамонлар тасвирланганлиги жиҳатидан муштараклик ҳамда алоҳидалик касб этади. У ўзига хос характерларнинг инсоний фожиасини кўрсатишга кўпроқ аҳамият қаратади. Айтиш мумкинки, ҳаётийлик, жонли лавҳалардаги тирик одамлар ҳаётининг хаёл, туш, хотира қоришиқлигида теран рамзийлик билан ҳазин оҳангларда чизилиши, оддий ва жўн туюлган воқеалардан улкан мазмун топиши адибанинг йирик эпик манзаралар тасвирига ўтишига йўл очган.

Демак, Саломат бадиий ният салмоқдорлиги, воқелик моҳиятига чуқур кириб боришда қаламини чархлади. У инсон қадри азалий кадриятлар, одамлараро муносабат каби масалаларни турмуш зарбаларига дучор бўлган тақдирлар кўнглидан излайди. Мавжуд муносабатларнинг ғайринсоний пардасини кўтаришда шафқатсиз реализмга риоя қилади. Шу маънода “Тилсим салтанти”ни аёлнинг дахлсиз салтанати – кўнгил мулки ҳақидаги роман дейиш мумкин.

Санжар Содиков мақоласида мазкур романга асос бўлган реал тарихий воқеалар билан унинг бадиий тасвири ўртасидаги генетик алоқадорликни аниқлашга уринади. Олим кўпинча сабаб ва натижа мантигига таянади.

Ҳодисаларнинг сабаби ва романда қўлланишидан кўзланган мақсадга алоҳида эътибор беради. У воқелик романга хос бадий талқиннинг вужудга келиши ва яхлит сюжет чизиғи яратишини таъминлаган омилларни аниқлашга ҳаракат қилади. Самиранда характери шаклланган шароит ва унинг ирода йўналишини белгиловчи етакчи хусусиятларни тўғри белгилайди. Ўрни билан мунаққид “*Тилсим саптанми*”ни рус ёзувчиси М.Шевердиннинг “*Санжар ботир*” романи билан воқеалар тасвири, тарихий манбалардан фойдаланиш жиҳатидан қиёслади. Уни воқеаларнинг тарихий китобларга мувофиқлиги, бадий тимсоллар тилига кўчган қадимият белгиларининг китобхонни қизиқтиришлиги, муаллиф ҳаётининг мантиқ асосида далилланганлиги, саргузаштларнинг асосланганлиги кўпроқ жалб этади. Романнинг давримиз ҳаётига ҳамоҳанглиги ва долзарблигини ҳам ўтмиш манзараларининг мантикий далилланганлиги, сюжет ечимининг ишонарли тарзда етарли асосланганлигида кўради.

Олим романда бир қадар эриш туюлувчи ўринлар, қуруқ таъкидлар ҳам мавжудлиги, асарнинг тугалланмагандай таассурот қолдириши каби эътирозларини ҳам баён этади. Окбош Ёлқут ҳақида сўз кетган ўринларда мунаққид ҳодисаларнинг қаҳрамон руҳиятига таъсири, руҳий олам манзараларига диққат қаратади. Бизнингча, мақолада айнан шу жиҳатни кучайтириш лозимдай туюлади. Чунки роман дунёни муаллифнинг ўз хоҳишига мувофиқ талқин қилувчи жанр – “*субъектив эпопея*”⁹⁴ (И.В.Гёте). Унда нафакат воқелик балки ҳис-туйғулар ҳам акс этади. Унда эпик масофа ҳамиша ҳам сақланмайди. Замонавий координатларни тубдан ўзгартириш имконияти кенг⁹⁵ (М.Бахтин). Ягона поэтик канонлари мавжуд бўлмаган мазкур жанрда ҳамиша ҳам воқеалар мантиқан яқунланавермайди⁹⁶ (В.Кожинов)

Қолаверса, талқин йўллариининг тобора янгиланиб бораётганлиги, муаллиф баёни, ифода восита ва усулларига бўлган муносабат ўзгарганлигини ҳам назардан қочирмаслигимиз лозим. Тўғри, тарихий шахсларни бир вужуд сифатида давр ҳодисалари олаmidан ажратиб бўлмайди. Бирок тарих ҳодисалари бағридаги аждоқларимизнинг барча хатти-ҳаракатлари қатъий сабабий боғланишга эга, деб ўйлаш ҳам тўғри эмас. Албатта, тафаккур жараёнида фикр-мулоҳазаларнинг мантикий жиҳатдан асослаб берилиши фикрлар тизмасида ички боғланиш мавжудлигини кўрсатади.

Адибанинг бадий фантазиясида яралган роман воқеалари объектив реалликда кечмайди. Шу боисдан уларга “*ҳаётда бўлиши мумкин*”лиги нуктаи назаридан ҳам, тарихий ҳақиқатга мувофиқлиги жиҳатидан ҳам ёндошиб бўлмайди. Аксинча, эстетик оламнинг реал борлиқда яратилишига имконсизлиги ва ижтимоий-эстетик идеалга мослиги⁹⁷ (Б.И.Саримсоқов) муҳим аҳамиятга моликдир. Инсоннинг табиий тафаккури, туйғу-

⁹⁴ Гёте И.В. Собр. Соч. В десяти томах. Т.: 10. М.: 1980, С. 424

⁹⁵ Бахтин М. Эпос и роман // Литературно-критические статьи. М.: 1986

⁹⁶ Кожинов В. Роман – эпос нового времени // Теория литературы. М.: 1964

⁹⁷ Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. Т.: 2004, 90 б.

кечинмаларида ҳам муайян изчиллик мавжуд. Шарқ одами ҳамиша олий ахлоқий талабларга риоя қилишга интилган. Оламда содиқ бўлаётган жараёнларнинг характерини англаш йўлида ақлан зиддиятлар ичида иккиланган. Ҳар қанча ангиномияли бўлмасин у эътиқодида собит бўлган. Демокчимизки, ижодкорнинг ҳодисалар оламини ўзича англаши, ҳис этиши билан ёғлиқ мураккаб жараёнларни сабабнинг объектив характери ҳақидаги тезис билан изохлаш мумкин эмас.

Нахотки, аждодларимиз ҳеч бўлмаса зоҳиран иккиланмаган, хатти-ҳаракатларида ҳам кўнгил тилаги бўйича эркин бўлмаган бўлишса. Ахир ҳар бир одам боласи ғайри ҳиссий оламнинг вакили ўларок жумбок эмасми? Бизнингча, бадий асарда тасвирланган эстетик ҳодисанинг ҳаётда мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги нафосат завқини туймоқ учун муҳим эмасдир. Зеро, қалам аҳли ҳамиша ҳам ақлнинг назоратига бўйсуниб яшамайди. Бинобарин, бадий-эстетик ҳодисани объектга мувофиқлиги жиҳатидан асослаб бўлмайди. Бу ўринда гап бадий ҳақиқат бағридаги фикрларнинг ички мувофиқлиги, ҳодисаларнинг қахрамонлар руҳиятига таъсири хусусида бўлиши мумкин.

Ҳар бир ижодкорнинг борлиги эркин вужуд сифатида барқарор, Аллоҳни таниши индивидуал кечганидек, талқини ҳам ўзига хос. Унинг имон-иродаси, эътиқод-маслагига ҳамоҳангдир. Ахлоқий масалаларни бадий талқин қилишда воқелик бевосита (мувоқаба тарзида) пайқаладики, мазкур жараённинг психологик жиҳатлари бизда нисбатан кам ўрганилган. Шунга айтиш мумкинки, уни ҳамиша ҳам мантикий тушунчаларда ифодалаб бўлмайди.

Саломат Вафо *“Тилсим салтанти”* романини ёзишда тарихий-этнографик манбалар билан яқиндан танишган. Машҳур тарихчи Геродот изоҳлари, Я.Илёсовнинг *“Сўғдиёна”* асаридаги маълумотлар, шунингдек, *“Аёллар ҳақида афсоналар ва мифлар”* типидagi китоблар, Ф.Сулаймоновнинг *“Шарқ ва Фарб”* асари муаллифнинг ҳақли эътирофича, ана шулар жумласидандир.

Марказий Осиё халқлари эпоси, дунё халқларининг тарихий манбалари гувоҳлик беришича, шавкатли аёл тимсоли тарихимиз ва адабиётимиз учун тамомила бегона эмас. Агар биз *“Алпомиш”*даги Барчин, Қалдирғоч; *“Сўйсулув”*даги Ойсулув; *“Қирқ қиз”*даги Гулойим, Олтиной, Сарвиноз; *“Қоблан”*даги Куртка; *“Шаҳриёр”*даги Анжим; *“Маспошишо”*даги Ойпарча каби ботиб ва курашчан аёллар, Тўмарис, Зарина каби ҳукмдорлар образларини эсласак, фикримизнинг тўғрилиги ойдинлашади.

Ўзбек романчилигида амазўнлар шавкати, ҳаёт тарзи ҳақидаги айрим қайдлар М.Қorieвнинг *“Сўғд ўғлони”*⁹⁸ романида Самарис ва Нобия образларида тавсифий-эпизодик тарздагина учрар эди. *“Тилсим салтанти”* романида эрамиздан олдинги IV – III асрларда яшаган жасур амазонкалар ҳаёти, маънавий-руҳий дунёси ҳақида сўз боради. Адиба тарих китобларида битилгандай, амазонлар шавкати ҳақида ёзмайди. Балки асрлар шамоли

⁹⁸ Қorieв М. Сўғд ўғлони. Т.: Фан, 1994 (Романнинг *“От ўғриси издан”* фаслига қаранг 30-38 бетлар)

тақдирини ўзгартирган, амазонлик ойинлари барҳам топиб, заволга учраётган таназзул даври ҳақида сўз юритади. С.Вафонинг ростўйлиги ва самимияти романда яққол кўзга ташланади. У *“Менинг ғамларимга шерик азиз дўстим”* (56 б.) - дея мурожаат қилади китобхонга. Баъзан эса: *“Самирандинг бу ҳолатини тасвирлашга ожизлик этармикан қаламим деб кўрқаман ...”* (88 б.) - дея ифода топа олмай ҳайратда қолганлигига иқрор бўлади. Бундай ўринлар беихтиёр Абдулла Қодирийнинг *“қаламим ожиздир”* кабилидаги эътирофларини эсга туширади. Саломат Вафо шу тарика бизни ўз туйғу-кечинмалари, кайфият-ҳолати оламига олиб киради.

“Тилсим салтанти” романи сюжетини ташкил этувчи марказий қаҳрамонлар ёхуд композицияни кўтариб турган устунлар иккита. Булар Самиранда Йилдирим ва малика Фалестриялардир. Романда тасвирланган бошқа ўнлаб қаҳрамонлар ҳам характер сифатида нисбатан мустақил қимматга эга бўлсалар-да, шу икки қаҳрамон теварагида айланади. Уларни тўлдириб, муайян жиҳатларини очишга хизмат қилади. Бироқ роман қаҳрамонлари дафъатан икки кутбга ажралиб қолмайдилар.

Мархум малика Ойкут Илтунга қабиланинг қадимий удумларига катъий риоя этган. У ўзининг адолатли ҳукмдорлиги билан одамлар қалбида, атроф-мамлакат ҳукмдорларида эзгу таассуротлар қолдирган. Собиқ малика ҳаётлик чоғида кизи Самирандага: *“Сен қуёш чиқаётганини, кўк ёришаётганини, олам уйғонаётганини аввал юрагингда, вужудингда ҳис эт, англа”*, - деб уқтиради. Хужумкор арлонларни тарбиялашни-да ўргатади. Кизини Фалестрияга кўрсатар экан: *“Бу сенинг қиёматли боваринг”*, - деб таъкидлайди (125 б.).

Ойкут Илтунга руҳан нозик сезимларга ошно, сиёсатда доно, жангда мохир бўлган. Буни биз кўрганлар онаси ва Хоразм ҳукмдори Фарасмонларнинг она иззати учун Самирандага бўлган меҳрибончиликлари мисолида кўришимиз мумкин: *“Малика Ойкут иззати учун ҳеч қачон савромат ерига от суриб бормадим. У ўлган йили пешкаш ҳам олмадим”*, - деган Фарасмоннинг мархумага бўлган эътироми Самиранда қалбини тўлқинлантириб юбориши, унинг онасини қўмсаган боладай кўнгли бузилиб, кўзига ёш олиши бежиз эмас. Онаизорнинг шон-шухрати Самирандани доим химоя қилар экан, қаҳрамон ҳар гал бу чархи дунёда ёлғиз эмаслигини ҳис этади. Кизига турфа меҳрибончиликлар кўрсатилаётгани Ойкут Илтунга ҳаётидаги эзгу амалларнинг мукаррар ҳосиласи эди.

Роман воқеалари кечаётган замонда тахт тепасига келган Фалестрия қонуний малика эмас. У аслода хонимнинг кизи бўлмай, дарё сртидан келтирилган қулдан туғилган. Романда унинг қандай қилиб тахтни эгаллаши тасвирланмайди. Маликанинг аксарият пинҳона ишлари каби бу сири ҳам кўпчиликка аён эмас. Тахмин қилиш мумкинки, Ойкут Илтунга ишончига кирган маккора аёл қинғир йўллар билан тахтни эгаллаган. Бу борада унга Окбош Ёлқут сингари садоқатли хомийлари яқиндан ёрдам берган. Бу ҳолат характерлар мантиғи таҳлилидангина келиб чиқиши мумкин бўлгани ҳолда романда мавҳумлигича қолган. Чунки муаллиф қабиланинг бутун тарихини хронологик тарзда ёритиш мақсадини кўзламайди.

Адиба савроматлар қабиласининг ота-боболари (романда кўпроқ оналар ва бувилар дикқатда туради. И.Б.) нега амазонликни урф-одат даражасига кўтардилар? Ўз мақсадларини амалга оширишда қатъий чегаралар: ўнг кўкракни куйдирмасдан жангга кирмаслик. Уч нафар ёв эркагини ўлдирмасдан эрга тегиб, уй-рўзгор қилмаслик қонунларини барқарор этдилар? – деган саволларга жавоб излайди. Саломат бу аёлларнинг жангарилигидаги шаън-шавкат фақат зохирий ҳол деб билади. Улардаги юртпарварлик, мағрурлик, курашчанликнинг теран эътиқодий асослари мавжудлигини инкор этмаган ҳолда, жангчи аёлларни ҳам она тўққан, уларда ҳам барча аёл зотига хос хусусиятлар мужассам деган концепцияни қаттиқ туриб ҳимоя қилади. Амазонлик ойинларида инсоннинг кўнгил майлига, хоҳишига қарши қаратилган ёввойиликни кўради. Аёлнинг орзу-интилишлари, юрак талпинишлари, имон-эътиқодини зўрлик ва ситам билан поймол этишни шу жинсининг вакили ўлароқ теран ҳис этади, улкан зулм сифатида ифодалайди.

Романда худбинлик, ғараз, риё, ёвузлик, шуҳратпарастлик ва кибр билан эзгулик, дўстлик, биродарлик, аҳиллик, меҳр-шафқат, муҳаббат, садоқат туйғулари ўртасидаги аёвсиз кураш қаламга олинган. Асарнинг хотимаси Шарқ адабиёти анъанасига мувофиқ разолатнинг маҳв этилиши эзгулик ғалабаси билан якун топади.

Самиранда табиатида онасидан мерос хислатлар бисёр. У табиат уйгонмасдан туриб, салқин ҳаводан нафас олишни, тонгни кўришни, даладашга соғинч билан боқиб, қизариб келаётган уфқни томоша қилишни хуш кўради. Нафис туйғуларга ошно бўлган бу кизда бўйсунмаслик ва мағрурлик, адолатни барқарор этмоқ учун фаол курашчанлик хусусиятлари мужассам. Қабилладаги парокандаликни ўнглашни кўнгил тилақларидан-да устун сановчи, мард ва жасур аёл бўлган Самиранда ўз ҳаётини савроматлар еридан ташқарида ҳис эта олмайди. Хоразм ҳукмдорининг ўғли шахзода Бейбарсбек тилаганида ҳам, юртдан кетишни ҳиёнат деб билади. Чорасиз қолган душман лашқарига ҳужум қилишни адолатсизлик санайди. У ўз жонини сақлаш умидидагина кўнгли тиламаган сиёнбий-тўба қабиласининг сардорига итоаткор хотин бўлишни ор деб билади. Маккора Кунсулув тадбиркорлиги олдида ожиз қолиб, кин, адоват тўла ёлғонларга алданади. Ўз юртида бўлаётган адолатсизликларга чидаёлмай ёвузликлар маконидан бош олиб чиқиб кетади. Қувғин ва таъқибларга сабр-бардош билан чидаб, номаълум тақдирга юзма-юз боради. Азоб-уқубату, ғурбат-мусибатлар ҳам унинг орзу-умидларини батамом сўндира олмайди.

У эътиқолида собит БАЛАНД аёл. Шу боис ҳам Самиранда инсон эрки чекланган ҳаёт тарзига кўника олмайди. Тақдирнинг аёвсиз зарбаларига дуч келиб, дунёдаги разолат, қабиҳлик, ёвузликларга қарши кучли нафрат туяди.

Саломат Вафо Самирандани тамомила идеаллаштириш йўлидан бормайди. У кўпинча кўз ўнгимизда ЖОНЛИ БИР ОДАМ сифатида намоён бўлади. Қирқ қизлар кўрғонига қувилганида, ҳаммомда ўлим билан юзма-юз келганида, асирликда бир қултум сув ва бир бурда нон илнжида ўртанганида, хун саркардаси Сатрак кучоғида хирсу ҳавас туйғуларига

енгилганида , азоблардан толган елкаларини Бейбарсбекнинг алл коматига суянч сифатида босганида на саркарда, на амазон, балки ОДДИЙ БИР АЁЛ сифатида намоён бўлади.

Дарҳақиқат, Самиранда меҳрга ташна қалбига ўзга бир қалблардан паноҳ истаганида, ғурбатли кунларда эркакнинг оташнафас бўйларидан мадор топганида калбимизнинг яқин ҳамроҳига айланади. Ҳатта аёл ҳаётининг мазмуни – эркакка талпиниб яшамок эканлигини англаб, эркак соғинчида бир вақтнинг ўзида руҳан икки йигитга талпинган антиномияли онларида ҳам унга нисбатан ётлик, бегоналик туймаймиз.

Самиранда бирданига исёнкорга айланмайди. Қабиладан жahl устида чикиб кетиб, кондоши Йўлбудунни излаган, Кукбўри мулкда муайян муддат яшаган қаҳрамонимизнинг ўз боврини эътиқодсизликда айблаб, дастлабки ишкон туғилиши билан савроматлар олдига қайтган дамларида калбда исён уйғонмаган эди. Амазонликнинг завоЛ топаётганлигини англаган сари унинг қарашларида ўзгариш пайдо бўлади. Қари Энаф сулоласининг таназзули туфайли бу ўзгариш ўзининг авж нуқталарига етади. Ўзга элда яшаса ҳам амазонлиги учунгина қатл этилган Йўлбудунни ноҳақ айблаганини тушуниб, афсус чеккан Самиранда эндиликда чинакам қурашчига айланади. Салтанатни қайтариш ва кўкрак куйдиришу уч ёғий эркакни ўлдиришдек ғайрихлокий, ғайриинсоний чекловларга барҳам бериш мақсади қатъийлашади.

Ўз кондошларининг қонини тўкибгина юртда адолат ўрнатишдек калтис йўлни танлаган Самиранданинг тафаккури “*уй-фиқрлар залворидан букилиб кетган*”, она тупрокни ўпиб, пешонасига сурганида кўзларида меҳр ва қаҳр қоришиқ ёшлар йилтиллаб, “*ичида нимадир узилгандай қалтираб*” кетган лаҳзалар романда психологик жиҳатдан нафис чизилади: “*Қадаминг хуш*”, деди инграган тупроқлар. “*Лашкар тортиб келган сенми*”, деди бадланган қалъа сингари тасвирлар унинг руҳиятини ёрқинроқ ифодалашга хизмат қилади. Хоразмшоҳдан мадад олиб юртида адолат ўрнатмокни тилаган Самиранда изтироблари беихтиёр Моварауннахрга қайтиб ўз ҳокимиятини тикламок ниятида шоҳ Исмоилдан ёрдам олган Бобур руҳий тўлқинларини эсга солади. Гарчанд романда диний-эътиқодий ихтилофлар кузатилмаса-да, Самиранда калби янги тузилган игтифоқнинг элдошлари кирғинига боис бўлишлигидан қаттиқ ўртанади. Қасоскорлик туйғуси уни айни дамда бешафқат бўлишга ундайди. Кўк Тангригагина имон келтирган Самиранда яна тақдир етовидаги кимсага айланади. Одамлар киёфасидаги ва жанг майдонидаги ваҳшат баданни сескантирар даражада таъсирчан чизилади. Хайрли кунлар умидидаги Самиранда душманнинг жасади устида ҳам раҳм-шафқат туйғуларига лиммо-лим қалби билан намоён бўлади. Лаҳза олдинги қасоскорликдан асар ҳам қолмайди.

Онаси Ойқут Илтунга тахтини ғуссали бир аялсзда, ярадор ҳолатда қайтариб олган маликанинг илк фармони амазонлик оинларига чек кўйиш бўлади. Боши балинд Самиранда тақдирида қадим момоларнинг руҳи яққол намоён бўлган. Романга эртанги кунлар умиди аксланмиш пейзаж

манзаралари билан сўнги нукта кўйилишида ҳам теран рамзгайлик мужассам.

Малика Фалестрия – ғоятда гўзал ва маккора аёл. Тахт тепасига чиққач, Самирандани ўзига саркарда қилиб олган. Уни доим кўз ўнгида сақлаш, полхона кузатиб туриш баробарида давлатини мустаҳкамлашда фойдаланиб қолишни ҳам назарда тутган. Барча амазонлар каби Фалестрия ҳам ойна шартларини мукамал бажарган. У оила куриб, сиёсат майдонидан четлашишни худбинона интилишлари боис доим пайсалга солади. Қаҳри қаттиқ ва шафқатсиз бу аёл қабила бошига ёғилган барча бало-қазоларнинг бошида туради. Роман давомида у ўз мақсадларини нечоғлик яширишга уринмасин, барибир буни уддалай олмайди.

Муаллиф бу характерни чизишда Фалестриянинг тахт даъвосидаги худбинона интилишларига кўпроқ урғу беради. Малика бунёд этган кўрқув салтанатида ўз хомийси Оқбош Ёлқутдан тортиб, қирқ қизларгача поёнсиз бир тахлика остида яшашади. Тасвирда маиший-ахлокий масалаларнинг биринчи планга чиқиши романда ижтимоий муаммоларга бўлган эътиборни бир қадар сусуайтиргандай таассурот уйғотади. Маликадаги мағрурланиш шу даражага етганки, у Фарасмонга итоат этишни-да истамайди. Айнан шунинг учун ҳам жазога мустаҳиқ деб топилади. Унинг бахил хотин Оқбош билан топишиши ҳам бежиз эмас эди. Тошбағирликда малика ундан қолишмайди. Раҳм-шафқат туйғусидан бегона бўлган кўрқинч маликаси неки инсоний кадр-қўлмат бўлса, барини топтаган. Сафдошларининг садоқати, норасидаларнинг нола-афғонлари, кексаларнинг илтижолари унинг муз қалбини эрита олмайди. Жон-жаҳди билан зўравонлик асосига қурилган ҳокимиятини мустаҳкамлашга тиришади. Малика инсон зотининг ҳам зоҳирий, ҳам ботиний эркига раҳна солувчи ўтакетган мутаассиб. Аҳмоқона тақаббурлик ва мутаассибликнинг бирикуви унинг эътиқодига ҳам таъсир этган. У гўёки ўзини амазонларнинг муқаддас қасами ва ойини ҳимоячиси деб билади. Кўнгили истаги йўлида бош кўтарганларни шафқатсизларча жазолар экан, ана шу мутаассибона эътиқодидан келиб чиқади. Бу шафқатсизликлар унинг наздида адолат бўлиб кўринади.

Афсуски, Фалестриянинг ҳулқ-атворини белгилашда амазонлик ойналари – унинг психикаси муҳим унсири сифатида интеллектуал ҳаётларини бошқарса-да, у хурофот доирасида чекланиб қолган кимса. Маликанинг жоҳиллиги иродасининг сустиги ва табиатан ўжарлигидадир. Унинг характерида ҳукмронлик ва ўз раъйини ўтказишга мойиллик, шухратпарастлик ва эгоизм устун туради. Барча қасофат мана шунда. Чунки у бировлар ҳақида ҳукм чиқарар экан, ана шу ҳиссиётлари исканжасидан чиқа олмайди. Бу эса уни инсоний кечинмаларни тўғри ҳис этиш қобилиятидан маҳрум этган.

Фалестриянинг ҳис-туйғуларга ғоят берилувчанлиги қатъиятсизлик ва беқарор тийиксизликни ҳам келтириб чиқарган. Маънавиятдаги бу беқарорлик уни ҳамиша жиноятга етаклайди. Фақш ишлар билан шуғулланишнинг барҳам топиш ўрнига доимий одатга айланиши ҳам бежиз эмас. Ҳамоатчилик наздида нуфузини йўқотмаслик, эътибордан қолишдан

кўркиш туйғулари бу борада ҳам маликани жиноятлар эвазига ўз айбини бекитишга ундайди. Малика нақадар қудратли бўлиб кўринса ҳам, вужудининг оддий бир талаби олдида дафъатан ожиз ва жайдари гёлга айланади. Нафси қониши билан эса яна ўз аслига эвриладики, Саломат Вафо характерлар руҳият дунёсини маҳорат билан чизиш орқали нафақат ўз ўқувчисини танг қолдиради, балки унинг сезимлар тизимини остин-устун қилиб юборади. Китобхоннинг одам ва олам ҳақидаги тасаввур ва ўйларига, аёл ҳақидаги фикр-туйғуларига бундай кучли таъсир эта олиш адибанинг ютуғидир.

Романда балоғатга етишнинг махсус маросим орқали қонунлаштирилиши реал ҳаётининг асосининг ғайрихлоқий эканлигини кўрсатиш орқали қатъийлашган ижтимоий анъаналарнинг парчаланиш жараёни кўрсатилади. Яқка шахснинг хоҳиш-иродаси жамиятнинг ижтимоий асослари дарз кетишининг олдини ололмайди. Чунки амазонлик ойнасининг рухий-психологик функцияси бўшашган эди. Саломат инкироз сабабларини айнан шу жиҳатдан излаб тўғри йўл танлаган.

“*Тилсим салтанати*” романида ўз аянчли тақдири билан эсда қоладиган қари Энаф ва унинг иккита қизи қисмати алоҳида ажралиб туради. Дасглаб кенжа қиз амазонликни қабул қилишдан бош тортиб, қовоқари солинган қопга қамаб ўлдирилади. Қари энанинг дод-войи, нозикниҳол қизчанинг нолалари, Йўлсултоннинг лашкар илғори эканлиги мантика қалбида шафқат уйғотмайди.

Амазонлик шартларини бажарган, оила қуришга тўла ҳақли бўлса-да, ижтимоий фаолликни муҳим санаб келаётган, унча-мунчага бўй бермайдиган Йўлбудун қалбида оддий бир хотин ўлароқ яшаш иштиёқи кучайишлигининг ҳам рухий-психологик сабаблари мавжуд. Унинг қалбида бемехрлик маконига нисбатан ётлик, томошабин оломонга нисбатан нафрат, Фалестрияга қарши алам-изтироб уйғонади. Бу туйғулар синглиси фожиасидан кейин кескин кучаяди. Йўлбудуннинг скиф йигити билан қочиб кетиши бир жиҳатдан Эртўғонга бўлган муҳаббати билан боғлиқ бўлса, иккинчидан инсон бекадрлигига қарши исён ҳам эди.

Барча амазонлар қатори қаҳри қаттиқ ва қайсар бўлган Йўлбудуннинг характерини у тушиб қолган ҳаёт тарзи, мавжуд вазият ўзгартириб юборади. Унга нисбатан нечоғлик меҳрибон бўлишмасин, қабиладошларидан йироқда Йўлбудун ўзини ёлғиз сезади. Қолаверса, иккиқатлик ҳам аёл қалбининг анча нозик тортиб қолишига сабаб бўлади. Самирандани кўзда ёш билан қаршилаши шундан. Йўлбудун истиклолдаги ёруғ қунларни қариндешлари савроматлар ёнида эмас, тақдир ҳукмида кўрар экан, поёнсиз рухий изтироблар ичида ўртанади. “*Мени қўй, толеимдан айирма... Тўригим қабилага қайтмас, хотунлик ҳаётининг нелигини, эркакнинг қимлигини энди англадим, сира қайтмасман*” (59-60 бетлар) - дейди у. Демак, Йўлбудун бир эркак билан қочиб кетган жайдари аёлгина эмас. У номағруб анъанавий ҳаёт тарзига қарши ўз-ўзича, қўнғил истаги йўлида бош кўтарган, бу йўлда жонини нисор этган исёнкор хотин.

Романда худди драматик асарлардаги сингари хунармандлар хужраларидаги иш-ҳаракат шовқини, қалъа деворларидаги соқчиларнинг ҳаракатлари шунчаки бир фон сифатида кўзга ташланади. Орқа пландаги ҳолат ва вазиятнинг ёркин эмаслиги уни кузатиш, қаҳрамонлар нутқини тинглаш имконининг йўқлиги бадий-эстетик таъсирчанликни юзага чиқармайди. Мазкур кичик штрихлар орқали адиба воқеалар моҳиятини англатишни кўзлаган бўлиши ҳам мумкин. Бироқ матндаги муаллиф баёни образларни конкрет очишга хизмат қилмайди. Образлар гили, ички дунёси, интилиш орзулари билан намоён бўлмайдилар.

Албатта, роман драмага хос хусусиятларни ҳам ўзига сингдира олади. Бироқ савроматлар мамлакатида бирорта ёркинроқ эркак образи кўзга ташланмагани ҳолда Табғоч ва Эртўнганинг аёллар орасида эмин-эркин ҳаракат қилиши ҳамда ҳар йили баҳорда бўй етган қизларнинг амазонликка қабул қилиниши романда бир қадар муҳаммад қолган.

Романда биз бир қадар параллел тасвирларга ҳам дуч келамиз. Уларнинг бир қисми: чўзилиб кетган қишдан саҳронинг уйғониши, ўт-ўланларнинг нолақор гувиллаши, саратоннинг бешафқат олов пурқаша табиат билан боғлиқ. Иккинчи бир туркуми: курашда енгилган кўчкорнинг бўғизланиши, кутурган туянинг дастлаб ўз наслдошини тишлаши, ёввойи уюрнинг одамни таъқиб қилиши сингарилар жонзотлар билан боғлиқдир. Параллел тасвирлар ҳар иккала ҳолда ҳам табиатга хос бўлган кучлиларнинг ҳаммаша голиблигини жамият ходисалари билан қиёслашга хизмат қилади, таъкидни кучайтиради.

С.Вафо инсоннинг бош белгиси унда тафаккур қудрати мавжудлиги, шу боис муқаррамлигини ҳам уқтирмакчи бўлади. Демак, романда эзгулик кучлари голиб келиши, разолатнинг янчилиши билан боғлиқ оптимистик яқун мавжудлиги мутлақо табиийдир.

Дарҳақиқат, роман эзгин фикр-туйғулар билан бошланиб, турфа қаҳрамонлар тақдирига хос фожиа ва даҳшатлар таъсирида китобхон алоҳида тирик инсон интилишларининг буюк тилсим эканлигини ҳис этади. Айниқса, характерлар ифодаси ва руҳий ҳолагу кечинмаларнинг мукамал чизилиши эътиборга моликдир. Саломат Вафо услубига хос самимият, ифода таъсирчанлиги, тасвир маҳорати, тил бадийиятидан китобхон руҳияти, шуури, туйғулар олами маънавий-эстетик куч олади.

Чунки инсоннинг даҳлсиз салтанати — кўнгил мулки “*Тилсим салтанати*” романида аёлларнинг муҳаббат ва армонлари, дард ва изтироблари тасвири орқали ғоятда ишончли ифодаланган.

2.7. ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИДА ЯНГИ ТҮЛКИН (Иккинчи бўлимга айрим хулосалар)

Сўз санъаткорлари томонидан китобхон маънавий мулкига айлантирилган асарлар адабиётимиз хазинасига кўшилган муносиб ҳиссадир. Бинобарин, маҳорат қирраларига хос омилларни тадқиқ этиш ҳамиша долзарблиги билан умумэстетик аҳамият касб этади. Бадий адабиётимизнинг эпик турида бугунги кунда ҳам олам на одам, табиат ва жамият ҳақидаги фалсафий-эстетик қарашларнинг яқин ифодалари муҳрланмоқда. Эпик турнинг роман жанрига хос бадият даражаси ҳар бир қалам соҳибининг ижодхонасига хос хусусиятларни теран кузатиш, таҳлил ва тадқиқ этиш орқали ойдинлашади.

Дарҳақиқат, анъанавийлик ва индивидуаллик масаласига муайян ижодкор услубига хос хусусиятларни кенг камровли текшириш орқали тўлақонли жавоб бериш имкони туғилади. Бугунги кунда адабий-бадий изланишлар ноқлассик фан ютуқларига таяниб олиб борилаётганлиги сабабли микрооламга эътиборнинг кучайиши яққол намоён бўлмоқда. Эндиликда мумтоз диалектика тамойиллари билан иш кўриш мумкин бўлмай қолганидек, диалектиканинг ҳам ноқлассик ва ҳозирги замон шаклларига мурожаат этиш, шунингдек ёндашувнинг нафақат диалектик, балки систем-структуравий ва синергетик методларига ҳам эътибор ортди. Ижтимоий-гуманитар соҳага фаол тадқиқ этилаётган постноқлассик фан ютуқларининг буюклиги шундаки, у объектив ва субъектив қабилда қўйилувчи нисбий четларларни парчалаб ташлай олди. Натижада, ҳаётнинг оддийдек туюлган ҳар бир кўринишидан ҳиссий ва рационал умумлашмалар чиқариш имкони юзга келди. Zero, ижодкор дунёқараши унинг шахсий интилишлари, инсоний хусусиятлари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Адабий анъана ҳақида тўхталар экан, адабиётшунос Ҳабибулло Жўраев шундай ёзади: *“Анъана, бу, бизнинг тушунчамизда, қотиб қолган, бир қолипдаги ҳодиса эмас, балки келгусида ривожлантирилиши, муваффақиятли давом эттирилиши, янги-янги қирралари кашф этилиши лозим бўлган бадий-эстетик тушунчадир”*⁹⁹ Демак, анъана шунчаки тургун тушунча бўлмай, эволюция жараёнида янги адабиётнинг шаклланиши учун муайян замин вазифасини ҳам ўтайди. Адабий тараққиётнинг даражаси мавжуд анъананинг нақадар кучли ёхуд заифлигига чамбарчас боғлиқ тарзда кечади. Илло, анъанага муайян мақсадни кўзлаб қайта-қайта мурожаат қилинар экан, бу ўринда ўзига хос адабий қонуният мавжудлиги англашилади. Демак, анъана ҳам ривожланиш ва тараққий қилувчилик хусусиятига эга. Шу маънода монографиянинг иккинчи бўлимида ўзбек романининг жанр хусусиятлари, поэтик маҳорат, образ яратиш усуллари, гоёвий мотивлардаги ўзига хослик, ижодкор бадий-эстетик дунёси, миллий истиқлол даврида

⁹⁹ Жўраев Ҳ.А. Алишер Навоий лирикасида воқелик ва унинг поэтик талқинлари (Ўзига хослик ва анъанавийлик асосида) Фил.ол. фанлари доктори... диссертация автореф. Т.: 2006, 18 б.

яратилган романларнинг тил ва услубий хусусиятлари анъана ва новаторлик муаммоларига боғлиқ тарзда тадқиқ этилди. Шунингдек, ҳар бир ижодкорнинг шахсияти, маънавий-эстетик идеали, адабий-фалсафий концепциясини ташкил этувчи етакчи тамойиллар, таҳлил ва тадқиқ йўсини, поэтик маҳоратини ошириш йўлидаги тадрижий такомилни, бадиий ифодага ёндашувидаги индивидуаллик даражаси каби масалалар тадқиқидан унинг ижодиغا хос тадриж ва таждид жараёни келтириб чиқарилди.

Зоҳиран қаралса, ҳар битта қалам аҳлининг у ёки бу романига алоҳида-алоҳида тўхталганимизнинг гувоҳи бўласиз. Чунки поэтик маҳорат, бадиий ўзига хослик айнан хусусийдан умумийга томон бориш орқали ойдинлашади. Бусиз ижодий янгиликнинг ўзига хослиги ва анъанавийлик билан муносабатларини, қаламкашнинг адабий жараён таракқиётига қўшган улушини тайин этиш мушкул кечади. Услубий тадқиқотни умумўзбек романчилиги контекстида жаҳон романчилиги тажрибалари билан яхлит тарзда қиёсий йўсинда олиб бориш бизга романлар бадииятини тўғри англаш, нозик поэтик кирраларини илғаш, таҳлил ва тадқиқ этиш имконини беради. Мавжуд анъаналарнинг умумий характеридан келиб чиқиб, инсон қалби ва воқелик талқинларининг турфа кўринишларидаги ўзига хосликларни аниқлаш мумкин бўлади. Жорий адабий жараён ҳақидаги тушунча ва тасаввурларимиз анча кенгайдигина эмас, ўзбек романчилигидаги ижодий такомилни кузатишда ҳам нисбатан аниқликка эришиш имкони туғилади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, ўзбек романчилиги ривожда анъанавийликнинг мустақамлиги жихатидан ижод аҳлини умумлаштирувчи талай жиҳатлар мавжуддир. Айни пайтда, адабий жараёнда услубий оқимлардан фойдаланишдаги эркин муҳитнинг юзага келганлиги анъаналардаги изчилликнинг барқарор тарзда кечмаслигига ҳам олиб келган. Демак, эпик наср услубидаги индивидуаллик эндиликда фақат сўз санъаткорларига хос муштарак услубий хусусиятлар доирасидагина изохланиши мумкин эмас. Бу ўринда муайян қаламкашнинг фитратидаги салимлик, фикратидаги улўғлик, таъбидаги соғломлик, назаридаги ингичкалигу теран фаҳмлиқ сингари индивидуал хусусиятларни ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътиборда тутиш лозим бўлади.

Омон Мухторнинг *“Ишқ аҳли”* романида Алишер Навоий шахсиятининг бадиий талқини мисолида шу пайтгача мунозарали бўлиб келаятган реал тарихий шахс характерининг бадиий талқинига ёндошиш қонуниятларидаги ўзига хосликлар кўрсатилди. Шу орқали жорий адабий жараён табиатида юз бераётган янгиланишлар хусусидаги қарашларимиз илгари сурилди. Ўрни билан адабиётшунослигимизда баъзан учровчи ақидапарастлик ҳолларига илмий ҳолислиқда муносабат билдирилди. *“Ишқ аҳли”*да анъанавий тамойиллардан фаркли ўлароқ, эпик воқеалар ички ҳиссий жараёнлар ҳисобига янада бойиган. Бу адибнинг воқеликни идрок қилиш тарзи, бадиий ифодалашда қўллаган усуллари, ижодий концепцияси, шаклий-услубий изланишларига хос ички мантиқий алоқадорлик асосида кечган. Ёзувчи ижодиди асардан-асарга ўтиб турувчи белги-аломатлар

мавжудки, улар ҳам тобора янгилашиб бормоқда. О.Мухтор яхлит услубига диққат қилмасдан туриб уларни илгаш мумкин эмас. Монографияда мазкур роман оғзаки ва ёзма адабиётда улкан қатламни ташкил қилувчи Назоий образининг турфа талқинлари билан имкон қадар чоғиштирилиб, Омон Мухтор талқинларининг муштарак ва фарқли жиҳатлари кўрсатилди. Романда инсон ҳаёти ва кечмиши онг ва руҳиятда акс этади. Муаллиф талқини янгича тафаккур ва шаклий ислохотга, тадқиқот ва таҳлилга асосланган, - деган хулосага келар эканмиз, фикр-мулоҳазаларимизни *“Ишқ аҳли”* романининг фалсафий-эстетик меҳварига асосланиб илгари сурдик. Чунки романда ҳислар ва ғоялар талқинида ижодкор ғояси етакчилик қилади. *“Субъектив эпопея”*да дунё муаллиф хоҳишига мувофиқ тарзда талқин қилинади.

Омон Мухторнинг услубий изланишлари турфа кўринишларда намоён бўладики, бу ғоятда табиий жараён бўлиб, жанр хусусиятлари ва мавзу йўналиши, илгари сурилаётган ғоянинг характери, услубий таъсир билан боғлиқ тарзда юзага чиқади. Жумладан, *“Минг бир қиёфа”* романида адиб рамзий-мажозий тасвири етакчи поэтик тамойил даражасига кўтариб, миллий-адабий анъаналар негизига ўз услубини шакллантирадигина эмас, балки ижтимоий-психологик романчилигимиз тажрибаларини янги тўлқинлар ҳисобига янада бойитишга ҳам эришади. Бу куйидаги жиҳатларда намоён бўлади:

- Романининг *“Муқаддима”*сидаёқ асарнинг услуб ва оҳанги ҳақида китобхонга кичик йўлланма-изоҳ бериш орқали унинг асарни тушунишга кўмаклашиш ва оғоҳликка даъват этиши;

- асар арлавҳасига юклатилган рамзий-мажозий маъно ва яхлит мазмуннинг узвий боғлиқ бўлишига диққат қаратиши. Яъни сарлавҳанинг роман архитектуроникасида ташкил қилувчилик ролини таъминлаши;

- афористик характердаги эпиграфга гоёвий-эмоционал залворюкласи орқали унда етакчи гоёни мужассамлантириши;

- баёнчи ва китобхоннинг *“давра суҳбати”*- мулоқоти ва фикрий мубоҳасасини таъминлаш Бошқачароқ айтганда, қаҳрамоннинг ўтмиши, хотира-хаёллари, ўй-фикрларини тафтиш қилиш орқали китобхонни ҳам шундай йўл тутушига ундаши;

- эстетик фикр талқинида образларни антропоморфизациялаш усулидан фойдаланиши;

- адиб маънавияти хос бўлган Шарқ фалсафасига таяниб, характерларни миллий-ахлоқий қадриятлардан руҳий мадад элиш жараёнида очши;

- қаҳрамон таҳайюлидаги рамзий тимсолларни моддий тарзда манзаралантириши;

- диний-илоҳий киритма (қистирма эпизод) ларни кенг истифода этиб, сюжет динамикаси ва драматизмни таъминлаш. Шунингдек, роман мазмунини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, етакчи гоёни таъкидлашга эришиши;

- пейзаж тасвиридан гоёвий-композицион мақсадда фойдаланиши;

- нозик қочирим, захархандали киноя, рамзий шиоравийлик асосида давр ҳаёти манзараларини ҳаққоний тасвирлаш;

- макон ва зимон шартланганлиги;

- руҳий-фалсафий муаммолар талқинида характерларнинг психологик ҳолатларига диққат қаратиш;

- қаҳрамон тушган вазият-ҳолатларни характернинг ички интилишларига мувофиқ тарзда чизиш;

- алоҳида шахс фожиасини муайян давр ва миллат тафаккурининг фалокати тарзида талқин қилиш..

Ёзувчи Эркин Самандаровнинг “Тангри қудуғи” романида олам ва инсонни англаш жараёнида фалсафий-психологик мушоҳада ва таҳлил йўсини етакчилик қилади. Адиб романда халқ тафаккурининг тобора ўсиб, бойиб боришини куйидаги бадий тасвир усул ва воситалари ёрдамида ифода этади:

- Шарқона ҳикмат, диний-исломий ақидалардан фойдаланиб, етакчи фикр моҳиятини теранроқ очиш;

- параллелизмларни юзага келтирувчи қиёсий манбаларни танлашда халқ инонч-эътиқодларига таяниш;

- характерларни бўрттириш, умумлаштириш орқали ижтимоий-маиший муаммоларни изоҳлаш;

- китобхонни мушоҳадакорликка чорлаш мақсадида муаммоли вазиятлар яратил;

- тарихий шахс ва тарих драмаларининг даҳшатларига қиёсий тарзда мажозий мазмундаги сюжетлардан параллел фойдаланиш;

- қаҳрамонларни ўз-ўзини таҳлил қилиш жараёнида кўрсатиш.

Шойим Ёўтаев “Қўрғонланган ой” романига ижтимоий миллий ҳаётнинг ечимини кутаётган долзарб муаммоларини асос қилиб олган. Миллий ҳаётимизга хос маънавий-руҳий зиддиятларни ҳаққоний тарзда кўрсатишга эришган. Даврни ифодалашда миф, афсона, ривоят, нақл сингари этимологик, космогоник, этногоник, антропгоник характердаги асарлардан фаол истифода этиб, романнинг фалсафий-эстетик асосларини қувватлантира олган. Бизнинг камтарона кузатишларимиз “Қўрғонланган ой” романи поэтикасида куйидаги миллий асосларга таянилганлигини кўрсатади:

- Тарихий-фольклорий манбаалардан муҳим лавҳаларни танлаш орқали роман тўқимасида серқатламлик ва кенг қамровлиликни таъминлаш;

- воқеалар ички динамикасини халқчил гоялар орқали мантқиқан боғлаш;

- фольклор сюжети етакчи гоявий йўналишини замондошларимиз тафаккурини ўстиришига хизмат қилдириш;

- тасвирда соддалик ва эмоционалликни таъминлаш;

- табиат ва инсон муносабатлари тасвирида ҳаётини талқинларни гоҳ афсонавий, гоҳ диний - ғоявий талқинлар билан алмаштириб поэтик ижод имкониятларини янада кенгайтириш;

- киритма ривоятлар моҳиятидаги диний-исломий ҳақиқатлар орқали қаҳрамон руҳий оламини инкишоф этиши;

- олам ҳодисаларию инсон ҳаёти ва фаолиятини тақдир ақдасига боғлиқ тарзда изоҳлаш;

- инсон табиатини махлуқотга қиёс қилишда параллелизм ва рамзий ишоравийликдан фойдаланиб, роман ботиний маъноларини кучайтириш;

- характер қисматини таҳлил этишида тарихий-этнографик маълумотларга таяниш;

- алоҳида инсон тақдирида бутун инсоният тарихи: ибтидоси ва интиҳосини жамлаш.

Тоғай Мурод насри 90-йиллар ижтимоий-маданий заминдан озикланган ҳолда шаклланди. Адибнинг маҳорати давр адабиётига хос бўлган ижодий принциплар, шаклий-услубий изланишлар бағрида камол топди. Унда биз тубандаги ўзига хос жиҳатларни кузатишга муваффақ бўлдик:

- Бадиий асар учун материални реал ҳаётдан танлаш;

- характерлар фожиасини умид ва ёруғликка тўла мунг ва ҳазинликда ифодалаш;

- ўзбек характериға хос ҳалоллик, поклик, мардлик, тантилиқ, баъзан чапанликни ҳаққоний чизиш орқали миллий колоритни таъминлашга эришиш;

- тасвирда халқ дostonларига хос ритмни сақлаб, инсоний меҳр-шавкатни куйлаш;

- оддий ва содда кишилардаги миллий руҳ, эътиқодга садоқатни яққол намoён этиш мақсадида халқ дарди, қайғу-изтиробларию интилишларини уларнинг онги ҳамда қалбидан кечирishi орқали кўрсатиш;

- ўзбекона киноя ва кочиримларга диққат қаратиш;

- ҳаётий воқеа-ҳодисалар тасвирида кескинлик, сюжет ва оҳанг шиддатини таъминлашда этник хусусиятларга таяниш;

- табиат образларини инсон руҳиятини очишга бўйсундириб, роман маъзидаги поэтик гоёни унга моҳирона сингдириш;

- бадиий тилни шева-лаҳжалар ҳисобига бойитиш;

- ички монолог ва диологлар мағиздорлигини таъминлаш;

- образлар талқини жараёнида ҳаётда мавжуд нуқсонларнинг туб илдизлари ва моҳиятини кўрсатиш орқали ҳаққонийлик тамойилига риоа этиш. Шунингдек, роман тили халқчилиги ва раволигини таъминлаш;

- авлодлар тарихи мисолида катта ижтимоий-сиёсий воқеаларни акс эттириш. Халқ сиймосини умумлашма образ сифатида талқин қилиш;

- алоҳида шахс фожиасидан ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маърифий маънолар топиб, салмоқдор хулосалар чиқара олиш;

- оламни истиоравий(метафорик) қабул қилиш, яъни поэтик ифода ва тасвирда анъанавий рамзийликка эътиборни кучайтириш;

- контраст тасвир орқали роман бадиий-эстетик салмогини кучайтириш;

- ҳажвни кучайтириш мақсадида тағдор кесатиқ ва пичинглардан фойдаланиб, жумлалар сиққиқлигини таъминлаш ҳамда урғули сўзларга теран маънолар юклаш;

- қаҳрамон руҳий тўлқинлари тасвирида туш мотивидан фойдаланиш;

- персонажларнинг ҳар бирини характер мантигига кўра жонли инсон сифатида тасвирлаш.

Ёзувчи Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат ва “Исён ва итоат” романлари эпик услубида ҳам бардавом анъаналарнинг ўзига хос тарзда намоён бўлишини кузатиш мумкин:

- Ҳар бир персонажни ўз зиддиятлари ва фикр-ўйлари билан кўрсатиш яъни инсон шахсига янгича ёндашув-унинг кўнгли талпинишларини бадиий талқин этиш;

- алоҳида инсон шахсиятига дахлдор хусусиятларни муҳим қадрият санаб ижодкор маънавий-эстетик идеали ва мантигига мувофиқ тасвирлаш;

- инсон тафаккури ва руҳиятида кечган жараёнларни шахснинг қайта шаклланиши концепциясига мувофиқ тарзда ифодалаш;

- жамият аъзоларининг руҳиятини жамиятлар тақдирини тарихан ўрганиш орқали таҳлил этиш. Интилувчан ва курашувчан инсон ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни ифодалаш;

- диний-тасаввуфий адабиётлар ва дунёвий фалсафага таяниш орқали қаҳрамон маънавий-руҳий олами, нутқидаги ўзига хосликларни таъминлаш ҳамда лирик чекинликларни юзага чиқариш;

- роман воқелигига параллел тарзда илоҳий мазмундаги ривоятларни қўлиш орқали замондошимиз қисматини башариятнинг тарихи билан қиёсий таҳлил этишга эришиш;

- мифопоэтик тафаккурга таяниб эстетик идеалнинг ижтимоийликдан маънавий-руҳий моҳиятини англаш сари силжishiни таъминлаш;

- ўз-ўзини англовчи инсоннинг илк ибтидосига интилишини асл моҳият сифатида ифодалаш яъни кўнглидаги ўзликни англаш ва тушунтиришдан келадиган Яратганга тобелик итоати – руҳ эркинлигига эришмоқ ва тақдирга ризоликни адабий концепция мақомида талқин қилиш;

- роман композициясида ассоциативликни таъминлаш орқали эпосга хос кўламдорликни юзага чиқариш;

- алоҳида инсон микродунёсига инсон ибтидоси ва интиҳосини сиздира олиш;

Саломат Вафо фалсафий- ҳаётий, ижтимоий-маънавий дунёкараши анча кенг адиба. У ўзи қаламга олаётган воқеа-ҳодисалар моҳиятига чуқур нигоҳ ташлай оладигина эмас, улкан фалсафий умумлашмалар, ахлокий ҳукм-хулосалар ҳам чиқара билади. Шу боис Саломатнинг анъанавийликка мурожият қилиши ҳам новаторона тус олади. Унинг тасвир услубида замондошларидан бир қадар фарқли жиҳатларни ҳам кузатиш мумкин

булади. Биз “*Тилсим салтанати*” романи мисолида кузатган адибанинг романчиликдаги услубий индивидуаллиги тубандагилардан иборат:

- *инсон кўнглидаги турфа товланишларни куйинчаклик билан илғаб руҳий-психологик таҳлил этиши орқали ифодаланиш;*

- *аёл руҳий кечинмаларига эътиборнинг кучлилиги ва тилдаги ўзига хосликка интилиш;*

- *ифода ва услубда самимийликни таъминлай олиш;*

- *роман сюжетига ривоятларни сингдира олиш;*

- *пейзаж манзараларини характерлар руҳияти - инсоний фожияларга мувофиқ чизиш;*

- *таъсирда параллеликка интилиш;*

- *ҳаётийлик, хаёл, туш, хотира қоришиқчилигини теран рамзийлик ва ҳазин оҳанглarda акс эттириш;*

- *зоҳиран оддий ва жўн туюлган воқеалардан улкан мазмун топиш орқали воқелик моҳиятига чуқур кириш. Бунинг натижасида салмоқдор бадиий ниятни рўёбга чиқаришда шафқатсиз реализмга риоя қилиш;*

- *тарихий хронологиядан чекинми яъни дунёни ўз эстетик идеалига мувофиқ тадқиқ қилишда ҳамшиша ҳам эпик масофани сақлашга қатъий риоя қилмаслик;*

- *таъод усули орқали таъсирчанликни ошириш;*

- *роман хотимасида Шарқ адабиёти анъанасига хос рамзий-оптимистик яқунни таъминлаш.*

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳар бир ўзбек романаисти ўз истеъдодининг даражаси, асосланган эстетик тамойиллари, эътикод-маслаги, услубий йўналиши, маънавий-руҳий тайёргарлиги каби факторларга қараб мавжуд миллий анъаналар заминидан озикланиб, бетақрор эпик услубини намоён этишга интиломқда. Барча шаклий-услубий изланишлар пировардида эпик насрнинг оғиркарвон жанри бўлган ўзбек романчилигининг янгидан-янги имкониятларини кашф этишдек хайрли ишга муносиб хисса бўлиб кўшилмоқда. Бир сўз билан айтганда, давримиз талаблари, китобхон маънавий-эстетик дидига мувофиқ даражада ижод қилиш йўлидаги изланишлар тинимсиз давом этмоқда. Бу борада муайян камчиликларнинг ҳам мавжудлиги ана шу изланиш машаққатлари билан боғлиқ бўлиб, романчилигимиз истиқболига умид назари билан қарашга ундовчи самградор муваффақиятлар салмоғи улардан залворлироқдир.

УЧИНЧИ БЎЛИМ :

МИСТИК-ФАНТАСТИК РОМАН ИМКОНИЯТЛАРИ

Хаёлот – инсон тафаккурининг доимий ҳамроҳи. Айниқса, бадий ижод эркин тафаккур павозлари билан чамбарчас боғлиқ. Фантастика эса ижод билан узвий биргаликда, ҳамнафас қадам ташлайдиган қадимий ва барқарор ҳодисадир. Бинобарин, «Махабхарата», «Рамаяна», «Шукасантати», «Калила ва Димна» сингари ҳинд эпослари, «Минг бир кеча» араб эртақлари, Ўзбек фольклори бисотидаги ўзи учар гиламлар, қайнар хумча, ур тўқмоқ, қанотли отлар, кўрқинчли шакллардаги ёвуз деу аждарлар, ялмоғизу алвастилардан тортиб, ёзма адабиётимизниг Фирдавсий, Низомий, Навоий ижодигача кузатилса, жуда кўплаб фантастик унсурларни учратамиз.

Бугунги Ўзбек илмий фантастикаси нафақат барқарор миллий анъаналар, балки жаҳон фантастик адабиётидан баҳрамандликда мавзу, образ, тасвирий ифода адабий жанрларни ўзлаштириб миллий бетакрор қиёфа касб этди. Айтиш мумкинки, бадий ижоднинг фантастик йўналиши ўз мавзу доираси, тасвир воситалари, поэтикасига эга бўлиш билан кифояланмай, тинимсиз янгиланишлар жараёнини ҳам бошидан кечирмоқда.

XX асрда илм-фан тараққиёти ва тафаккурнинг ўзгариши инсон тақдирига турли ракурслардан қараш эҳтиёжини ҳам юзага чиқаради. Ўзбек илмий фантастикасида фантастик ҳикоя, фантастик қисса, фантастик дoston, фантастик роман, мистик-фантастик роман каби кўплаб жанрларда асарлар яратилган. Бугунги кунда фантастика санъатининг киномотография, тасвирий санъат, театр каби турларига ҳам кириб боргандир. Бир қатор саҳна асарлари ва фантастик фильмлар юзага келган. Эндиликда Ўзбек фантастикасининг ўз муаллифи ва китобхонларигина эмас, балки алоҳида тадқиқотчилари ҳам мавжуд.¹⁰⁰

Ўзбек илмий фантастикасининг тараққиётида Ҳожиакбар Шайхоннинг ҳам муносиб ўрни бор. Адибнинг «7-СЭР», «Ажиб юлдузлар», «Еттинчи операция», «Ренэ жумбоғи», «Ғаройиб кўланка», «Аждодлар хотираси», «Телба дунё», «Туташ оламлар», «Икки эсаҳон овораси» сингари ўттиздан ошиқ турфа жанрлардаги асарлари ўзига хос адабиёт ва санъат ҳодисаларидир. Улар ўнлаб нуфузли тўплам ва алманаҳларда, мажмуаларда чоп этилди. Алоҳида китоблар сифатида муаллифнинг номини элга танитди. Ҳ.Шайхоннинг айрим ҳикоя ва қиссалари хорижда, жумладан, Россия, Франция, Чехославакия, Венгрия, Испания, Булғория, Олмония, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда чоп этилиб, шухрат топди. Халқларнинг ўзаро илмий-адабий ҳамкорлиги мустаҳкамланишига улмуш қўлди. Шубҳасизки,

¹⁰⁰ Иброҳимова Р. Пути формирования и развития узбекской научной фантастики. - КД. 1980; Иброҳимова Р. Фантастика ва ҳаёт. Т., "Рухназо". 1998; Салаев Ф. Ҳозирги ўзбек илмий фантастик адабиётда инсон ва табиат муаммолари. Филол. Фанлари номзоди. дисс. автореферати. Т.: 1994. Қувватова Д. Ўзбек илмий-бадий фантастикасида фольклор мотивлари. Филол. Фанлари номзоди. дисс. автореферати Т.: 1997 ва б.

мазкур асарларда қайсидир даражада адиб шахсияти, ҳаёт йўли, этикоди, эстетик идеали тажассум топган.

Ўзбек фантастикаси, хусусан, Ҳ.Шайхов ижодини изчил кузатган олима Р.Иброҳимова ҳақли равишда таъкидлаганидай, адиб ижодининг дастлабки йилларида яратилган асарларда илмий гипотеза, башоратга мойиллик устун турган бўлса, кейинчалик бунинг ўрнини теран фалсафий мушоҳадакорлик ва реализмнинг янги қирраларини кашф эта бориш эгаллади¹⁰¹.

Ҳ.Шайхов илмий фантастикасидаги воқеалар силсиласи ғайритабиий тарзда кечади. Шунга қарамасдан, бугунги замондошимизнинг ҳаёти ва ўй-фикрлари умуминсоний муаммоларга боғланиб кетган мароқли саргузаштлар китобхонни ўзига ром этади. Илмий фантастик шакллар адибга инсон ҳаётининг мазмун моҳияти: *этикод, ҳалоллик, поклик, инсоф, диёнат, меҳроқибат, самимият, бағрикенглик* билан *ёвузлик, жаҳолат, худбинлик, нафс илинжидаги турфа эврилишларни* контраст ҳолда ифодалаш имоконини беради. Адиб инсон виждонига мурожаат қилар экан, уни гафлат уйқусидан уйғотиш ва баркамоллик сари ундашни кўзлаб калам тебратган.

Ҳ.Шайхов асарлари китобхонни ўйлашга, фикрлашга ундайди. Адиб бани инсон фарзандларини огоҳликка даъват этади. Инсон ва инсоний муносабатлардагина эмас, инсон ва табиат муносабатларида ҳам оқилона интилишларни ёқлайди. Одамзод куч-қудратига, илм-фаннинг чексиз имкониятларига қаттиқ ишонган ёзувчи алоҳида шахснинг бахтини мамлакат тақдирдан ажратиб қарамайди. Бу ҳол унинг тасаввур уфқлари кенгайиши, реализмнинг чуқурлашишни белгиловчи бош мезонга айланган эди.

Ёзувчи ерликлар руҳидаги тажовузкорлик, ёвузлик, ўз қилмишлари оқибатларини идрок эта олмаслик иллатини кескин қоралайди. («*Мутмах*») Жаҳолат гирдобада қолган банданинг кўплаб жиноятлар сабабчиси бўлиши мумкинлигидан огоҳ этади. («*Ғаройиб кўланка*») Агар таракқиётнинг юксалиши ноўрин мақсадларга йўналтирилса, фалокатли оқибатларга сабаб бўлиши мумкин, - деб билади. («*Инқироз*») Ватан соғинчи, юрт қайғусидан да изгиробли туйғу йўқлигидан сўзлайди. («*Само меҳваридаги намойиш*») Маърифатдан йироқлик, инсонга эътиборнинг йўқлиги турли жиноятларга доя бўлиши мумкин, - деб ҳисоблайди. («*Фавқулудда сафар*») ва ҳоказо.

Англашиладики, Ҳ.Шайхов асарларида тасвирланган воқеалар нечоғлик инсон ҳаёти ва тасаввурига озик бераётган орзулар, фантастик гипотезалар, техник воситалару тафсилотларга бой бўлмасин, қайсидир маънода аниқ географик макон муаммолари билан туташади, Инсоннинг ақлий-маънавий камолотини кўриш орзусидан руҳий қувват олади. Унинг «7-СЭР», «*Аланга*» каби ҳикояларини истисно этганда, аксарият асарларида мантикий фикр изчиллигида аниқ меъёр сақланади. Бошқачарок айтганда, фантастика билан боғлиқ реализмнинг ўзаро муносабати бузилмайди.

¹⁰¹ Иброҳ. мова Р. Фантастика ва ҳаёт. Тошкент, «Рухфазо», 1998,-Б. 67.

Маълумингизким, моддиюнчилик фалсафаси узоқ йиллар давомида қатор мистика унсурлари: ғайри табиий кучларга ишонч, зикри само, Аллоҳнинг инояти, пирларнинг химмати, аждодлар руҳининг ҳимояси, ният холислигининг хосияти, илтижоларнинг ижобати. назаркардалиқ, ваҳий қароматлар кўрсатиш қобилиятини ғайри илмий қараш сифатида кўр-кўрона инкўр этиб келди. Бироқ қадимги Шарқ ва Ғарб динлари, инонч-этиқодлари, фалсафий-илоҳий таълимотларида руҳий билишга алоҳида эътибор берилган эди.

Чунончи, оламнинг руҳий ибтидоси билан бирикиш ғояси мумтоз адабиётимизнинг етакчи пафосини ташкил этади. Биргина тасаввуф фалсафаси билан боғлиқ улкан адабий мерос мисолида ҳам тараққиётнинг муайян босқичида таъқиқланган масалаларнинг теран миллий илдизлари мавжудлиги намоён бўлади. Дантенинг «*Илоҳий комедия*», Гётенинг «*Фауст*»га ўхшаган юксак санъатқорона асарларида ҳам моддий дунё ва руҳият олами ўртасидаги алоқалар ҳақида сўз боришлиги жаҳон адабиётида кўп асрлардан буён абадий муаммолар ижод аҳли диққатини жалб этиб келганлигини кўрсатади.

Ниҳоятда холисона самимияту ҳаққонийлик тамойилига асосланиб ёзилган Захириддин Муҳаммад Бобурнинг «*Бобурнома*» асарида проф. А.Абдуғафуров биз одатланган талқину тушунчалар билан изоҳлаш мушкул бўлган бир талай жиҳатларни синчковлик билан кузатади¹⁰²:

Бинобарин, бу тарихий-мемуар асарда инсон ақлини лол қолдирувчи, ҳайрат-таажжубга солувчи фавқулодда воқеа-ҳодисалар тасвирланган ўринлар анчагина. Жумладан, сўзнинг магик қудрати орқали ёмғирни тўхтатиш; хожа Аҳрор руҳининг таҳликали вазиятларда мададкор бўлиши ва далла бериши; чин ихлос орқали илтижо қилиб, Аллоҳнинг инояти ҳамда пирнинг руҳий химмати билан хасталиқдан фориг бўлиш; хасталиқни бир вужуддан иккинчисига ўтказиш; ғайри табиий кучларнинг Бобур мирзони ўз ҳимояси остида авайлаб тутиб, орзуларини мустажоб этишлари, унга келган бало-қазоларнинг йўлини тўсишлари каби ўнлаб мисоллар инсон имкониётининг чексизлиги, ҳаёт ва коинотнинг, руҳий оламнинг ҳали ечилмаган ва илмий изоҳланмаган сир-жумбоқлари бисёрлигини кўрсатади.

Замонавий илмий-фантастик асар саналимиш Ҳ.Шайхонинг «*Само меҳваридаги намойиш*» ҳикоясидаги оддий одам Жавдат - ғайратабиий ҳислатларга эга бўлган фантастик куч эгаси сифатида тасвирланган эди. Адибнинг «*Марс, Фобос, Деймос ва инсон*» асарида фантастик ҳолатни туш орқали бериш илк қуртак сифатида юзага чиқади. Ёзувчининг «*Ғаройиб тузилар*» асарида эса тасвирланаётган воқеа бошдан оёқ туш кўриниши орқали баён этилади. Шунингдек, «*Фавқулодда сафар*»даги Карим Ойбеков келажакка назар ташлайди. «*Марс, Фобос, Деймос ва инсон*» даги Омон даврлар оша тушда кезади. «*Само меҳваридаги намойиш*»даги астранавтлар Аллоҳни тилга олгани учунгина айбланиб камоққа олинишади. Бундай

¹⁰² Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги қадриятлар. Т.: Ўқитувчи, 1998, 92-103 б.

тамоийиллар ёзувчининг катта насрга ўтиши учун муайян замин ҳозирлади. Романларида янада ривожлантирилди.

Ёзувчининг «Телба дунё» роман ¹⁰³ ида ерда кечаётган воқеалар самога кўчирилади. Кўҳикофлик донишманд авлиё Ҳаким Амир Шайх эзгуликнинг рамзи сифатида тасвирланади. У фазовий мулоқотни кўзлаган Самандарга турли насихатлар қилиб, оқ фотиҳа беради. Ғафлатдан уйғониш, киргинбароғ урушнинг олдини олишга йўналтириш мақсадида Нодиршоҳга ғайриоддий куч ато этади. Романда халқ ва Ватан олдидаги маъсулиятни сезмаган, ўз қудратини разолат йўлида ишлатган ёвуз Нодиршоҳнинг денёпарастлигига унинг ўғли Самандар каби тафаккур эгалари зид қўйиб тасвирланади.

«Телба дунё» романи учун «Минг бир кеча» эртақ ¹⁰⁴ ларига яқин композицион услуб, шунингдек, Алишер Навоийнинг «Лисон ут - тайр» дoston ¹⁰⁵ идаги каби реал ҳаёт ва илоҳиёт ҳақидаги қарашларнинг аллегорик баёнидан фойдаланиш анъанаси сезиларли таъсир этган. Мавжуд анъаналарга ижодий ёндошган Ҳ.Шайхов қатор мажозий образлар: Бойқўш, Хўроз, Қуёш, Тўти, Илон, Қорабайтал воситасида давримизга хос расмиятчилик, инсон қадрига етарлича эътибор бермаслик, мансабпарастлик сингари иллатларни тақдид қилади. Роман сюжети асосига инсоний кадр-қиммат, аҳиллик ва иноқлик гоёсини қўяди.

Ҳ.Шайхов ўз ҳаётий тажрибаси, билим ва иқтидорини, санъаткорлик маҳоратини ўзбек адабиёти ҳазинасини янада бойитиш, китобхон дидини юксалтиришга сарфлади. Ёзувчининг «Туташ оламлар» ва «Икки жаҳон овораси» романлари ижтимоий-фалсафий муаммолардан баҳс этади. Ҳаётни қадрлашга умуминсоний масалалар ҳақида ўйлашга ундайди. Проф. О.Шарафиддинов мазкур романлар ҳақида тўхталиб ёзади: «Уларнинг янглиги шундаки, бу асарлар ўзбек насридаги биринчи мистик-фантастик романлардир» ¹⁰⁶.

Роман воқеалари реал макон ва замонда, бизнинг кунларимизда Тошкент ва Туркистонда бўлиб ўтади. Унда тасвирланган Баҳром Шайх ўз қавми томирлари билан мозийда ўтган улуғ авлиёлар Шайх Тоҳир, Тилла Шайх, Шайх Хожа Асрор валий ҳамда Аҳмад Яссавий шажараларига бориб тутушади. Ғулом Шайх ва Иқром Шайхлар ака-ука бўлишган. ХХ аср бошларидаги талатумларда хорижга чиқиб кетишган. Баҳром Шайх ана ўша Ғулом Шайхнинг ўғли. Романда тасвирланган Асадбек аслида улуғ шайхлар шажарасидан бўлса-да даҳриёна тарбия олган. Иттифоқо Баҳром шайх хонадонида ғайритабиий ҳодисалар содир бўла бошлайди. Бу ҳодисалар Асадбекнинг қизи Назиранинг икки яшарлигида бошланиб, улғайгунча давом этади.

¹⁰³ Ҳожиакбар Шайхов. Туташ оламлар; Икки жаҳон овораси. Илмий фантастик романлар. Т.: «Шарк» НМАК Бош тахририяти, 2001.

¹⁰⁴ Минг бир кеча: Араб халқ эрталари. Т.: Адабиёт ва санъат, 1986.

¹⁰⁵ Алишер Навоий. Лисонут-тайр (Насрий баёни билан) Т.: Адабиёт ва санъат. 1991.

¹⁰⁶ Шарафиддинов О. Ҳожиакбарнинг сирли олами. Суз боши. Ҳ.Шайхов. Туташ оламлар; Икки жаҳон овораси. Т.: «Шарк» НМАК Бош тахририяти, 2001, 76.

«*Туташ оламлар*» романида келажакда содир бўлиши мумкин бўлган воқеаларни олдиндан башорат қилиш; руҳнинг инсон жасадига кириб олиб амалий ишлар қилиши; шайтоний руҳларни бадандан ҳайдаб чиқариш; илтижонинг хосияти ва дуонинг инсон руҳиятига таъсири; ғайб илмидан хабардор кишиларнинг девлар ёрдамидан фойдаланиши; инсон руҳининг ўтмишга сафар қилиши; телепатик мулоқот ўрната билиш; инсондаги магнит майдони ва коинотнинг махсус руҳий алоқа тармоғига улашиш мумкинлиги; Олий самовий тафаккур мавжудлигига ишонч каби масалалар қаламга олинадди.

Ёзувчи романдаги реал қахрамонларни ҳам фантастик кучларни ҳам эзгулик ва ёвузлик кучлари (аниқроғи раҳмоний ва шайтоний кучлар) тариқасида икки гуруҳга ажратади. Шу маънода мазкур романи фантастик йўналишда бўлмаган, реалистик услубдаги Омон Мухторнинг «*Тепаликдаги ҳироба*», Т.Маликнинг «*Шайтанат*» асарлари билан муштарак жиҳатларга эга дейишимиз ҳам мумкин бўлади. «*Туташ оламлар*»даги Асадбекнинг қизлари Назирага Тохир Шайхнинг, Наргизага Шайх Хожа Асрорнинг, Нафисага Тилла Шайхнинг руҳлари ҳомийлик қилишади. Бу қизларни дуохон башоратчи Гулшода бону, баҳши ва қушноч Мастон буви, табиби ғайб Кулдош Али Ҳожи қабилар ўз ҳимоясига олишади.

Болта бойвачча, Теша бойвачча, Ўрок бойвачча каби уч ака-ука ва уларнинг ҳамтовоқлари Қоплонбек, Шамсиддин қабиларга эса Улуспир лақабли Иблиснинг малайлари бўлган инс-жинслар: боши қаламушсимон шаклдаги Нуж, илонсимон қиёфадаги Нут, қора мушукни эслатувчи Яослар ёрдам беришади. Шу тариқа икки ўртада бошланган мурасасиз кураш тасвирланади. Ёзувчи унинг илдизларини изоҳлашда диний-илоҳий қарашлар, халқ инонч-эътиқодлари, Қуръони Карим ва Ҳадиси шариф кўрсатмалари, жаҳон мифологиясидаги фикрлардан тортиб замонавий илм-фаннинг кўплаб тармоқларидаги Коинот ва бошқа ўлчовли оламлар ҳақидаги кашфиётларгача унумли фойдаланган.

«*Туташ оламлар*» романига ўз-ўзидан Одам Ато авлодлари ва Иблис ўртасидаги азалий зиддият билан боғлиқ қатор илоҳий сюжетлар; Оламнинг яратилиши Иблиснинг ғаламисликлари, ўз ғазабини босолмаган инсон ва шайтон муносабатлари, эътиқодда собитликни ақс эттирган «*Забихи Исмоил қиссаси*» бошқа афсона ва ривоятлар ҳам кириб келади. Бу ҳол, умуман, сўнги йиллар ўзбек романчилигида кузатилаётганидек, бугунги инсон тақдирини унинг илк ибтидоси билан қиёслашга интилишдан келиб чиққан. Инсондаги интилишларда ҳам, Иблиснинг бани одами йўлдан оздириш ниятида ҳам Одам Ато замонларидан бери нисбатан кам ўзгаришлар бўлди, -демоқчи бўлишади ўзбек раманнавислари. Бевосита «*Туташ оламлар*» романида эса Ҳ.Шайхов ўзаро инсоний меҳр-оқибат ва ишончнинг йўқолиши, фитна-фасод шаробхўрлик, зино, ноҳақ қон тўкиш, ота-онага озор бериш, етимнинг ҳақидан-да ҳазар қилмаслик каби иллатларнинг кўпайишини одамзод руҳини бошқараётган, унинг қалбидан ўрин олган шайтоний кучлар билан боғлайди. У она заминни муқаррар ҳалокатдан асраш

учун эзгулик, инсоф, диёнат, хидоят йўлига қайтиш муҳимлиги ғоясини илгари суради.

Адиб замондошларимизни ғафлат уйқусидан уйғотиш, олий маслакдан бегоналик туйғусидан халос бўлишга ундаш, қирқ шайтон ҳам ип эшолмай қолиши мумкин бўлган нафс балоси, бадхулқлик, жаҳлатга муккасидан кетиш каби тобора даҳрийлашаётган қавмнинг қалбига Аллоҳ ишқини жо этиш, эътикод уруғини сочиб, ирода тарбиясига зўр бериш орқали маърифат ундириш мақсадини кўзлайди. Инсон фарзандининг ўз-ўзини бошқара олишигина ҳаётий уйғунликни таъминлайди, - деган фикрни илгари суради.

Шунинг учун ҳам Ҳ.Шайхов XX аср ҳақида гапирар экан, уни «*руҳият масаласида тош асри*», - деб баҳолайди. Чунки сўнги юз йилликда инсоният қалбадаги жин алвастиларни уйғотиш ва уларнинг яқдиллигини таъминлашга, яъни даҳрийликка кўпроқ аҳамият берилган. Адибнинг қомил ишончича роман қахрамонларидан бири сайрамлик Қўлдош Али Ҳожи тилидан айтилган XXI аср ҳақидаги фикрларда қатта умидворлик тажассум топган. Зеро, адиб янги асрнинг «*инсонда ва моддиятда руҳни уйғотиш*» асри сифатида майдонга чиқишига қаттиқ ишонади. Бошқачароқ айтганда, одамзод тафаккурининг тозаланиб, Умумқоинотнинг Тафаккур майдони билан ҳамнафас яшашини истайди. Китобхоннинг ҳаётий масалалар ҳақидаги қарашларини теранлаштириб, уни ўз ички «мен»ини кашф этиш имконини қўлга киритишга ундайди. Инсоннинг руҳиятини поклаш, қалбини маърифат ёғдуси билан тўлдириб, иродасини муқимлаштиришга интилади.

Роман муаллифи инсонни дунёнинг узвий бир зарраси сифатида буткул Қоинот кенглигида олиб қарайди. Одамзод ўз илохий моҳияти билангина олий бир мақом қасб этади. Буни англаган руҳ хотиржамликка эришадигина эмас, балки ҳаёт ва моддиятни ўзгартириб, эзгу қучларни бирлаштириш орқали табиатга ҳам янгилик руҳ ато эта олади, - деган фикрни ифода этади.

Демак, «*Туташ оламлар*» асари руҳ қушининг чинакам озодлиги ҳақидаги илк мистик-фантастик романдир.

Юқорида билдирилган фикрлардан аён бўладики, жаҳон халқлари фольклори ва ёзма адабиётида фантастик унсурлардан фойдаланиш қадимий ҳамда барқарор ҳодиса. Илмий фантастика ана шу анъаналар заминида XX асрнинг 60-йилларида пайдо бўлган янги бадий йўналиш – сўз санъатининг мустақил соҳаси. 80-йилларда шаклланган ўзбек илмий фантастикашунослиги мазкур адабиётнинг тараққиёт тамойиллари, ўзига хослиги, ижодий жараён спецификасига хос жиҳатларни изчил ўрганмоқда. Монографиянинг учинчи бўлимида биз ўзбек романчилиги тараққиёти, бадий тафаккур тақомилида Ҳожиакбар Шайхов насри, хусусан «*Телба дунё*», «*Туташ оламлар*», «*Икки жаҳон овораси*» романларининг ўрни ва аҳамиятини имкон қадар таҳлил ва тадқиқ этдик. Асосий эътиборни бу романларда қўлланилган фантастик аксессуарларгагина эмас, балки миллий тафаккур ва умуминсоний қадриятларга бўлган муаллиф муносабатининг бадий ифодасига қаратдик.

Шу орқали илмий фантастик романда олам ва одамни идрок этиш усулларидаги ўзига хосликларни англашга интилдик. Романлардаги аниқ

географик макон билан туташадиган жиҳатларда адиб илмий фантастика ва реализм муносабатлари мутаносиблигини таъминлашда куйидаги ҳолларда услубий индивидуаллигини намоён этади:

-Заминда кечаётган воқеа-ҳодисаларни самога кўчириши;

-таъсирда контраст қўйиши ва рамзийликка эътибор қаратиши;

-реал ҳаёт ва шлоҳиёт ҳақидаги қарашлардан кенг истифода этиши;

-аллегорик мазмундаги баъдан фойдаланиши;

-барча қаҳрамонларни раҳмоний ва шайтоний кучлар сифатида кескин кутблантириши ва ўзининг муайян томонга тамойил бўлишини яширмаслик;

-бузғунги инсон тақдирини унинг шк ибтидоси билан қиёслашга интилиши;

-Одамзод тафаккуринини Умумқошиот тафаккур майдони кенгликларида олиб кузатиши.

ИЛМИЙ-ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАР ПОЛИФОНИЯСИ

Ўзбек романчилиги XX асрда оддийдан мураккабга томон интилиб, жаҳон романчилиги тараққиётига ҳамқадам бўлди. Унинг тараққиёт хусусиятларини назарий асосда умумлаштириш, энг муҳим ўзгаришларининг етакчи тамойилларини кўрсатиш маълум маънода миллий истиқлол даври романчилиги асосларини ҳам белгилашдир. Зеро, бугунги адабиёт-шунослигимизда ўн беш йиллик адабиётимизни ворислик асосида тадқиқ этиб, мавжуд изланишларнинг миллий ва дунёвий жиҳатларини очиқ берувчи йирик фундаментал тадқиқотларга кучли зарурият сезилмоқда.

Маълумингизким, муайян адабий ҳодиса ривожининг сабаблари зарурият билан узвий алоқадорликда намоён бўлади. Бадиий тафаккурдаги янгилик муайян замин асосида туғилар экан, сабабий боғланишлар моҳиятини англамоқ ҳам талаб этилади. Илло, миллий адабиёт, хусусан романчиликда пайдо бўлган янгилик ижодкор ирода ва истагининг ўзига хос шаклдаги ифодасигина эмас, балки ижтимоий-эстетик тафаккур ривожининг ҳам ҳосиласидир. Китобхон маънавий – руҳий эҳтиёжини қондирмоқ; ёнги инсон ва жамиятни қалам соҳиби идеалларига яқинлаштирмоқ маъносларида олинганида ҳам ички эҳтиёж заруриятни тақозо этади.

Бинобарин, бу ўринда зарурият адабий ҳодисанинг моҳиятидан, ички табиатидан келиб чиқиб, доимийлик ва барқарорлик касб этади. Роман жанри ривожига катъий изчилликнинг мавжуд эканлиги аслида бутун оламда амал қилувчи қонунлар билан узвий боғлиқдир. Шу маънода ривожланиш роман жанри ички моҳияти билан белгиланади. Чунки роман олам ривожланишининг тадрижий жараёни билан умумий боғлиқликка эга бўлиб, адабий-эстетик зарурият ўз асоси ва келиб чиқиш сабабига кўра янги адабий ҳодисанинг ички моҳияти билан бевосита алоқадордир. Бошқачароқ айтганда, адабий жараён зарурий боғланиш ва алоқадорликда ривожланади ҳамда умумийликдан ажралмасдир.

Демак, Ўзбек романчилигини бир бутунликда, яхлит тушуниш орқали воқеликнинг асосий томонлари билан бевосита боғлиқлигининг муайян қонуниятларини очиш имкони туғилади. Ҳамиша ҳам ижтимоий-эстетик тафаккур ривожининг муайян даврдаги даражасига уйғун тарзда адабий кашфиётлар учун эҳтиёж ва талаб пайдо бўлган. Чунки адабиёт ва санъат тараққиёти соҳасида айни дамгача эришилган ютуқлар адабий кашфиёт пайдо бўлишига шароит ҳамда имкон яратади. Алоҳида адабий ҳодиса бўлгулик янгилик амалга ошиш шаклининг тезлашуви эса муайян интеллектнинг истеъдоди, илҳом уфқларининг кенглиги, воқеликни кўнгил ва тафаккур призмасидан ўтказиб ифода эта олиш маҳоратига боғлиқ. Зоҳиран тасодифдай кўринган мазкур жараён воқеалар бағрида яширинган ички қонуниятлар асосида кечади. Илмий ҳақиқатнинг зарурият ва тасодиф

диалектикаси¹⁰⁷ ни англаш орқали ойдинлашишини инobatга олиш адабий ҳодисалар моҳиятини янада кенгрок тушуниш ва ўрганишда муҳим методологик аҳамиятга эгадир.

Жамиятнинг туб моҳиятини билиш, инсоннинг жамиятдаги ўрни ва ролини белгилаш, таракқиёт мантиғини англаш учун авваламбор, жамиятнинг ўзи доимий ўзгариш ва ривожланишда эканлиги назарда тутилиши лозим. Ҳар бир тарихий даврнинг одами ўз эътиқоди ва илмий-маънавий даражасидан туриб жамият моҳиятини мифологик, диний, илмий-фалсафий асосларда ўрганиб келган. Жамиятнинг пайдо бўлиши, моҳияти, ўзлигини англаши, истиқболлари тўғрисидаги қарашлар тарихини кузатсак, Форобий “*инсоннинг фозиллиги*”ни; Ибн Сино “*бирдамликка бўлган табиий эҳтиёж*”ни; Гегель “*фалсафий тафаккур*”ни юксак санаганлигининг гувоҳи бўламиз. Англашилалаки, ҳар бир ўзгарган тарихий даврда жамият моҳиятини янгича идрок этиш, унга нисбатан индивидуал ёндошиш зарурияти пайдо бўлган. Турли тарихий давр таълимотларида бўлганидек, адабий-эстетик тафаккурида ҳам жамият маънавий салоҳияти ва давр руҳи ўз аксини топади. Бу ҳол роман жанрини ҳам четлаб ўтмаслиги табиийдир. Ижод аҳли ҳамиша ўз даври муаммоларидан безовталанган, уларнинг ечимини топишга ақлий ва руҳий қувватини йўналтирган. Улар инсон моддий ва маънавий ҳаётида мувозанатни таъминлаш муҳимлигини ҳамиша таъкидлаб келишган. Ҳаётнинг ўзи доимо нисбатан илғоррок қарашларни юзага чиқарар экан, унинг бадний ифодаси учун ҳамиша имкон ҳам яратиб келган.

Илк ўзбек “*роман*”лари пайдо бўлган XX асрнинг 10-йилларидан буён жамият моҳиятини адабий-эстетик идрок этишда: диний маърифатчилик, маърифий ислохотчилик, жадидчилик, моддиончилик, миллий истиқлолчилик сингари турлича қарашлар амал қилиб келди. Алалокибат, шундай тўхтамга келиндикки, жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини бир-бирига қарама-қарши қўйиш ҳам, улардан бирини муҳим иккинчисини номухим деб ҳисоблаш ҳам бирдай хато экан. Интеллекларнинг ўзлигини тўла намоён қилишига муайян тарихий даврда жамиятда шаклланган сиёсий бошқариш усули ҳамда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг даражаси кучли таъсирини ўтказар экан. Чунки, илм-фан таракқиётининг жадаллашиши ва интеллектуал салоҳиятнинг ривожланиши жамият маънавий ҳаётининг такомиллашуви билан узвий боғлиқликда кечади. Сиёсий-иқтисодий ҳаётдаги эркинлик даражаси ижтимоий-гуманитар фанларда, хусусан, бадний ижод ва адабиётшуносликда айниқса кучли намоён бўлади.

Масалан, 1925 йилгача бўлган даврда шўро адабиётининг тўла мафсуравийлашиб улгурмаганлиги адабиёт оламида шаклий-услубий изланишларнинг кучайишига олиб келган. Ўтган асрнинг 60-йилларидаги “*нисбий эркинлик*”, 80-йилларидаги “*қайта қуриш ва ошқоралик*” сингари жараёнлар билан боғлиқ жамият ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётдаги турфа эврилишлар туфайли адабий тафаккурда, адабий тур ва жанрларнинг

¹⁰⁷ Фалсафа: Комусий лугат. Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти 2004, 132-134 б.

ифода кўламида сезиларли янгиланиш жараёнлари юзга келган. Миллий истиклол йилларида хилма-хил ижодий-эстетик оқимлар, адабий мактаблар шаклландики, бу ҳам моҳиятан фикрлар плюралиزمи учун яратилган ижтимоий-мафкуравий имконларнинг мислсиз кенгайгани билан боғлиқдир.

Демак, адабиёт ривожини, жумладан, романчилик тараққиёти даставвал, жамиятда фалсафий-эстетик тафаккур хилма-хиллиги учун яратилган имконлар билан ўзаро алоқадорликда кечади. Аслида ўзаро алоқадорлик олам мавжудлигининг энг умумий қонунияти сифатида барча нарса ва ходисалар универсал ўзаро таъсирининг натижаси ва юз беришидан иборат. Англашиладики, ижтимоий-гуманитар фанлар тизимидаги сифат ўзгаришлар: (адабий тур, жанр, шакл, услуб, ифода унсурлари каби) ни нафақат муайян минтақа ёки давр адабиёти доирасида, балки бениҳоя хилма-хил алоқа муносабатлари контекстида ҳам кузатиш тақозо этилади. Дунё адабиёти ички структуравий жиҳатдан яхлит ҳодиса экан, ўзбек адабиёти жаҳоний бадий-эстетик тафаккур маҳсулларининг барча даврлари билан ўзаро муносабатга киришмаслиги мумкин эмас.

Роман - поэтик тафаккурнинг моддийлашган шакли. Ўзбек романи индивидуал хусусиятларини ўзаро алоқадорлик орқали ифода эта олади. Демак, унинг жаҳон адабиёти билан муносабатларини ўзаро таъсир доирасидагина тушунтириш, изоҳлаш мумкин эмас. Чунки адабий ҳодисалар ўртасидаги алоқадорлик тубандаги кўринишларда кечади:

1.Бевосита ва бивосита. 2.Доимий ва вақтинчалик. 3.Мухим ва номухим. 4.Тасодифий ва зсрурий. 5. Функционал.

Инсоннинг фикрлари объектив оламни, демакки, адабий жараён ҳодисалари ўртасидаги алоқа ва муносабатларни билишда тобора чуқурроқ ва умумийроқ даражада англаш сари доимий ҳаракатда, илгарилашади. Айнан ўша ўзаро алоқадорлик инъикоси туфайли адабиётшунослик фанида структуравий жиҳатдан туркумлиниш – турли хил махсус соҳаларга бўлиниш юзга келди. Бу эса фанлараро алоқа ва ўзаро таъсирни янада мустаҳкамлаш имконини берди.

Юртимиз дунёга юз тутган, хориж билан ҳар турли алоқалар кучаяётган, коммуникация воситалари беҳад ривожланаётган бир шароитда вақтинчалик ҳодисаларга махлиё бўлмаслик, муҳимдан номухимни ажрата олиш адабиётнинг миллий кифасини сақлаш ҳақида қайғуриш ҳам талаб этилади. Муайян адабий ҳодисага бўлган муносабатни оқилона йўналтиришда мунтазамлик маромини сақлай олсак озод ва эркин тафаккур парвозлари қутилган натижалар бериши шубҳасиз. Дилмурод Куронов таъбири билан айтганда, *минг йилликлар қаъридан озикланувчи миллий маънавиятимиз ўзига уйғун ҳолда сингишиб кетадиган қадриятларни ўзига мослаштириб қабул қилса, бошқаларини инкор қилади*¹⁰⁸. Демак, адабий ҳодисалар ўртасидаги сабабли алоқадорликни тадқиқ қилишда муносабатларнинг ғоятда муҳим жиҳатларини ажратиш олиш алоҳида аҳамият касб этади.

¹⁰⁸ Куронов Д. “Адабиёт надири” ёки Чўлпоннинг мангу саволи. Т.: Зарқалам. 2006, 110 б.

Таъкидлаш жоизки, миллий онг ва унинг амалда ўз ифодасини топиши айнан бир хил мақомдаги тушунчалар эмас. Собиқ шўро даври ҳукмрон мафкураси миллий онгни ўз йўригига йўналтиришга астойдил ҳаракат қилди. Бу ҳол миллат онгининг амалда ўз ифодасини топиши учун жиддий тўсиқ эди. Нагжижада, миллий онгнинг ўзбекона манфаат ва мақсадларини амалга ошириш борасидаги фаоллик даражаси сусайди. Лекин бу ҳол миллат манфаатлари ва мақсадларини ифода этувчи миллий онгнинг ҳамшиша мавжуд бўлганлигини инкор этмайди. Чунки таъкидланганидай, миллий онгнинг мавжудлик ва фаоллик даражалари айнан бир нарса эмас. Санъатда эса миллий онгнинг амалга ошиш ҳаракати тамомила ўзига хос тарзда намоён бўлади. Шуниси билан реал ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётдан адабиёт ҳамда санъат олами жиддий фарқланади.

Бизнинг романчилигимиз қадимий нореалистик анъаналар доирасида ҳам, реализм барқарор бўлгач ҳам ҳамшиша моддий дунёнинг ижтимоий таҳлил, тарихийлик меъзонларию қонуниятларига катъий амал қилиб келган эмас. 90-йилларгача бўлган давр ўзбек романчилигида инсон шахсига фақат ижтимоий муносабатлар маҳсули сифатидагина қараб келинмаган. Айрим романларда инсоннинг руҳий ҳолатлари, туйғу ва ҳислатлари сиёсат ва мафқурадан холи тарзда акс этганлиги, ижод аҳли интуитив тарзда инсонга коинот тадрижининг табиий ҳосиласи – космик эволюция ҳодисаси сифатида қарашга етиб келганлигини кўрсатувчи мисоллар ҳам мавжуд.

Инсоннинг интуитив сезги ва тасаввурлари онг назоратидан ташқарида бўлса-да, унинг онги мавжудлиги ва ривожланишининг табиий шартидир. Қолаверса, ижодкор психиксининг онгости қисмида кечган, йўлини топиб онгли фаолият сферасига кўчирилган талай ифодалар борки, улар ўз залворига кўра қалам аҳлининг синчков кузатишларидан келиб чиқади, аниқ мақсадга йўналтирилади. Чунки, ижтимоий муносабатларга жалб этилган романнывисларимизнинг эстетик идеали биринчи навбатда уларнинг субъектив борлигидан маънавий қувват олади. З.Фрейд тўғри таъкидлаганидай, зарур бўлган ҳолларда *“онгости инсон онгли фаолиятининг ўзига хос қузатувчиси- цензори”* сифатида чиқа олиш сифатига эгадир.

Демак, иродаси бақувват, сезги – кечинмалари чуқур, қўламдор, ҳиссиётлари тамомила миллий, тасаввурлари объектив реалликнинг барча иерархик даражаларини (оддий, майда бўлақлардан тортиб, то биосфера ва метагалактик воқеликкача) қамраб ола биладиган, гипотетик хулосаларини концепция даражасига кўтара олган айрим ижодкорлар маънавий - руҳий дунёси ғоятда мураккаб бўлиб, нафақат рационал шаклда, балки ҳиссий тарзда ҳам ўз ифодасини топган. Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан шундай хулоса чиқадикки, бадиий адабиётда фақат ақлий тафаккур орқали эмас, балки ҳиссий идрок орқали ҳам инъикос объектига бўлган муносабат гавдаланади. Ёзувчи ташқи таъсирларга реакциясини аффектив ҳолатларда акс эттирадики, бу унинг шахс сифатидаги феъл-атвори, тарбия топган муҳити, иродасига, маънавий-руҳий дунёсига боғлиқдир. Ижодкорда аффектив муносабат мавжуд ва иродаси миллий асосларда шаклланган экан, 90-йилларгача яратилган етук романларда ижтимоий ҳаётга руҳий

муносабатнинг мавжуд бўлиши табиийдир. Салоҳиятли носирлар ички гуйғу билан сезган ҳақиқатларини ифода этмасликлари мумкин эмас. Шубҳасиз, объектив олам ҳамда одамни фикрий ва ҳиссий англаб, ўз-ўзига доим ҳисобот бериб борган чинакам ижодкор реалликни қайта ишлар экан, миллий асосларда ифода этиш йўлларини кидирган. Бинобарин, амалий фаолиятини онгли тарзда бошқарган, назорат қилиб турган. Чунки, ўз-ўзини англаш воқелик объектлари ва ижтимоий кадриятларга муносабатни белгилайди.

Инсон онгининг амалий фаолияти жараёнида ҳиссий ва ақлий сўзлар узлуксиз равишда ўзгариб туради. Айниқса, ижод аҳли субъектив ички "Мен"и ўз тажрибаларидан тегишли хулосалар чиқаради. Амалий фаолияти махсулларининг аждодлари томонидан кадрланиши тилагида интилади. Аксарият романнависларнинг яқин ва узоқ тарихимизга мурожаат қилишлари ижтимоий-тарихий жараёнлар мантигини англаш орқали ўз даврини, замондошнни тушуниш истагидан келиб чиқади. Доимо ниманидир тушунишга интилиш, қобилиятини юзага чиқаришга уринишдаги астойдиллик бир вақтнинг ўзида ижодкор онгини, психикасини бетақдор қила боради. Ташқи омиллар билан шартланганлигини юзага чиқаради. Ана шу психологик ҳолатларни моддийлаштира олиш эса қобилият ва иқтидорни талаб этади. Ўзини индивидуал тарзда намоён этаётган иқтидор соҳиби, амалий фаолияти жараёнида шахслараро муносабатга киришишга мажбур. Мажбурият юзасидан амал қилинаётган ижтимоий меъёрлар ҳеч қачон истеъдод ички майлларининг айнан ўзи эмас. Аксинча, унга мувофиқ келмаслиги билан характерланади.

Шу маънода ўзбек романчилиги тўплаган амалий тажрибада икки хил ҳолат мавжудлиги кузатилади. *Биринчи ҳолат* биздан 90-йилларгача яратилган романлардаги кўчимли, яширин маънолар орқали мавжуд тузум талаблари билан келиша олмаган қалам аҳли кўнглидаги энгости майлларидан унинг шахсияти – ижодий феноменини англаш сари боришни талаб этади. *Иккинчи ҳолат* эса, инсон онгининг бир қадар оддийроқ шакллари, аниқроқ айтганда, қаҳрамоннинг борлиққа муносабати билан боғлиқ кечинмалар дунёси ифодасига диққат қаратишни тақозо этади. Чунки миллий истиклол даври романларида адабий қаҳрамонни онгсизлик ҳолатида тасвирлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай романларда анъанавий реализмга хос макон ва замон аниқлиги, баён изчиллиги, ифоданинг мантикий асосланганлиги кузатилмайди. Ўтмиш билан келажак кўпинча бир даврда ҳукм сураётгандай, ягона психик актга бирлашгандек тарзда акс эттирилади. Айрим қаҳрамонларнинг хулқ-атвори аффектив ҳолатларда, интуиция ва тафаккур ҳаракатида, туш кўриш ёки галлюцинация таъсирида барқарорлашади. Характерни ҳали ўзи тўла англаб етмаган ҳаракат-интилишлар ва ҳиссиётлар пировардида ночизиқ ҳолатдан чизикли ҳолатга томон етаклайди.

Қаҳрамон тақдирида дастлаб онгсизлик анча устун мавқеда намоён бўладики, бу онгсизлик динамикасига тўла мувофиқ тарзда кечади. Дабдурустан у ўз фаолиятининг қўзғатувчиларини англай олмайди. Образнинг вазиятни англаши мушкул кечиши унинг идроки сиқилиб қолиши

туфайли содир бўлади. Аста-секин у ўз-ўзини таҳлил қилиш ва ўнгланиш сари юз буради. Бундай типдаги матнларни изохлаш ва талқин этиш учун герменевтика¹⁰⁹ назариясига мурожаат қилишга тўғри келади. Чунки, тарихий-фалсафий ифоданинг ўзи ҳозирги замон фалсафасининг матнларни назарий асослаб, методологик тушунтирувчи герменевтика назарияси ва амалиётига мурожаат қилишни тақозо этади. Герменевтика инсонни феноменология нуктаи назаридан ўрганиш, унинг борлигини англаш имконини беради. Демак, инсон ўз борлигини таҳлил қилиш ва тушуниш асосида реаллаштириб бориши ҳақидаги янгича қарашлар бугунги ўзбек романлари моҳиятини тушунишга қалит беради. Зеро, “*матини тушуниш ҳеч қачон охирига етмайди*” (Х.Г.Гадамер). Чунки “*тушуниш ва англаш бир-бири билан узвий боғлиқ*” (Г.Риккерт). “*Тушунтириш субъективизм жараёндир*” (М.М.Бахтин) каби қарашлардан туртки олсак, талқинларимизнинг асосли эканлиги англашилади.

Бугунги кунда адабиётимизда инсон шахсининг мажудлиги, “*Мен*”нинг бетакрорлиги ҳақидаги экзистенциалистик талқинлар, баъзан эса диний-исломий фалсафа устиворлиги яққол кўзга ташланувчи қатор романлар майдонга келди. Миллий-адабий анъаналарнинг янгиланиши, рамзий-мажозий тимсоллар воситасида яратилган қаҳрамонларнинг сафи кўпайишига олиб келди. Адабий жараён табиатида юз берган бундай тозариш адабий жамоатчиликнинг кайфият-руҳиятига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Қизгин муҳокама-мунозараларнинг айнан замонавий талқинлар атрофида бўлаётганлиги мутлақо тасодифий ҳол эмас. Илло, бугунги кунда ёзувчи бадиий ҳукмидаги поэтик оҳанг турфалашдики, ўзбек романчилиги тажрибалари ХХ асрнинг 60-80-йилларидан шахс фаолиятининг фожиаларини бутун бўй-баста билан кўрсатиши жиҳатидан анча илгарилаб кетди. Янги аср романларида нафақат шаклий-услубий турфалик, балки инсон қисмати ифодасида ҳам изчиллик намоён бўла бошлади. Инсон тақдирига юксак адабий мезонлар асосида ёндошиш, борлиқ ва шахсни янгича концепция асосида талқин қилиш кучайди. Натижада, ифодасининг жонлилиги, камрўвининг кўламлилиги, адабий тимсолларининг мураккаблиги билан ажралиб турувчи кўплаб романлар юзага келди.

Бугунги ўзбек романларида ҳам маърифатпарварлик ва романтик пафос учраса-да, бу Ҳамза ёхуд Абдулла Қодирий романларидаги маърифатчилик ва романтик услубдан кескин фарқ қилади. Чунки ўзбек романи ифода нуктаи назаридан-да тадрижий тараккиёт йўлини босиб ўтди. Олам манзарасини акс эттиришга бўлган янгича ёндашувлар романнависларни олами сугро (Форобий таълимотидаги “*микрокосм*”) ни олами кубро (“*макркосм*”) нинг жавҳари деб қарашга олиб келди. Одамни оламнинг маъзи, гултожи ва мақсади сифатида талқин қилиш аслида қадимги Шарқда вужудга келган таълимотдир. Унинг илқ куртақларини қадимги Ҳинд Ведаларида (пуруша), Хитой фалсафасида (Пан-Гу), Шарқ ва юнон мифологиясида учратамиз. “*Авесто*”да эса олами сугро ва олами кубро

¹⁰⁹ Фалсафа: Комусий лугат. Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. 2004, 88-89 б.

муносабатлари ҳақидаги тушунчалар изчил ва батафсил баён қилинган эди. Англашиладики, ифода нуқтаи назаридан ҳам адабиётимизда қадимий анъаналар янгича тарихий шароитда, ўзига хос тарзда ижодий давсм қилдирилмоқда.

Демак, микрокосмос талкинида бизнинг қарашларимиз Демокрит, Платон, Аристотель каби олимларнинг оддийгина “*инъикос*” назарияси билан боғлиқ қарашларидан ўзининг Шарқона (аниқроқ айtilса, Форобиена) асослари билан фаркланади.

Миллий истиқлол ғоясининг умуминсоний мазмунида умумбашарий қадриятларнинг устиворлигини миллий даражада намоён этишга алоҳида аҳамият қаратилган. Диний бағрикенглик, хурфикрлилик, дунёвий билимларга интилиш каби тамойилларга асосланган. Романчилигимиз ҳам жаҳон адабиётининг илғор восита ва усулларидан фойдаланиш орқали халқимиз мустақил ва эркин тафаккурини шакллантириш, хурфикрлиликни қарор топтириш, комил инсонни тарбиялаш, нафосат дидини шакллантиришга хизмат қиладиган, моҳият эътибори билан миллий романлигича қолади.

Бугунги замондошимиз тафаккур тарзи ва эътиқодида инсон танасидаги рухнинг истак ва фикр ташувчи – онг Яратганининг илоҳий қудрати эканлигига ишонч ҳам, материалистик йўналиш излари ҳам, инсонни биологик ва ижтимоий ҳаракатнинг ташувчиси сифатида англаш ҳам, онгнинг шаклланишига космик ҳодиса сифатида қараш ҳам мавжуд. Зотан, жамият, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар, жумладан инсоният шаклланиши жараёнида тўпланган тафаккур маҳсуллари ҳам муҳим маънавий қадриятлар сирасига қиради. Илло, ижодкор ҳам оддий бир инсон ўларок, ўз умри давомида сон-саноксиз қадриятлар оламида яшайди. Умумбашарий қадриятларга содиқ бўлишга, ўзи яшаётган жамиятда умуминсоний қадриятларни миллий даражада намоён этишга астойдил ҳаракат қиладди. Миллий қадриятларимизнинг ўзбекона ҳаёт ва турмуш тарзимиз, яшаётган ижтимоий муҳитимиз, халқимизнинг тарихий ўтмиши, аждодларимизнинг келажаги билан чамбарчас боғлиқ эканлигини яхши англайди.

Шуниси ҳам борки, энг олий қадрият бўлган инсоннинг ўз фаолияти, турмуш тарзи, хагги-ҳаракати, инонч-эътиқоди, умр маъносини англаши буткул шахсий даражада намоён бўлади. Демак, ижод аҳлининг ифода тарзи ҳам индивидуал ҳодисадир. Ҳар бир қаламкаш доимо ўзгаришда бўлган жамиятнинг туб моҳиятини билишга, инсоннинг жамиятдаги ўрни ва ролини белгилашга, тараққиёт мантиғини мутафаккирона англашга ҳаракат қиладди. Ижтимоий фалсафий таълимотларга имкон қадар ижодий муносабатда бўлиш, ўз даврида етилган муаммоларнинг поэтик ечимини топишга, жамият истиқболини олдиндан кўришга уринади.

Муайян бадий асар қайси даврда яратилган бўлса, унда ўша даврнинг руҳи, маънавий салоҳият даражаси ўз аксини қолдиради. Чунки ҳар бир ўзгарган тарихий даврда жамият моҳиятини янгича идрок этиш, унга ўзига хос ёндошиш зарурияти пайдо бўлади. Ягона мафқуранинг тўла

хукмронлиги, жамият ҳаётида унгагина хос тамойилларнинг ўзгармас акидалар тарзида қатъий ва мутлоқ тартибда ўрнатилишига асосланган биронта мафкуранинг истикболи бўлмаган. Ўрта аср Ғарб инквизицияси, шўро даври коммунистик мафкураси, XX асрнинг 30-йилларида Италия ва Германиядаги фашизм моҳиятан ақидапарастликка асосланган эди. Улар “*ягона, шмий ва адолатли, барчага баробар*” бўлишга даъво қилиб, яккахукмронлигини ўрнатгани ҳолда, ўзини бойитиб борадиган манбаалардан мосуво бўлишди. Бугун тарихга айланган даврнинг тоталитар сиёсий бошқарув усули шаклланиши ва амал қилиши ҳам ўша жамият сиёсий ҳуқуқий маданияти, маънавий-интеллектуал салоҳияти ақидапарастликка асосланганлиги билан боғлиқдир. Шўро адабий сиёсати ўз моҳиятидан фаркланувчи гоё-қарашларга ёт назар билан қараб, фикрлар ранг-баранглиги, қарашлар хилма-хиллигидан тамомила узипиб қолди. Натижада, одамлар руҳиятига, жамият маънавий ривожига, илм-фан равнақиға гоётда жиддий зарар етказиб, пировардида таназзулга юз тутди.

Илм-фан ривожига етказилган жиддий зарар Ғарбда юзага келган фан ва техниканинг янги ютуқлари кўр-кўрона инкор этилганида, кўплаб фан соҳалари етарлича ривожлана олмаганлигида кўринади. Таъкидлаш жоизки, фақат ижтимоий фанларгина жабр кўргани йўқ. Генетика, кибернетика, политология, конфликтология, аксиология каби фанлар “*сохта*” ва “*реакцион*” деб эълон қилинди. Психология, социология, культурология, семиотика, бионика, информатика назариси, эргономика сингари фан соҳаларининг ривожланиш йўллари тўсиб қўйилди. Қанчадан-қанча маданият дурдоналарининг исиз йўқолиши, юзлаб ақл-заковат соҳиби бўлган алломаларнинг қатоғон қилиниши, миллионлаб инсонларнинг бошига чексиз кулфатлар ёғилиши ва одамлар руҳиятида мутъелик, локайдлик, маҳдудлик, ўзга гоёларга ҳадиксираб қарашнинг шаклланиши чинакам маънодаги йўқотишлардир.

Маърифатли ҳуқуқий-демократик жамият кураётган мустақил Ўзбекистонимизнинг адабиёт ва санъат аҳли зиммасида комил инсон шахсини шакллантириш вазифаси туради. Жамият ўзида моддийлик ва маънавийликни, объективлик ва субъективликни, табиийлик ва ижтимоийликни бирлаштиради. Бинобарин, жамиятимизнинг барча сатҳларида бўлганидек, адабий танқидчилик, адабиётшунослик ва бадий адабиёт олдида ҳам талай етилган муаммолар бўлиши табиий жараёндир. Демак, ҳаётгий заруриятнинг ўзи миллий-адабий аънаналар заминидан узилмаган ҳолда жаҳон адабиётига хос нисбатан илғор жиҳатларни ижодий ўзлаштириш, адабий-назарий таълимотимиз дуч келган мураккаб муаммоларни оғишмай ҳал этишни тақозо этади. Қолаверса, бугунги кунда илғор фалсафий-эстетик қарашлар орқали адабиёт ва санъатни ривожлантириш, миллий истиқлолғача амал қилиб келган, ҳануз айрим ақидапараст кишилар онгидан тўла сиқиб чиқарилмаган шўро адабиётшунослиги тамойилари ўрнига нисбатан илғорроқ таълимотларни яратиш муҳим эҳтиёжга айланди.

Роман – жанр сифатида инсоннинг воқеликка бўлган эстетик муносабатини умумлашган ҳолда ифодалайдиган бадий-эстетик ҳодиса. Бадий адабиётнинг эпик турига мансуб мазкур жанр ижодкор эстетик идеалига мувофиқ тарзда, санъат назариясига кўра, воқеликни фалсафий-социологик жиҳатдан ҳам таҳлил этиб, ўзига хос тарзда ифодалайди. Демак, романда санъаткор томонидан идрок этилган воқеликка бўлган жанрий-эстетик баҳо ҳам, бадий режанинг амалга ошиши учун қулай бўлган шакл ҳам, ўзлаштирилган мазмуннинг ифодаси ҳам мужассамлашади. Шу боис ҳам роман китобхоннинг нафақат фикр-гуйгулари, балки ҳаёлларига ҳам таъсир эта олиш қудратига эгадир. Роман жанр сифатида бир жиҳатдан ижтимоий - тарихий жараёнларга, иккинчи томондан эса санъатнинг ички динамикасига боғлиқ тушунчадир. Бинобарин, уни нукул ижтимоий омилларгагина боғлаб талкин қилиш дуруст эмас. Зотан, роман таракқиётида ҳамиша ҳам ижтимоий омилларга боғланавермайдиган ички тадриж мавжуд. Яъни унинг ривожда санъат таракқиёгининг мустақиллиги қонунияти ҳам намоён бўлади.

Ҳар бир янгиланувчи жамият тафақурининг тозариши билан узвий боғлиқ тарзда янги ҳаётий мазмун ҳам пайдо бўлади. Бадий адабиёт доирасида у ўзига хос шакл ва ифодани ҳам талаб этади. Буюк сўз усталари ижодида бу ҳол доимо намоён бўлиб келган ва ҳозирда ҳам мазкур анъана ижодий давом қилдирилмоқда. Чунки, ижтимоий воқеа-ҳодисалар ривожда ҳам, бадий-эстетик тафаккур ва унинг ифодаси тадрижида ҳам узлуксизлик мавжуд. Ўзбек адабиётида кечаётган жараёнлар ўз миқёсига кўра миллий характерга эга эканлиги унинг миштақавий ва умумбашарий моҳият қисб этишига инкор этмайди. Адабий жараён манбаалари, уни белгилловчи омилларнинг сабаб ва оқибат сифатида намён бўлиши шубҳасиздир. Демак, сабаб ва оқибат, зарурият ва тасодиф категорияларида давр адабий жараёнининг зоҳирий ҳамда ботиний асослари ҳам ўз ифодасини топади. Шу боисдан адабий жараёнга бўлган муносабат таракқиёт моҳиятига, инсон омилига ёндашуви нуқтаи назаридан жамият қайфиятига у ёки бу даражада таъсир ўтказди. Англашиладики, адабий ҳаракатнинг пировард мақсадлари сари йўналганлиги муҳим аҳамиятга моликдир.

Адабий фалсафа маълум маънода ижодкор зиёлининг маънавий-руҳий қиёфасини белгилайди. Унинг мақбул жиҳатлари эса реал шароит тақозосига кўра жамият маънавиятига сингишиб кетади. Жамият маънавий ҳаётига илмий-фалсафий қарашдан кўра нисбатан олдинроқ ҳаёт муаммолари ва шахс руҳияти турли ракурсларда бадий-эстетик талкин этилган асарлар кириб боради. Бизнинг романчилигимизда шахс бадий талқини, ҳаёт моҳиятини англашдаги нуқтаи назарларнинг турфалашуви XX асрнинг 90-йилларидан эътиборан тўла юзага чиқди. Бирок мазкур фикр илк ўзбек романларидан 90-йилларгача бўлган даврдаги инсон талқини ҳам, романнинг шаклий-ифодавий усуллари ҳам доимий ўзгаришда бўлганлигини инкор этмайди. Зеро, мафкура яққаҳоқимлиги даврида ҳам инсонни англаш йўлидаги ҳаракатларда баъзан давр интилишларининг тор қилинганлиги ёриб

ўта олган бадий талкинлар учрар эди. Мафкуравий тазйиқ уларнинг тўла намоён бўлиши ва етакчи мавқе эгаллашига имкон бермас эди.

Демакки, юқорида таъкидланган инсон бадий – эстетик талкини ҳаминша ўзгаришда, янгиланишда, тадрижий таракқиётда бўлганлиги ҳақидаги фикр иштибоҳ туғдирмайди. Зеро, бизнинг моддий ва маънавий манфаатларимизга зид ҳаракатларнинг ўз вақтида бадий-эстетик йўсинда англангани ҳамда халқимиз маънавиятига тинимсиз тарзда синдириб келингани миллатнинг ўз-ўзини англашига, маънавий-руҳий салоҳиятини намоён этишига, ягона умуммиллий куч бўлиб бирлашиб, ўзлигини химоя қилишига муҳим омил сифатида ички туртки берди. Илло, узок давр мафкуравий тазйиқ остида яшаб келган халқ учун тарихнинг бурилиш нуқтасигача бўлган даврда ижтимоий-миллий манфаатларни яширин, кўчимли маънолар орқали ифода этиб, миллатга руҳий мадад бўлиш, уни парокандаликдан асраш теран ҳаётий мазмун касб этади. Демак, романга хос хусусиятлар жанр таракқиётининг ҳар бир босқичида ўзига хос тарзда намоён бўлиб келган.

Оддий халқнинг маиший ҳаётини, қахрамонона ўтмишини, орзу-умидларини гоҳ тарихий, гоҳ романтик, гоҳ маърифий, гоҳида эса объектив характерда акс эттириши маъносида ҳам, тарихнинг бурилиш нуқталаридаги кайфиятини ижодкор эстетик идеалига мувофиқ тарзда ифодалаши жиҳатидан ҳам ўзбек романи халқ эпосидан озикланади. Ўзбек романи тадрижий таракқиётини кузатсак, унда халқ эпосига хос талай миаллий хусусиятлар (сюжет таркибида реал воқеликнинг бадий тўқима, ҳаёлий тасаввурлар ва диний-илоҳий қарашлар билан чатишуви, эпик кўламдорлик, воқеликнинг баён қилиниш тарзи, баён шакли ва усуллари) нинг намоён бўлишига гувоҳ бўламыз. Мумтоз романтик адабиёт таъсири эса ижодкор фантазиясининг кучлилиги, рамзий-мажозий тасвир устиворлиги, сюжет халқаларининг боғланишида баъзи ҳолларда учровчи шартлилик, образ характерининг фавқулодда ҳолатларда очилишида кўзга ташланади. Халқ эпосидаёқ тасвирнинг замон чегараси анча кенгайган эди. Муаллиф, шартли кивоячи ёхуд қаҳрамон баёнидан фойдаланилар, оддий тафсилий баён, диалог, монолог, автор чекиниши, ўйлаш, ички нутқ сингари баён шакл ва усуллари кенг қўлланиларди. Инсон руҳий оламини чуқур ёритишда ҳам эпс чексиз имкониятларга эга эди. Романтик адабиётда эса воқеликка нисбатан ижодкорнинг муносабати эркин бўларди. Қолаверса, ўтмиш адабиётимизда тасвирланган фавқулодда характерлар ҳам қалам ахлининг орзу-умидларини ташиш баробарида муайян тузумга бўлган муносабатини-да ифодалайди. Романтик тасвир усул ва воситаларидан фойдаланилган асарлар китобхон қалбига: интилиб яшаш, умидворлик, яратувчанлик ва бунёдкорлик туйғусини олиб кира олди. Айнан шундай асарлар миллат характеридаги курашчанлик ва ҳаётий жўшқинликнинг сўнмаслигига баракали хисса қўшди. Ҳажвий пафосни айрим ҳолларда кучайтирган ва шунчаки комиклик туғдиришга эмас, балки воқеликка эстетик муносабат билдириш, ижодкор идеалига зид жиҳатларни нозик қочиримлар орқали зукқолик билан гоҳ киноявий, гоҳ шафқатсиз реализм асосида ифодалашга

Йўналтирган Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаххор, Саид Аҳмад ўз ижодларининг ҳаракат доирасини нақадар кенгайтиришга эришган эдилар. Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур, Ғавҳаршодбеги сингари тарихий сиймоларни жонлантиришда Ойбек, О.Ёқубов, П.Қодировлар том маънода миллий идеаллардан озикланишган эдилар.

Демак, ўзбек романчилиги тараққиётининг бугунги даражасини нуқул Ғарб романчилиги поэтикасига боғламасдан, миллий манбалардан озикланиши асосида ҳам ўрганиш мумкин. Чунки тарихий-зарурят ва ижодкор эстетик идеали талаб-эҳтиёжларининг ўзи бутун адабиёт тарихидаги узвий алоқадорликни келтириб чиқаради.

Яқин ўтмишда биз асосланган ғоя ва қарашларнинг яроксиз бўлиб чиқиши аслида ғайриилмий таълимотнинг ҳаётий эмаслиги, одамларни сароб мақсадлар – абсурдга томон бошлагани билан боғлиқ. Тараққиёт моҳияти ва йўналишини белгилашдаги марксистик сохтакорлик ва утопия ғайритарихий характерга эгаллиги боис таназулга маҳкум бўлди. Бугунги наъримизга кириб келган жаҳон адабиёти илғор аъналаридан бири ёлғон бурч, ёлғон ахлоқ, ёлғон ижтимоий муносабатлар қурбони бўлган, маънисиз умидлар қучоғида яшаган инсон фожиасини тасвирлаш орқали даврнинг долзарб муаммоларига муносабат билдириш бўлди. Алданган шахс умрининг тағи пуч ғояларга сарфланганлигини бугун кескинлиги ҳамда фожиаси билан кабарик тасвирлаш романчилигимизда рамзий-мажозий тимсолларни анча кучайтирди. Долзарб муаммоларни дадил кўтариш, китобхон тасаввурларини бир қадар янгилаш, унга замонавийлик бағишлаш ўзбек романчилигининг жаҳон насри айрим илғор аъналарига яқинлашишига имкон берди.

Эндиликда нафақат давр ҳаётининг салбий жиҳатлари ёхуд ички зиддиятлари, балки собиқ тузум ва унда фаол ҳаракат қилган инсон фаолиятининг фожиали натижалари тасвирига эътибор кучайди. Бундай туйғу ва ғоянинг ошқора ифодаси XX асрнинг 90-йилларигача яратилган ўзбек романларида кузатилмайди. Чунки муайян тузум пойдеворлари мустаҳкам бўлган 60-80-йилларда уни буткул инкор этиш имкондан хориж иш эди. 90-йилларга келиб адабиётимизда танилиб қолган М.М.Дўст, Э.Аъзам, Х.Султон, Т.Мурод, Х. Дўстмухаммадлар авлоди ўзи билан янги поэтик оҳанг ҳам олиб кирди. Киноя-кесатикка йўғрилган бу поэтик оҳангда тасвирланаётган воқеа ва кишиларга бўлган муносабат кескин ўзгарди, эстетик ҳукм залвори ошди. А.Қодирий, А.Қаххор каби отахон адиблар ижодий меросида кузатилган тасвирнинг фош этиш усуллари истеҳзо, таъна, пичинг, захарханда эпик турнинг роман жанрида кенг истифода этила бошланди. Салоҳиятли ва билимдон носирларнинг объектив воқеликка умуминсоният манфаатлари нуқтаи назаридан миллий асосда ёндошишлари сезиларли натижалар берди. Янгича илмий-адабий ва эстетик тафаккур услуги тамойиллари шаклланди. Бугунги кунда уларнинг Т.Рустам, Л.Бўрихон каби эртасидан умидли издошлари пайдо бўлди.

Демак, бу шунчаки субъектив хоҳиш-истакнинг устиворлиги бўлмай, этилиб қолган ижтимоий-эстетик вазиятнинг тақозоси, китобхон маънавий-руҳий олами талаби, бутун жамят микёсида бошланган ислохотлар берган

имконлар самараси эди. Англашиладики, бу ўринда ижодкорларнинг сезги - тасаввурлари ва тафаккури ўз-ўзини, дунёни бир бутун ҳолда, ривожланишда англаш имконини берган. Ижтимоий ҳодисалар объектив характерининг англаниши лозим бўлган зарурият даражасига кўтарилиши ҳам муҳим роль ўйнаган. Бинобарин, умри тугаган жамиятни инкор этиш объектив зарурият туфайли субъект тафаккурида пайдо бўлган истак ва ироданинг ифодасидир. У эса “*дунёмизни нуқсонлардан халос этишни кўзловчи ҳаётсеварлик*” (Г.В.Лейбниц) га асосланади.

Демак, ривожланиш тамойиллари адабий жараёнга бевосита дахлдор. Аммо, эстетик мушоҳадакорлик, баҳо ва ҳукм ижод аҳлининг махсус завқига боғлиқ – субъектив характерга эга. Инсон зоти ҳам жисмонан, ҳам маънавий-интеллектуал жиҳатдан бир-бирига ўхи амайди. Ана шу “*буюк тенгсизлик*” (И.Кант) замирида ижтимоий-эстетик имконият ҳам мужассам. Ҳар бир ижодкорнинг олам ва одамни билиш имконияти, салоҳиятининг даражаси, объектга эстетик муносабати, идеали, поэтик маҳорати мутлақо индивидуалдир. Чинакам истъод сохиблари ўз эътиқодида собит, кучли ирода эгалари сифатида ижтимоий адолатсизликларга нисбатан муроса қила олмасликлари билан ажралиб турадилар. Олам ҳодисаларини тушунишда улар фаросат тушунчаларидан кўра кўпроқ руҳий сезгиларига, калб амрига кулоқ тутадилар. Сезгиларда эса субъективлик ва бетарафлик хусусияти устивордир. Бошқачароқ айтганда, олам ижтимоий тарзда эмас, инсоний моҳиятда анланади.

Бизнинг маъқур фикримиз ижодкор назарида олам фақат ҳиссиётдан иборат ҳолда анланади, деган маъноде тушунилмаслиги керак. Зеро, биз ҳар бир ижодкорнинг объектив воқеликка бўлган у ёхуд бу тарздаги муносабатини ифода этишини инкор қилмоқчи эмасмиз. Таъкидламоқчимизки, ташқи олам материалистлар тасдиқлаб келишганидай, инсон миясида жо бўлган (*интродукция*) гина эмас. Ижодкорнинг фаолиятида инсоният тафаккури етиб келган ва тажрибада синовдан ўтказган натижалардан зиҳор кам бўлмаган мавқеда унинг мутлақо ўзигагина дахлдор бўлган сезги ҳамда тасаввурлачи ҳам иштирок этади. Айнан шунинг учун ҳам бугунги романларимиздаги инсон онгли ҳаётини ташкил қилувчи мазмунларнинг шаклланиш жараёнида *феноменологик ёндашув* усули ёрдамида таҳлил этишни талаб этади. Бу тарздаги муҳокама жараёнида асосий эътибор: субъектив тажриба, шахс руҳидаги фикр, инсон “Мен”нинг ўзига хос бетакрор Яратилган эканлиги, унинг микродунёсини объективлаштириш мушкуллигига қаратилади. Бизнинг ҳукм-хулосаларимиз ҳаминша нисбийдир. Чунки ундан доим нималардир сирғаниб қолади. Инсон зотининг шундай жиҳатлари борки, улар на рационалистик тушуниш, на-да ижтимоий изоҳлашга сиғмайди. Бу маъжудот такрорланмас шахс-экзистенция. (Жан Поль Сартр) Мана шу нуқтага эътиборнинг кучайганлиги ўзбек романчилиги имкониятларини мислсиз кўзга кўрсатди.

Бизнинг романнависларимиз эндиликда инсон ҳаётини илгаригидай реал воқеликкагина боғлаб эмас, балки тақдирбитик ва омад, тангрининг инояти ва индивиднинг интилишлари, маънавий-руҳий олами мусаффолиги –

имони поклигига узвий боғлаб тасвирлашга интиломқдалар. Демак, нафақат романий тафаккур тарзи, балки ифода усуллари ҳам тобора янгилашиб бормоқда. Кувонарли жиҳати шундаки, ўзбек романчилигидаги бундай ижобий ҳаракатлар О.Ёқубов, П.Қодиров, О.Мухтор, Э.Самандар, Ҳ.Хошимов, Ш.Холмирзаев, С.Сиёев, М.Али, Х.Султонов, Х.Бегматов, А.Дилмурод, Ш.Бўтаев, У.Ҳамдам, А.Саид, С.Вафо, Т.Рустам, Л.Бўрихон, И.Шомуродов каби турфа авлодга мансуб носирларимизнинг ижод маҳсулларида ҳам турли-гуман кўринишларда изчил тарзда намён бўлмоқда. Бу эса миллий истиқлол даври ўзбек романчилиги ҳам маънавий, ҳам шаклий-услубий изланишлар жараёнини бошидан кечираётганлигини кўрсатади.

Эндиликда романчилигимизда ижтимоий ҳаёт ва шахсни ифода этишда янгича бадиий-эстетик концепция талқини етакчилик қила бошлади. Умумбашарий адабий-бадиий мезонларнинг барқарорлик даражаси ортди. Шахс тимсоли жонли ва қўламдор гавдаланиб, роман ғояси ифодаланган тасвир оҳанги пафосга айланди. Натижада, шахс ғояси ҳақидаги ёзувчининг ҳукм-хулосалари яқин ўтмиш ҳаётига нисбатан айбнома тарзида жаранглай бошлади. Ўзбек модерн романларида ўз руҳий дунёсидан мангик излаган, реал дунёга нисбатан бегоналик сезган Рустам (“Тушда кечган умрлар”), Абдулла Ҳаким (“Минг бир қиёфа”), Фозилбек (“Бозор”), Юсуф (“Мувозанат”), Акбар (“Исён ва итоат”), Бадал Армон (“Қапалаклар ўйини”) сингари йўлсизликдан қийналаётган шахс дунёкараши ва кайфияти ҳолат-манзараларини моддийлаштиришга эътибор ортди.

Миллий-адабий анъаналарга ҳос умидворлик асосида дунё адабиёти илғор тамойилларини ижодий ўзлаштириш хайрли самаралар берди. Шахс муаммоси талқини янгиланган экан, бу бадиий тафаккур табиий тадрижининг муқаррар ҳосиласи, тозариб бораётган бадиий диднинг талабидир. Дунёнинг жорий ҳолати ҳақида идрокимизда янгича бадиий концепция пайдо бўлиб, яхлит бир тус олган экан, романий қаҳрамоннинг шаклланиши ва ифодаланиши ҳам шунга мувофиқ тарзда кечади. Чунки бадиий идрок ҳамиша ўзига эш бўлувчи ифода йўсинини ҳам талаб этади. Бугунги кунда ўзбек романчилигида илгаридан мавжуд бўлган нореалистик шакллар ҳам, реалистик интилишлар ҳам бадиий-эстетик тафаккурнинг дунёвий янгиликларини ўзига сингдириб тобора таракқий этмоқда. Айниқса, нореалистик изланишлар романларимизнинг ифода тарзини, мазмун-мундарижасини, шакл-шамойилини бениҳоя кенгайтди. Бу турфа фалсафий-эстетик оқимларга таянувчи жаҳон романчилик мактаблари тажрибаларини миллий асосда ижодий ўзлаштиришга кенг йўл очилганлиги билан изоҳланади.

Ҳар бир алоҳида роман унга ўзининг ички қонуниятлари асосида ёндопишни талаб этади. Муайян ижодкорнинг яхлит услуги эса алоҳида олинган романлари услубидан келиб чиқиб белгиланади. Бир асар доирасида муайян услубнинг етакчилиги унинг бағрида ўзга услубий белгиларнинг мавжуд бўлиши мумкинлигини инкор этмайди. Муайян романнавис ҳар бир янги асари билан ифода тарзининг ўзига ҳос қирраларини намён этади. Ҳаёт

ва шахс бадий тадқиқидаги муваффақияти билан жанр ифода доғрасини кенгайтиришга улуш қўшади. Чунки инсон рухияти, тафаккур тарзига хос фавкуллоддалик ҳамиша унинг ифодаси учун етарлича асос вазифасини ўтайди. Ижодкорнинг ўзлиги, фикрлаш тарзи миллий-маънавий рухидан ташқарида намоён бўлувчи услубнинг бўлиши мумкин эмас. Демак, романнавис индивидуаллигини дунёқараш ва ифода ўзига хослиги белгилайди. Ҳар қандай жаҳоний қараш ва усуллар ижодий ўзлаштирилиб, миллий-эстетик актга эврилиши ва шарқона талқин қилинишига эришиш лозим. Бу талабга амал қилинмай битилган асар ўзбек романи поэтикасини юксалтиришга ҳам, китобхон эстетик дидини янгилаш ва маънавиятини ўстиришга ҳам улуш қўша олмайди. Шунингдек, романчилигимизни умумбашарий микёсларга кўтаришга ёрдам берувчи янгилик мақомини ҳам касб эта олмайди.

М У Н Д А Р И Ж А

БИРИНЧИ БЎЛИМ:

| | |
|--|----|
| 1.1. Туташ томирлар: поэтик ижод имкониятлари | 3 |
| 1.2. «Туркистон шеvasинда нашр қилинган илк таъсирли рўмон» | 6 |
| 1.3. Ҳозирги ўзбек романчилиги сарчашмалари | 30 |
| 1.4. Чулпон ва бутунги чулповшунослик | 35 |
| 1.5. Ички контрастли коллизия ва қаҳрамон руҳияти тадрижи | 46 |
| 1.6. Бадий- эстетик тафаккурнинг ижтимоийлашуви | 53 |
| 1.7. “Навой” романи жозибаси | 57 |
| 1.8. Характер динамикасининг эстетик идеал моҳиятига мутаносиблиги | 66 |
| 1.9. Адабий жараён диалектикаси (Дастлабки бўлимга хулоса ўрнида). | 72 |

ИККИНЧИ БЎЛИМ:

| | |
|--|-----|
| 2.1. Реал воқелик қамрови ва уни эстетик идрок этиш | 82 |
| 2.2. Ўзбек романи поэтикаси янгиланиш босқичида ... | 89 |
| 2.3. Роман тўқимасида серқатламлик ва кенг қамровлик | 93 |
| 2.4. Тасвирнинг бадий-эстетик салмоғи | 98 |
| 2.5. Инсон шахсининг фалсафий-психологик таҳлили | 116 |
| 2.6. Кўнгил мулки. | 123 |
| 2.7. Ўзбек романчилигида янги тўлқин (Иккинчи бўлимга айрим хулосалар) | 135 |

УЧИНЧИ БЎЛИМ:

| | |
|---|-----|
| Мистик-фантастик роман имкониятлари | 142 |
| <u>Х УЛОСА</u> : Илмий-эстетик қарашлар полифонияси | 149 |

Монография. Ёқубов Исломжон Ахмаджонович

ЎЗБЕК РОМАНИ ТАДРИЖИ

Тошкент - "Fan va texnologiya" – 2006.

Мухаррир: М.Тожибоева

Тех. мухаррир: А. Мойдинов

Мусахҳих: М. Ҳайитова

Босишга рухсат этилди: 10. 05. 2006. Қоғоз бичими: 60 x 84 1/16.
Офсет усулида чоп этилди. Буюртма: 66. Ҳисоб шартнома № 29- 06.
Ҳисоб нашриёт табоғи 10,0. Адади: 499. Баҳоси келишилган нарҳда.
"Fan va texnologiya" нашриёти, 700003, Тошкент ш. Олмазор, 171.
Фан ва технологиялар Марказининг босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Олмазор, 171.